

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ў. ҲОШИМОВ, И. ЁҚУБОВ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ  
ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ - 2003

**Тақризчи:**  
**педагогика фанлари номзоди**  
**Ш. С. ОЛИМОВ**

**Масъулмұхаррір:**  
**педагогика фанлари номзоди**  
**К. НАБИЕВА**

Ушбу қўлланма олий ўқув юртларининг бакалаврларига мўлжалланган бўлиб, у III та боб, илова, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва мундарижадан иборат.

Қўлланманинг биринчи бобида чет тили ўқитишнинг тилшунослик, психологик, педагогик ва психолингвистик асослари ҳамда методиканинг илмий текшириш метод ва категориялари батафсил ёритилган.

Иккинчи боб “Инглиз тилида нутқ фаолияти асосларини ўргатиш” деб номланган бўлиб, унда тил материалини ва нутқ фаолияти турлирини ўргатиш масалалари атрофлича ёритилган.

Қўлланманинг учинчи бобида инглиз тили ўқитишдаги мажбурий ва мажбурий бўлмаган курслар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турли ўқув муассасаларида инглиз тили ўқитишни режалаштириш ва инглиз тили тестлари устида ишлаш методикаси каби масалалар чуқур таҳлил қилинган.

Мазкур қўлланмадан умумий ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари фойдаланадилар, деган умиддамиз.

## СҮЗ БОШИ

Мазкур “Инглиз тили ўқитиши методикаси” қўлланмаси 1993 йилда Ў. Ҳ. Ҳошимов, И. Я. Ёқубов томонидан яратилган. Шу муаллифлар ёзган “Ўрта мактабларда инглиз тилини ўқитиши методикаси” қўлланмаси қайтадан ишланган ва кенгайтирилган, зарур ўзгартиришлар киритилган турли типдаги ўкув юртларида ҳам инглиз тилини ўқитишини қисман қамраб олган қўлланмадир.

Хозирги кунда Республикаизда чет тилларини мукаммал эгаллаган мутахассисларга талаб ортиб бораётгани учун қўлланмани қайтадан кўриб чиқишини, уни илмий жиҳатдан кенгайтиришни, ўрта мактаблардан ташқари боғча, академик лицей, коллежларда ва олий ўкув юртларда ҳам инглиз тилини ўргатиши методикаси билан танишиши давр тақозо этмоқда.

Қўлланма инглиз тилини ўқитиши методикасига оид энг янги услубий адабиётлар, мақолалардаши фикр-мулоҳазаларни, илмий ёндашишларни назарда тутган ҳолда ўзбек тилида ўқитиладиган ўкув юртларида инглиз тилини ўқитиши, ўзбек тилининг хуусусиятларини ва у ердаги шароитлари хисобга олиниб ёзилган.

Қўлланма олий ўкув юртини бакалаврларига мўлжалланган.

Қўлланма III та боб, илова, адабиётлар рўйхати ва мундарижадан иборат.

**I бобда** “Чет тилларни ўқитиши методикаси назарий асослари” 8 та параграфда берилган.

**II бобда** “Инглиз тили нутқ фаолияти асосларини ўргатиши” А ва Б қисмларга бўлиниб ёритилган.

А қисмда “Инглиз тили ва тил материалларини ўргатиши” 3 та параграф.

Б қисмда “Инглиз тили ва нутқ фаолияти турлари-ни ўргатиши” 8 та параграф орқали ёритилган.

**III бобда** эса “Инглиз тилини ўқитиши жараёнини ташкил қилиши” 4 та параграфда ёритилган.

Иловада “Инглиз тили методикасидан мустақил иш

лар”, “Инглиз тилини ўқитиши методикасидан тестлар”, “Инглиз тилини ўқитиши методикасидан методик топшириқлар” ёритилган.

Қўлланманинг I боб, учинчи параграф биринчи ва учинчи мавзулаари, олтинчи параграфи, II боб А қисмининг иккинчи параграфи, Б қисмининг учинчи ва тўртинчи параграфлари педагогика фанлари номзоди доцент Ў. Ҳошимов томонидан ёзилган;

I бобнинг биринчи, иккинчи параграфлари, учинчи параграфнинг иккинчи мавзуси, 4, 5, 6, 7, 8- параграфлари II боб А қисмининг I, III параграфлари, Б қисмининг 1, 2, 5, 6, 7, 8- параграфлари, III бобнинг ҳамма параграфлари ва мавзуулари катта ўқитувчи И. Ёкубов томонидан ёзилган.

**I БОБ  
ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИННИГ НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ**

**1-§ ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИГА  
КИРИШ**

Мактаб ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга фан асосларидан чуқур билим бериш, уларда замонавий дунёқараашни шакллантириш ва кенгайтириш, уларни эстетик тарбиялаш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишга тайёрлаш лозим. Буларни амалга оширишда чет тили ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Чет тилини ўқитиши методикаси шу соҳа бўйича мутахасисларни тайёрлашда етакчидир. Методика фанининг ўз мақсадлари, мазмуни, методик тушунчалари (категориялари), илмий текширув методлари, воситалари мивжуд. Республикада турли ўқув юртлари бор, шу сабабли улардаги ўқитиши мақсадларини кўзлаб шу ўқув юртлари учун ҳар бирига алоҳида чет тили ўқитиши методикаси яратилади.

Чет тилини ўқитиши методикаси лингводидактиканинг ажралмас қисмидир. Лингвометодика она тили, рус тили ва чет тиллари ўқитиши методикасини ўз ичига олади.

Чет тилларини ўқитиши методикаси фани ўз олдига қўйидаги мақсадларни қўяди:

1. Бўлажак мутахассисларда чет тили ўқитиши методикасидан кенг назарий замин яратиш;
2. Талабаларда таълимнинг тамойил, метод, воситаларини самарали ижодий қўллаш, малака-қўнималарини ҳосил қилиш;

Чет тиллари, хусусан инглиз тили ўқитиши методикаси курсининг мавзуси З гурухга бўлинади:

- 1.Инглиз тили ўқитиши методикасининг назарий асослари;
- 2.Инглиз тили нутқ фаолиятининг асосий турлари  
а) тил материалини ўргатиш, б) нутқ фаолияти турларини ўргатиш;

3. Инглиз тили ўқитиши жараёнини ташкил қилиш.

Собиқ Иттифоқда чет тилини ўқитиши методикасининг асосчиси академик Л.В. Шчерба эди. Бу соҳада И. В. Рахманов, А. А. Миролюбов, В. С. Цетлин, В. Д. Аракин, З. М. Цветкова, С. Ф. Шатилов, Н. И. Гез, Г.В.Рогова, И. Л. Бим ва бошқалар меҳнат қилдилар. Ўзбекистонда ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда чет тили ўқитиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий ишлар, диссертациялар, дастурлар, дарслер яратилган. Лекин ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда, хусусан инглиз тили ўқитишнинг барча жиҳатларини ҳисобга олган мукаммал дарслер ҳам, қўлланма ҳам яратилмади, рус мактаблари учун эса қўлланмалар чоп этилган.

Мазкур қўлланма ўзбек тилида, ўзбек тили ўқитиладиган мактабларда инглиз тили ўқитиши методикаси бўйича биринчи қўлланмадир.

## **2-§. МЕТОДИКА ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИДИР**

### *1. Чет тили ўқитиши методикаси*

Хозирги кунда чет тили ўқитиши методикасининг фанлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. XVIII асрдагача айрим олимлар чет тилини ўқитиши методикасини қиёсий тилшуносликнинг амалий тадбигидир деб қарасалар, бошқалар уни педагогика фани деб ҳисобладилар.

Хозирги даврда чет тилини ўқитиши методикасига чет тилларни ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни, қонуният, метод, воситалари, йўл ва усувлар, ўқитиши тизимини ўрганиш ҳамда ўргатиш билан шуғулланувчи, уни режалаштирувчи, шунингдек, чет тили оркали ўқувчилар, талабаларни тарбиялаш жараёнларини амалга оширувчи фан сифатида қаралмоқда.

Методиканинг фан сифатида шаклланиши ҳамда ривожланишида педагогика, психология, тилшунослик каби фанлар билан алоқаси муҳим бўлмоқда. Чет тили ўқитиши методикаси барча фанлар каби шуғулланиш предмети, обьекти, илмий-тадқиқот услуби, методик тушунчалари ва методологик асосига эга.

Чет тилини ўқитиши методикасининг назарий асоси ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

1. Ҳозирги давр чет тили ўқитиши методикаси мактаб, академик лицей ва касб-хунар колледжларида методиканинг асосий қисмларини ёритиш ва унинг асосида ўқувчи, талабаларга таълим бериш.

2. Ўқувчи талабаларга чет тили ўргатишнинг илғор метод ва усулларини таништириш.

3. Ҳозирги давр методикасининг таркибий қисм, воситаларини ёритиш.

4. Ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш.

5. Семинар машғулотлари орқали мутахассислик учун зарур малака ва кўникмаларни шакллантириш.

6. Бўлажак ўқитувчиларни маҳсус илмий-методик адабиётлар билан ишлашга ўргатиш орқали ўз касби устида мустақил шуғулланишга, илмий ишларга тайёрлап<sup>1</sup>.

Ўрта мактабда чет тили уқитиши методикаси уз предметига эга. Методика предметининг ташкилий қисмларини куйидаги жадвалдан куриш мумкин:

Чет тили ўқитиши методикасининг предмети	
I	II
Чет тили ўқитиши жараёни	Ўсиб келаётган ёш авлодни чет тили орқали тарбиялаш
1	2
Чет тили материалини ўзлаштириш	Нутқ малака кўникмаларини ҳосил қилиш ва шакллантириш
A	B
Чет тили материалини киритиш, тушунтириш	Шу материални қўллай олиш

<sup>1</sup> Н. И. Гез и другие. Методика обучения ин. языкам в средней школе М., 1982 стр. 5.

И. Л. Бим методиканинг асосий обьектига ўқув фанлари бўйича таълимни амалга оширувчи дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқитиши жараёнининг ташкилий шаклларини киритади. Унинг фикрича ҳар бир фаннинг ўз обьекти бўлиб, уни ўзининг нуқтаи назаридан ўрганади. Чет тиллар ўқитиши методикаси мактаб ва бошқа ўқув юртларида чет тилидан нималарни ўрга-

тиш, ўрганиш ва қандай ўргатиш масалалари билан шуғулланади.

Чет тили ўқитиши методикаси умумий ва хусусий методикаларга булинади:

**Умумий методика** А. А. Миролюбов таҳрири остида чиққан «Теоретические основы обучения иностранным языкам в средней школе», Н. И. Гез ва бошқаларнинг «Методика обучения иностранным языкам в средней школе», Ж. Ж. Жалоловнинг «Чет тили ўқитиши методикаси»ларини киритиш мумкин. Уларда умумий чет тилини ўқитиши масалалари, ўқитиши таомиллари, методлари, усуллари, йўллари, воситалари ёритилган.

**Хусусий методика** битта чет тилини ўқитиши методикаси масаласи билан шуғулланади. Бунга Г. В. Рогованинг «Methods of teaching English», С. Ф. Шатиловнинг «Методика обучения немецкому языку в средней школе», И. Л. Бимнинг «Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе», Л. С. Андриевская-Левенстерннинг «Методика преподавания французского языка в средней школе» қўлланмалари мисол бўла олади. Кейинги йилларда методиканинг тарихий, экспериментал, қиёсий ва бошқа турлари яратилди.

Чет тиллар ўқитиши методикасининг таянадиган методологик асоси, илмий-тадқиқот (текширув) методлари мавжуд. Уларга ўқув юртларидағи ўқитиши тажрибасини танқидий (ретроспектив) ўрганиш; тил ўргатиш тажрибаларини умумийлаштириш; ўқитувчиларнинг дарс, машғулот, маъruzаларини кузатиш; сухбатлар, тестлар, тажриба экспериментлари ўтказиш; хронометраш, анкета-саволларига жавоб бериш, осциллографик таҳлил қилиш методлари ҳам шулар жумласидандир.

Бу методик тушунчаларнинг айримлари устида қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумки, тажриба ва экспериментлар ўзаро фарқланади. Тажриба асосида ўқитиши ойлар, йиллар мобайнида ўтказилса, эксперимент бирор янги мавзу, метод, усул, машқ, илмий фаразни қисқа муддатда синайди, текширади.

Тест инглизча сўз бўлиб, синов, синаш, деган маъноларни билдиради. Бу усул АҚШда биринчи бор қўлланилган. Тестлар билан шуғулланувчиларни тестологлар дейилади. Тестда ҳаммага бир хил шароит яратилади, талаб қўйилади, фаоллаштирилади.

Методикада тестнинг текшириш, дидактик, психологияк ва ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш каби турлари мавжуд.

Хронометрлашда ўқув жараёни ёзиб борилади. Ёзиб олинган ўқув жараёни тахлил қилинади, ўрганилади, амалда фойдаланилади.

Осциллографик тахлил қилишдан талаффуз устида ишлаганда фойдаланилади.

Чет тиллар ўқитиш методикасининг услубий тушунчалари бор. Улар методиканинг тамойил, усул, йул восита, ўқитиш тизими, технологияси, малака ва кўникмасидан иборат. Бу методик тушунчалар бир-бирини тўлдиради. Улар методиканинг энг зарур, керакли тушунчаларидир. Методика бу тушунчалар орқали чет тили ўқитишни ишлаб чиқади, таълим-тарбия беришда улардан фойдаланади. Ҳар бир фан ўз тамоилиларга эга. Шулар қаторида методика фанининг ҳам тамойиллари бор.

Тамойил таълим-тарбия беришда риоя қилиниши лозим бўлган қонуниятдир.

Методни ўргатиш усулларининг йигиндиси ва бутун бир йўналиш сифатида тушунилади. Биринчиси, талаффузни, лексикани ўргатиш методлари мисол бўйса, иккинчисига, чет тилини ўқитишда олдин қўлланилган лексика-таржима методни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Методикада усул, йўллар ҳам мавжуд бўлиб, улар (усул, йўллар) йигиндиси методни ташкил қиласи. Методик йўл, усул ўқитишда қўлланиладиган кичик методик иш фаолиятидир.

Чет тили ўқитишнинг воситаси эса ўқув жараёнида таълим-тарбияни амалга оширишда ишлатиладиган ўқув-методик фуролларни ўз ичига олади. Улар чет тили ўқитиш, ўрганишни осонлаштиради.

Методикада методик тизим ҳам мавжуд. Чет тили ўқитишда қўлланиладиган метод, йўл, усул, тамойил-

лари методик тизимни ташкил қиласи. Инглиз тили ўқитиш тизими мавжуд.

С. Л. Рубенштейннинг фикрига кўра, машқлар бажариш ва тренировка қилиш йўли билан шаклланадиган, онгли равишда бажариладиган фаолиятнинг автоматлашган компонентлари малакалар деб номланади. Психолингвистика ва методикага оид адабиётларда

«нутқ малакаси» термини ҳар хил талқин қилинади. Мавжуд бўлган фикрларнинг бирига кўра, нутқ малакаси нутқ кўнигмасидан шу жихатдан фарқ қилинади-ки, нутқ кўнигмаси анча ижодий характерга эга. Нутқ малакаси эса ўз хусусиятига мувофиқ механик равишда амалга оширилади.

Бу масалада И. А. Зимнянинг фикрини анча асосли деб ҳисоблаймиз. Унинг фикрига кўра, фаолиятнинг ҳаракатлари, яъни фикр шаклланишнинг лексик, грамматик ва фонетик томонлари фаоллашган даражада ишлаб чиқилиши зарур. Бошқа сўз билан айтганда, фикрнинг ўзи эмас, тил воситалари фаоллашган бўлиши мумкин. Шунинг учун, А. И. Зимнянинг тушунтиришича, тил аспектлари билан боғлиқ нутқ малакалири ҳақида, яъни фаоллашган нутқ операциялари ҳақида гап юритиш мумкин. Демак, лексик, грамматик ва фонетик нутқ кўнигмаларининг фаоллашган компонентлари ҳисобланади. Ҳаракатнинг фаоллашганлиги малаканинг асосий белгиси бўлиб, у ҳаракат ёки операцияни кўп марта бажарилганлиги натижасида шаклланади. Малаканинг бундан бошқа хусусиятлари унинг барқарорлиги, ихчамлиги ва жўшқинлиги саналади.

Психологияга оид адабиётда малакалар кўчирилишига катта аҳамият берилади. Ўзлаштирилган малакалар ва операциялар янги вазифаларга тўғри ва муваффақиятли кўчирилиши фаолиятнинг янги турларини тез ва кам хатога йўл қўйиб ўзлаштириш деган маънни биддиради. Бу қоидани чет тилида нутқ фаолиятини ўргатишга татбиқ қилиш мумкин. Чет тилидаги нутқ фаолиятини ўзлаштиришда она тили акс таъсиридан ёки иккинчи чет тилини ўзлаштиришда биринчи ўрганилган чет тилининг нисбатан акс таъсири натижасида хатолар пайдо бўлиши мумкин.

Машқ чет тили ўқитиши методикасининг тушунчаларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчи машқ орқали ўқувчиларга таълим-тарбия беради ва ўқувчиларга инглиз тилини ўргатишда мустаҳкамлашда, фаоллаштиришда

машқлар орқали уларнинг билимини текширади, баҳолайди, кенгайтиради, ўстиради.

«Ўқитиши технологияси» методик тушунчасини Г. В. Рогова ва И. Н. Верешагинанинг қўлланмасида ва бошқа методик адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Улар бу атамани ўқитиши технологияси ҳақидаги фан деб таърифлайди. Ўқитиши технологияси илмий асосда ўқитиши

ни талаб қиласы, тамойил, метод, усул, йўллар, воситалар, машқлар асосида ўқитиш билан боғлиқдир.

Чет тили ўқитиш методикасининг асосий ўрганадиган масалалари мавжуд.

Г. В. Рогова уларга чет тили ўқитиш мақсад ва вазифаларини: чет тилини ўқитиш мазмунини, чет тили ўқитиш методлари ва техникасини киритади. У жадвалдан қуидагича кўринади:

Чет тили ўқитиш методикаси ўрганадиган масалалар

1

2

3

Чет тили ўқитиш мақсад, вазифалари	Чет тили ўқитиш мазмунини	Чет тили ўқитиш методлари ва техникаси
------------------------------------	---------------------------	--

С. Ф. Шатилов, И. Л. Бим эса уларга:

- 1) чет тили ўқув предмети эканлигини, яъни уни мақсад, вазифаларини белгилаш ёки нима учун ўқитилишини аниқлашдан;
- 2) ўқитишнинг мазмунини белгилаш, яъни олдиғимизга қўйилган мақсадга эришиш учун нималарни ўқитиш кераклигини аниқлашдан;
- 3) ўқитувчининг ўқитиш фаолиятидан;
- 4) ўқувчининг ўқув ўрганув фаолиятидан иборат деб таъкидлайдилар.

Методиканинг чет тили ўқитувчилари тайёрлашдаги ўрни муҳимдир.

Ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлари ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилар олдига ҳозирги давр талабларини қўйди. Бу эса ўқитувчилар тайёрлашни янада яхшилаш кераклигини кўрсатади. У ўқитувчилардан ўқувчиларга, талабаларга чуқур мустаҳкам билим беришни, уларни амалда қўллай оладиган қилиб ўргатиши талаб қиласи. Бунинг учун олий ўқув юртларда бўлажак ўқитувчиларга чуқур замонавий назарий билим бериш, психологик-педагогик тайёргарликни яхшилаш лозимдир. Юқоридагиларни амалга оширишда бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигининг сифатини ошириш муҳим ўрин тутади. Ҳозир шулар хисобга олиниб, чет тилини ўқитиш методикаси қайтадан кўриб чиқилмокда, ҳозирги замон талабларига мослаштирилмокда. Олий ўқув юртларида ҳар бир фан бўйича таълим-тарбия педагогик касбга йўналтирилиши керак.

Ҳозир буни педагогизациялаштириш деб юритилмокда. Унинг учун бўлажак ўқитувчиларни касб мутахассислиги бўйича тайёргарлигини яхшилаш, уларда чет тили ўқитишининг методик малака қўникмаларини шакллантириш, технологиясини ривожлантириш зарур. Малака қўникма масаласи билан И. И. Саломатов, Г. В. Перфилова, В. Н. Богородицкаялар шуғулланганлар.

Б. Н. Богородицкаянинг фикрига кўра бунда режаштириш масаласи, дарс жараёнини ташкил қилиш, ўтказиш малакаси асосий масаладир. Булар олий ўқув юртларида назарий, амалий мактабда эса амалиётда ўргатилади.

Г. В. Перфилова касб мутахассислик бўйича тил материалини киритиши, тушунтиришнинг энг фойдали, осон йўли, усусларини танлаш, қийинчиликлари ни аниқлай олиш, тил машқлари турларини танлаш тайёрлаш, қўллай олиш, нутқ машқларининг турларини тайёрлаш, аниқ бир белгиланган матнни ўқувчига ўргатиш учун дарс соати меъёрини белгилай олиш малакаларини кўрсатади.

Ҳозирги даврда чет тилларини ўқитиши методикасининг олдига қўйган вазифаси мана шу малакаларни бўлажак ўқитувчиларда шакллантириш, фаоллаштириш, ривожлантиришдан иборатdir. Бунинг учун эса олий

ўқув юртларда фанлар ўқитилишини касбга йўналтирилиши зарурdir.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Чет тили ўқитиши методикаси фанми?
2. Чет тили ўқитиши методикаси предмети ўзи ичига нималарни олади?
3. Чет тили ўқитиши методикасининг илмий текшириш методлари нима учун зарур?
4. Чет тили ўқитиши методикасининг методик тушунчалари нима учун зарур?
5. Чет тили ўқитиши методикасининг ўрганадиган масалалари борми? Улар нима учун зарур?
6. Педагализациялаштириш деганда нимани тушунасиз? Ҳозир олий ўқув юртларида педагогизациялаштириш бўляптими?
7. Чет тили ўқитувчиларининг касб, мутахассислик бўйича тайёргарчилити деганда нимани тушунасиз? Ўқитувчи қандай малакалар-

га эга бўлиши керак?

8. Чет тили ўқитиш методикаси фан бўлиб ривожланяптими?

### **3-§. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНинг АСОС ВА ЯҚИН ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ**

Чет тили ўқитиш методикаси бир катор фанлар — фалсафа, педагогика, психология, тилшунослик, она тили ва рус тиллари ўқитиш методикалари каби турли фанлар билан алоқада бўлиб, уларга таянади ва улар кўмагида методикани илмий ишлаб чиқади.

Чет тили ўқитиш методикаси педагогиканинг дидактика, тарбия назарияси соҳаларига, психологиянинг педагогик психологияси, нутқ психологияси, ёш психологияси, нейропсихология, тилшуносликнинг эса социолингвистика, статистик тилшунослик, паралингвистика, матн лингвистикини ва психолингвистика каби соҳалари билан бевосита боғлиқ.

Чет тили ўқитиш методикаси фалсафа фани орқали ўкувчиларнинг дунёқарашини шакллантиради.

Юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олиб методика учта фанларга

1. Лингвистика (тилшунослик)га
  2. Психологияга
  3. Педагогика (дидактика)га асосланади.
- Уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

#### **1. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНинг ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

##### **Тил ва нутқнинг фарқланиши ва унинг методика учун ахамияти**

Чет тили ўқитиш мақсадлари ва шарт-шароитлари тил материалининг ҳажми ва характерини, хусусиятини белгилайди. У мумий ва хусусий тилшунослик факларига қараб тиллараро хилдаги интерференсия ҳоди-

саси билан боғлиқ бўлган қийинчилик типологияси аниқланади ҳамда ўқув материалини танлаш ва ташкил қилиш амалга оширилади.

Бу барча муаммолар мажмуасининг ҳал қилинишини тилшунослик, тил материалининг характерига эга эканлиги, тил ва нутқ, уларнинг ўзаро муносабати ва

вазифалари, тил конхактлари ҳақидағи түшунча билан боғлиқдир.

Тилшунослик ёки лингвистик тилларни у ёки бу кишилик жамиятида қабул қилинган ва мұомала жа-раёнларини амалға ошириш учун бундай жамиятлар-га хизмат қыладыған ишоралар (кодлар) тизимлари си-фатида ўрганади. Кейинги пайтларда тилшунослик ўзи-нинг янги соҳаси психолингвистика билан бирға нутқ фаолиятига тил кодлари (белгилари) ёрдамида маъ-лумот узатиши қабул қилиш жараёни сифатида эътибор бері бошлади. Меходика эса тилни ўқитиши, талабаларда нутқни ривожлантириш муаммолари би-лан шуғулланади, яғни тилшунослик шуғулланадыған ҳодисаларини текширади. Бу боғлиқлар яна шу билан характерланады, методика тилшуносликнинг асосий түшунча ва қонуниятларидан фойдаланиб ўқитиши объектининг ўзига хос хусусиятларини бел-гилайди. Тилшунослик билан методика ўртасида жид-дий алоқалар мавжудлиги ана шу нарса билан бел-гиланади.

Методика тилшунослиқдан тилнинг юзага келиш, ривожланиш, фаоллашиш қонунларини, хусусиятла-рини билиб олади. Уларнинг методикасини билиш за-рур, чунки методика шу тилни ўргатиши билан шуғул-ланади. Методика тил қонунларини, хусусиятларини билса, тилни ўргатиши тамойилини, методини, йўлла-рини, усулларини, машқларини ишлаб чиқиши осон-лашади ёки у қонунлар асосида тилни ўргатиши метод-ларини ишлаб чиқади, танлайди. Тилшунослиқдан ўрга-тиладыған тилнинг хусусиятларини, методикасини би-лиши, шу тилни ўргатишида учрайдиган қийинчилек-ларни йўқотишига, олдини олишга ёрдам беради. Мето-дика хусусий тилшунослиқдан тил материаллари (лек-тика, грамматика, фонетик) материалларни, нутқ на-муналарни олиб, уларни ўргатишини ишлаб чиқади.

Юқоридаги сабабларга кўра, методика билан тилшу-нослик узвий боғлиқдир.

Маълумки, замонавий лингвистик адабиётда ти ва нутқнинг ўзаро алоқасига оид ҳамма томондан эъти-роф этилган ягона фикр мавжуд эмас.

Бир гурух тилшунослар тил ва нутқнинг фарқ қили-ниши тилшунослик назарияси учун қонуний ва сама-рали деб ҳисоблайди.

Бошқа тилшунослар эса бундай фарқланиш уму-мий тилшунослик муаммоларини мукаммал ишлаб чи-

қилишига ва тил ривожланишининг асосий ғояларига  
мос келмайди деб ўйлади.

Учинчи гурух тилшунослар тил билан нутқни фарқ-  
лаш мумкинлиги ва фойдали эканлигини тан олган  
ҳолда, тил ва нутқ бир-бирига қарама-қарши қўйил-  
маслиги керак, чунки тил ва нутқ ҳодисанинг иккита томонидир деб  
карайди. Сўнгги фикрга қўшилиш анча

қийин, чунки тил ва нутқнинг бирлиги айнан бир тил  
моҳиятга эга ҳодисалардир деб ҳисоблашга асос бўла  
олмайди.

Машҳур тилшунос олим Л. В. Шчерба тилда учта  
томонни: нутқ фаолияти, тил тизими ва матнни фарқ  
қилиш лозимлигини кўрсатади. Унинг фикрига кўра,  
нутқ фаолияти — гапириш ва нутқни тушуниш жараён-  
ларидан, тил тизими, тиллар луғатлари ва граммати-  
калардан, тил материали эса матндан иборатдир.

Тилнинг нутқдан асосий фарқи шундан иборатки,  
тил, тил воситалари тизимидан иборатдир, нутқ эса  
**бу** тизимдан фойдаланиш жараёни ва натижаси демак-  
дир. Нутқий муомала ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Нутқнинг тилдан фарқи шундаки, нутқ бир пайтда  
индивидуал руҳий ҳодиса саналади, тизим сифатидаги  
тил эса ижтимоий ҳодисадир: нутқ ривожланувчан,  
ўзгарувчан, вазият билан боғлиқ ва тасодифий ҳодиса-  
дир. Тил эса ички алоқаларнинг мужассамланган тизи-  
ми бўлиб, у ўз моҳиятига кўра, доимий, қатъий, ўзгар-  
мас ҳодиса саналади. Тил бирликлари шаклан-семан-  
тик жиҳатига кўра тизимга бирикади.

Нутқда тил бирликлари коммуникатив мазмун асосида  
ўз вазифасини бажаради.

Тил ва нутқ тушунчасини фарқлаш, методика учун  
жуда муҳимдир. Замонавий тилшуносликда тил деган-  
да ижтимоий аҳамиятга эга бўлган коммуникатив шифр-  
ни ва у ёки **бу** жамият кишилари онгода мустаҳкам-  
ланган бу коддан фойдаланиш ҳақидаги қоидалар ту-  
шунилади. Бошқача қилиб айтганда, тил **бу** алоқа учун  
зарур ва етарли бўлган тил воситалари тизими ва улар-

дан фойдаланиш қоидаларидан, нутқ эса тил тизими-  
нинг маълум нутқий ҳаракатларда ифодаланишидан  
иборатдир, яъни у алоқа жараёнини ҳам, шу жараён  
маҳсули бўллган матнларни ўз ичига олади. Бундай фарқ-  
ни ҳисобга олиш методика учун муҳимдир.

Академик Л.В.Шчерба айтиб ўтганидек, тилни том  
маънода билиш учун тил тизимини билишнигина таъ-

минлайди, лекин у бу тизимдан мұомала воситаси сифатыда фойдаланишга олиб келмайди. Тилдан амалий фойдаланиш учун, яғни нутқни ўзлаштириш учун тил воситалари ва улардан фойдаланиш қоидаларигина әмас, балки уларни нутқий ҳарактерларда фаол равишида қўллашни билиш зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб ўқитиш жараёнида фақат тил воситаларини эсда сақлаш ва уларни қўллаш малакасигина мустаҳкамлашни кўзда тутмай, мұомалада машқ қилиш, яғни нутқий ҳаракатларни амалга ошириш ҳам ҳисобга олиниши керак, деган холосага келиш мумкин.

Тил ва нутқ тушунчаларини фарқ қилиш асосида тил ва нутқ бирликлари ажратилади. Фонемалар, морфемалар, сўзлар ва гаплар каби бирликлар тил бирликлари ҳисобланади. Тилшуносликнинг янги соҳаси ҳисобланган матн тилшунослиги гапни әмас, матнни нутқ бирлиги сифатида қабул қилган. Айтилган гап ёки жумла матннинг алоҳида кўриниши деб қаралади. Академик Л.В.Шчерба синтагмани нутқнинг энг кичик бирлиги деб ҳисоблаган. Тил ва нутқ бирликлари ни ана шундай фарқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш методика учун муҳим аҳамият касб этади. Тил бирликлари ҳисобланган, фонемалар, морфемалар, сўзлар ва ҳоказоларни ўзлаштириш жараёнини таъминлаш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш керак. Бундай материал тилшуносликдан олилади.

Кейинги пайтларда структурал тилшуносликнинг ривожланиши билан боғлиқ равишида моделлаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Тилшунослик фанида моделларнинг ишлаб чиқилиши чет тилини ўқитиш методикаси учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Статистик моделлар китобий ёзма услубнинг турли хил кўринишдаги матнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда ёрдам беради. Демак, бундай моделлар ўкувчиларни аста-секин асл матнларга олиб келадиган ўкув матнларини тузиш учун асос бўлади. Бундай моделлар

ўқитишни эгаллаш учун ўрганиладиган тил воситала-рининг мажмуасини белгилайдиган ва нотаниш материалларнинг киритилиши қай даражада мумкинлигини аниқлайди. Базис моделлари методика учун яна ҳам кўпроқ қийматга эга, чунки аниқ мавжуд бўлган гапларнинг чексиз миқдори базис моделлардан ҳосил қилинади ёки келтириб чиқарилади. Базис моделлари гап босқи-

чида сўнгги структураларни характерлайдиган мавхум белгилардан иборатдир. Базис моделлари одатда қуидаги белгилар билан ифодаланилади;

S – субъект, P – предикат, O – воситасиз объект, N – от, V – феъл, A – сифат, Adv. – равиш ва х.к. чет тили ўрганиш амалиётида гап тузилишининг мавхум чизмаси ҳолидаги моделлар эмас, аниқ гаплар қўлланилади. *Масалан:* S – P – O тузилишига қуидаги асл гаплар мос келиши мумкин;

*I have written a letter.*

У ёки бу моделни акс эттирувчи бундай гаплар типовой гаплар ёки нутқ намуналари деб аталади, чунки улар намуна ёки қолип ролини ўйнайди. Турли лексик ва грамматик шаклларга эга бўлган уч элементли гапларнинг кўп сонли миқдори шуларга мувофиқ тузилиши мумкин. Оғзаки нутқقا ўргатишда ана шундай намуналардан фойдаланишининг мақсадга мувофиқлиги нутқ механизми ҳақидаги психологик фактлар билан ҳам тасдиқланмоқда. Масалан, Н.И.Жинкин киши онгида синтактик чизмаларнинг сақланиши ҳақида ўз тахминини етарлича асослади. Айтиладиган гаплар ана шу чизмаларга мос равишида тузилади. Шунинг учун нутқ намуналари асосида ўқувчилар онгида бирданига маълум структурал синтактик чизма изи қолади. Структурал тилшуносликнинг ривожланиши билан нутқ намуналари ёки типовой гапларнинг ажратилиши мустаҳкам лингвистик асосга эга бўлади, нутқ намунасининг ўзи эса оғзаки нутқни ўргатиш учун асос бирлигига айланади.

Чет тиллар ўқитишда нутқ фаолияти малака ва кўникмалари кишида барпо қилинган она тили тизими мавжудлиги шароитида шаклланади; бундан ташқари мактаб ўқувчисида ва талабаларда рус тили тизими шаклланиш даврида бўлади, шунинг учун чет тиллари самарали ўқитиш жараёнини ташкил қилишда

умумий ва хусусий тилшуносликка оид далилларни ҳисобга олиш зарур. Махсус лингвистик ва методик изланишларнинг гувоҳлик беришича мактабда, лицей ва коллежларда ўқитиладиган тиллар бир-бирига ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Хали яхши ўрганилмаган ижобий таъсир шундан иборатки, она тилида таркиб топган қатор кўникмалар

чет тилини ўзлаштиришга кўчирилади. Масалан, матнини овоз чикариб ўқиш кўникмасини эгаллаш болалар ёки мактабда ўқимаган катта ёшдагиларда чет тилини ўрганаётган саводли ўқувчиларга нисбатан катта қиинчилик келтириб чиқаради. Чет тилини ўзлаштиришда она тили тизимини билиш, айниқса, она тили ўрганилаётган тилларда ўхшаш ҳодисалар мавжуд бўлганда, ўқувчиларга ёрдам беради. Ана шундай ижобий таъсир кўчирилиш деб аталади, сабаби шуки, малака ва кўникмалар она тилидан чет тилига кўчирилади.

Шу билан бирга она тили чет тилини ўзлаштиришга акс таъсир кўрсатади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчи ўз она тилининг одатланган меъёрини чет тилига кўчиради. *Масалан*, ўқувчилар чет тили товушларини она тили товушларига ўхшатиб талаффуз қиласиди. Она тилидаги нисбатан эркин бўлган сўз тартиби меъёрини гарбий европа тилларига олиб киради, она тилидаги ўхшаш ҳодисаларнинг маъноларини чет тили ҳодисаларига нисбатан нотўғри қўллайди.

Тилшуносликка оид изланишлар шуни кўрсатадики, икки тил тизимининг алоқаси даврида учунчи тизим пайдо бўлиб, унинг тизилиши йўл қўйилган хатолар билан ифодаланади. Бундай тизим чет тилини ўрганаётган киши онгода ҳосил бўлади. Интерференциянинг кўрсатгичлари бўлиб хатолар хизмат қиласиди. Икки тил тизими контакти пайтида пайдо бўладиган интерференция ва кўчирилиш ҳодисаларини ҳисобга олиб, методикаси ўрганилаётган чет тилини она тили билан таққосланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўкув жараёнини ташкил қилишни ишлаб чиқиш керак. Методика ўкув жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, кўчирилиш ҳодисаси кенг қўлланishi ва интерференция ҳодисасининг олди олинишини таъминланиши зарур.

### **Текшириш учун савол ва топшириклар:**

1. Чет тилини ўқитишининг тилшуносликка асосланиш сабаблари нима ?
2. Чет тилларини тилшуносликка асосланмай ўқитиш мумкинми ?
3. ми ?

4. чет тилларини ўқитиш тилшуносликнинг қандай томонларига асосланади ?
5. чет тиллари ўқитишга тиллар алоқаси ижобий ёки заарли таъсир қиласими ? Мисоллар келтиринг.

## **2. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Юқорида айтиб ўтилганидек, чет тили ўқитиш методикаси психология фани билан узвий алоқада бўлади. Бу алоқа методикага чет тиллар ўқитишнинг психологик асосларини белгилаш, шулар асосида ўз метод, йўл, усул, тамойилларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Олимлар методиканинг психология фани билан алоқаси ҳақида турли фикрларни билдирганлар. Бу алоқа И.В.Рахмановнинг фикрича, биринчидан, психологияни инсон нутқини фаолиятининг муаян тури сифатида ўрганишда, иккинчидан, методика таълим тарбия жараёнининг психологик қонуниятларидан фойдаланиб амалга оширишда намоён бўлади. Бу алоқани амалга ошишида психолингвистика ва педагогик психологиянинг ўрни муҳимдир. Булардан ташқари умумий ва нутқ психологияси, ёш психология, нейропсихология, инженерлик психологияси ва бошқаларни ўзига хос ҳиссалари бор.

Психология нутқни ички ва ташқи, актив ва пассив, оғзаки ва ёзма, рецептив ва репродуктив нутқларга ажратади ҳамда ўрганади. Методика эса психологиянинг хуносаларига асосланиб, ўрганиладиган материалларни ўқитиш тамойил ва усулларини ишлаб чиқади.

Психологик маълумотларга кўра, тил коммуникация ёки алоқа воситасидир. Методика чет тилини ўқитишда коммуникативлилк тамойилига таянади.

Машҳур психологик Н.И.Жинкиннинг тилини ўргатишида киши ўқитувчининг назоратидан ўзини ўзи назорат қилишга ўтсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин деган фикри қизиқарлидир.

Методика мана шу ўтишни барча воситалар билан тезлаштиришга хизмат қилмоғи керак.

Чет тиллар ўқитиш методикаси фаолиятларини ўргатиши билан шуғулланар экан, у нутқ психологиясини билиши зуурдир.

Ташқи нутқда киши нутқни оғзаки ифодалайди,

күпинча у гапириш орқали амалга оширади. Бунда киши олдин фикрлаб, тайёрлаб, сўнг ташқи нутқни амалга оширади. Олдин фикрламай нутқ сўзлаш кўпинча мантиқсиз нутқни келтириб чиқаради.

Ички нутқ асосан ўқувчини ўйлаши, фикрлаши асосида содир бўлади. Кўриниши жиҳатдан улар фарқланади. Ички нутқ ичидаги ҳосил бўлса, ташқи нутқ ташқарида ҳосил бўлади.

Олдин ички, сўнг ташқи нутқ нутқнинг мазмунли, мантиқий бўлишининг гаровидир. Шунинг учун методика ўқувчиларга нутқ ўргатишда олдин ички нутқ, сўнг унинг асосида ташқи нутқ ҳосил қилишни таклиф қиласади, кўрсатади.

Ўқувчи, талабалар икки хил фаолият бажаради: биринчисида гапириш, фикрни ёзма баён қилиш, яъни маълумот бериш кўзда тутилса, иккинчисида тинглаб тушуниш, ўқиш орқали маълумот олиш ҳисобга ошади.

Талаба, ўқувчининг гапиришида фикрини ёзма баён қилишда ҳам бир хил ҳаракат амалга ошади. Ўқувчи, талаба олдин фикрлайди, яъни ички нутқи амалга ошади, сўнг у сўзлар орқали ушбу фикрини ташқи муҳитга оғзаки ёки ёзма шаклда ифодалайди.

Маълумот олиш тинглаб тушуниш, матнларни ўқиши орқали амалга ошади. Бу ерда ўқувчиларда олдин ташқи нутқ, сўнг ички нутқ содир бўлса, маълумот беришда олдин ўқувчида ички нутқ, кейин эса ташқи нутқ шаклланади, содир бўлади.. Шу сабабдан, маълумот беришда методика олдин ички нутқ, сўнг ташқи нутқ бажарилиши, маълумот олишда эса олдин ташқи нутқ, сўнг ички нутқ қилишга ўргатиш зарурлигини таъкидлайди.

Психология нутқни оғзаки, ёзма нутқ шаклларга ажратиб, оғзаки нутқ, оғзаки шаклда, ёзма нутқ эса ёзма шаклда амалга ошишини таъкидлаб, уларни содир бўлиши бўйича бир хил жараён кечишини уқтиради.

Иккала шаклда ҳам олдин ички нутқ, сўнг ташқи нутқ содир бўлади, лекин биринчисида ташқи нутқ

оғзаки ифодаланади, иккинчисида ёзма ифодаланади. Методика нутқни ўрганишда буни ҳам ҳисобга олади, психологик нуқтаи назаридан оғзаки нутқ ёзма нутқка қараганда ўқувчида осон қўчади, шунинг учун методика оғзаки нутқда олдин ўрганишни, сўнг шу оғзаки ўрганган материалларни ёзма нутқда ифодалаш мето-

дикасини таклиф қиласы.

Рецептив нутқ дейилганды маълумотни қабул қилиш орқали содир бўладиган нутқ тушунилади. Уларга таяниб маълумот қабул қилиш, тинглаб тушуниш, китобни, матнни ўқиш орқали амалга ошади. Бунда олдин нутқ шифри қабул қилинади, сўнг қайтадан шифрланади. Репродуктив нутқда эса талаба, ўқувчилар гапириш, ёзма нутқ орқали маълумот беради. Ундан олдин нутқ шифрланади, сўнг бу шифр берилади. Рецептив нутқда аввал киши тил шаклига асосланиши натижасида тушуниб бир фикрга келади. Репродуктивда бирор ният мақсадни кўзлайди, сўнг уни тил шаклига кўчиради. Психология яна нутқни тез (реактив), коммуникатив нутқка ажратади.

Биринчисида ўқувчи, талаба нутқни режали равища ўзи тузса, сўнг содир қилса, иккинчисида анча мураккаб нутқ иккинчи сўзловчига мослашишни талаб қиласыди, монолог эркин содир бўлса, диалог нутқ эса иккинчи кимсага қаратилгандир, эркин эмасдир. Нутқларни юқоридагидек фарқлаш методика учун муҳимдир, у амалдаги чет тилларини ўқитиш методикасининг асосидир.

Чет тилларини ўқитиш методикаси учун тафаккур, хотира, идрок, психологик жараёнларни, билим, малака, кўнишка психологик тушунчаларининг моҳиятини, уларни кечиши, содир бўлишини билиш муҳимдир, чунки методика малака ва кўнишмаларни ҳосил қилиш билан шуғулланади.

Чет тили ўқитишда ўқувчи, талабанинг хотираси ва уни ривожлантиришни ҳисобга олиш керак. Биз ўқувчида давом этган хотирани қанчалик ривожлантира олсак, материал яхши эсида қолади. Уни ўзининг фаолиятида эркин қўллай бошлайди.

Хозирги психология хотирани бевосита ёки дарҳол давом этган ёки узоқ муддатли, ихтиёрий, ихтиёрсиз хотираларга ажратади. Методика хотира қонуниятларини билиш, чет тилини ўргатиш методи, тамойилларни, йўл ва усулларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Материални бевосита хотирага олиш, уни сақлай билиш ҳам муҳимдир. Бу ҳар кимда бўлавермайди. Материал бу хотира орқали тезда қабул қилинади, шу билан бирга тезда ёддан кўтарилади. Методика буни ҳисобга олиб, уни тезда давом этган хотирага айлантиришни таклиф қиласы.

Материални давом этган хотираға ўтказиш бевоси-та хотира орқали амлга ошади, бусиз содир бўлмайди. Маълумот, материал давом этган хотира орқали амалга ошади, бусиз содир бўлмайди. Маълумот, материал давом этган хотира орқали узоқ муддатга сақланади. Акс ҳолда ўргатилган материал, вақт бекорга кетади. Буни олдини олиш керак. Бевосита хотира орқали қабул қилинган материални кўп турли машқлар орқали такрорлатсак у давом этган хотираға ўтади.

Ўқувчи, талаба узоқ вақт, хотирада сақланган материалларни нутқ фаолиятларида қўллайди. Буни оператив хотира дейилади. Чет тилларини ўргатишда бу хотиралар керакдир, уларни ҳосил қилиш, ривожлантириш методиканинг вазифаси. Бу эса машқлар, такрорлаш, кўргазмали қуроллар қўллаш орқали амалга ошади.

Ўқитувчи ўқувчи, талабанинг идрок қила олиш қобилиятини билиши зарур.

Психологларнинг таъбирича, материални, нутқни идрок қилиш, тушуниш хотирада пухта сақланишнинг гаровидир. Ўқитувчи ўргатаётган материалини, нутқини доим ўқувчи, талаба онги тушунсин, англасин. Бунинг учун эса доим ўқитувчи изланишда бўлиши, воситалар топа билиши, уларни қўллай олиш, идрок қилган, қилаолмаганларини текшириб туриши зарур. Идрок қилинмаган нутқ, материал ўқувчининг ёдида, эсида пухта сақланмайди.

Р.А.Зарипованинг фикрича, идрок сезги органларига таъсир кўрсатиб турган нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида акс эттиришларидир. Чет тилларни ўргатишда биз содда ва мураккаб идрокларга дуч келамиз. Солдда идрокка тил материалини идрок этишни, мураккаб идрокка эса товушли ёки ёзувда ифодалangan матнларни идрок этишни киритиш лозим.

Идрокнинг асосий хусусиятлари шуки, улар ўтмиш тажрибага боғланган бўлиб, фаол ва танлаб олувчаник характеристига эгадир. Мана шу хусусиятлар чет тилларни ўқитишга тааллуқлидир.

Чет тилларни ўқитишда билимлар, малакалар, кўнилмалар сингари психологик тушунчалар муҳим ўрин тутади. Бу тўғрида Р.Л.Зарипова айтиб ўтган. Умумий вбилимлар деганда билиш жараёнида олинган табиат ва жамият ҳақидаги маълумотларни тушунади ва иккига бўлади:

1. Тил материалининг ўзини билиш.
2. Тил материали билан бажари-ладиган ишлар ҳақидаги билимлар.

Тил материали асосида нутқ фаолиятлари бажарилади, яъни малака ҳосил қилишга эришилади.

Б.В.Бельевнинг фикрича, кўникма онгли равища бажарилган иш, харакатдир. Масалан, бир товушни талаффуз қилиш кўникма, кўп машқ қилиш орқали фаоллашади, малакага айланади ёки фаоллашган кўникма малакадир.

Р.А.Зарипова психологияда қўйилган мақсадга биноан қилинадиган ҳаракат усулларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билим ва малакалардан фойдаланишни кўникма деб тушунади.

Психологияда фаоллашган ҳаракат, яъни қатор операцияларнинг онг назоратисиз, ўз-ўзидан бажарилишни малака деб аталади. Чет тилларини ўқитишдаги эшитиш, талаффуз қилиш, ўқиш, ёзиш, лексик, грамматик кўникмалар фарқланади. Ушбу ҳаракат жараёнида маълум билим, кўникмалар кўпланилади, лекин булар онгли бажарилади. Шу сабабдан чет тилларини ўқитишда нутқ кўникмалари гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзишни ажратиб кўрсатиш мумкин, чунки бу алоқа ҳаракатлари онгли ижодий жараёнларнинг натижасидир.

Чет тилини ўргатишда бу психологик тушунчалардан, яъни билим, малака кўникма ҳосил қилишдан фойдаланилади.

Биз биламизки, ўқувчи, талаба чет тили ўрганаётганда у она тилидан, рус тилидан билим, малака кўникмага эга бўлади. Психологияни таъкидлашича, буларни ўқувчи янги чет тилига кўчириши мумкин. Бу кўчириш, салбий ва ижобий бўлади. Ўқувчилар она тили ва рус тилидан бўлган билим, малака ва кўникмалари ёки шу тиллардан бўлган тажрибаларни кўчирганда, улар чет тилини ўргатишда фойда берса, бу ижобий кўчишни транспозиция салбий таъсир қилса, халал берса, уни интерференция дейилади.

Юқорида айтилган фикрни, талаффузни ўргатиш

мисолида кўриб чиқиш мумкин. Ўқувчи она тили, рус тили талаффузига ўрганиб қолгани учун кўпинча инглизча товуш, сўзларни ҳудди она ва рус тиллариdek талаффуз қиласи. Үнда баъзи инглизча товушларни талаффуз ўрни, она тилига тўғри ёки яқинроқ келади. Бундан ўқитувчи фойдаланиб, шу ўзбекча товушга яқин-

роқ ёки ўхшатиброк талаффуз қилинг деб ўргатади.

Бу эса инглизча талаффузни ўргатишга ижобий ёрдам, фойда беради.

Инглизча товушларнинг баъзилари талаффуз қилиниши бўйича она тили ва рус тилларидан кескин фарқ қиласди. Ўкувчи кўр-кўронада она тили ва рус тилларини тажрибаси асосида уларга ўхшатиб талаффуз қиласди. Натижада хато талаффуз қилинади, янглишиш, тўғри талаффуз қилишга она тили тажрибаси халал беради, бу эса салбий таъсир қиласди. Мисол учун инглизча (э) товуши кўпинча она тилидагидек (з) талаффуз қилинади.

Бу салбий, ижобий таъсир лексикани, грамматикани, гапиришни, ўқишини, ёзувни ўргатишда ҳам содир бўлади. Ўқитувчи буларни олдиндан аниқлаб, ижобий таъсир қилса, ундан ўргатишда фойдаланиши, салбий таъсир қилса олдини олиш, йўқотиш йўлларини излаши, ишлаб чиқиши зарур.

Шу сабабдан методика психология билан узвий боғлиқ. У психологиядан билимни, кўнимкамларни ҳосил бўлиши ва малакаларни ошириш йўл-йўриқларини ўрганади. У педагогик психологиядан эса таълим-тарбия беришнинг хусусиятларини ўрганади.

Методика нутқ психологиясидан эса нутқ жараёнинг турли томонларини хусусиятларини ўрганиб, фойдаланилади.

Чет тилини ўқитиши методикаси “Ёш психологияси” ва унинг тармоқлари ҳисобланган болалар психологияси, ўсмирлар, ёшлар, катталар психологиясининг далилларига, назарияларига асосланади.

Нейропсихология, яъни психик ҳодисаларни миянинг физиологик тузулишига боғлиқлиги асосида методика фойдаланади.

Айниқса, психолингвистика фикр, гапни нутққа, коммуникатив нутққа тўғри келиш-келмаслик масаласи билан шуғулланиб, чет тиллар методикасига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Унинг қонуниятлари, маълумотлари методикага нутқни ҳосил бўлишини, қабул қилини-

шини, нутқ механизмини методикага очиб беряпти. Бу эса методикага нутқни ўргатиш методикасини, машқлар тизимини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Чет тили ўқитиши психологияси фани чет тилини ўргатишда тил материалларини, нутқ фаолиятларини ўргатиш, ўрганиш психологиясини ёритмоқда. Бу эса

методика учун зарурдир.

Чет тиллари ўқитиши психологияси фани Москва, Санкт-Петербург Марказий олий ўқув юртларида ўқитилмоқда.

Бу фан билан Б.В.Бельев, В.А.Артёмов, Л.А.

Леонтьев каби машхур психологлар шуғулланганлар. Б. В.Бельев “Очерки по психологии обучения иностранным языкам”, В.А.Артёмов “Психология обучения иностранным языкам” қўлланмаларини яратганлар.

Хозир эса бу фан билан машхур психолог И.А.

Зимняя ва бошқа психологлар шуғулланмоқдалар. Унинг “Психология обучения неродному языку” қўлланмаси 1989 йилда босмадан чиқди.

Биз ўйлаймизки, бизнинг ҳам олий ўқув юртларимизда бу фанни ўқитишининг вақти етди.

Хозирги пайтда психологик асосдаги фанлар чет тилини ўқитиши методикасини илмий, амалий негизида ишлаб чиқишига ёрдам бермоқда.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Психологик асосдаги фанлар билан методика нима учун алоқа қиласди?
2. Психологик асосдаги фанларга қандай фанлар киради ?
3. Психология билан методиканинг алоқаси чет тили ўқитувчисига қандай ёрдам бериши мумкин ?
4. Чет тили психологиясини университетлар, институтларда ўқитилишининг тарафдоримисиз ? Сабабини айтинг.

### **3. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Педагогика тарбия, билиш назариясининг мақсадлари ва вазифалари ҳақидаги фалсафий таълимотга асосланади. Таълим мазмуни, ўқув жараёнининг қонуниятлари, ўқув-тарбия ишининг самарали методлари ва ташкилий шакллари ҳақидаги умумий илмий пред-

мет сифатида қараладиган педагогика фани ҳар қандай фанни ўқитишига бир хиллик бўлишини аниқлайди.

Педагогика назарий ва амалий фанлар йигиндиси бўлиб, кишилар ҳаётидаги маълум тарихий шарт-шароитлар билан қўйиладиган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ равишда ёш авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш ва уни ўқитиши, тарбия

масалаларини ўрганади. Педагогика фан сифатида икки бўлимдан: тарбия ва ўқитиш назариясидан иборатдир. У тарбия жараёни қонуниятларини, унинг структура ва механизмларини тадқиқ қиласди, ўкув-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг назарияси ва методикасини, унинг мазмуни, қонун-қоидалари, ташкилий шакллари ва усулларини ишлаб чиқади. Тарбия ва дидактика (ўқитиш назарияси) методика учун асос фан ҳисобланган педагогиканинг ўзаро боғлиқ соҳалари ҳисобланади. Педагогика билан методика ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдиради. Чет тиллар ўқитиш методикаси умумий педагогика нисбатан хусусий дидактика саналади. Маълум тилни ўқитиш методикасига – инглиз, немис, француз ва испан тилларини ўқитишга нисбатан чет тиллар ўқитиш методикаси умумий методика ҳисобланади. Ҳар қандай фанни ўргатишда, шу жумладан, чет тили ўқитишда ҳам, ўқитувчи учун асосий йўл-йўриқ бўлиб дидактик ёки педагогик тамойиллар хизмат қиласди. Ўқув юртида ўкув-тарбия ишининг мазмунини, ташкилий шакллари ва методларини тарбиянинг умумий мақсадларини ўкув жараёнининг қонуниятларига мувофиқ равища белгилайдиган умумдидактик тамойиллар ҳисобланади.

Ўқитиш қонуниятларини дидактик тамойилларда чукур ва аниқ акс эттиши педагогика ва у билан боғлиқ фанларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Педагогика фани Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский, А.Дистерверг ва бошқа педагогларнинг қимматли ва илфор педагогик тамойилларини аниқлаш ва ривожлантириш учун танқидий фойдаланиш, яъни чет тиллар ўқитиш методикаси бу тамойилларни чет тилининг хусусиятларига мослаштириб ишлатади. Педагогика томонидан ишлаб чиқилаётган тамойиллар жамиятнинг фаол, онгли, ҳар томонлама ривожланган, юқори маданиятли, маънавиятли шахс-

ларни тарбиялаб етиштириш билан белгиланади ва ўкув жараёнининг қонуниятларига асосанади.

Чет тиллари ўқитишнинг педагогика асосини ташкил қилувчи асосий педагогик – дидактик тамойиллар қўйидагилар ҳисобланади: Таълимнинг илмийлик тамойили, унинг тарбиявий характеристига эга эканлиги, таълимдаги онглилик, фаоллик, кўргазмалик,

тизимлилик ва билимни пухта ўзлаштиришлик, таълим ва тарбиянинг бирлиги, ўқитишида талаба, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишлик тамойиллари ҳоказолар. Педагогик (дидактик) тамойиллар бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, маълум тизимини ташкил қиласди. Юқорида санаб ўтилган тамойилларни ҳеч қайсиси универсал ҳисобланмайди ва умумий тизимдан ажралган ҳолда қўлланиши исталган натижани бермайди.

Таълимда илмийлик тамойили билимларнинг тизимли равишда ўзлаштиришни тақозо қиласди. Тил ва нутқ материалини танлаш, ўрганилаётган ҳодисаларни, тушунчаларни ва қонуниятларнинг моҳиятини очиш фан талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Дарсликлар ва ўкув қўлланмаларида илмий далилларнинг нотўғри талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Чет тилини ўрганишга нисбатан илмийлик тамойили айтиб ўтилгандан ташқари, тил, нутқ ва нутқ фаолияти ҳақида замонавий билимлар даражасига мос равишда методиканинг сўнгги ютуқлари ва у билан боғлиқ фаннинг мазмунини аниқлаш, фанни ўқитиши методлари, усуллари, воситаларини танлаш, илмий ҳақиқат ва амалий қийматга эга бўлган ўкув материалларини ўрганишни билдиради.

Тарбиялаш инсонни ҳаётга, яшашга, таълим олишга ижобий томондан тайёрлашдир.

Таълимнинг тарбиявий тамойили ўқувчилар дунёқарашида улар томонидан ахлоқ ва одобни эгаллашда, ўқувчиларнинг жисмоний куч ва ақлий қобилияtlарини ривожлантиришда, давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатини тушунишда ва шахсни камол топишида ўз ифодасини топади.

Ўқитувчининг фаолияти ўқувчи ва талabalарда ватанпарварлик, халқлар дўстлигини ҳурмат қилишни, ижтимоий, иктисодий ва касбга оид билимларни ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлаш кўникмасини ривожлантиришга, ўқувчиларда ўқитувчилик ва илмий

фаолиятга муҳаббат ҳосил қилишга қаратилиши керак. Тарбия жараёнида шахсни таркиб топтиришнинг омиллари жамият тараққиёти ва талаби билан белгиланади.

Таълимда онглилик ва фаоллик тамойили мактабда ўқитиши, таълим бериш, тарбиялаш мақсадлари ва вазифаларидан, ўқувчи, талabalар тарбияланаётган ҳамда тил ўрганаётган билим юртида материалга онгли ва ижодий ёндашишдан, ҳамда ўкув жараёнининг

ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бу тамойил ўрганилаётган ҳодисаларни мақсадга йўналган ҳолда идрок қилишда, уларни тушунишда. Ижодий равишда қайта ишлаб чиқиш ва қўллашда ўз ифодасини топади.

Онглийлик дидактиканинг муҳим тамойили сифатида тил ва нутқ ҳодисаларининг моҳиятини аниқлашда, уларнинг сабаб алоқаларини очишида тил бирлиги, шакллари, мазмуни, уларнинг борлиқса бўлган муносабатларини тушуниб етишни талаб қиласди. Онглийлик тамойилининг татбиқи ўқувчиларнинг ақлий фаолиятига суюнишга, улар томонидан анализ ва синтез қилишдан, қиёслаш ва қарама-қарши қўйишидан фойдаланишга тўғри хulosалар қилиш ва билимларни амалиётда қўллаш кўникм аларига эга бўлишга асосланади. Тил ҳодисаларнинг вазифасини тушуниш тил ва нутқ механизмларини тезроқ шаклланишига ёрдам беради.

Чет тили ўқитишидаги фаоллик ўқувчи ва талаба ларда чет тилида нутқ ҳаракатларини амалга ошириш учун зарур бўлган диққат, тафаккур, хотира ва иродани ривожлантириш деган маънони билдиради. Фаолликнинг асосий манбалари мақсадлар, сабаблар, ҳоҳишилар ва қизиқишилар ҳисобланади.

Талаба, ўқувчилар фаоллигини бошқариш нутқ фаолиятининг рецептив, репродуктив ва продуктив турларига. Ўқувчи, талаба ва ўқитувчи нутқига, ўқувчи, талабаларни жавоб беришга тайёр бўлишиларида, ўқувчи, талабаларнинг матн мазмунини олдиндан аниқлаш учун сўзлар, сўз бирикмалари маъноларини фаҳмлаб олишдаги кўникмаларни таркиб топтиришда, вақтни тўғри тақсимлашда намоён бўлади.

Кўргазмалийлик тамойили маълум материални ўрганишда, хотирада жонлантиришда, ташқи дунёни билишда кўргазмадан фойдаланишга асосланади.

И.П.Павлов мактаби физиологарининг кўрсатишича, предмет ёрдамидаги қўзғатувчи (масалан, қўнғироқ овози) тўғридан-тўғри жавоб қилишни келтириб

чиқаради, сўз ёрдамидаги қўзғатгич эса (қўнғироқ деб айтиладиган сўз) бевосита босқич билан боғланган, у мия пўстлоғида муҳрланган сўз ва тасвир ўртасида боғлиқлик ҳосил қиласди.

Демак, аудиовизуал воситалардан фойдаланишдан мақсад ўкув бирлигини ўзлаштиришдир.

Табиийки, чет тили сўз билан тасвир ўртасидаги боғлиқлик яратиш учун ўқитишида сезги билан боғлиқ бўлган кўрсатмалийликка асосланган босқич бўлиши зарур. Шундай қилиб, аудиовизуал

воситаларни қўллашнинг мақсади ўқув бирлигини ўзлаштиришни таъминлашдан, тил белгилари билан тасвир ўртасидаги боғлиқликни ҳосил қилиш учун сезги нуқталарини яратишдан ҳамда қўриб қабул қилинаётган мазмун бўйича нутқ ҳаракатини амалга оширишдан иборат. Гапларни ҳосил қилиш жараёнини фаоллаш борасида кўриш воситалари ўзгариб боради, кейинроқ ўқув жараёнидан бутунлай чиқиб кетади. Уларнинг ўрнини (аудитив) материалларни тинглаш ва тайёрланмаган (спонтан) нутқ эгаллади. Чет тилини ўқитишда кўргазмалилик тилга ва тилга хос бўлмаган материални намойиш қилиш орқали амалга оширилади.

Тил материалларини ва нутқ фаолияти турларини ўргатишда кўргазмалилик кенг қўлланилиши мумкин.

А.А.Леонтьевнинг фикрига кўра, кўргазмалилик қўйидаги тўртта вазифани: 1) мамлакатшуносликка оид материалларни тушунтириш вазифасини; 2) нарсалар, ҳаракатлар ва воқеаларни кўргазма йўли билан киритиш вазифасини; 3) муаммоли вазиятларни тасвирлаш вазифасини; 4) гапларни кўргазмали қуроллар ёрдамида ўргатиш вазифасини бажаради.

Чет тиллар ўқитиш методикаси кўргазмалилик тамоийларини чет тиллари хусусиятларига мослаштириб тил кўргазмаси (язиковая наглядность)ни кенг қўллайди. Бу ўқитувчининг талаффузи, ўқиши, гапириши, ёзувининг, ўқувчи, талабаларга кўргазмалилик ўрнини, ўташидир, чунки ўқитувчи ўқувчи, талабаларга чет тилида талаффуз қилишга, ўқишга, ёзувга ўргатади. Ўқитувчи талаффузни ўргатса, талаффузи, гапиришга ўргатса, гапириши, ўқишга ўргатса, ўқиши, ёзувга ўтгатса, ёзуви кўргазма бўлади. Шу сабабдан ўқитувчининг талаффузи, гапириши, ўқиши, ёзуви тўғри хатосиз бўлиши ва кўргазмалилик вазифасини ўташи лозим.

Чет тили ўқитишда ташқи ва ички кўргазмалилик қўлланилади. Ички кўргазмалилик она тили ва ўрганилаётган чет тилини таққослашда ўз ифодасини топади. Бу кўргазмалилик ташқи кўргазмалилик билан бир қаторда татбиқ қилинади.

Ўқишининг мустаҳкамлилик тамоийили ўқитиш вазифалари, таълимнинг қонуниятлари билан белгиланади. Агар билимлар пухта ўзлаштирилган ва хотирада яхшироқ сакланган бўлса, бундай билимларга малака кўникмаларга, ўқитишининг кейинги

босқичларида ва ҳаётда амал қилиниши мумкин. Чет тили ўқитишига нисбатан билимларнинг мустаҳкамлиги, билимларни мустаҳкам эгаллашни ва нутқ ҳаракатларини мукаммал билишини билдиради, ўқувчилар, талабалар улардан муомалада эркин фойдалана олсин. Таълимдаги тизимлилик ва изчиллик ўқувчи, талабаларнинг амалий фаолиятларининг ўзига хос хусусиятлари билан тақозо қилинади. Тизимлилик тамойили ўқитувчи ва ўқувчи, талабалар фаолиятидаги ишларни, ўқитиш, тарбиялашни маълум тизимда, изчилликда бўлишини назарда тутади.

Изчиллик тил материалини тақдим қилиш, ўзлаштириш ва у билан ишлашда ўз ифодасини топади. Ўқувчи, талабалар ривожланишидаги индивидуал ёндашишни талаб қиласди. Индивидуал ёндашиш ўқувчи, талабалар тафаккури, хотираси, диққати, уларнинг ҳаёт ва тил тажрибаларини ҳисобга олишни тақозо қиласди.

Чет тили ўқитишида ўқувчиларнинг индивидуал ишлаш хусусиятларини ҳисобга олиш усуллари, шакллари меъёрий танлашда, машғулотда жуфт-жуфт бўлиб ишлашда, жамоа иш усуллари билан қўшиб олиб борища намоён бўлади.

Шундай қилиб, чет тиллар ўқитиш методикаси педагогика фани билан узвий боғлиқ бўлиб чет тили ўқитувчиси ўкув жараёнида педагогиканинг дидакти тамойилларига амал қилиши зарур.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Педагогика билан чет тиллар ўқитиш методикасининг фарқи ҳақида сўзланг.
2. Дидактика педагогиками ёки унинг бир қисмими ?
3. Чет тиллар ўқитишида дидактиканинг нималарига асосланамиз ?
4. Дидактик тамойил деганда нимани тушунасиз ва улар нечта ?
5. Дидактик тамойилларни ҳар бир фан ўз шароитига, хусусиятларига мослаб қўллайдими, нега ?
6. Дидактик тамойилларнинг ҳаммаси ҳар бир дарсда татбиқ қилинадими ?
7. Дидактиканинг кўргазмалилик тамойилини чет тили ўқитишига мослаб қўлланг.

## **4-§. Чет тили ўқитишининг мақсадлари ва мазмуни**

### *1. Ўрта мактабларда чет тили ўқитиши мақсадлари*

Жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, шароити, сиёсати доим умумтаълим ўқув юртининг, мактабининг ишини, мақсадини белгилаб беради. Жамият талаба амалий, коммуникатив мақсадни ойдинлаштиришга таъсир қиласи. Чет тили ўқитиши мақсадлари жамият тараққиётига, ривожланишига қараб ўзгариб туради. Ўрта мактабда чет тилини ўқитиши ўз мақсадларига эга. Биз буни олдиндан аниқлаб олишимиз зарур. Бу мақсадларни билиш чет тили ўқитиши методикасикурсини тузиш, ишлаб чиқишга таъсир қиласи. Бу курс ўз методикасини шу мақсадларни амалга оширишга йўналтиради, мослаштиради. Акс ҳолда мақсадларни амалга ошириб бўлмайди. XX аср 40-50- йилларида мактабларимизда тинглаб тушунишни ўргатиш мақсади етакчи эди, гапириш эса фақатгина шакллантириларди. Ҳозир эса улар давр, жамият талабига қараб ўзгарди. Чет тили ўқитиши мақсадлари ўқитиши мазмунини, воситасини, методларини, тамойилларини аниқлайди. Ўрта мактабда чет тили ўқитиши мақсадлари ўз хусусиятига эга.

Ўрта мактабда фанларнинг ўқитилишини кузатсак, таҳлил қилсак, улар ўқувчиларда турли малака ва кўнилмаларни шакллантиради. Физика, химия, тарих каби фанлар ўқувчиларни ҳаётдагифизик, химик ҳодисалар билан таништиради, тарих орқали ўтмишнитаништириб билим, умумтаълим берилади ҳамда улар орқали ўқувчилар тарбияланади. Лекин қисман физикадан, химиядан бўладиган ҳаётдаги ҳодисаларни ўқитувчи тажриба орқали қўрсатиши, ўқувчилар ўзлари ҳам уларни амалда қўллашлари мумкин. Улар физи-

кавий, химиявий ҳодисаларни дарсда, амалда тўлиқ бажариб кўрсата олмайдилар. Тарих бўйича умуман воқеаларни амалда бажариб кўрсатиб бўлмайди. Шунга мувофиқ бу фанлар олдидағи умумтаълим ва тарбиявий мақсадлар қўйилади.

Ўрта мактабда яна бошқа фанлар ёки дарслар бор, булар ашула, расм, чизмачилик, жисмоний тарбия, ўзбек тили, рус тили фанларидир. Бу фанлар бўйича дарсларни таҳлил қилсак, улар ўзгача хусусиятларга эга. Ўқитувчилар жисмоний тарбия

дарсларида ҳаракатларни күрсатиб, уларни бажаришга, ўқувчиларни малака ва кўникмаларини мустақил бажаришга ўргатадилар.

Мана шу иккинчи гурухга чет тили ўқитиш киради, лекин у маҳсус хусусиятга эга. Бу фанлар каби чет тили фани ҳам умумтаълим беради ва тарбиялайди, ҳамда тилни амалда қўллашга ўргатади, коммуникация ҳосил қиласди. Бундан кўриниб турибдикি, чет тили ўқитишдан асосий мақсад чет тилини амалда қўллашдир.

И. В. Раҳмонов устози Л. В. Шчербанинг фикрини ривожлантириб ўзининг “Ўрта мактабларда чет тили ўқитишнинг баъзи бир масалалари” мақоласида чет тили ўқитишнинг асосий мақсадларини белгилайди.

У чет тили ўқитишнинг мақсадлари умумтаълим, тарбия бериш ва коммуникация ҳосил қилиш ҳамда ҳосил қилинган малака, кўникмаларни бошқа мақсадларда ишлатишдан иборат дейди.

Бу коммуникация ҳосил қилиш, коммуникатив ёки амалий мақсад бошқа ўкув предметларини ўқитиш мақсадларидан ажралиб туради. Коммуникатив ёки амалий мақсад деганда ўқувчиларга ўзгалар фикрини оғзаки ва ёзма тушуниб қабул қилиш ва ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён қилишни ўргатиш тушунилади. Буни янада кенгайтириб биз ўқувчилар маълумотни янги восита –инглиз тили орқали, ёзма қабул қилиши, тушунишини ва уни оғзаки, ёзма қайтаригши деб таърифлашимиз мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб чет тиллар ўқитиш ўз олдига 1)амалий ёки коммуникатив, 2) умумтаълим ъериш, 3) тарбиялаш, 4) ҳамда И. В. Раҳмонов таъбирича, ҳосил қилинган малака ва кўникмаларни бошқа мақсадларда ишлатилишни, яъни ривожлантириш мақсадларини қўяди.

Умутаълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар коммуникатив мақсадни амалга оширишда содир бўлади. Бу 4 та мақсадларни кенгроқ кўриб чиқамиз:

### 1. Коммуникатив (амалий) мақсад:

Бу мақсад орқали ўқувчиларда инглиз тили материаллари бўйича малака, кўникма ҳосил қилинади. Ўқувчилар лексик, грамматик талаффуз материалларини нутқда ўзлари мустақил қўллай олишлари керак. Инглизча оғзаки нутқ, ўқиш, ёзув кўникмалари ҳосил қилинади.

### 2. Умутаълимий мақсади:

Бу мақсад орқали ўқувчиларнинг тафаккурини янада ўстириш, инглиз тилидан маълумот олиш ва бериш, инглиз тилини янада чуқурроқ англаб олиш, инглиз тили ҳақидаги янги билимлар ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат халқининг тарихи, адабиёти ва маданияти ҳақида тушунча ва маълумотлар олиш ҳисобига талаба ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш тушунилади. Ўқувчиларнинг англаш, фикрлашини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш чет тили ҳисобига ёки инглиз тилида бўлади.

### 3. Тарбиявий мақсад:

Бу мақсад чет тили – инглиз тили дарсида байналмилал, ахлоқ ва эстетик тарбия бериш ҳамда меҳнатга муносабатини тарбиялашни кўзда тутади. Албатта, булар инглиз тили – материаллари орқали инглизча нутқ мавзусини, инглизча матнлар мазмунини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

### 4. Ривожлантирувчи мақсад:

Бу мақсад ўқувчи, талабаларни шахсан билиш – ўрганиш, ўргатиш йўл – йўриқларини белгилаб беради. У тил фактларини таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил холоса чиқариш, тинглаш, нутқ, ҳаракат малакаларини ривожлантиради. У тасаввур қилиш, нутқ вазиятини тузиш орқали ўргатишни, нутқда мантиқий боғлиқлик бўлишини, мустақил фикр қила олишни, сўзлар маъносини фаҳмлаб топишни, луғат, қўлланмалар билан мустақил ишлашни ҳамда факультатив машғулотларга, синфдан ташқари ишларга мустақил тайёрланишни, уларни ўтказишни ривожлантиради.

Юқоридаги тўртта мақсад доимо бир-бирини тўлдириб туради, бир - бири билан алоқада бўлади. Ҳар бир

дарсда ўргатиладиган, қайтариладиган инглизча тил материаллари, нутқ фаолиятлари орқали шу тўртта мақсадлар амалга оширилиши керак.

Чет тиллар ўқитишнинг мақсадлари устида 1947 йилда Л. В. Шчерба, 1950 йилда А. Н. Манигетти, 1965 йилда И. В. Раҳмонов, 1970 йилда В. С. Цетлин, 1971 йилда О. И. Москальская ўз қўлланмана ва мақолаларидан тўхтаб ўтгипнлпр. Кейинги пайтда бу масала билан И. Л. Бим ҳам шуғулланди.

Унинг фикрича, чет тилларини ўқитишнинг амалий, тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширишда ҳар томонлама ёндашиш керак. И. Л. Бимниг фикрича,

амалий мақсад бу чет тилида бевосита ва китоб орқали алоқа қилишга ўргатишdir.

У айтадики, чет тилини ўқитишида охирги мақсад ёки охирги амалий натижа бўлиб экстрагистик маълумотни эгаллаган лингвистик материал орқали қабул қилиш ва қайтаришдан иборатdir.

Шу фикорни хисобга олиб мақсадларни 2 гурӯҳга бўлади.

1. Лингвистик маълумот орқали малака ва кўникмаларни шакллантириш;
2. Экстрагистик маълумот орқали малака ва кўникмаларни шакллантириш;

И. Л. Бим нутқ фаолиятларини тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув бўйича сўнгги эришиладиган мақсадларга, ҳар бир параграф (Lesson), дарс туркумлари бўйича алоҳида аниқ эришиладиган мақсадларига ажратади, дарснинг алоҳида бўлимларига, ҳамда ҳар бир ҳаракат усулини тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув вазифаларигабўлади.

Ўқувчи, талабалар мактабни тугатаётганларида инглизча фикрни оғзаки, ёзма қабул қила олиши, тушуна олиши ва оғзаки, ёзма равищда баён қила олиши талаб қилинади.

Умумий ўрта таълим ва маҳсус мактабларда дарс соатларининг сони шу мактабларга оид дастурларда берилади. Мактабларда чет тиллари маҳсус дастур ва дарсликлар асосида ўқитилади. Бундай инглиз тили маҳсус мактабларимиз учун ҳали дастур ва дарсликлар ишлаб чиқилмаганлиги учун ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда ўқитувчилар ўзлари йўналишни хусусиятини хисобга олиб, турли хил дарсликлар, қўллан-

маларни танлаб фойдаланмоқдалар ёки ўқитиши рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг дастур ва дарсликлари қўлланилмоқда.

## 2. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ МАЗМУНИ

Ўқитиши мазмунини методиканинг муҳим масалаларидан биридир. Методика буни аниқлаши, ҳал қилиши лозим. У чет тили ўқитиши мазмунига қараб метод, тамойил, усусл, йўлларини ишлаб чиқади. Олимлар, методистлар чет тили ўқитишининг мазмунини турлича ҳал қилганлар. И. Д. Салистра чет тили ўқитиши мазмунига тил материалидан ташқари малака кўникмаларни ҳам киритади.

И. А. Бим ўқитиши мазмунини ва ўқув предмети мазмунини алоҳида тушунади. Ўқитиши мазмунни деганда у ўқиш, ўқитиши жараёнини белгилайди. Ўқитиши мазмунни орқали белгиланган мақсадга тезроқ эришиш учун лингвистик материални методик томондан ташкил қилиш зарур. Чет тили ўқув предметининг мазмунни эса белгиланган мақсад учун танланган ва аниқ ташкил қилинган ўқув материалидир.

Ҳозирги даврда ўрта мактабларда чет тили ўқитиши мазмунни деганда: мактаб ўқувчилари оладиган тарбиянинг мақсад ва вазифалари билан аниқланадиган билимлар, материаллар, машқлар ва кашникмалар хусусияти ҳамда ҳажми тушунилади. Ўқув предметининг мазмунини белгилашда асосан 2 та умумий талабни ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини эсдан чиқармаслик керак:


- 1) танланган ўқитиши мазмунини олдимиизга қўйган мақсадимизга эришиш ёки олмаслигимиз талаби;
- 2) шу бизнинг аниқ шароитимизда танланган ўқитиши мазмунининг ўқувчилар, талабалар томонидан ўзлаштириш ёки ўзлаштира олмаслик талаби. Ба 2 та талабни ҳисобга олиб чет тили ўқитиши предметининг мазмунини белгилаш мумкин.

Ўрта мактаб чет тиллар дастури лойиҳасида инглиз тили ўқитиши мазмунини белгтлаб кўрсатилади. Ҳар бир чет тили ўқитувчиси ўз ишини шу дастур асосида ташкил қилишга мажбурдир.

Ҳозирги даврда чет тилини ўқитиши методикаси предметининг мазмунига қуидагиларни киритилади.

- 1). Мавзу: (тематика) оғзаки нутқ ва ўқиши мавзулари.
- 2). Тил материаллари (фонетика, лексика, грамматика.)
- 3). Лексик, грамматик, орфографик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш , ривожлантириш;
- 4). Нутқ малакалари (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиши, ёзув малакалари)ни шакллантириш, ўргатиш, ўстириш.
- 5). Инглиз тилининг устида ишлагандаги қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини ўргатиш.

Мавзуга асосан матнлар танланади. Нутқ малакаларини, фаолиятини эгаллаш чет тили ўқитиш амалий мақсадининг мазмунидир. Биз чет тили ўқитиш мазмунини қуидаги 4 типга бўлишимизумкин, уларни қуидаги жадвалдан яққол кўриш мумкин:



Чет тили ўқитиш мазмуни чет тилидан нималарни ва нималарга ўргатиш саволларига жавоб беради. Методик адабиётларда ўқитиш мазмунини аниқланган, танланган бўлсада, ўқитиш мазмунини танлаш муаммоси методика фанининг энг қадимиий муаммоларидан биридир. Ҳозирги пайтда ўрта мактаб учун чет тиллари

(инглиз, немис, француз) бўйича тил материаллари танлаб олинган. Тўғри, танланган мазмун мақсадга эришишда катта ёрдам беради. Мазмунини танлашда ўқитиш мақсади ҳисобга олинади ҳамда у етакчилик қиласди. Мазмун танланганда тил материаллари билан бирга нутқ намуналари ҳам танланади. Улар нутқни ўргатишда асос бўлади. Мазмунни танлашда ўқитиш, ўргатишини методик ташкил қилиш ҳисобга олинади. Ўқитиш мазмуни, ўқитишнинг шарт-шароити билан боғлиқдир. Чет тили ўқитиш мақсади ўқитиш мазмунининг ҳажмига ҳам таъсир этади.

Ҳозирги даврда чет тили ўқитиш мазмуни устида анчагина илмий ишлар қилинган. 1987 йилда Ж. Ж. Жалоловнинг чет тили ўқитиш мазмуни масалаларига бағишлиланган монографияси (Проблема содержания обучения к иностранному языку) босмадан чиқди. Унда чет тили ўқитиш мазмуни масалалари тилшунослик, психология, дидактика, лингвометодика нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган ҳамда унинг асосини белгилаш, аниқлаш йўл –йўриқлари, талаблари кўрсатилган. Ҳозирги даврда чет тилини ўқитиш мазмунини нутқ фаолиятининг турига қараб танлаш ғоялари кенг ривожланмоқда.

Ҳозирги даврда чет тили ўқитишни тубдан ўзгартиришни кўзда тутади. Унинг қўйидаги З та талаби бор.

1. Чет тили ўқитиш илмий савиясини ва амалий йўналишда бўлишини ошириш;
2. Чет тили предметининг тарбиявий томонини кучайтириш;
3. Чет тили ўқув предметини мустақил эгаллаш.

Биринчи талаб 2 хил йўл билан амалга оширилиши мумкин.

1-йўл. Ўқитишмазмунини ўзгартириш.

2-йўл. Чет тили ўқитиш методикасини қайта қуриш.

Қайта қуришда ҳозирги даврда жавоб берилмайдиган эски метод, йўл-усулларни чиқариб ташлаб таълим-тарбия бериш, ўқитиш тизимини мукамаллаштиришдир.

Чет тили методикасининг илмий савиясиношириш илғор тажрибаларни оммалаштириш, лингвистикани, психологияни, педагогика, психолингвистикани янгиликлари асосида методикани қайта қуришдир.

Чет тили ўқитишни амалий йўналишда бўлиши учун ўқувчи, талаба диққатини чет тили устида мус-

тақил ишлаш ва малака кўникмасига қаратиш лозим.

Чет тили ўқув предметинингтарбиявий томонини ошириш, кучайтириш, мазмунли, тарбиявий характердаги матнларни, рўзнома, ойнома мақолаларини ўқитиш орқали, ижтимоий-сиёсий, тарбиявий масалаларни таҳлил қилиш, матннинг асосий фоясини аниқлаш орқали хамда синфдан, мактабдан ташқари ишлар орқали оширилади. Улар ўқувчи, талабаларни ватанпарварлик, байналминалчилик, дўстлик руҳида тарбиялайди, дунёқарашини кенгайтиради.

Хозирги давр талабларини амалга оширишнинг яна бир йўли ўқувчиларга, талабаларга ортиқча материал беришни камайтириш, ўқув жараёнини оддий ҳолатга келтиришdir. Булар янги чет тиллар дастурида ҳисобга олинган ўқитувчи бунинг ўқувчилар, талабалар томонидан материални ҳар томонлама амалий эгаллатиш жиҳатидан ёндошади. Шу сабабдан ўқитувчи ишларини тил материалларини продуктив (гаприш, фикрни ёзма баён қилиш) ва рецептив (tinglab тушуниш, ўқишида) ўзлаштиришга, ўқувчи, талабалар потенциал лугатини кенгайтиришга қаратади. Мустаҳкам билим беришнинг асоси- ўқитиш жараёнининг унумдм умумлашган, такомиллашган бўлишидадир. Кейинги пайтларда яна оптималлаштиришдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Оптималлаштириш чет тили ўқитилаётган вазият, шароит, синф, мактабга мос, осон, қулай метод, йўл, усул, тизим, тамойил, восита, машқларни излаш ва танлай билиш, қўллашдир. Оптималлаштириш турли типдаги ўқув юртлари, мактаблар учун ўзига хосдир, чунки дарс соатлари турлича бўлади, ўқувчиларнинг, талабаларнинг она тили хусусиятлари ҳам турлича таъсир қиласи.

#### Оптималлаштириш:

1. Чет тили ўқитилаётган шароитда ишлатиладиган йўл, усулларни экспериментал орқали текширишамда ўқитувчиларнинг илоғор тажрибасини оммалаштириш, умумлаштириш;
2. Техник воситаларни кенг қўллаш;
3. Она тили тажрибасини ҳисобга олиш йўллари мавжуд.

Хозирги давр коммуникатив малака, кўникма – чет тилида маълумот бериш (гапириш, фикрни ёзма баён қилиш орқали) ва маълумот олиш (ўқиши, тинг-

лаб тушуниш орқали) малака ва кўникмаларни янада ўстириши, таълим билан тарбияни бирга олиб боришни талаб қиласди.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Мақсад деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳозирги ўрта мактабда қандай мақсадлар амалга оширилади?  
Улар бир дарсда амалга ошириладими?
3. Улар бир-бири билан боғлиқми?
4. Мазмун деганда нимани тушунасиз? Чет тили ўқитиши мазмунинималарданиборат?
5. Ўзбек тилида ўқитиладиган ўрта мактабларнинг чет тилини ўқитиши мазмунини алоҳида ишлаб чиқилганми?

## **5-§. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ ТАМОЙИЛ, УСУЛ ВА ЙЎЛЛАРИ**

Ҳар бир чет тили ўқитувчиси билиш зарур бўлган чет тили ўқитиши методикасинниг тамойил, усул ва йўллари бор. Чет тили ўқитиши методикаси тамойилларини айрим олимлар таълим тарбия қонунларини белгиловчи усуллар воситаси десалар, бошқалари уни метод заминида ётувчи бошлангич асосий дастлабки қоида деб биладилар.

Ҳозирги даврда чет тили ўқитишида турли тамойиллардан фойдаланилади:

1. Лингвистик тамойиллар.
2. Дидактический тамойиллар.
3. Психологик тамойиллар.
4. Чет тили ўқитишининг соғ методик тамойиллари.

Дидактический материаллар ўз навбатида тарбия бериш тамойили, таълимни ҳаёт билан боғлаш тамойили, онглилик тамойили, ижодий фаоллик тамойили, билимни мустаҳкам эгаллаш тамойили, билимни мустаҳкам эгаллаш тамойили, ўқувчиларга тушунарли қилиб ўргатиш тамойили, ўқитиши тамойили, ўқувчиларни индувидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилларига бўлинади. Чет тиллар ўқитиши методикаси бу тамойилларни ўқувчиларнинг индувидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, мослаштириб ишлатади. Чет тили ўқитишида вербализация ва корреляция деб аталувчи психологик тамойиллардан ҳам фойдаланилади. Вербализация тамойили тилни оғзаки нутқ шак-

лида ўргатишни, корреляция тамойили эса энг зарурий ўрганилаётган тил материалларини белгиланган мавзулар асосида ўргатишни қўзда тутади.

Чет тили ўқитиш соф методик тамойиллари учна бўлинади.

1. Умумий тамойиллар. Уларга: 1) Чет тилини ўқитишнинг коммуникативлик йўналишида бўлиш тамойили; 2) Она тили хусусиятини ҳисобга олиш тамойили; 3) Чет тили ўрганишнинг ҳамма босқичларида машқ ўтказиш тамойили киради.

2. Ҳусусий тамойиллар. Уларга: 1) Чет тилини нутқ намуналари ва моделларида ўргатиш; 2) Нутқ амалиётини тил амалиёти билан бирга олиб бориш; 3) Барча нутқ фаолияти турларини бирга ўқитиш; 4) Чет тили ўргатишда оғзаки илгарилаш; 5) Чет тили ўкув фаолиятининг апроксимация қилиш; 6) Бошланғич босқичда чет тилини тезлаштириш орқали ўқитиш тамойиллари киради.

3. Чет тили ўқитишнинг яна маҳсус тамойиллари бор. Улар асосан лексикани, грамматикани, фонетикани, нутқ фаолиятларини ўзлаштиришга қаратилади.

Грамматика бўйича маҳсус тамойилларни В. С. Цетлин, лексикага оид маҳсус тамойилларни В. А. Бухбиндер, техник воситаларнинг маҳсус тамойилларини М. В. Ляховицкийлар ишлаб чиқканлар. Маҳсус тамойиллар устида И. В. Раҳманов, А. П. Старков, Ведель, Гурвич, С. Ф. Шатилов, Е. И. Пассов, И. С. Ильин, Н. Д. Салистралар иш олиб бордилар. Чет элликлардан америка методисти Роберт Ладони кўрсатиш мумкин. У 40 тамахсус тамойил ишлаб чиқкан. Улар методик адабиётларда ёритилган. Ўқувчи, талабаларда тил материали бўйича кўникма ҳосил қилишда, нутқ фаолиятини шакллантиришда маҳсус тамойилларга риоя қилинади.

Дидактикада методни ўқитувчининг ўқувчи, талаба билан ишлаш усулининг йифиндиси деб тушунилади. Метод ўқитувчи фаолиятининг умумий моделидир. Метод орқали 4 та мақсад амалга оширилади. И. В. Раҳманов “Метод-мақсад бўйича йўналтирилган тизим бўлиб, у бир-бири билан шартли боғланган усуллардир” деб таърифлайди. Е. И. Пассов эса методни вазифалар бўйича бир-бири билан шартли боғланган тамойиллар тизимиdir деса, И. Л. Бим методни ўқитиш ва ўқиш йўлларини йифиндисидир, дейди.

И. В. Раҳмановнинг фикрича чет тилини ўқитишининг 3 методи бор:

1. Намойиш қилиш (демонстрация) методи.
2. Тушунтириш методи.
3. Машқ ишлатиш методи.

Намойиш қилиш методи орқали тил материаллари тушунтирилади. Машқ ишлатиш методи етакчи бўлиб, унда ўқитиши мақсади, материали, ўқувчилар, талабалар таркиби, ёши ҳисобга олинади. И. Л. Бим методларни ўқувчи, талаба ва ўқитувчининг методларига бўлади: Ўқитувчи методларига: 1) кўрсатиш, 2) тушунтириш, 3) машқ бажартириш, 4) қўллай олиш методлари киради. Ўқувчи, талаба методларига эса: 1) танишиш, 2) фикр юритиш, бахсласиши, ўйлаш, 3) сунъий нутқ вазиятида машқ бажариш, 4) турли хил нутқ фаолиятларини табиий нутқ вазиятларида қўллаш киради. Ҳозир мактабларимизда чет тили ўқитишида онгли-таққослаш, онгли-коммуникатив методлари қўлланиляпти.

Ҳозирги онгли-амалий метод бўйича яратилган инглиз тили дарсликларимиз рус тилида ўқитилаётган мактабларда кенг қўлланиляпти. Ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар учун яратилган инглиз тили дарсликлари онгли таққослаш методи бўйича ишлаб чиқилган, лекин улар қайтадан ишлаб чиқилмоқда. Чет тили ўқитишининг усуллари, йўллари ҳам бор.

Бу йўл қисқа методик ҳаракат бўлиб, аниқ топшириқ, вазифани ҳал қилишга қаратилгандир. Ўқувчи ва ўқитувчининг фаолияти кетма-кет аниқ мақсад билан йўналган йўллар туркумидан иборатдир. Агар метод билан йўлни таққосласак, метод асосий фаолият билан, яъни таништириш, машқ қилиш, қўллаш, йўл эса иш ёки ҳаракат билан янги сўзни таржимасиз маъносини очиш, гапни грамматик қоида асосида тузиш билан боғлиқдир. Йўллар туркумининг йиғиндиси усулни ташкил қиласиди. *Масалан*, сўзларнинг маъносини очишни иккита усули бор, таржимали ва таржимасиз усуллар. Улар ўз ўрнида маъносини очиш йўлларига бўлиниб кетади, масалан, сўзнинг маъносини расм орқали, предмет орқали очиш йўллари. Чет тилини ўқитишида тамойиллар, методлар, йўллар, усуллар жуда зарурдир.

Улардан тўғри, унумли фойдаланиш керак. Бу эса ўқитувчига боғлиқдир.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Тамойил деганда нимани тушунасиз?
2. Чет тили ўқитишида қандай тамойиллар мавжуд? Улар ўкув юртларда, мактабларда қўлланиляптими?
3. Метод деганда нимани тушунасиз?
4. Чет тили ўқитишида қандай методлар мавжуд? Улар ўкув юртларда қўлланиляптими?
5. Методлар йиғиндиси тамойилни ташкил қиласди?
6. Усул, йўл деганда нимани тушунасиз? Уларнинг турларини мисол билан гапиринг.
7. Ҳозир ўкув юртларда инглиз тили ўргатишида қандай усул, йўллар қўлланилади?
8. Ўкув юртларида тамойиллар, йўл- усулларсиз инглиз тилини ўқитиш мумкинми?

## **6-§. ЧЕТ ТИЛЛАР ЎҚИТИШ МАШҚЛАРИ ТИЗИМИ**

Биз машқ деганда нутқ ёки тилга оид ишларни бир неча маҳсус ташкил қилинган ўкув шароитида бажарилишини тушунамиз. Методик адабиётларда чет тилини ўқитишида машқларнинг мақсад, вазифасини аниқлашда уларни белгилаш ва турли ёндашишлар мавжуд.

### *1. Чет тили ўргатишида қўлланиладиган машқлар*

К. Д. Ушинский кўрсатганидек, машқларнинг маълум тизим ҳолида бўлишлиги уларнинг муваффақиятли қўлланилишининг энг биринчи ва асосий хусусиятидар. Машқлар тизимининг камчилиги эса кўп сонли ва кўп вақт бажариладиган машқларнинг яхшимаслиги натижалар бермаслигининг асосий сабабидир. Тил ўқитиш шарт-шароитларининг тизимини яратиш муаммоси амалий ва назарий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади. Унинг муҳимлиги чет тиллар ўқитишида амалий методиканинг бугунга қадар етарли, маълум мақсадда йўналтирилган тўла машқлар тизимига эга эмаслиги билан белгиланади. Чет тили ўқитишида қўлланиладиган машқларнинг айрим тип ва турлари қанчалик са-

марали бўлса, улар тил ўргатишнинг бутунлай муваффақиятли бўлишлигини белгилайди. Тил ўргатишдаги муваффақият фақат машқларнинг самарали тизимини таъминлаши мумкин. Бу муаммо назарий жиҳатдан энг мураккаб ҳисобланади. Бугунги кунда охиргача ҳал қилинмаган методиканинг вазифалари сифатида машқлар тизимидағи қуйидаги тушунчалар “тизим”, “кичик тизим”, “тип-тўплам”, “серия”, “цикл”, “машқлар грухи” каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин. Бу терминларнинг маъносини қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

Чет тилларни ўқитиша қўлланиладитган машқлар тизимига тўртта кичик тизимдаги машқлар киради:

1. Гапиришни ўргатадиган машқлар.
2. Тинглаб тушунишни ўргатадиган машқлар.
3. Ўқиши ўргатадиган машқлар.
4. Ёзувни ўргатадиган машқлар.

Ҳар бир кичи тизимдаги машқлар ўз навбатида бир неча хусусий кўникмаларга ўргатадиган машқлар йиғиндинсини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, диологик нутқни ўргатадиган машқлар тўплами (йиғиндиси), монологик нутқни ўргатадин машқлар тўплами. Ҳар бир машқлар тўплами нутқий ва техниковий малакаларни ўргатадиган учта машқлар сериясидан ташкил топади. Бизнинг мисолимизда улар қуйидагилардан иборат: биринчи машқлар серияси талаффуз малакаларини ўргатадиган машқлардан, иккинчи серия грамматик малакаларни ўргатадиган машқлардан ва учинчи серия лексик малакаларни ўргатадиган машқлардан ташкил топади. Ушбу машқларнинг ҳаммаси ўзаро бирга ва ўзаро боғлиқ равища бажарилади. Ҳар бир машқлар серияси ўз навбатида қатор машқлар циклини ўз ичига олади. Масалан, талаффузни ўргатадиган машқлар, оғзаки нутқнинг морфологик малакаларини ўргатадиган машқлар цкли. Машқлар цкли маълум тил ҳодисаларини ўргатадиган анча кичик машқлар грухига бўлиниши мумкин.

### **Машқлар тизимини тузищдаги асосий методик тамойиллар.**

Ҳар бир машқ кичик тизимини тузищдаги биринчи методик тамойил машқларнинг асосий типлари ва турларини ўргатилаётган нутқ фаолияти тури лингвопси-

хологик характеристикаларига мос келишлик тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойилга мувофик гапиришни, ўқишини ўргатадиган машқлар кичик тизимида ўқишида қўлланадиган коммуникатив машқлар асосий ўринни эгаллаши керак. Машқлар тузишда қўлланадиган иккинчи тамойил-ўқув жараёнида турли нутқ фаолияти турларининг бир-бирига ижобий таъсир этилишларини ҳисобга олишлик тамойилидир.

гапириш тинглаб тушуниш;

гапириш ўқиш, ўқиши ёзув,

гапириш ёзув;

тинглаб тушуниш ўқиш.

## 2. Чет тилларни ўқитиши машқлари ва турлари

Машқлар тизими машқ типларига бўлинади. Машқ типлари эса ўз ичига машқ турларини олади ёки типлари машқ турларининг йифиндисидир.

Методистлари машқларни олдин 2 та типга ажратганлар:

1. Тил машқлари.
2. Нутқ машқлари.

Тил машқлари тил материаларини ўргатиш, ўзлаштиришни, уларни ўргатишдаги қийинчиликларни йўқотишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шунинг учун улар лексика, грамматика, фонетика ёки талаффуз, орфографияни ўргатиш машқ турларига бўлинади. Нутқ машқлари эса тил материаллари – фонетика, лексика, грамматика, орфография асосида нутқ фаолияти (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) турларини шакллантириш, ўргатиш, ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу сабабдан бу машқ типини тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув машқ турларига бўлиш мумкин. Кейинчалик эса тил машқларини тайёрлов машқ типлари деб атала бошланди.

Хозрги пайтда кўп методистлар ўқув юртларда чет тилини ўқитиш мақсадларига машқларнинг мос келишлик мезонига кўра, уларни қўйидаги асосий типларини ажратишади.

9. Коммуникатив бўлмаган машқлар.

10.Шартли (ўқув) коммуникатив машқлар.

11.Ҳақиқий (табиий) коммуникатив машқлар.

Коммуникатив бўлмаган машқлар биринчи тип саналиб ўз таркиби ва мақсадига кўра турличадир. Бундай машқларга тайёрлов, нуткий вазият билан боғлиқ бўлмаган машқларни киритиш мумкин. Бундай машқларнинг кўпчилиги нутқ вазиятлари ва нутқ контекси билан алоқада бўлмайди. Бу тип юқоридаги тил ёки тайёрлов машқ типи мақсадларини, яъни тил материаллари (фонетика, лексика, грамматика, орфография) ни ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шартли (ўқув) – коммуникатив машқлар иккинчи машқлар типига тегишилдири. Машқларнинг бу типи чет тиллар ўқитиши назарияси ва амалиётига 60 – йилларда киритилган. Бу типдаги машқларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бундай машқлар тил материалини ўқув жараёнида шартли табиий муомалага тақлид қилиб машқ қилишни амалга оширишига ёрдам беради. Шартли коммуникатив машқ типини баъзилар нутқ олди деб ҳам номлайдилар. Шартли коммуникативмашқ типи нутққа тайёрлаш, микронутққа ўргатиш вазифасини бажаради.

Машқларни учунчи типи ҳақиқий (табиий, соф) коммуникатив машқлардир. Уни баъзи методистлар нутқ машқлари типи деб ҳам атайдилар. Бу машқлар типи микронутқ фаолиятини қўллашга ўргатади. Ҳақиқий ёки соф коммуникатив машқларга нутқ фаолияти турларидаги машқлар киради. Улар ўқувчи, талабаларнинг бу нутқ фаолияти турларини она тилидагидек қўллашга ўргатади. Бу ерда янги маълумот ёки хабарни оғзаки узатиш ёки уни ёзма шаклда идрок қилиш назарда тутилади. Ҳақиқий коммуникатив машқларни бажаришнинг асосий далили муомаладаги ҳақиқий эҳтиёж ҳисобланади. Лекин бу машқлар асосан ўқув шароитларида бажарилгани учун уларни таълимий машқлар деб аташ мумкин. Машқларнинг ушбу типи нутқни тинглаб тушунишни, гапиришни ва ёзувдаги машқларнинг кўп сонли турларини ўз ичига олади. Бу машқларнинг ҳаммаси коммуникатив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Улар тинглаб тушуниш, гапириш. Ўқиш ва ёзув машқ турларига бўлинади. Юқорида айтиб ўтилган машқ типлари методик татбиғини умумий ҳолда қуйидагича белгилаш мум-

кин: коммуникатив машқлар коммуникатив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган машқ турларини ўз ичига олади. Коммуникатив бўлмаган машқларга эса тил материалини ўзлаштиришга йўналтирилганмашқ турларини ўз ичига олади. Талаффузни, грамматикани, лексикани ўргатиш турлари бўлиши мумкин.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Машқ деганда нимани тушунасиз ?
2. Ўқитувчининг, ўқувчининг, талабанинг дарсдаги ҳар бир ҳаракати, чет тилидаги иши машқми ?
3. Машқ ишлатмай, чет тилини ўргатиш мумкинми ?
4. Машқлар тизими тўғрисида сўзланг.
5. Машқ турлари ҳақида сўзланг.

## **7-§. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ САТТАРОВА 46-90**

Чет тили ўргатишда, ўқитиши воситалари муҳим аҳамиятга эга. Ўқитиши воситалари деганда чет тили ўргатишда фойдаланиладиган, қўлланиладиган қурол-лари тушунилади. Чет тили ўқитишининг турли ўқитиши воситалари мавжуд, Инглиз тили ўқитувчиси улардан фойдаланиб ўқувчиларга, талabalарга тил материал-ларни ўргатади, тушунтиради, малака ва кўникма ҳосил қиласди. Улар етишмаса ёки бўлмаса биз ўқув-чиларга, талabalарга инглиз тилидан тўлиқ амалий билим беришимиз, уларни тарбиялакишиз қийинла-шади. Воситаларни қўллаш тез тушунишга, онгли ўзлаштиришга, хотирада сақлашга ёрдам беради. Ўқитиши воситалари мураккаб ўқитиши тизимининг тар-кибий қисмидир.

Шу сабабдан воситаларнинг ўрни муҳим ва аҳами-яти каттадир. Г. В. Рогова кейинги пайтларда инглиз тилини ўқитишида ўқитиши воситалари ва ўқитиши мате-риалларини қўлланилиши тўғрисида тўхтаб уни қуви-дагича таърифлаган: Ўқитиши воситаларини қўллаш ёки улардан фойдаланиш деганда биз ҳар хил турдаги шун-дай мосламаларни қўзда тутамизки, улардан биз инг-лиз тили материалини ўқувчиларга тақсим қилишда, онгода мустаҳкамлашда, малака ва кўникмаларни шакл-лантиришда, текширишда фойдаланамиз.

У воситаларни 2 га бўлади: 1) механик бўлмаган — (non mechanical aids), 2) механик бўлган (mechanical aids) воситалар. Биринчисига синф, магнит доскала-рини, фланелеграфни киргизади. Синф доскасида ўқитувчи сўзларни ёзиб расмлар-ни, жадвалларни кўрсатиши мумкин. Фланелеграфни 30x40 сантиметрили тукли материални ёки қумли қоғоз-ни таранг тортиб, мустахкамлаб тайёrlаш мумкин. Ўқитувчи унга турли расмларни вақтинча ёпиштириб турлича нутқ вазиятларини ҳосил қиласди.

Магнит доскаси (a magnit board) орқали ўқитувчи турли расмларни, сўзларни, карточкаларни ўқувчиларга кўрсатиб, дарсни ташкил қилиши мумкин. Ўқитувчи 30x40 сантиметрили фанерга туника ёпиштириб уни тайёrlаши ва асосий доскани бир четига осиб қўйиши мумкин. Сўнг кўргазмаларни кичик бир, магнит орқали вақгинча унга ёпиштириб қўйиб, дарс жараёнида фойдаланади: Иккинчи воситаларга магни-тафонни (tape recorder) радиодан (a gramophone or record player), диафильм кўрсатувчи проекторларни (a füm strip projector), жадвал, карта, слайдларни кўрса-тuvчи проекторни (projector), телевизор, радио жиҳоз-ларини, ўқитиш машиналарини (teaching machine), тил лабораторияларини киргизади. Унинг фикрича, магни-тафон, радиодан инглизма сўзларнинг талаффузини, матнни ўқилишини эшиттириш, ўқувчилар нутқини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Ўқувчи ва талабалар телевизор орқали икглизча нутқларни тинглашлари ва кўришлари мумкин. Радио-дан табиий нутклар тингланади.

Г. В. Рогова ўқитиш воситаларидан ташқари яна қўшимча ўқитиш материалларини кўрсатади. Уларга ўқитувчи китобини (a teacher's book), ўқувчи китобини (pupil's book), программалаштирилган дастур материалларили (programmed meterials), тинглаш ва кўриш во-ситаларини киргизади.

Дастур материаллари программалаштирилган (дас-турли) таълимда, ўқитишда кўлланилади.

Кўриш материалларига предметлар, китоблар, сўзлар, гаплар ёзилган карточкалар, жадваллар, расм-лар, альбомлар, карталар киради.

Тинглаш материалларига эса маълумотлар, нутқлар ёзилган пластиинкалар, магнит ленталари — фонограммалар киради.

Кейинчалик Г. В. Рогова воситаларни асосий ва қўшимча воситаларга бўлади.

Воситаларни ўқитувчи ва ўқувчи асосий воситала-рига ажратади. У ўқувчиларнинг асосий воситаларида дарслик, расмлар тўплами, кинофрагментлар, тарқатма матери-алларни киргизса, ўқитувчининг асосий воситасига эса мактаб дастурини, ўқитувчи китобини киргизади. Ёрдамчи воситаларни ҳам у шундай 2 га ажратиб, уларга ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган карточка-лар, жадваллар, расмлар, ўйинчоқлар, луғатлар, қўшимча ўқиши китоблари, ўқитувчи учун эса методик адабиётларни хиритади.

Тинглаш — кўриш материалларига овозли диа-фильмлар, фильмларни ҳамда телевизор орқали бериладиган материални ҳам қўрсатиш мумкин.

М. В. Ляховицкий чет тилининг ёрдамчи воситалари деганда ўқитиши мақсадини, топшириғини, вазифаси-ни унумли, фойдали вакт сарф қилиб тезроқ амалга оширишга ёрдам берувчи ҳамма материалларни, ўқув жараёнига керак бўладиган воситаларни, қуролларни тушунади.

М. В. Ляховицкий ёрдамчи воситаларни 2 та гурухга:

1. анъанавий (техник бўлмаган), 2) замонавий тех-ник воситаларга ажратади.

Биринчисига расмлар, жадваллар, дарсликларни кўрсатса, иккинчисига техник воситаларни киргазади. Техник воситалар деб, у фонограммани, фотограмма-ни, видеофонограммани тушунади.

Фонограмма — бу магнит лентасига, пластинкага ёзилган ва тинглаш канали орқали аппаратлар ёрдами-да қабул қилинадиган маълумот (информация)дир.

Фотограмма кўриш канали орқали қабул қилина-диган маълумотдир.

Видеофонофаммалари эса кўриш, тинглаш канал-лари орқали қабул қилинадиган маълумотдир.

Фонограммалар 8 типга бўлинади. 1) тинглаб тушуниш, 2) нутқ материалларини ўргатиш, 3) диалогни ўргатиш, 4) табиий диалогни ўргатиш, 5) тил материалларини ўргатиш, 6) гапиришни ўргатиш, 7) диалог шаклда сўзлашга ўргатиш, 8) нутқ машклари-ни бажариш типлари.

Биз фонограммалардан фойдаланиб, фонетик, оғзаки нутқ машғулоти, тақлид қилиш, тинглаш, грамма-

тик структураларни нутқца таний олиш машкларини бажартишишимиз мумкин.

Биз дарсларда техник воситаларни қўллаганимизда сунъий инглиз тили муҳитини яратишишимиз, инглиз тилининг ўзини қўргазмали қилиб кўрсатишишимиз, тинг-лаб тушунишни ўргатишишимиз, ҳамда ўхув жараёнини фаоллаштиришишимиз, жонлантиришишимиз, қизиқарли ташкил қилишишимиз мумкин.

М. В. Ляховицкий ўқув воситаларини ўқувчилар ва ўқитувчилар фойдаланадиган воситалар тўпламига бўлади.

С. Ф. Шатилов эса ўқитиш воситаларини иккиса бўлади:

1) асосий ўқув восигалари, 2) қўшимча ўқув воситалари. У асосий ўқув воситаларига чет тили дарслиги-ни, яъни ўқувчи китобини киргизади. Дарслик ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам қулланмадир.

У ёрдамчи воситаларни 1), техникали ва 2) нотехникавий воситаларга бўлади. Ўқитувчи китоби, ўқувчи кигоби, қўшимча ўқиш китоблари, грамматик маълумотномалар, қўриш қуроллари (расм, предметлар, кар-точкалар, жадваллар) техникасиз восигалардир. Техник воситалар фонограмма, фотограмма, видеофоног-раммалардир.

И. Л. Бим воситалар мақсад, мазмунни амалга оши-ришга хизмат қиласи дейди. У ўрта мактаб учун мав-жуд қуидаги воситаларни кўрсатади:

Ўқувчи китоби (дарслик), ўқитувчи китоби, ўқиш китоби, грампластинкалар, предметли расмлар, маз-мунли тематик расмлар, фланелеграфга ёпиштирувчи расмлар, диафильмлар, кинохалқалар, кинофильмлар, ки нофрагментлар.

"Хозирги даврда ўқув воситаларига дастурлар, инг-лиз тили дарсликлари, ўқитувчи китоблари, ўқиш китоблари, турли расм, жадваллар, техник воситалар киритиляпти.

Хозир воситаларни қўриш воагталарига (расм, пред-мет, жадваллар, фотограммалар) тинглаш воситала-рига (фонограмма) ва қўриш-тинглаш воситаларига (кинофильм, овозли диафильм, видеофонограммалар) ажратиляпти.

Воситаларнинг ҳаммаси ўқув методик тўлламни таш-кил килади.

Рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун

инглиз, немис, француз тилларидан ўкув методик тўпламлари тузилган.

Ўкув-методик тўплам дарслик муаллифларини ол-дига қўйган мақсад, вазифаларини амалга оширишга, инглиз тилидан малака ва кўникмаларни яхшироқ шакллантиришга, ўстиришга ёрдам беради.

Ҳозирги ўкув методик тўпламига И. Л. Бимни айт-ганларидан ташқари лексик ва грамматик жадваллар ҳам киргизилди.

Ҳозир ўкув методик тўгшам (комплекс)ига

1. Дарслик (a text book);
2. Ўқитувчи китоби (teacher's book);
3. Ўқишик китоби (English reader);
4. Дарслик тил материаллари, мавзулари, матнлари, машқлари бўйича тузилган фонограммалар;
5. Дарслик тил материаллари, мавзулари, машқла-ри бўйича тайёрланган расмлар, тарқатма материаллар;
6. Дарслик тил материаллари, мавзулари, машқлар бўйича фонетик, грамматик, лексик жадваллар;
7. Дарслик мавзулари бўйича диафильмлар;
8. Клно, кинолавҳалар;
9. Кинофильмлар киради.

Энди ўкувчи китоби, ўқитувчи китобини кўриб чи-қамиз.

Ўкувчи китоби — ўкувчи учун дарслик хисобланади.

Ўқитувчи китобида ўкувчи учун ёзилган дарслик устида ишлашни, у орқали ўқитиш тамойиллари, ху-сусиятлари, режалари кўрсатилади.

Дарслик ўкувчи учун қўлланма бўлиб, амалий иш-лаш фаолиятининг қуроли ва ўқитувчи олдига қўйган вазифани амалга оширишда асосий воситадир.

Г. В. Рогова дарсликни ўкувчиларга инглизчани ўргатиш ва ўқитиш учун асосий восита деб белгилайди.

И. Л. Бимнинг фикрича ҳозирги давр дарслиги ўтиш тизимининг микромоделидир. Унда ўқитиш тизимининг ҳамма компонентлари баён қилинади. Кўпинча дарсликни ўқитиш ёки таълим бериш модели (лойи-ҳаси), ўқитувчи китобини эса таълимни (ўқитишни) амалга ошириш модели (реализацияси) деб тушунилади.

М. В. Ляховицкий ҳозирги давр дарслиги қуйидаги тамойиллар асосида тузилиши керак деган фикрни билдиради.

1. Тизимлилик;
2. Ўқитишининг ҳар бир 3 та босқичи хусусиятини ҳисобга олиш;
3. Дарслиқда ўқув материалларининг бир-бирига боғлиқлиги;
4. Ўқувчининг она тилисини ҳисобга олиш;
5. Тил материалларини илмий асосда танлаш;
6. Дарслиқдаги материаллар нутқ йўналишига эга бўлишлiği (речевая направленность);
7. Ўқув материалларини тақсимлаб такрорий жойлаштириш тамойиллари.

И. Л. Бим ҳам чет тили дарслиги масаласи билан шуғулланган ва немис тили дарслигини тузилишини ишлаб чиқкан.

Оддин ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар учун инглиз, немис, француз тилларидан 5—6—7—8—9— 10-синф дарсликлари яратилган. Испан тилидан фақат 4—5-синф дарслиги бор. Ҳозирги даврда чет тилини ўқитишига муносабат ижобий томонга ўзгарганлиги, дарс соатининг кўпайганлиги сабабли, давр талаблари ҳисобга олиниб, турли типдаги ўқув юртлари учун янги ўқув дастурлари ва дарсликлари қайтадан ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларнинг 5—6—7-синфлари учун инглиз тилидан ўқитувчи китоблари қам бор. Қолгак синф дарсликлари учун ўқитувчи ки-тоблари, ўхув методик тўпламишининг қолган қисмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. English reader. Let's speak English ва грамматикадан қўшимча китоблар ёзилган. Дарслик авторлари ўз вақғида ўқитувчи китобиии нашр қила олмаганликларини ҳисобга олиб, дарслик боши-да «Preface» орқали дарслик хусусиятлари, улар билан ишлаш тамойиллар қисқача инглизча ёритилган. Бу ўқитувчилар учун қисқача йўлланмадир ва жуда гўтри қилинган ишдир.

1999 йилда нашр қилинган ўқув дастури асосида яратилган «Ry High» дарсликлари 5—6-синфлар учутч мўлжалланган. Улар ўқув-методик тўплам ҳисобланиб 4 қисмдан иборат:

1. Синф дарслиги (Class book)
2. Иш дафтари (Work book)

3. Ўқитувчи китоби (Teacher's book)

4. Фонограммалар ёзилган кассеталар киради.

Бу ўкув методик тўплам замонавий коммуникатив метод тамойиллари асосида ёзилган. Дарсликларда ўқув-чиларга мулоқат қилишни, улар билан жуфт-жуфт бўлиб ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганишга кенг ўрин берилган.

Инглиз тилини ўргатиш ролли ўйинлар, қўшиқлар, муаммоли масалаларни ечиш орқали ташкил қилинган. 5—6-сифлардан ташқари «Fly High» дарслик тўплами 7—8—9-синфлар учун ёзилмоқца.

Ҳозирги пайтда таълимда электрон ҳисоблаш ма-шиналари (ЭХМ) компьютерлар ишлатилмоқда. ЭХМ-лар орқали турли дастурлар тузилмоқда. Дастурли таъ-лим орқали инглиз тилини ўргатишда ЭХМ, компьютерлар кенг ишлатилиши мумкин. Бундай таълим орқали ўқувчилар ўзлари чет тилини мустақил ўрганадилар. Уқувчилар дастурларни, кадрларни экранда кўра-дилар ёки уларни тарқатма карточкалардан ўқийдилар. Сўнг у топшириқ, вазифани мустақил бажариб, ўзларининг жавобларини экрандаги тўғри жавоб билан тақ-қослайдилар, хато қилган, қилмаганликларини била-дилар. Бу асосан қайта алоқа орқали амалга ошади.

Дастурли таълимнинг кадрлари Г. В. Рогованинг Methods of Teachohg English қўлланмасининг 79—100-бетларида берилган.

Ўкув юртларда чет тилини ўргатишда чет тили дас-тури муҳим ўрин тутади. Ҳозир ўзбек ва рус тилларида ўқитиладиган мактаблар учун дастурлар<sup>4</sup> алоҳида-ало-ҳида ишлаб чиқилган, нашр қилинган. Ўзбек мактаб-лари учун чет тили дастури Республика Халқ таълим вазирлиги ва педагогика фанлари илмий текшириш институти қошидаги чет тиллари бўлими республика ўхув методик маркази томонидан ишлаб чиқилади, тас-диқланади. У давлат ҳужжати хисобланади. Чет тилидан дарс берувчи, таълим масаласи билан шуғулланувчи, албатта дастур талаби билан танишиш шарт.

Ундаги талаблар, тил материаллари ва нутқ фаолиятлари бўйича мазмун, талаблар ўқитувчилар учун кўрсатмадир. Ўқитувчи дастур асосида дарс режалари-ни тузиши, дарсни ўтказиши керак.

Дастурда 4 та: амалий, умумтаълим, тарбиявий, ри-вожлантирувчи мақсадлар амалга оширилиши кўрса-тилган.

Дастурда тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар чет тилини ўқитиша үқувчининг, фикрлашини, хотирасини, эстетик қараашларини, мустақил қизиқиши-ни, ўзини-ўзи тарбиялашларини ривожлантиришга қаратилиши зарур, дейилади.

Ҳар бир ўқитувчи чет тилини ўргатишда воситалар-ни кенг қўллаши лозим, шунда у тезда натижага эри-шади. Ўзбек мактаблари учун ҳам инглиз, немис, француз тилларидан тўлик ўқув-методик тўпламлари дасту-рини яратиш вақти келди ва яратиляпти. Бунинг учун мутахассислар, методистлар, воситалар, шароитлар бор. Ўқитиш воситалари кўргазмалик тамойилини тад-биқ қилишда ёрдам беради.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

- 1. Ўқитиш воситаси деганда нимани тушунасиз?**
- 2. Инглиз тилини қавдай ўқитиш воситаларини бекласиз?**
- 3. Чет тили ўргатишда кўриш воситалари кўп ёрдам берадими ёки танглаш воситаларими? Уларни қўллаш нисбати тўғрисида га-пилинг.**
- 4. Ҳар бир типдаги ўқув юртлари учун инглиз тилидан ўқув-методик тўплами борми?**
- 5. Инглиз тили ўргатишда инглиз тилининг қандай томонлари кўргазма, восита бўла олади? Ҳозир ўқитувчилар улардан унумли фойдаланяптиларми?**
- 6. Дарсликсиз, воситаларсиз инглиз тилини ўрганиш, ўргатиш мумкинми? Сабабини тушунтилинг.**
- 7. Ҳозирги давр инглиз тили дарслиги қаиси тамойилларга асосланиб тузилиши керак?**
- 8. Ҳозир инглиз тилидан ўзбек тилида ўқитиладиган ҳамма синф-лар учун дарсликлар борми ва ҳозирги давр талабига жавоб берадими?**

## **8-§. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

### **1. Чет тиллари ўқишиши методикасида қўлланилган методлар**

Чет тилларини ўқитиш методикасининг ривожла-ниши тарихида қўлланилган методларни ўрганиш ме-тодика фани учун жуда зарурдир. Биз уни танқидий ўрганамиз, бундай ўрганиш чет тилларини ўқитиш

методикасининг илмий тадқиқот методлардан биридир. Ўрганиш орқали методикани кенгайтирамиз, ривожлантирамиз, бойитамиз. Чет тилларини ўқитишнинг ривожланиш босқичларида турли методлар қўлланилган. Улар қуидагилар:

1. Таржима методлари. Улар икки хил кўринишда бўлган.

I. Грамматик-таржима методи; 2) Лексик-таржима методи.

II. Тўғри метод.

III. Гарольд Пальмер методи.

IV. Уэст методи.

Грамматик таржима методининг асосида грамматикага, таржимага кўп аҳамият берилган. Бу метод жонли тилга ўргатмайди, фақат диққат, эътибор шаклга қаратилиб, мазмунга аҳамият берилмайди.

Лексик-таржима метод чет тили ўргатишда тахлил ва таржима қилишни асос қилиб олган. Унда ўқувчилар сўзларни, фамматикани эсда қолдиришлари зарур эди. Лексик таржима методи орқали чет тили ўқитилганда матнни барчаси ҳам тушунарли бўлавермаган.

Тўғри метод таржима методга қарама-қарши вужудга келди. Бу метод тўғри деб аталишига сабаб чет тили-даги сўз, тушунча тўғридан-тўғри она тили ёрдамисиз ўргатилган. Бу метод орқали чет тилини ўрганишда асо-сий йўналиш малака ва қўникмаларни ҳосил қилиш-га — гапиришни, ўқдшни, тинглаб тушунишни ўрга-тишга қаратилган. Тўғри метод чет тилини алоқа воси-таси сифатида ўргатиш фикрини илтари сурган. Бу фикр ўз вақгида ижобий фойда берган. Чет тили ўқитиш онгли бўлмаган, ёзувга кам аҳамият берилган, она тили қўлланилмаган, фамматика эса инкор этилган. Булар методнинг салбий томонларидир.

## ГАРОЛЬД ШЛЬМЕР МЕТОДИ

Инглиз методисти Гарольд Пальмер Токиода яшаб японларга инглиз тилини ўргатади. Инглиз тилини ўрга-тиш натижасида ўз методини яратади. Унинг методи тинглаб қабул қилиш, такдид қилишга, ёдлаб ўрга-нишга асосланган. Ҳамма тил материаллари шундай ўргатилган.

Г. Пальмернинг асосий методик тамойиллари:

- 1) Тил ўргатишни оғзаки нутқдан бошлаш;
- 2) 1 ёки 2 ой давомида инкубация даврини ўтка-зиш, бу даврда ўқувчилар она тили иштирокисиз фақат инглиз тилини тинглаш, унинг фикрича, онг иштирокисиз тил ўргатишда қўп вақт кетмайди. Албатта бу нотўғри фикрdir;
- 4) фамматик материални жадвалда қоида бермай ўргатиш (у 100 та грамматик жадваллар тузган);
- 5) тилни алоҳида олинган гаплар тартибида ўргатиш;
- 6) қийинчиликларни аста-секин бериш;
- 7) психологик омил — қизиқишига, қизиқтиришига аҳамият бериш;
- 8) ўқувчиларнинг қулоқдарини (tinglash) кўзга (kўriшга) қараганда олдинроқ, тезроқ ишлатиш, чун-ки материал оғзаки ўргатилган.

Г. Пальмер инглиз тили ўқитишнинг оғзаки курсини ишлаб чиқди ва амалда қўллаб кўрсатди, қўллан-малар ёзди. У сўзларнинг маъносини очища, фамма-тикани тушунтиришда она тилини қўллашга қарши эмасди. Бу эса тўғри методда янгилик эди. Бу билан у тўғри методни такомиллаштириди. Унинг методи қуий-даги босқичларга бўлинади:

1. Редептив иш, машқ. Ўқувчилар фақатгина ўқитувчининг нутқини тинглаб ўзлаштиради: а) яrim онгли тушуниш (ўқитувчи талаффуз қиласи, ўқувчилар тинг-лайди, холос); б) онгли тушуниш (ўқитувчи талаффуз қилиб ўқувчиларга ҳар хил топшириқ, вазифалар беради); в) инглиз тилидаги топшириқдарни. буйруқ-ларни, иш-харакатни бажартиради (тушунган тушун-маганликларни текширади); г) Yes ва No машқи, (ўқитувчи умумий савол беради, ўқувчилар yes, no орқали жавоб бераб, материални ўзлаштирадилар).
2. Рецептив таклид (иммитатив) машқ. Ўқитувчи гапиради, ўқувчилар маълум нутқ намуналарини: а) товушни; б) сўзларни; в) сўнг оддий гапларни таклид қилиб қайтарадилар.
3. Маълум шароитдаги сухбат. Ўқувчилар савол-жа-воб беришини ўрганадилар.
4. Одатдаги оддий шароитда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги сухбат. У инглиз тилини ўқитишни 4 босқичга бўлади:
  1. Бошланғич босқига (Elementary stage).
  2. Ўрта босқич (intermediate stage)

### 3. Юқори босқич (advantage stage)

4. Сүнгги босқич. У инглиз тилини ўргатиши бош-ланиши бору, охири йўқ, биринчи 2 та босқичларга инглиз тили ўргатишида катта аҳамият бериш керак, кейинги босқичлар ўз-ўзидан ривожланиб кетаверади деган фикрни билдиради.

## МАЙКЛ УЭСТ МЕТОДИ

Инглиз методисти Майкл Уэст Дехлида яшаган ва ишлаган. У ҳиндларга инглиз тилини ўргатган. Инглиз тилини ўргатиш натижасида у ўз методини ишлаб чиқ-қан М. Уэстни методи қуидаги тамойилларга асосла-нади:

1. Ўқувчи икки тиллибўлиши учун инглиз тили-ни ўқишидан бошлаб ўрганиши керак.
2. Инглиз тилини ўргатиши энг осон усули ўқишидир.
3. Ўқувчи ўқиши орқали инглиз тилини ўрганаётганда тезда муваффа-қиятни сезади.
4. Ўқувчи ўқиши орқали инглиз тилини ўрганаётганда ўқитувчининг тажрибаси, усталиги му-хим эмас.
5. Ўқувчи инглизча ўқиши малакасини эгаллай олса, бошқа малака-кўникмаларни мустақил ўрганиб кета олади.

У ҳам сўз маъносини очишида она тилини, таржи-мани қўллашга қарши эмас эди. Уэст ўзининг методи асосида тузилган қўлланма ва дарсликларини яратди, уларни амалда қўллаб кўрсатди. Бу китоблар бир-бири-ни мантиқий томондан давом эттиради, тўлдиради. М. Уэст 10 та ўқиши китобларини ёзган ва ўзи уларни қўллаб инглиз тилини ўргатган.

М. Уэстнинг битги Teaching English in difficult circumstances (Обучение английскому языку в трудных условиях) рус тилига таржима қилинган. Ўқиши китоб-лари бизда нашр қилинмаган.

Г. Пальмер ҳам, М. Уэст ҳам тил материалини танлаш масаласини кўтардилар, танлаш мезонларини иш-лаб чиқдилар, чет тилини ўқитиши методикасини бо-йитдилар, машқдар тизимини туздилар.

Г. Пальмер оғзаки нутқ орқали, М. Уэст эса ўқиши орқали инглиз тилини ўргатиши методикасини бойит-дилар, методик қўлланмалар яратдилар.

Г. Пальмер оғзаки нутқ бўйича, М. Уэст эса ўқиши ва оғзаки нутқ бўйича дарсликлар ёздилар.

## *2. Ҳозирги замон чет тили ўқитиши методлари*

### **АУДИО-ЛИНГВАЛ МЕТОД**

Бу методнинг намояндалари америка лингвист-методистлари Чарльз Фриз, Роберт Ладолардир. Уларнинг методи «oral approach» номи билан юритилади. Метод-моделлар, структуралар орқали чет тилини ўрга-тишга асосланган. Бу метод тамойиллари қуидагилар:

1. Оғзаки нутқ ёзма нугқдан олдин ўргатилсин.
2. Талаффуз намунасини кўрсатиш ва тақлид қилиш.
3. Ўргатилган гапларни тузилиши бўйича эслаб қолиш.
4. Ёзувда фақдт оғзаки нутқда ўрганилган материал-ларни бериш.
5. Қийинчиликларни аста-секин бериш.
6. Фақат амалий машқдар бажариш.
7. Ўқувчиларнинг дарсдаги 15% вақти ўрганилаётган материални тушунтиришга, қолган 85% вақтини эса тинглаш, гапириш бўйича машқ бажаришга ажра-тиш.

Бу метод мактабгача ёшдаги болалар ва катта ёшда-тиларни инглиз тилини ўргатишга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар маълум вақтгача ўқишишга, ёзишишга ўргатил-майди. Таржима факатгина тушунганликни текшириш-да фойдаланилган. Ўқувчилар 6 ҳафта давомида инглиз тилини оғзаки, сўнг ўқишиш, ёзишишни ўрганганлар.

Ч. Фриз Мичиган университетида ишлаб «Teaching and learning English as Foreign Languages» китобини яратди. Унинг фикрича, чет тили ўқитишидан мақсад қандай бўлмасин, ўқувчилар тил материали билан би-ринчи марта тинглаш, гапириш орқали таништирилиши лозим. Чарльз Фриз «American English Series» кито-бida қуидаги машқдарни беради:

1. Write **Statements**. Tell five things you do every day **and five** things you did yesterday ёки

2. Write a sentence about five people you know

Тўғри метод вакиллари тил материалларини танлаб чет тилини ўргатиш зарур деса, бу метод структура, моделларни танлаб ўргатишни таклиф қиласди.

Роберт Ладо қуидагиларни таклиф қиласди:

1. Тақлид орқдли ёдлатиш.

2. Таниш структура асосида онгли равишда янги модел танлаш.

3. Модел, структураларни эркин қўллай олиш.

Юқоридаги метод бўйича оғзаки нутқ ҳам, таълим ўргатиш мақсади ҳам воситаси бўлган. Аудио-лингвал методи орқали меҳмонхона, магазин, порт, аэропорт, ресторанларда ишлайдиганларга инглиз тили ўргатилган.

## АУДИО-ВИЗУАЛ МЕТОД

Аудио-визуал метод XX асрнинг 40-йилларидан ри-вожлана бошлади. Унинг асосчилари югослав методис-ти Петр Губерина, француз методистлари Поль Ре-ванк, Жорж Гугенеймдир. Бу методни тарғиб қилаёт-ган, ишлаб чиқаётгаф!, марказ Париж яқинидаги Сен Клу шаҳарида жойлашган. Аудио-визуал метод чет ти-лида ўрганштаётган ҳамма тил материалларини расми-ни ёки экранда кўрсатиш ва тинглатиш орқали чет тилини ўргатади. Аудио-визуал метод муаллифлари қўй-идаги тамойилларни асос қилиб олганлар:

1. Жонли тилнинг диологик шакли олинган;
2. Ўқиши-ўргатишнинг асоси оғзаки нутқ дсб қарал-ган;
3. Янги материал бутун структураларни тинглаш, қўриш орқали берилган.
4. Янги тил материалларининг маъноси фақатгина предметларни, расмларни, ҳаракатларни, кинофильм, диафильм, слайдлари қўриш орқали очилган.
5. Янги тил материалларини ўзлаштириш тақлид қилиш, ёдлаш, ўхшашлиги бўйича янги структуралар-ни тузиш орқали бўлган.

Аудио-визуал метод орқали чет тили ўргатишда, ўрганишда ўқувчилар ўрганаётган материалларни бир вақтнинг ўзида<sup>^</sup>кам тинглайди, ҳам экранда ски расм-ларда кўради. Ўқитиш фақатгина чет тилида олиб бо-рилиб, тинглаш, қўриш, техник воситаларни кенг қўллашга мўлжалланган.

Метод қуйидаги 2 та босқични ўз ичига олади:

1. Рецептив иш.
2. Репродуктив иш.

Рецептив ишда ўқувчилар сухбатни чет тилида 2—3 марта тинглайди, кўради. Ёдида сақпашта ҳаракат қиласи. Репродуктив ишда эса ўқувчи сухбатни овозсиз кўра-ди, сўзловчининг ўрнига гапиради, қайтаради. Сўнгиде эса ўқувчилар уни кенгайтирадилар.

Диалогни ўргатиш 4 та босқичга бўлинади:

1. Материални тақцим қилиш. Диафильмни овозли ва овозсиз кўриш.
2. Тушунтириш. Диафильмни яна кўрсатиб тушун-тириш, тушунганликни текшириш ва тушунмаган жойи бўлса яна тушунтириш.
3. Қайтариш. Ўқувчиларни тинғлаган материалини тақлнд қилишга ўргатиш.
4. Фаоллаштириш. Диафильмни овозсиз кўриб гапи-риш, сўзлаш.

Бу метод асосида оғзаки нутқни ўргатиш ётади. Нутқ вазиятлари, гап моделлари эса чукур ўйланиб, танлаб олинади.

Ҳозир бу метод орқали чет элликларни француз тилига ўргатилмоқда, лекин бу метод кенг тарқалиб оммалашмаяпти. Бизнинг мактабларда бу метод соф ҳолда қўлланилмайди.

## ТАҚҚОСЛАШ МЕТОДИ

Таққослаш методида 2 та йўналиш мавжуд:

1. Онгли таққослаш методи.
2. Онгли амалий, онгли коммуникатив метод. Онгли таққослаш методига асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмиларида рус олим Ф. Н. Буслаев асос солди. Ҳозирги даврда метод гурли мамлакатларда ри-вожланмокда. Бу метод билан И. В. Шчерба, В. В. Ара-кин, З. М. Цветкова, В. С. Цетлинлар шуғулланганлар. Унинг тамойиллари қуйидагилар:
  1. Тил материалларини қўллаш йўлларини уларнинг ўзлаштириш даврида англаш.
  2. Таълим мазмунини тил шакли билан боғлаш.
  3. Тил материалларини таққослаш орқали ўргатиш.
  4. Нутқ фаолиятининг ҳамма турларини бир вақт-нинг ўзида ўргатиш, ривожлантириш.
  5. Актив, пассив тил материалларини чегаралаш. Она тили онглилик тамойилини амалга оширишнинг асоси бўлган.

Кейинги пайтда методистлар Френч «The teaching Of English Abroad», Хорнби «The Teaching of Structural words and sentence patterns», Эбер1фомби «Problems and Principles», Роберт Ладо «Language Teaching» китоб ва қўлланмаларини ёздилар, нашр қилдилар.

Улар бу қўлланмалар орқали чет тилини ўқитишда қуйидаги янги тамойилларни ўртага ташладилар:

- 1) чет тилини ўргатиш ва ўрганишда илмий ёнда-шиш;
- 2) тилшунослик, психология, психолингвистика-дан кенг фойдаланиш;
- 3) тил материалини маълум қонун асосида танлаш ва ўргатишнинг кетма-кетлигини белгилаш;
- 4) тил материалини илмий қонун (тамойил) асо-сида тахлил қилиш;
- 5) инглиз тили ўрганишни нутқ вазиятлари асоси-да олиб бориш;
- 6) тинглаш, кўриш воситаларияни кенг қўллаш.

С. Ф. Шатиловниңг фикрича, мактабларда актив ме-тод қўлланиляпти. У бу методнинг қуйидаги белгила-рини кўрсатади;

- 1) чет тилини ўқитишининг амалий йўналишда бўлишлиги;
- 2) чет тилини ўргатиш коммуникативлик асосида бўлиши;
- 3) тил материалларини ўргатишни нутқ намунала-ри мажмуи (комплекси)да ташкил қилиш;
- 4) чет тилини ўргатишда ҳар томонлама ендашиш;
- 5) чет тили ўргатишни мумкин қадар тезлашти-риш, яъни а) ўргатиш коммуникативлилик йўналиш-да бўлиши, б) дарсни унумли ташкил қилиш, в) ме-тод, йўл, усусларни турлича бўлиши, г) аудиовизуал (tinglash, kuriš) воситаларни кенг қўллаш, е) синф ва уйда ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, ж) синф ва синфдан ташқари ишларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб бориш кабилар.

Актив методни онгли коммуникатив метод деб ҳам юритилмоқда. Бизнинг фикримизча, ҳозир онгли ама-лий метод кенг қўлланилмоқда. Унда оғзаки кириш курси асос қилиб олинган.

### *3. Энг замонавий чет тили ўқитиши методлари*

Ҳозир чет тилини ўқитишда энг замонавий метод-лар ҳам қўлланилмоқда. Уларга қуйидаги методлар ки-ради:

1. Сокин йўл орқали тил ўргатиш методи. Silent way

2. Гурух ҳолида чет тилини ўргатиш методи; The Community language Learning
3. Тўлиқ жавоб бериш орқали тил ўргатиш методи. The total phisical response method.
4. Тил ўргатишнинг коммуникатив методи. The communicative language teaching.

*4. Собиқ Иттифоқда чет тиллар ўқитиши методикаси-нинг ривожланиши босқичлари*

Чет тиллар ўқитиши методикаси ривожланишини босқичларга бўлишда чет тили ўқитиши мақсад ва мазмунидаги тубдан ўзгаришлар, методика фанидаги сифат ўзгариш мезонлари ҳисобга олинган. Чет тили ўқитиши-ни ривожланиш босқичларида 4 та асосий метод шакл-ланган, ривожланган, қўлланилган: 1) таржима ме-тодлари, 2) тўғри метод, 3) аралаш методлар, 4) тақ-қослаш методлари.

Инқиlobdan кейин чет тили ўқитишига катта аҳамият берилади. 1917—1923-йилларда мактабда чет тилини ўқитиши керакми-йўқми, деган масала қўйилди. Баъзи методистлар чет тили мактабда ўқитилмасин, деган масалани кўтариб чиқдилар. Шу сабабдан 1923—1924 йилларда чет тиллари факультатив сифатида ўқитилди, яъни хохловчилар чет тилни ўқидилар, ўргандилар.

Чет тиллар ўқитиши методикасининг ривожланиш масаласи билан биринчи бўлиб И. В. Рахманов шуғул-ланди. У З босқичга бўлди ва уларнинг хусусиятлари-ни, чет тили ўқитиши мақсад, мазмунларини аниқлаб кўрсатди. Кейинчалик бу масала билан А. А. Миролю-бов чуқурроқ пгтуулланиб, 5 босқичга бўлди. .

**I б о с қ и ч.** 1917—1925 йилларни ўз ичига олади. Чет тиллар ўргатишнинг амалдаги методикаси инқи-лобдан кейин ривожланди. 1917—1923 йилларда чет тиллари факультатив си-фатида ўқитилди. Бу даврда чет тилига бўлган талаб чет тили бўйича чиқарилган дастурда баён этилди. Би-ринчи дастур 1919 йилда, кейин 1923 йилда қайтадан ишланиб чоп этилди. Унга ўқувчини четтили материа-лини ўқий оладиган ва уни тушуна оладиган қилиб тайёрлаш талаб қилинди. Бу талаблар, албатта бизни икгисодий, сиёсий томондан ривожланишимизга қараб белгиланди. Бу даврда чет элдан машина, ускуналар

сотиб олинарди, шунинг учун уларнинт чет тилидаги кўрсатмаларини тушуна оладиган мутахассислар тайё-рлаш талаб қилинарди.

Чет тили бўйича биринчи дарсликлар ишлаб чиқилиб, нашр қилинди. Албатта, улар юқоридаги талабга жавоб берарди-ю, лекин камчиликлари ҳам бор эди: тил материалини илмий танлашга интилган, лекин у кўп эди, ёзма нутққа кам аҳамият берилиб, граммати-кани ўргатишга, таржима қилишга кўп ўрин берила-ганди.

**П б о с қ и ч**, 1925—1932 Йилларни ўз ичига олади. Юқоридаги камчиликлар чет тилини ўқитишига ўз таъ-сирини кўрсатди. 1927 йилда Бутунитгилоқ фанлар ака-демияси тузилди, чет тилига кўпроқ эътибор бериш ҳақида қарор чиқт/, чет тилини ўқитиши методикаси академик Л. В. Шчерба, профессор М. В. Сергиевский-нинг мақолалари, 1930 йилда К. А. Ганшинанинг «Чет тиллар ўқитиши методика»си китоблари билан бойиди. Бу методистлар чет тилидан умумтаълим беришни, у орқали тарбиялашни, ўқитишининг йўл, усулларини кўрсатиб бердилар. Улар ўрта мактабда чет тили ўрга-тишда, ўқитишида она тилининг роли, педагогик жа-раённи фаоллаштириш, тил материалларининг мазму-ни каби масалаларни кўтариб чиқцилар ва ечишга ҳара-кат қилдилар. 1930 йилга келиб, 1 Москва Давлат чет тилар педагогика институти (МГПИИЯ) га асос со-линди.

1931 йиллаги қарор ҳамма фанларни ўқишига анча ўзгаришлар киритди. Дастур қайтадан кўриб чиқилди, ўқитиши методлари текширилиб кўрилди, чет тилини ўргатиш учун янги дарсликлар нашр қилинди. 1932 йил 25 августда ўрта мактабларнинг кун тартиби, дас-тури ҳақида қарор чиқди. Унда ўрта мактабни битираётганлар бирон-бир чет тилини билишлари керак деган талаб қўйилганди. Чет тилининг ўрни, аҳамияти ўрта мактабда ошди. Чет тили дарслари 1 босқич-да 200 соат бўлган бўлса, 1926 йилда 432 соатга, 1929—1931 йилларда 442 соатга, 1932 йилда эса 715 соатга кўпайди.

Бу ўзгаришлар янги дастур тузишни талаб қилди. 1932 йилда чет тилидан янги дастур тузилди ва нашр қилинди. Унда ўқувчилар чет тилида ўқий оладиган, оғзаки иутқни тушуна оладиган бўлсинлар, деган та-лаб қўйилди.

1932 йилга келиб, чет тиллари ўқитувчиларининг Бутунrossин анжумани бўлди. Бу даврда чет тиллардан кундузги, сиртқи курслар, тўгараклар, консультация жойлари ташкил қилинди, чет тилида маҳсус ойномалар чиқди, чет тили адабиёти кутубхонаси очилди.

**III босқичи** 1932-1946 йилларни ўз ичига олади. Ўзгаришлар бу босқичга келиб таъсирини кўрсатди. 1932 йилда чиқсан дастур ва кейинги дастурларда чет тили ўқитишга амалий мақсад асос қилиб олинди. Ўкувчи-лар чет тилида ўқиши, гапириши ўрганишлари ло-зим эди. Янги дарслеклар яратилди, лекин бу дарслек-лар камчиликлардан холи эмас эди. Бу даврда Г. Паль-мер методи ўз таъсирини курсатди. Аralаш, онгли-таққослаш методлари қўлланилди.

1933 йилда И. А. Грузинскаянинг «Методика анг-лийского языка» китоби босмадай чиқди. У методика-ни лингвистика, педагогика, психология асосида ил-мий ёритишга интилди, тўғри метод вакилларини она тилини қўллашга қарши бўлганликлари учун танқид қилди.

Бу даврда педагогика фанлари академиясининг чет тили бўлими И. В. Рахманов бошчилигига гил материал-ларини илмий асосда танлашда анча ишлар қилди.

Чет тили ўқитиш дастурида ўкувчилар қоидаларни ёдлашлари, тахлил қила олишлари кўзда тутилганди. Уқувчиларнинг малака-кўникмалари факат таржима ор-қали ҳосил қилинар, дастур оғзаки нутққа кўп вақт ажратганига қарамай, унга оз вақт қоларди. Натижада ўкувчиларнинг билимлари паст бўлиб, энг оддий фикрларни баён қила олмасдилар. Матн устида ишлаш кўп вақтни олар, шунинг учун синтатик ўқишига аҳамият берилмасди. Учинчи босқични салбий томонлари би-лан бирга ижобий томонлари қам бор эди: 1) лексика-нинг танлаш тамойиллари аникланди; 2) тил материаларини киритиш-тушунтиришни янги методлари, усуллари яратилди; 3) машкларни чегаралакган тизими ишлаб чиқилди.

Чет тили дарсларининг соати ўзгарди. 1934 йилда 954 соатга ошган бўлса, 1937 йилда 720 соатга тушди.

**IV босқичи** 1947—1960 йилларни ўз ичига олади. IV босқич жўшқин давр ҳисобланади, чет тили ўқитиш мақсади бир неча марта ўзгарди. Унга академик Л. В. Шчербанинг таъсири кучли бўдди. Л. В. Шчерба тил материалларини аспектларга бўлиб ўхитиш, онг-

ли ўзлаштириш ғояларини илгари сурди. У чет тилига ўқиши, таҳлил қилиш, таржимадан фойдаланиб ўрга-тылсин, таққослашнинг энг фойдали методи таржима бўлсин деган фикрни илгари сурди. Чет тили ўқитиш мазмунига қараб билимни у 2 турга: рецептив билим (receptive knowledge) ва репродуктив билим (reproductive know]edge)га бўлдц. Рецептив билим чет тили материа-лини танишда, маълумот қабул қилишда; репродуктив билим, маълумот беришда қўлланилади. 1947 йилда би-ринчи чет тиллари лугат минимумлари тузилди.

1949 йилда Л. В. Шчербанинг фикрини акс этирув-чи дастур ишлаб чиқилиб, чет тилида ўқишига, таржи-мага катта ўрин берилди. Унинг 1947 йидяя чиққан «Чет тилларни ўрта мактабда ўқитиш», деган китоби қизиқиш уйғотди.

В- Шчерба 1947 йилда вафот этди) Дарслклар нашр этилди, улар матнни интенсив (тез-лаштириб) ўқиши, матн мазмунини тахлил ва таржима қилиб тушушиш кўзда тутидди. Лекин ўқувчилар матн мазмунини, ўз фикрларини инглизча баён қилишга қийналардилар, таржимага кўп ўрин берилиб, амалий билим кам бериларди.

Иқтисодий, маданий алоқалар тез ривожлангани сабабли, шароит, вазият амалий билимни талаб қил-яи, чет тили ўргатиш методини ўзгартириш зарур бўлиб қолди. Ленинградлик профессор Аничков юқоридаги фикрларни, усул, йўлларни грамматик таржима методини ўзи деб танқид қилиб ўзгартириш таклифини киритди. Шу сабабдан 1954 йидда янги дастур яратилди. Унда рецептив, репродуктив, аспектларга бўлиб ўқитишдан воз кечилди. Лексика 3500 тадан 2400— 2600 тага камайтирилди. Оғзаки нутқ орқали инглиз тилида савол ва жавоб бера олишлик талаб қилинди, таржимага, она тилига муҳим ўрин берилди. Бироқ бу-лар чет тиллар, инглиз тили ўргатишни тубдан ўзгар-тирмади.

1956 йилда Н. В. Карпов, И. В. Раҳмановларнинг «Бошланғич босқичда чет тилини ўқитиш методика-си», В. С. Цетлиннинг V—VI—VTII-X-синфлар учун француз тилида ўқиши китоблари нашрдан чиқди. Тех-иик воситалардан кенг фойдаланиш талаб қилинди.

1958 йилда мактаб тўғрисидаги қонунда ўқувчилар-ни факдтгина олий ўқув юртларига эмас, балки ҳаётга, меҳнатга ҳам тайёрлаш вазифаси қўйилди. 1958 йилда янги тузилган дастур қабул қилинди.

**В б о с қ и ч.** 1960—1980 йилларни ўз ичига олади. 1960 йилда кундузги ва кечки 8 йиллик мактаблар учун янги дастур чиқди. Унинг асосида ўқувчиларга амалий политехник таълим бериш ҳамда ўқувчилардан қисқа инглизча сұхбатлаша олиш, луғатсиз матнни ўқий олиш, тушуна олиш талаб қилинди.

Янги дастурда тил материалларининг сони, ҳажми камайтирилди, янги дарсликлар, қўлланмалар, ўқиши китоблари, жадваллар, расмлар, диафильмлар тайёр-ланди, методлар, усуллар қайтадан кўриб чиқилди. Янги онгли-амалий методга асос солинди, ривожлантирилди, оғзаки нутққа ва синтетик ўхишга кўп ўрин ажра-тилди, чет эл методикаси танқидий ўрганилди.

1961 йилда чет тилини ўқитишни яхшилаш юзаси-дан қарор чиқди. Унда дарс соатлари кўрсатилди, 950 та сўз ўргатилиши кераклигини таъкидланди. Ўрта мак-табларда чет тили дарсининг сони 1970—1974 йиллар-да 514 соатни, 1972—73 йилларда эса ўзбек мактабларида 432 соатни ташкил қилди.

Амалдаги чет тили ўқитиш методикаси таққослаш методини тан олди, у орқали чет тили онгли ўзлашти-рилади деб кўрсатди. Бу метод ўз олдига 1) чет тилини она тили билан таққослаш; 2) чет тилини ўзи ичида таққослаш; 3) методик усулларнинг ўқитиш мақсадига боғлиқдиги; 4) методни инглиз тили ўқитиш мақсади-га, вазифасига, мазмунига боғлиқлиги; 5) ўқитиш ме-тодини ўқувчининг ақлий ривожланишига, ёшининг боғлиқлиги хусусиятларини асос қилди.

С. Ф. Шатилов хам чет тилини ўқитиш методикаси-ни ривожланиш босқичлари масаласи билан шуғул-ланган. У методикани 4 та босқичга бўлади: 1-босқич. 1924—31 йиллар 2-босқич. 1931—44 йиллар 3-босқич. 1944—61 йиллар

4-босқич. 1961-йилдан 1980 йилгача бўлган давр. У ҳар бир босқични характерли хусусиятларияни қўрсатди. У тўртинчи босқични чет тили ўқитишнинг замонавий босқичи деб агади. Унинг фикрича, ҳозир чет тилини ўқитишда коммуникативликка ахамият берилмоқда, интенсив методлар қўлланилмоқда. Бу методлар ижтимоий талаб сабабли юзага келди. Уларнинг ривожланишига психология, шахс лсихологияси, психолингвистиканинг таъсири бор. Унинг фикрича, қисқа вакт ичида

кatta ҳажмдаги ўқув материалини ўзлаштиришга мос-лаштирнлган методлар интенсив метод деб тушунила-ди. Методик адабиётларда бу методларнинг бир нечта тури бор:

1. Гипноттедия
2. Релаксопедия
3. Ритмопедия
4. Нутқоқимида, жараёнида бўлиш (погружение)
5. Ҳис-ҳаяжонли метод (эмоционально-смысловой метод).

**Гипяопедия** методи ўқувчига уйқудалигида чет тили материалини бир неча марта эшиттириш, тинглатиш орқали ўргатишни кўзда тутади. Ўқувчилар, ўрганувчи-лар чет тили материалини радио ёки магнитафон ор-қали тинглайдилар.

**Релаксопедия** методи ўқувчининг руҳий (психоло-гик) бўшашибган ҳолатида, психикасини бошқариш ор-қали чет тили ўрганишни кўзда тутади.

**Ритмопедия** орқали ўқувчининг нерв тизимини ало-ҳида ҳолатга тушириш орқали чет тили ўргатилади. Бун-да музикадан, ашуладан, мустақил ишдан фойдалани-лади.

Нутқ оқимида бўлиш методи орқали тизиили узоқ муддатда 1,2 кун оғзаки нутқ муҳитида, оқимида бўлиш, эшитиш, тинглаш орқали чет тили ўргатилади.

**Ҳис-ҳаяжонли метод.** Бу метод ролли ўйинлар ўина-тиш орқали чет тили ўргатишни кўзда тутади.

Янги ҳозирги замонавий босқичда чет тилини ўрга-тиш, ўқитиш:

- 1) амалий йўналишда бўлиши;
- 2) коммуникатив фаолиятда етакчи бўлиши;
- 3) ўқитишга ҳар томонлама ёндашиш;
- 4) мумкин қадар ўқитиш жараёнини тезлаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш;
- 5) турли хил метод, усулларни қўллаш;
- 6) аудио-визуал воситалардан фойдаланиш;
- 7) дастурли таълим элементларни қўллаш, мустақил ишлатиш, синф. синфдан ташқари ишларни бир-га олиб бориш каби хусусиятларга эга.

Ҳозирги даврда чет тили ўргатиш, ўқитиш оғзаки ёндашишга асосланган.

## **Текшириш учун савол ва тошириқлар:**

1. Методиканинг ривожланиш босқичларини ўрганиш зарурми?
2. Чет тили ўқитишда қандай методлар муҳим аҳамиятга эга бўлгаи?
3. Ҳозир бизда ўзбек мактабларида бу методлар қўлланиляптими?
4. Сиз қайси бир методларни афзал кўрасиз?
5. Собиқ Иттифоқда чет тилларни уқитиш методикасининг ривожланиш масалалари билан химлар шуғулланган? Улар босқичларга бўлишда нималарни ҳисобга олган?
6. Ҳозирги даврда чет тиллар ўқитиш методикасияинг ривожла-ниш босқичлари ишлаб чиқилганми? Унинг хусусиятларн ҳақида гапириб беринг.

## **5. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ТИЛЛАР ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Методистлар мактабларда чет тили ўқитиш масала-си билан 50-йиллардан игугулдана бошладилар

Методистлар ўзбек тилини, мактабарнинг шарои-тини ҳисобга олиб, анча фойдали ишлар қилдилар.

Ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда чет тили масалалари бўйича методистлар томонидан кўпгина китоблар ёзилди.

50-йилларда Ўзбекистонда Россия мактабарининг V—VI синфлари учун яратилган инглиз тили дарслик-ларини ўзбек мактабларига мослаштириб нашр қилинди. Машқ талаблари ўзбекча, лугатлари эса инглизча ўзбекча берилди.

Ўзбек мактабларида ўқувчилар 7-синфда, 6-синф рус мактаби инглиз тили дарслиги, 8-синфда, 7-синф дарслиги, 9-синфда, 8-синф дарслиги, 10-синфда, 9-синф рус мактаби инглиз тили дарсликлари асосида инглиз тилини ўргандилар.

1961—62 йиллардан бошлаб ўзбек тилида ўқитила-диган мактабларда V—VTII синфларда инглиз тили янги дарслик асосида ўргатила бошлавди. Дарсликларда ўзбек тили ҳисобга олинганди. 1968 йидда Узбекистонда би-ринчи марта инглиз, немис, француз, тилларидан ўрта мактаб дастури тузилди ва нашр қилинди. Кейинчалик чет тили дастури тузнишда методик қўлланмалар, дарс-

ликлар яратишда Ўзбекистон педагогика илмий тек-шириш институти муҳим ўрин тутди. 1961—68 йилга келиб, ўзбек мактаблари учун чет тили ўқитиш мето-дикасидан унумли ишлар қилинди. Юқоридаги чет тили ўқитишни сифати ва мазмун ўзгаришини хисобга олиб, Ўзбекистонда чет тили ўқитиш, ривожланиш босқичларини икки босқичга бўлдилар.

**Биринчи босқич.** 1924—1960 йилларни ўз ичига ола-ди. Бу давр ўзбек мактабларида рус маіааблари учун нашр қилинган чет тили дарсликларини ўзбек мактаб-ларига мослаштириб қўлланилиш хусусиятига эгалиги билан характерланади.

**Иккинчн босқич** 1961 йилдан 1980 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр эса ўзбек мактаблари-нинг хусусиятиня, тилини қисобга олиб, ўзбек мактаблари учун инглиз, француз, немис тили дарслик-ларини яратилиши билан ажралиб туради.

Кейинчалик бу масала билан Р. А. Зарипова чуқур-роқ шуғулланди. У Ўзбекистонда чет тили ўқитиш ме-тодикасининг ривожланиш босқичларини **VI даврга** бўлди.

I давр XIX асрнинг 70 йилларида 1917-йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

II давр 1917—1930 йилларни ўз ичига олади.

III давр 1930—1940 йилларнинг бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

IV давр 1940 йиллар бошларидан i960 йилларнинг бошларигача бўлган давр.

V давр 1960 йилдан 1970-йиллар бошларигача бўлган давр.

VI давр 1970 йиллар бошларидан 1980-йилгача бўлган давр.

2 та босқичга ва VI та даврга тақсимлашда чет тили ўқитиш методикасининг сифат ва мазмун ўзгариши ҳисобга олинган.

Улар ҳар бир давр хусусиятларини ва характерли томонларини қўрсатиб бердилар.

Ўзбекистонда 1945—1949-йилларда четтили 3-синф-дан рус мактаблари дарсликлари асосида ўқитилди, кейинчалик 5-синфдан чет тили ўқитилди.

## **6. ЎЗБЕКИСТОНДЛ ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ РИВОЖЛАНИШИНинг 1980 ИИЛДАН КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ**

1980 йилдан кейинги босқични 11 даврга бўлиши мумкин.

1-давр 1980—1991 йиллар.

И-давр 1991 дан ҳозирги давргача.

Бу даврга бўлишда ҳам методиканинг сифат ва маз-мун ўзгаришлари муҳим ўрин тутади.

I-давр Собиқ Итгиғоқ вақтига тўғри келади. Бу даврда олдинги методик қарашлар, метод, усуллар, олдин-ги дарслерлар қўлланилиши давом этди, лекин 1984—1985 йилдан бошлаб бўлган ўзгаришлар, янги талаблар ҳам бўлди. 1985 йили илгари сурилган янги талаблар асосида чет тили уқитиш қайтадан кўриб чиқилишини ўзгаришлар, вақт тақозо қилди. 1984 йилдан 4-синфдан бошлаб чет тиллари ўқитилди. 4—5-синф чет тиллари дарслерлари ёзилиб, нашрдан чиқди ва улар асосида чет тиллари ўқитклди. Юқори синфлар (9—10-синф-лар)да чет тилидан дарслар соатлари хафтасига 1 соат-га тушиб қолди. 9—10-синфлар дарслерлари хафтасига 2 соатга мўлжаллангани учун уларни хафтасига 1 соатга мослаштириш, қисқартириш, айниқса, қийинчи-лик туғдирдн. Маориф вазирлиги, малака ошириш ин-ститутлари булар устида анча ишлар қилдилар, лекин уларни республикадаги хар бир мактабга, ўқитувчи-ларга етказиш, уларни тайёрлаш анча кеч ўтди. 1988 йилда ўзбек мактаблари учун янги дастур чиқаи, ле-кин рус тилида ёзилганди.

Бу албатта чет тиллар ўқитилишига ўз таъсирини кўрсатди. П-давр 1991 дан ҳозирги давргача давом этмоқда.

Бу давр ^заришларга жуда бой бўлди. Унинг асосий сабаби Узбекистоннинг 1991 йил 30 августда мустақилликка эришганидир. 1991 йилдан бошлаб, чег эл мамлакатлари билан Республикамизнинг алоқаси кенгайди, чет давлатларда элчихоналар ва мамлакатимиз-да қўшма корхоналар очилди. Улар учун чет тили би-лувчилар зарур бўлди. Шу сабабдан чет тили ўқитишни қайтадан чуқурроқ кўриб чиқишга тўғри келди. Чет тили ўқитиш қайтадан кўриб чиқилиб, Республикамизда чет тилини ўқитиш концепцияси, кадрларни тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилди. Унда чет

тилини ўқитишини тубдан яхшилаш, чет тилини таълим-тарбия муассаларида уэлуксиз ўргатиш уқирилди.

Агар шароит-ўқитувчилар етарли бўлса, боғчалар-да, бошланғич (1—2—3—4)-синфларда чет тилини ўрга-тишга рухсат берилди. Булар асосида боғчада 1—2—3—4-синфларда чет тиллар айниқса, инглиз тили ўргатиш методикалари устида илмий ишлар қилина бошланди. Кулланмалар тайёрланди. 1993 йилда биринчи марта чет тиллар дастури ўзбекча тайёрланди ва нашрдан чиқди. Чет тилини ўқитиши 5-синфдан мажбурий бўдди. Дарс соати 5—6—7—8—9-синфлари учун уч соатдан бўлди. Дарсликлар қайтадан кўриб чиқилиб, чет элликлар билан бирга дарсликларни ёзиш йўлга қўйилди. Кадрлар тайерлаш Миллий дастурида ўрта мактабдан ташқари гимназиялар, академик лицей, колледжлар очиш кўзда тутилди ва 1998—1999 Йилдан бошлаб улар очилди. Уларни турли хил йўналишлар бўйича очиш ва ушбу йўналишига қараб чет тилларга соатлар ажратиш кўзда тутилди. Чет тили дарс соатлари хафтаси 6—7—8 соатгача етди.

Ўрта мактабларда ва академик лицейларда чет тили ўқитиши бўйича дастурлар ишлаб чиқаилар, муҳокама қилинди, лашрдан чиқди. Назорат қилиш янгича тест, рейтинг усулларига кўчди. Чет тили ўқитишида комму-никатив йўналиш асосий метод бўлиб қолди. Юқори-даги ўзгаришлар методист, ўқитувчилар олдига анча ишлар қилишилиги лозимлигини кўрсатди. Бу ишларга улар фаол киришиб кетдилар. 1984 йилдан бошлаб, 4-синфдан инглиз тили ўқитилди, 1989 йилдан бошлаб эса яна 5-синфдан чет тили ўқитилмоқда.

Чет тили ўқитувчилари тайерлаш масалалари билан ҳам шуғулланилди. Илгари Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтида чет тили факультети чет тили ўқитувчилари тайёрларди. Унинг асосида 1948 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти ташкил топди, 1992 йилда у Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетига айлантирилди. Унинг қошида таржимонлик, филология, халқаро журналистика, ма-лака ошириш факультети, магистратура, академик лицей, тил маркази очилди. Таржимонлик факультетида 20 та тил бўйича таржимонлар тайёрланиляпти. Кей-инчалик вилоят пединститутларида чет тили факуль-тетлари очилди.

Чет тиллар бўйича миллий кадрлар, мутахассислар кўпайди, фан номзодлари, докторлари етишиб чиқди. Инглиз тили бўйича Ж. Бўронов, А. А. Абдуазизов, В И. Болотов, У. Юсупов; Француз тили бўйича М. Аб-дураззоқов; немис тилидан М. Умархўжаев каби фан докторлари, профессорлари, кўпгина фан номзодлари етишиб чиқдилар. 1988 йида институтда номзодлик, докторлик диссертацияларни ёқлаш бўйича илмий кенгаш очилди.

Ўрта мактабларда чет тили ўқитиш ғояси бизнинг иқтисодий, сиёсий томондан ривожланишимиз билан белгиланади. Бизда чет тили ўқитишдан асосий мақсад билимли, онгли, фаол, интизомли, дунёқарashi кенг, акли, маданиятли кишиларни тарбиялаб етказишидир.

#### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

- 1. Ўзбекистонда чет тили ўқитиш методикасининг ривожланишини урганиш зарурми?**
- 2. Чет тиллар ўқитиш методикасинилг ривожланишин билан ким-лар шуғулланган?**
- 3 Ўзбекистонда ўзбек тилида ў<sup>^</sup>тиладиган маклабларда инглиз тияни ўқитиша қандай дарсликлардан фойдаланилган?**
- 4. Ўзбекистонда ҳозирги давр чет тиллар ўқитиш босқичи ишлаб чиқилганми? Унинг хусусиятлари ҳақида сўзланг.**

## **П Боб**

### **A. ИНГЛИЗ ТИЛИ МАТЕРИАЛИНИ ЎРГАТИШ**

Нутқ фаолиятининг асосий тил материали ўз ичига фонетик, грамматик, лексик материалларни олади. Кейинги пайтларда орфография ҳам киритиляпти, лекин у дастурда йўқ. Тил материали инглиз тилини ўргатишда муҳим ўрин тутади. У ҳамма нутхфаолиятлари учун асосий материал ҳисобланади. Усиз биз нутқ фаолиятини эгаллай олмаймиз ёки уни амалга ошира олмаймиз. Тил, нутқ воситаларига тилнинг товуш тизимини, оҳангини, грамматик тузилишини, лексикасини киргизиш мумкин.

Ўрта мактаб дастури нутқ фаолиятларини амалга ошириш учун фонетик ёки талаффуз, грамматик, лексик материалларни белгилаб кўрсатган. Бу тил материаллари тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиши, ёзувнинг муҳим қисмидир. Тил материалларни ўргатишда мактаб, академик лицейлар, касб-хунар коллажлари ша-роитини, материалларнинг хусусиятини, методик то-монини ҳисобга олиш зарур.

Ўқувчи, талаба нутқ фаолиятини эгаллаши, бажариши учун инглиз тили лексикасини, грамматикаси-ни, инглиз тили фонетик тизими танлаб олиниб ўрга-тилади. Танлашнинг сабаблари қуйидагилар: Биринчидан, тил материаллари кўп. Уларнинг ҳам-масини ўргатиш қийин. Ҳатто маҳсус чет тили инсти-тутларида ҳам уларнинг ҳаммасини ўргатиб бўлмайди.

Иккинчидан, ўрта умумтаълим берилади. Бунинг учун эса ҳамма тил материали керакмас. Учинчилан, вақт кам (дарс соати кам). Тўртинчидан, методика илмий нуқтаи назаридан

кўп тил материалини ўргатиш ўрнига **максус** мақсад бўйича танлаган оз сонли тил материали орқали нутқ фаолиятини ўргатиш осондир. Бу ерда бир неча тил материали орқали нутқ фаолиятини ўргатиш мумкин. Бу ерда бир нечта тил материали ўрнига қўллаш мумкин бўлган битта тил материали танланиб, уни нутқ фаолиятида кўпроқ фаоллаштариш қўзда тутилади. На-тижада нутқ фаолиятини ўстиришга вақт ортади.

Бешинчидан, тил материалини танлашда фаоллаш-тириладиган нутқ фаолиятининг турли хусусиятини ҳисобга олиши зарур.

Тил материалларнинг хусусиятини, уларни фаол-лаштириладиган нутқ фаолиятининг турли хусусиятла-ри ҳисобга олиниб, улар **максус** тамойиллар асосида танланади. Ҳар бир тил материаллари ўзининг танлаш тамойилларига эга.

Ўқувчи ёки талаба инглиз тили материалини ўрга-наётганда ўзбек, рус тилларининг хусусиятлари унга таъсир қиласи. Бунга аҳамият берилиши ва ҳисобга олиш зарур. Бу таъсир ижобий ва салбий бўлади.

1. Фақат чет тилининг салбий, ижобий таъсири.
  2. Фақат она тилининг салбий, ижобий таъсири.
  3. Фақат рус тилининг салбий, ижобий таъсири.
  4. Она тили, рус тилининг ижобий, салбий таъсири
  5. Она тили, рус тили ва инглиз тилларнинг ижобий салбий таъсири.
- Уқувчи, талаба юқоридаги тилларнинг таъсирида фаоллашган тил малака ва кўнимкаларни ҳисобга ол-май инглиз тилига кўчиради. Илмий тилда «кўчириш» дейилади. Тиллар ижобий таъсирини **транспозиция**, сал-бий таъсирини **интерференция** дейилади. Ўқитувчи тил материалларини ижобий, салбий таъсирини интерференцияни келтириб чиқарувчи **манбасини** аниқдаб ол-дини **олиши** керак. Ижобий таъсиридан унумли **фойдаланса** бўлади.

Тил материаллари тўқнашувидан келиб чиқадиган **салбий** таъсирни, интерференцияни ҳисобга олиб профессор Ж. Бўронов 3 хил интерференцияни мавжудли-гини кўрсатди.

1. Фонетик интерференция.
2. Грамматик интерференция.
3. Лексик интерференция.

Ҳар бир тил материали ўзини ўргатиш хусусиятларига, метод, йўл, усувларига, танлаш тамойилларига,

интерференциясига эгадир. Шуларни ҳисобга олиб, ҳар бир тил материалини ўргатишни алоҳдда кўриб чиқамиз.

## 1-§. ИНГЛИЗЧА ТАЛАФФУЗНИ ЎРГАТИШ

### 1. ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИШДА ТАЛАФФУЗНИНГ АҲАМИЯТИ, ЎРНИ ВА ДАСГУР ТАЛАБЛАРИ

Нутқ фаолиятининг тил материалларидан бири фонетикадир. Ўрта мактаб, лицейда ва коллеж ша-роитида фонетика алоҳида фан сифатида ўқитилмай-ди. Инглизча талаффуз ўргатилади. Инглизча талаффуз-ни ўргатиш нугқ фаолиятини ўргатишда муҳим ўрин тутади. У нутқ фаолияти асосини ташкил қиласи, чунки товушлардан туэилган тил кишилик жамиятининг бирдан-бир алоқа тили бўлиб келган ва бўлиб қолади. Талаффузни яхши эгаллаш, нутқ фаолиятларини пухта эгаллашга замин бўлади. Талаффуз ёки фонетик материал нутқ фаолиятининг материали бўлиб хизмат қиласи. Инглизча товуш, товуш бирималарни, сўзларни, гапларни талаффуз кзллиш, инг-лизча нутқни тинглаб-тушинишга, гапиришга, ўқиб-тушунишга, ёзма нутқга таъсир қиласи. Уларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

1. Speaker ёки reader сўзларида битта товуш нотўғри талаффуз қилинса, ўқувчилар нотўғри тушунади, бутунлай бошқача маъно келиб чиқади.

1 A) white ўрнига wide

2.

it	ўрнига	eat
pot	ўрнига	port
send	ўрнига	sent
b) build	ни	built
spend	ни	spent
get	ни	got

деб талаффуз қилиниши сўзларнинг маъносини ўзгартиради, ўқувчи тинглаб, бошқа маъно, мазмунни тушунади.

Ўқувчи талаффуз қилиши учун урғу, ритм, оҳангни яхши билиши керак, улар мазмунга таъсир қиласи.

*Масалан:* 1. Good morning 2. Good morning иккаласидан икки хил маъно, мазмун келиб чиқади. Биринчисида оддий самимий саломлашишни тушуниш

мумкин бўлса, 2-сида киноя билан саломлашишни ёки хайрлашишни тушуниш мумкин.

Уқувчи ўзи нотўғри талаффуз қилса ёки нотўғри талаффузни эшитса, уни ёзишга ҳам таъсири бор.

Айниқса, ўқувчи тинглаб товушни, товуш бирик-масини, сўзлар талаффузини таний олмаса, диктантни хато ёзади, ўқиганини нотўғри тушунади, нотўғри маз-мун келиб чикади. Ўқитувчи буларни ҳисобга олиши зарур.

Ўрта мактабда талаффуз қилиш мазмунини, яъни талаффуз бўйича нималарни ўргатишни, унинг талаб-истакларини дастур белгилаб кўрсатади.

Талаффуз мазмуни бўйича ўқувчилар;

- 1) инглиз тили унли, ундош товушларини ва улар-ни талаффуз қилишни;
- 2) унлиларнинг узун (чўзиқ), талаффуз қилишни;
- 3) инглиз товушларини ўзбек товушлари билан таққослашни;
- 4) инглиз тили бўғин тизимининг тузилишини;
- 5) сўзлардаги урғу, оҳангни;
- 6) гапларни маънодор гурухларга (синтагмаларга) ажратишни;
- 7) унлиларнинг урғу тушмагандан қучсизланиши (редукция)ни ўрганадилар.

Хозирги даврда ўрта мактабда талаффузни ўрга-тиш, асосан, нутқ фаолияти турларининг шакллан-тиришга, ўстиришга, ривожлантиришга қаратилиши, йўналтирилиши, бўйсундирилиши воситаси сифатида фойдаланишнинг асосий шартларидан биридир. Талаффуз ва ритм-оҳанг, малакаларни ҳосил қилиш нутқнинг фонетик томонини ўргатишнинг асосий мақса-дидир.

Ўрта мактабда талаффуз материаллари синф-лар бўйича тақсимлаб берилган.

Дастур талаби бўйича инглизча талаффузни ўргати-ши апроксимация тамойилига асосланади. Бу тамойил

- 1) ўргатиладиган инглизча товушларни ва оҳанг моделларни чегаралашни;
- 2) мумкин қадар инглизларнинг талаффузига яқин-роқ қилиб ўқувчиларни инглизча талаффуз қилишга ўргатишни ўз ичига олади. Инглизча талаффуз қилишни ўргатишда адабий та-лаффуз асос қилиб олинади. Бунда 2 хил талаффуз услуби:

1) тўлиқ; 2) қисқа услуб мавжуд;

Тўлиқ талаффуз услуби Буюк Британиянинг радио, мактаб, университетларда, театр, киноларида, матбуотда қўлланиладиган талаффуздир. У ҳамма ритмик гурухдарни, товушларни равшан талаффуз қилишни кўзда тутади.

#### *Инглиз тили фонетик тизимининг хусусиятлари*

Биз инглиз тили фонетик тизими ҳодисаларини бир-бирлари билан ва она тили фонетик тизими билан таққослангандан келиб чиқадиган хусусиятларни ҳисоб-га олишимиз керак. Бу хусусиятлар инглизча талаффузни ўргатишда ижобий ва салбий таъсир қиласди. Ижобий таъсир талаффузни ўргатишга ёрдам беради, у ўқув-чи, талаба онгли ўзлаштиришининг манбаидир. Салбий таъсир чалкаштиради, интерференцкя келтириб чиқаради.

Бу хусусиятларни билиб, салбий таъсирнинг олди-ни оламиз. Уларни ўргатиш учун ўқитувчи мос келади-ган методларни, усувларни, воситаларни танлайди. Ҳам-ма усул, йўл, метод, восита бир хил фойда бермайди. Улар ўқувчи ва талабанинг ёшига, таълим босқичига, хусусиятига қараб танланади.

Инглиз тили фонетик тизимининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар:

- 1) ҳар бир унли ҳарфларнинг 4 хил товуш билан ифодаланиши, яъни 6 та унли ҳарфнинг 20 та товуш бериши ёки талаффуз қилиниши;
- 2) товушнинг ҳарфдан кўплиги: 26 та ҳарфга 40 дан ортиқтовуш тўғри келади;
- 3) дифгонг, трифтонгларнинг мавжудлиги; (ai) [ais-]
- 4) инглиз товушларининг танглайди талаффуз қили-ниши;
- 5) 2 та ҳарфларнинг 1 та товуш беришлиги каби-лар sh [ʃ], ch [tʃ];
- 6) чўзиқ-қисқа товушнинг мавжудлиги; i [i:]; e [e];

Инглиз тили фонетик тизимини ўзбек тили фоне-тик тизими билан таққослаганда, хусусиятлар янада яққол намоён бўлади. Улар миқдор, сифат, кескинлик жиҳатидан фарқ қиласди.

1) Миқдор жиҳатидан фарқи: инглиз тили унлила-ри қисқа, чўзиқ талаффуз қилинади. Ўзбек тилида эса

бундай товушлар кам учрайди. Чўзиқ унли товуш инг-лиз тилида маъно ўзгартиради. *Масалан*: it — eat

2) Сифат жиҳатдан эса инглиз тилида унли товуш-лар монофтонг, дифтонг ва трифтонгларга бўлинади. Ўзбекчада эса бўлинмайди. *Масалан*: монофтонг диф-тонг [ai], трифтонг [aia]

3) Инглиз тилида товушлар ўзбек тилидан кучли фарқ қилиб талаффуз қилинади. Ўзбекча ундош товушларга қараганда инглиз ундошлари кескинлиги, юм-шоқ талаффуз этилмаслиги, алмашув ҳодисаси рўй бер-маслиги билан фарқ қиласи.

Инглиз тили товушларини биз талаффуз қилганда:

1. Ўзбек товушларига қараганда баъзи инглиз товушларини танглайда талаффуз қилиниши;
2. Товушларнинг чўзиқ қисқалиги;
3. Товушнинг бир хил талаффуз этилиб бошқача ифодаланиши, ёзилиши;
4. Сўзда баъзи харфларнинг умуман ўқилмаслигини ҳисобга оламиз. Буларни ҳисобга олмасак, ўқувчи, талаба аҳамият бермасдан ўзбек тили фонетик **тизимини** талаффуз қдлишнинг хусусиятларини инглизча талаффуз қилишга кўчиради. Натижада фонетик интерференция келиб чи-қади. Асосан фонетик интерференциянинг манбаи бўлиб: 1) ўзбек ва инглиз тили товушларини турли ўринда талаффуз қилиниши; 2) баъзи инглиз товуш-ларининг ўзбек тилида йўклиги; 3) инглиз товушлари-нинг чўзиқ ва қисқалиги; 4) товушларнинг янгиш талаффуз қилиниши ҳисобланади.

*Инглиз талаффузини ўргатишни методик ташкил қилиш*

Методик ташкил қилиш:

- 1) материални танлашни;
- 2) тақсимотни;
- 3) методик типология қилишни;
- 4) талаффуз материали билан таништиришни;
- 5) уни нутқ фаолияти турларида ўргатишни ва мус-таҳкамлашни ўз ичига олади.

Ўрта мактабларда, лицей, коллежларда ўқитиш мақ-садига мувофиқ фонетик ёки талаффуз материали, маз-муни танланади. У 2 та тамойил асосида: 1) нутқ фаолияти учун зарур бўлган фонетик материални танлаш

тамойили; 2) стилистик тамойил — бунда түлиқ услуга учун керак бўлган материални танлаш қузатила-ди. Баъзи методистлар қуидаги 5 та тамойилларни кўрсатади.

Биринчи ва иккинчисига юқоридаги иккита тамо-йилларни кўрсатиб учинчисига шева талаффузини ки-ритмаслик тамойили;

3) она тили талаффузини ҳисобга олиш тамойили;

4) фонетик ҳодисаларни ўрганаётган лексикага мос келишилик тамойили;

Танланган фонетик материал фонетик минимум дейилади. У танланиб ўрта мактаб, лицей, коллеж дас-турларида берилади.

Фонетик минимумни тақсимлаш босқичлари, синфлар, чораклар, параграф (Lesson лар, мавзулар, машқ-лар бўйнча бўлади. Талаффуз материали синфлар бўйи-ча тақсимланиб, ўрта мактаб чет тили дастурида кўрсатилади. Унда инглиз, француз, немис тиллари фонетик минимумлари алоҳида алоҳида тақсимланади.

5—6-синфларда товушлар ўргатилади.

Дарслер муваллифлари «фонетик минимумни чоракларга, мавзуларга, параграфларга, машқдарга бўлади-лар. Сўнг талаффуз қилиш кўнилмаларини ҳосил қилиш машқлари ишлаб чиқилади. Ҳозирги вақтда фонетик материални методик типология қилиш масаласи кам ишлаб чиқилган. Юзаки ёндашиб қийинчиликларни аниқлаш! а киришилган. Уларни гурӯхлаштириб, типо-логка қилишга ҳаракат қилишган. Бу масала билан ме-тодистлар албатта шуғулланишлари керак. Улар З та гурӯхга ёки типга бўлганлар. Албатта, бу юзакидир. Бу ерда товушларнинг қийинчнлик даражаси ҳисобга олин-ган ва улар қуидагилардан иборат:

1) она тилидаги товушларга яқртн ва жуда яқин инглизча товушлар (в-б), (з-з);

2) ўхшаш товушлар (t-m)

3) она тилида учрамайдиган товушлар [91,

Узбек тилининг таъсирини ҳисобга олиб инглизча товушларни шартли З гурӯхга бўлиш мумкин.

I. Узбек тили товушларига ўхшаш инглизча товушлар: Ундошлар:

Ўзб.т- Инг.т    Ўзб.т-    Инг.т    Ўзб.т-    Инг.т м-    (m]    ч- [t J

]    ж-    [dʒ]

н-    [n]    ш- [fj]    х- (hl

нг	т-	[t]	
с-	[s]	д-	[d]
з-	[Z]	к-	[kl]
ф-	[f]	г-	[g]
в-	[v]	л-	[l]
ж-	[ʒ]	й-	[j]

Ушшлар:

а- I A]

II. Узбек тили товушларидаи қисман фарқ қилувчи инглизча товушлар:

Унлилар:

III. Узбек тилида учрамайдиган инглизча товушлар: 1в), [Э], Ir], H

Уилилар:

(oul, lai]. I oi], [ial, /Э], [au], [а»Э], [аиЭ), (эе], [Э:], [i:], [u:], Ü'u31.

Умуман олганда шундай минимум танланиши ке-ракки, у ўкув дастури миқёсида инглиз тилини алоқа қуроли қилиб эгаллашга етарли бўлсин. Биз инглизча талаффузни ўргатишда қуйидаги қийинчиликларга дуч келамиз: 1) инглиз тили товушларни ҳосил бўлиш ўрнини кўрсатишдаги қийинчиликлар; 2) она тилида-ги товушларнинг хрсил бўлиш ўрнини кўрсатишдаги қийинчиликлар; 3) ўхувчи ва талабаларнинг ўзларига хос (индивидуал) хусусиятлари; 4) нотаниш товуш бирикмаларни равон нутқда талаффуз қилишдаги қи-йинчиликлар. Г. В. Рогова буларни дискриминация, ар-тикуляция, интонация, интеграция, автоматизация му-аммолари деб номлайди. Талаффузни ўргатиш шу та-лаффуз материалларининг хусусиятига боғлиқдир. Асо-сан она тилида бўлмаган фонетик материални ўрга-тишга кўпроқ аҳамият берилади.

Талаффуз материали билан таништириш 3 та метод орқали амалга оширилади.

**1-метод.** Товуш талаффузини тинглаб, айнан ўзини қайтартириш ёки тақлид (иммитация) қилиб ўргатиш методи. Бу қуйндагича ўтказилади:

I). Янги товуш сўзда ёки нутқ намунасида ўқитувчи томонидан талаффуз қилинади; 2) ўқитувчи товушни ажратиб олиб, (ҳарф ёки транскрипция орқали) дос-

када кўрсатади; 3) ўқитувчи товушни талаффуз қилиш-ни кўрсатиб, ўзи уни бир неча марта талаффуз ҳила-ди; 4) товуш ўқувчи ва талабалар томонидан таклид қилиниб биргалиқда жўр бўлиб, якка талаффуз қили-нади; 5) ўқувчилар товуш бор сўзларни, гапларни талаффуз қиласидилар; 6) товуш ва товуш ^ирикмаларни нутқ фаолиятида қўллайдилар. Таклид қилиш онгли бўлиши (иккинчи боскчча), унда онгни кам иштирок этиши (биринчи боскичча) мумкин. Онгли таклид қилиш анализ-синтез орқали бўлади.

**2-метод.** Тушнитириш методи. Бу метод асосан она тилидаги товушлар билан қисман ўхшаш, умуман йўқ бўлган товушларни ўргатишда қўлланилади. Бу ерда ўқитувчи ўзи талаффуз қилипшдан олдин уни талаф-фуз қилишнинг ўрнини, хусусиятини тушунтиради, кўрсатади. Сўнг талаффуз қиласидилар, ўқувчилар ва талабалар тақдид қилиб, якка талаффуз қиласидилар. Тушнитириш билан тақлид бир-бирини тўлдиради, лекин бу-лар 2 хил методдир.

**3-метод:** анализ ёки таҳлил қилиш методи. Бу метод айниқса, она тилида умуман йўқ товушларни та-лаффуз қилишни ўргатишда .мос қиласидилар. [6,9] ларни ўргатаётганда талаффуз қилиш ўрни товушни талаф-фуз қилмай кўрсатилиб, ўқувчилар билан бирга чуқур таҳдил қилинади. Ўқувчилар товушнинг талаффуз қилиш ўрнини, иштирок этаётган нутқ органларини кўради-лар, таҳлил қилиб аникладилар. Улар товушни ҳосил қилиш, талаффуз қилиш ўрнини белгилаб хулоса чиқарадилар. Сўнг нутқ органларини бу товушни талаф-фуз қилиш ҳолатига келтирадилар. Ўқитувчи талаффу-зидан кейин ўқувчидар якка-якка талаффуз қиласидилар. 3-метод методик адабиётларда алоқида метод деб кўрсатилмаган.

Талаффуз фарқини ўргатишда тинглаш-кўриш во-ситалардан фойдаланишни Г. В. Рогова қўйидагича кўрсатади:

1. Товушнинг фарқини кўрсатувчи сўзни ифодалай-диган расмни, предметни кўрсатиб, талаффуз қилиш орқали. *Masalan*, ship-sheep. Ўқитувчи расмни кўрса-тади ёки доскага расмни чизади.
2. Ҳаракатни кўрсатиш оркдли. Масалан, He is reading. He is writing.
3. товуш белгисини кўрсатиш орқали.

Талаффузни ўргатиш ургуни, оҳангни ҳам ўз ичига олади.

*Масалан, it is a\pen.*

Үкүв юртларда сўзларни, ургуни ҳисобга олиб, кўтарилиувчи ва пастловчи охангларда жумла, гапларни талаффуз қилиш ўргатилади. Бунинг учун тақлид қилиш методи кенг қўлланилади. Ўқитувчи ургуни ҳисобга олиб сўзларни кўтарилиувчи, пасаючи охангларида жум-ла, гапларни талаффуз қилиб ёки техник воситалардан фойдаланиб, якка бўлиб, якка талаффуз, таклид қилиш орқали ўргатади.

Товушлар, фонетик материаллар таниширилган-дан кейин уларни нутқ фаолиятларида қўллай олишла-ри учун нутқ фаолиятларда ўзлашириш, мустаҳкам-лаш машқлари бажартирилади.

*Тинглаб-тушуниш, гапириши ва ўқишининг талаффуз томонини ўргатишнинг хусусиятлари*

Ўргатилаётган фонетик ёки талаффуз материалини келажакда қўлланиладиган нутқ фаолияти турига қараб уни танишириш, ўргатиш ишлаб чиқилади.

Ўқувчилар, талабаларда тинглаб тушуниш орқали талаффузни зталлаш кўнікмасини хрсил қилиш масаласи турса, унда қўпроқ турли шароитларда уларни тинт-латиш, қайтартириш, техник воситадан тинглаб товуш-ларни фарқдаш, таний олиш машиушри, улар иштирок этган контекстни тинглатиб, иштирок этган гапларни, сўзларни топтириш каби машклар қўлланилади.

Келажакда ўқувчи, талаба талаффуз материалини гапирища қўллаши кўзда тутилса, унда фонетик материални кўпроқ қайтартиш, таклид қилдириш машқ-лари, сўзда фарқдаб қўллаш, талаффуз қилиш машқ-лари кенг қўлланилади.

Ўқувчи, талаба ўз олдига ўқишида қўллашни мақсад қилса, унда фонетик материални ҳарф-трувш кетма-кетлигида ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи ол-дин ҳарфни қўрсатиб, сўнг талаффузни ўргатади. Бунда қўпроқ сўзларни ўқиб фарқлаш, матнни ўқиб таний олиш, фарклай олиш машклари қулай келади.

Ўқитувчилар, айниқса, машкларни тузишида, тан-лашда бу хусусиятларни ҳисобга олишлари шарт.

Фонетик машкларни тилологияси ҳам ўзига хос ху-сусятига эга бўлсада, ҳозир талаффуз бўиича тайёрлов ёки тил машклари ва нутқ машклари типлари қабул қилинган. Тайёрлов машкларида асосан шу фонетик

материални бир ёқлама қийинчилігі устида гап кетса, нутқ машқдарига эса бу фонетик материални нутқда құллашға үргатиладиган, үзлаштирадиган машқлар ки-ради. Яна талаффузни үргатиш машқдарини Г. В. Рогова: 1) тинглаш, 2) қайта талаффуз қилиш, 3) таний олиш, 4) репродукция машқлари, турларига бўлади. С. Ф. Шатилов эса фонетик машқларни нутқ олди ва нутқ машқи типларига бўлади. Яна у фонетик нутқ олди машқ типини, товушни тинглаб қабул қилиш, фонетик ҳодисани қайтариш, талаффуз қилиш кўник-масини фаоллаштириш машқ турларига бўлади.

Турли босқичда инглизча талаффуз устида ишлаш.

Ўрта мактабда инглиз тилини үргатиш 2 та босқич-да олиб борилади.

Ҳар босқичда тадаффуз устида ишлашнинг ўзига хос хусусияти бор. 1-босқичда 5—6-синфларда талаффуз қилиш мала-касини шакллантиришга, талаффузни үргатишта асос солинади.

5—6-синфларда товуш бирикмаларни талаффуз қилиш. урғу, оҳанг үргатилади. Бу босқичда талаффуз қилиш кўникмаси фаоллашади.

2-босқичда 7—8—9-синфдарда талаффуз кўникма-лари фаоллаштирилади, бунинг учун турли машклар бажарилади.

Айниқса, талаффуз бўйича нутқ машклари бунга мос келади.

### **Фонетик машғулот (Phone drill.)**

Ҳозирги пайтда иккала босқичда ҳам талаффузни мустаҳкамлаш, үрганилганларни эсга тушириш учун дарснинг бошида фонетик машғулот (phone drill)лар ўтказилади. Бу машғулот яна дарсда инглизча муҳитни яратишга ҳам, дарсни ташкил қилишда ва ўқувчини интлизча талаффуз қилишга, гапиришга тайёрлайди.

Бунга фақатгина олдин үргатилган товуш, товуш бирикмалари, сўзлар, сўз бирикмалари, намуналар, исмлар, номлар олинади. Талаффуз бўйича үргатила-диган янги фонетик материал фонетик машғулотга олинмайди. Уқитувчи фонетик машғулотда талаффуз

қилдирмоқчи бўлган товуш, товуш бирикмаларини, сўзларни, гапларни рангли қоғозларга ёзиб талаффуз қилдириши мақсадга мувофиқцир, айниқса, у 1-босқичда фойдалидир.

Ўқитувчи товуш, товуш бирикмаси иштирок этган сўзларни устун-устун қилиб ёзиб биргаликда, якка та-лаффуз қилдириши мумкин. Бунга олинган фонетик материал кейинги материални, дарснинг босқичини тўлдиради, дарсни ўтказишта ёрдам беради.

Масалан, а ҳарфни (ae) товуши билан талаффуз қилинишини қайтармоқчисиз. Ўқитувчи товуш, сўзлар-ни қуидагича оқ қоғозга ёки доскага ёзиб, ҳарфни бошқа рангда ёзиб кўрсатади.

a [se] amar acap acas a lamp

Олдин бир ўқувчи талаффуз қилади, сўнgra сўзлар-ни ўқувчилар биргаликда, якка ўқиб талаффуз қила-дилар, хато қилсалар ўқитувчи тўғрилайди. Биринчи бўлиб сўзларни ўқувчи, талабалар ўқийди, чунки ҳарф-товуш таниш, олдин ўргатилган. Гапларни ҳам доскага еки карточкага турли рангда ёзиб, урғу-оҳанг қўйилиб ўқитилади. Хато талаффуз қилинса, тузатилади.

*Инглизча талаффузни ўргатишида техник воситалардан фойдаланиши*

Инглизча талаффузни ўргатишида техник воситалар-ни ўрни муҳимдир. Улар орқали ўқитувчи инглизча товуш сўзларни, товуш бирикмаларни ўқувчиларга тинг-латади, талаффуз қилдиради, хатоларини топишга ўрга-тади.

Инглизча талаффузни ўргатишида кўпинча фонограмма ва грампластиинка каби техник воситалардан кенг фойдаланилади. Улар магнитофон, лингафон ка-бинетидаги техник аппаратлар орқали эшиттирилади ва улар асосида турли машқлар бажартирилади.

Талаффузни ўргатишида қуидаги машқлар бажарилиши мумкин.

Эшитинг, билиб олинг. Товушлар сўзларда бери-лади, ўрганаётган товушни ўқувчи эшитиб билиб оли-

ши, топиши зарур. *Масалан*, *тар*, *ten*, *bird* сўзларда [ж] товушни қайси сўздалигини топиш керак.

2. Эшитинг, эътибор беринг. Ўқувчи эшитиб тинг-лаб маълум товуш, товуш бирикмасига интонация, урғуга эътибор беради.

3. Эшитинг тушунинг. Ўқувчиларга кўпроқ жумла-лар, шеърлар, матнлардан парчалар берилиб, тинглатилиб, ўқувчилардан товушларни тўғри эшитиб, маз-мунни тушуниш талаб этилади.

4. Эшитинг фарқланг. Товуш ва товуш бирикмала-рининг фарқини топиш талаб этилади. Ўқувчиларга тур-ли товуш бирикмаларни, сўзларни тинглатиб, фарқи топтирилади.

5. Эшитинг ёдда тутинг. Ўқувчилар товуш, товуш бирикмаси, сўзларн-й тинглаб уларнинг талаффузини ёдда тутишга ҳаракат қиласадилар.

6. Эшитинг такрорланг. Ўқувчилар фақат товуш, то-вуш бирикмасини тинглаб, паузада такрорлайдилар, тақлид қилиб қайтардилар.

Ўқитувчилар юқоридаги машқлардан ташқари талаффузни ўргатишга ўзлари йжодий ёндашиб, турли хил машқларни ишлаб чиқишилар мумкин.

Бунда ҳозирги пайтда кент тарқалган, кўп ўқув юртларида мавжуд бўлган лингафон кабинетларни имко-нияти бекиёсдир, лекин унинг имкониятдан ҳамма ерда тўлиқ фойдаланияпти деб бўлмайди. Ундан тўлиқ фой-даланиш зарур.

Албатта, инглизча талаффузни ўргатишда техник воситалардан фойдаланиш учун юқорида айтилган машқларни бажаришда ўқитувчи ўзи олдиндан уларни тайерлайди, яъни товуш, товуш бирикмаларни, сўзларни танлайди, тўғри талаффуз қилиб, фонограммасини тайёрлаб, тинглаб кўриб, сўнг ўқувчиларга тинглата-ди, машқдарни бажартиради,

*Талаффуз бўйича ўқувчиларда учрайдилар хатолар.*

1. Ўқувчилар: [ ae ] ни [ e ] деб талаффуз қиласадилар. *Масалан*: had ни [hed] деб талаффуз қиласадилар. [9] ни ўрнига (s) деб талаффуз кзлладилар. *Масалан*: think ни [sink] деб талаффуз қиласадилар. [э] ни ўрнига, [z] деб талаффуз қиласадилар. *Шсалан*: this ни [zis] деб талаффуз қиласадилар. [w] ни ўрнига [v] деб талаффуз қиласадилар.

*Масалан: weil* ни [vel] деб талаффуз қиладилар.

2. Чүзик товушларни қисқа талаффуз қиладилар. *Масалан: Sport* ни [spot] eat ни [it] деб талаффуз қиладилар.

3. Жарангсиз ундошларни ундошлардан олдин жа-рангли талаффуз қиладилар.

*Масаан: dislike-disappear.*

4. Жарангли ундош товушларни жарангсиз талаф-фуз қиладилар.

*Масаан: his-absent.*

Үқитувчи, албатта, бу хатоларни олдини олиши за-рур. Бунинг учун фонетик машғулотлар ёрдам беради.

Текширнш учун савол ва топшириңпар:

1. Талаффузни ўргатиш деганда нимани тушунасиз?

2. Ўрта мактаб шароитида инглиз тили фонетикасини ўргатиш мумюшми?

3. Ўрта мактаб шароитида ўкувчиларни айнан инглизларга ўхша-тиб талаффуз қилишга ўргата олмаслик сабабини тушунтиринг.

4. Фонетик материалларни методик типология қилиш деганда нимани тушунасиз?

5. Талаффузни ўргатишда қандай методлар қўлланилади ва уни ўргатишга нималар таъсир қилади?

6. Талаффузни ўргатишда сиз ўзингиз қандай кўргазмали қурол-лар, техник юситаларни қўллашни таклиф қила оласиз?

7. Талаффузни ўргатишда ўқитувчи ўзи олдин талаффуз қилмай, машқярдан фойдаланиб талаффузга ўргата оладими?

8. [0,в] товушларни ўргатишни ташкил қилинг ва амалда ўрга-тишни кўрсатинг.

9. 5—6-синфлар учун фонетик машғулотларни ташкил к^инг ва ўтказинг.

10. Маълум бир синфда товуш, товуш бирикмаси, оҳангай ўргатишни ишлаб чиқинг ва уни амалда кўрсатинг.

## 2-§. ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ

1. Оғзаки нутқ, ўқиши ва ёзувни ўргатишда грамматиканинг аҳамияти ва ўрни

Тилни тушунмоқ ва унда ўз фикрни тўғри баён қилмоқ учун киши ўрганилаётган тил грамматика ме-

ханизмини ўзлаштирмоғи зарур. Дарҳақиқат, киши гап-даги ҳамма сўзларни билса ҳам, бу гапдаги сўзлар ўрта-сидаги боғлиқликларни сезмаса, унинг мазмунини ту-шуниб етмаслиги мумкин. Аксинча, бирон гапда бит-та, иккита ва ундан ҳам кўпроқ нотанишсўз ишлатил-ган бўлса ҳам, киши тил структурасини яхши эгалла-ган бўлса, у шу сўзларнинг маъносини фаҳдлаб билиб олиши ёки ҳеч бўлмағанда бу сўзларни луғатдан топиб гапнинг мазмунини тушуниб олиши мумкин.

*Масалан:* ўзбек ва рус ўқувчилари ушбу гапдаги ҳамма сўзлар таниш бўлса ҳам, грамматикани яхши ўзлаштирмаган бўлса, унинг мазмунини тушунишда анча қийналишлари мумкин: He saw her book a ticket. Бунинг сабаби пгундан иборатки, бу гапда ўзбек ёки рус ўқувчилари учун хушуниб олиниши қийин бўлган грамматик ҳодиса қўлланган.

Агар ўқувчи инглиз тилидаги қўшма тўлдирувчи мо-делини ўргангандан бўлса, у бу гапдаги book сўзи от эмас-лигини, балки her book қўшма тўлдирувчи эканлигини ва шунинг учун book феълининг инфинитив шакли эканлигини билиб олади, унн «у унинг билет буюрга-нини кўрди» деб тушунади.

Грамматикага оид билимларсиз, грамматика механизмини шакллантирмасдан туриб, чет тилидаги гапи-риш кўникмаси ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар ўқувчи шундай механизмни ўзлаштирган бўлса, у чет тилида грамматик жиҳатдан тўғри тузилган гаплар-ни ҳосил қила олиши ёки тинглаб тушуна олиши мумкин. Дастурларда қайд қилинганидек, инглиз тилини эгаллаш унинг грамматикасини ўрганмай туриб амалга оширилиши мумкин эмас. Ўрганилаётган тилда нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш учун грам-матикани ўргатиш даркор. Грамматика нутқ фаолият-лари турлари учун материал бўлиши лозимдир.

Грамматикани ўргатиш учун 4 та нутқ фаолиятлари турларида ўргатишга Йўналтирилган бўлиши керак. Шу сабабдан грамматикани ўргатаётган ўқитувчи уни нутқ фаолиятида қўллашга ўргатсин, талаба ўқувчи уни амал-да қўлласин. Олдин грамматик материал — минимум тайнланади. Инглиз тили грамматикаси лексика каби таълим мақсади ва таълим воситаси сифатида ўргатилади. Ҳозирғи пайтда грамматикани ўргатишда гап на-муналарига кўпроқ асосланиш кўзда тутиляпти.

## *2. Чет тили грамматикасини ўргатишдан кузатилган асосий мақсад*

Методикада «грамматика» термини икки маънога эга: бир томондан грамматика тклнинг қурилишини билдирса, иккинчи томондан у грамматик қурилишни тадқиқ қиласидиган фан маъносини англатади. Чет тиллар ўқитиш методикасида бу **икки** тушунчани фарқ-лаш қўйида тўхтаб ўтиладиган сабабларга кўра жуда муҳим аҳамият касб этади. Тилнинг грамматик қурилиши унинг сўз бойлиги билан бирга тил материалини ташкил қиласиди. Ҳар қандай тилни амалий жиҳатдан эгаллаш унинг грамматик қурилишини у ёки бу дара-жада мукаммал билишни тақозо қиласиди. Методиканинг вазифаси талабалар, ўқувчилар томонидан грамматика ҳодисаларини эгаллашнинг самарали йўл ва усуллари-ни излаб топишдан иборатдир. Грамматикани тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фан сифатида оладиган бўлсак, у ўрта мактабда ўқитиш предмети ҳисобланмайди. Грамматика чет тили институтларида, университетларида ўқув предмети сифатида ўқитилади. Чет тили грамматикасини ўқитишдан асосий мақсад нутқ фаолияти ҳар хил турларининг тўғри шаклла-нишини таъминлайдиган нутқ грамматик малакалари-ни ҳосил қилишдан иборатдир.

Бу ерда сўз биринчдан морфологик — грамматик малакаларни, яъни отларнинг келишик қўшимчаларини, феълларнинг шахс қўшимчаларини тўғри ишла-тиш малакаларини шакллантириш ҳақида кетмоқца. Иккинчидан, аналитик тилларда (инглиз тили шундай тиллар гурухига мансуб) нутқий синтактик малакалар-ни, яъни турли типдаги гапларни структура жиҳатдан тўғри тузга олиш малакаларини ва содда хамда қўшма гапларда сўз тартибини қўллаш малакаларини шакл-лантириш зарур.

Шунинг учун актив грамматика устида олиб бори-ладиган ҳамма иш (грамматика материалини киритиш ва тушунтиришдан бошлаб) ана шу мақсадга эришишга қаратилмоғи керак.

## *Грамматик малакаларнинг лингвопсихологик характеристикаси*

Психология ва методикага оид адабиётларда тилни актив (ёки репродуктив деб аталадиган) ва пассив (ёки рецептив деб аталадиган) эгаллаш (билиш) фарқ қили-нади, лекин «репродуктив» ва «рецептив» эгаллаш деб номланган терминлар чет тилига нисбатан «актив» ва «пассив» эгаллаш терминларига синоним ҳисобланмай-ди, сабаби шахс (индивидуид) чет тилини мукаммал билмайди.

Бу терминларни ишлатишда тилни эгаллаш харак-тери билан нутқ фаолияти турларини қоришириб юбо-ришга йўл кўйилган. Бу ерда бир томондан рецептив ва экспрессив (репродуктив) нутқ фаолияти турлари ҳақида, бошқа тбмондан тил материалини актив ва пассив эгаллаш, билиш ҳақида гапириш зарур.

Баъзи психологлар нутқ фаолиятининг рецептив турларини «пассив», экспрессив нутқ турларини эса «актив» турлар деб аташади. Бизнинг фикримизга кўра бундай қараш ҳам тўғри эмас. Ҳамма гап шундаки, бирорчидан, нутқ фаолиятининг рецептив турларидан фойдаланиш тил материалини ҳам актив, ҳам пассив равишда эгалланганда ўрин олиши мумкин, иккинчи-дан, нутқни қабул қилиш, уни ҳосил қилишга нисба-тан кам фаол бўлмаслиги керак.

Тил материалининг актив эгаллашнинг пассив эгаллашдан фарқи фақат тилни пассив эгаллаш пайтида нутқ фаолиятининг рецептив турларидангина фойда-ланиш мумкинлигига кўринмайди. Бу фарқ яна шу нарсада ифодаланадики, нутқ фаолиятининг ҳамма турлари тил материалини актив эгаллаганданда, уни пассив эгаллагандагига нисбатан анча мукаммал даражадаги босқичда амалга оширилади.

Тилни актив эгаллаш «сезигига кўра» тил материалини интенсив равишида қўллашда намоён бўладиган нутқий малака ва кўникмаларга асосланади. Тилни бундай эгаллашнинг физиологик асосини нутқий динамиқ, синтагматик ва парадигматик стереотипи, яъни тилнинг барча босқичларидаги — фонетик, грамматик ва лексик босқичлардаги нутқий боғланишларнинг бир-лиги ташкил қиласида.

Гапирган пайтда бу боғлиқпиклар шу тилда киши нутқи тажрибасида бор бўлган лингвистик ҳодисалар-

ни тинглаш, харакат ва маъноларининг бирлигига на-моён бўлади. Бу индивидуал — нутқий тажриба киши гомонидан унинг нутқи ривожланишижараёнвда, нутқ тажрибаси натижасида эришилади. Ўқиш ва нутқни тинглаб тушуниш пайтида бу нутқий боғлиқдиклар лингвистик ҳодисаларнинг товуш ёки ёзув тасвирлари-ни осон ва эркин қабул қилишда еки уларнинг маъно-сини бевосита ва таҳлилсиз — яхлит хрлда тушунишда ўз аксини топади.

Тилни актив эгаллашдан фарқли ўлароқ, ули пас-сив эгаллаш (фақат чет тили) нутқ тажрибасига, нутқ-ни автоматлашган алоқаларига асосланмайди. Чет тили материалини пассив эгаллаш пайтида нутқ фаолияти-нинг рецептив турларидан фойдаланиш асосида тил ҳодисаларини таниб олишнинг, унинг кўриш сезгиси билан боғлиқ бўлган тушунишни ва улар образларини солиштириш йўли билан билиб олишнинг автоматик жараёнлари ётади, деб фараз қдлиш мумкин. Методика ва нутқ психологияси қозирги пайтда бу ҳакда аник экспериментал маълумотларга эга эмас. Бу лайтда кўпинча тилга оид белгиларни она тили ёрдамида маъносини очиш мумкин.

Тилни ўрганишда тил материалларининг баъзи қис-ми гапириш учун актив ўзлаштири<sup>>1</sup>лади, бошқа қисми ўқиш учун пассив ўргалилади. Тил материалини бун-дай эгаллаш нутқ фаолиятининг продуктив турларидан (аниқ доирада) ҳам, актив ва пассив ўзлаштирилган материал доирасида рецептив турларидан ҳам фойда-ланиш имконини беради.

Методикага оид адабистларда грамматик, лексик ва фонетик интерференциялар фарқ қилинади.

Талабалар, ўқувчиларга чет тили ҳодисалари билан она тили ҳодисалари ўртасидаги фарқларни тушунти-риш ва машқларни бажартириш йўли билан интерфе-ренцияли бартараф қилиниши мумкин.

### *Инглиз тили грамматикасии она тили грамматика тизими билан таққосий характеристикаси*

Маълумки, инглиз ва ўзбек тилларн алоҳида тил гуруҳларига мансуб. Инглиз тили ҳинд-европа тиллари оиласининг герман тиллари гуруҳига кирса, ўзбек тили туркий тиллар гуруҳига киради. Лекин бу тиллар грамматика тизимлари бир-бирлари билан таққосланса,

уларнинг босқичларида бир томонлан ўхшаш ва ик-кинчи томондан фарқли ҳодисаларнинг гувоҳи бўла-миэ. Морфологик босқичда иккала тил грамматика ти-зими ўртасвдаги ўхшашликлар отларда сон, келишик қўшимчаларида, феълларда эса замон, нисбат, майл, шахс ва сон категориялари қўшимчаларида учрайди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бу категорияларда грамматик воситалар инглиз тилида жуда кам сонлидир.

Шу билан бирга бу категориялар ифодаланишида ва маъносида муҳим фарқларни ҳам учратамиз. *Масалан*, инглиз ва ўзбек тилларида сон категориясининг ифодаланиши қўшимчалар қўшиш йўли билан ясалса ҳам, бу категорияда муҳим фарқли жойлар қўп қийин-чиликлар келиб чиқкиидга сабаб бўлади.

Бешта китоб — five books. Ўнта талаба — ten students.

Сўз ўзагидаги унлини ўзгартириш йўли билан кўплик шаклини ясаш инглиэ тилига хос ҳодиса ҳисобланади:

man — men киши — кишилар

tooth — teeth тиш — тишлар

goose — geese ғоз — ғозлар

Инглиз ва ўзбек тилларида от сўз туркумида кели-шик категорияси бор бўлишига қарамай, келишик қўшимчаларнинг сони хар иккала таққосланаётган тилларда бир хил эмас. Ўзбек тилида 6 та келишик қўшим-части мавжуд бўлиб, инглиз тилида уларнинг сони фа-қат иккита.

Ўзбек тилида Инглиз тилида

Б.к бола Common Case boy

К.К боланинг Possessive Case boy's

Т.К болани

Ж.к болага

Ў.п.к болада

Ч.к боладан Ҳар иккала тилнинг синтаксис босқичида бир томондан ўхшаш белгиларга дуч келсак, иккинчи томондан фақат бир тилнинг ўзигагина хос бўлган ҳоди-саларни учратамиз.

Масалан, гапларнинг дарак, сўроқ ва бўлишсиз шакллари ҳар икки тилга хос бўлган синтаксик ҳодиса

саналади. Лекин дарак гаплардаги сўз тартибини таҳлил қиласақ, инглиз тилида гапдаги сўз тартиби ўзбек тилидагидан анча қатъий эканлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек тилида гапдаги сўз тартиби инглиз тилидагига нисбатан эркинроқ ҳисобланади. Буни қўйидаги мисоллардан кўриш мумкин:

Овчи қуённи тутди.

Куённи овчи тутди.

Тутди овчи қуённи.

Юқоридаги гапларда айрим стилистик фарқларни ҳисобга олмаса, бир хил фикр ифодаланганигини сизиш қийин эмас. Қўйидаги инглизча гапдаги сўз тартибини ўзбек тилидаги каби ўзгартириш мумкин эмас.

The hunter caught the hare.

The hare caught the hunter.

Caught the hunter the hare.

Кейинги иккита гап мазмун жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам нотўғри ҳисобланади.

Инглиз тилида айрим гап типлари борки, бундай структураларни ўзбек тилида ҳеч учратмаймиз.

There is a book case in the middle of the room.

Уйнинг ўртасида китоб жавони бор.

I had my hair cut yesterday.

Кеча мен сочимни олдирдим.

Ёки аксинча, ўзбек тили синтаксиси босқичида айрим гап структуралари инглиз тилидагидан тубдан фарқ қиласи.

Совуқ — It is cold.

Сиз бу ишни бажаришингиз керак.

It is necessary for you to do this work.

Чет тили ўқитиш методикасида ўқувчилар, талабалар учун қийинчиликлар келтириб чиқарган бундай ўхшаш бўлмаган ҳодисаларни ҳисобга олиш зарур. Бундай қийинчиликларни қаттиқ назоратга олиш ўқиш жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилишга, тил материалини киритишнинг анча самарали усулларини танлашга ёрдам беради. Уларни олдини олиш учун чукурроқ тушунтириш, мустаҳкамлаш ишларини олиб бориш керак.

## *талаабаларнинг тил тажрибаларини ҳисобга олиш*

Методик адабиётлардан бизга маълумки, мактабларда чет тили ўргатиш икки тиллик шароитда амалга оширилади. Ўқувчи талаабаларнинг чет тили ўргангунга қадар она тили ва рус тили бўйича тил тажрибасига эга бўлади. Улар ўз она тилларига ва рус тилига оид кўп грамматик терминлар, ҳодисалар, қоидалар ва малякаларни эгаллайдилар. Улардаги бу тажрибани шу синфда, гурӯхда инглиз тили ўқитаётган ўқитувчи ҳисобга олиши ва талааб қилинган жойларда улардан ўқувчи талаабаларни фойдаланишга ўргатиш керак. Инглиз тили морфологияси ва синтаксисининг кўп ҳодисаларини ўқувчи талаабаларга ўргатишда улар эгаллаган она тили ва рус тилига оид тил тажрибасидан ижобий қўчирилишни амалга ошириш мумкин. *Masalan*, инглиз тилидаги предлоглар ўқувчи талаабалар ўзлаштиришлари учун қийин материал ҳисобланади, бунга сабаб шундан иборатки, биринчидан, ўзбек тилида предлоглар йўқ. Иккинчидан, предлоглар сўз туркуми сифатида мавҳум (абстракт) тушунчаларни информалайди, шунинг учун уларни ўзлаштиришда ўқувчи, талаабалар кўп қийинчиликларга дуч келади. Агар биз ўқувчи талаабалардаги рус тили бўйича мавжуд бўлган тил тажрибасига суюнсак, унда сўз туркумини ўзлаштириш осон амалга оширилади. V синф ўқувчилари «я иду в школу» ва «я живу в Ташкенте» гапларини яхши ўрганишади. Бу гапларда в предлог ҳисобланади. Предлоглар тушинтирилганда рус тилига оид тажрибани ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Инглиз тилидаги келаси замон шаклига эга бўлган гап структураларни киритиш ёки тушинтиришда ҳам рус тилидаги лингвистик тажрибадан фойдаланиш фойдадан холи эмас.

I shall work at school.

Я буду работать в школе.

Мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар иккала тилда келаси замон феъл шаклининг ясалиши бир-бирига ўхшаш ва бундай ижобий қўчирилишдан фойдаланиш методик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир. Инглиз тилини ўқитишнинг биринчи ва иккинчи босқичларида айрим грамматик ҳодисаларни ўргатишда ўқувчи талаабалар ўзлаштирган инглиз тили грамматикасига

ўқувчи талабалар инфинитивнинг гапдаги вазифалари-ни ўрганган бўлса, герундийнинг гапдаги вазифалари ўрганилаётган пайтда улар томонидан инфинитив билан боғлиқ равишда эгаллаган тажриба ҳисобга олина-ди. Масалан, инглиз тилидаги герундий инфинитив каби гапда эга ва тўлдирувчи вазифаларида ишлатилади.

*Masalan:* To read good books is useful.

Reading good books is useful.

*Инглиз тили грамматикасини ўргатишни методик ташкил қилиши.*

Грамматик материални ўргатиш учун уни олдин ме-тодик ташкил қилинади. Грамматикани ўргатишни ме-тодик ташкил қилиш нутқ фаолияти турларини грам-матик томони (грамматикаси)ни ўргатиш, кўникма-ларни шакллантириш, уни нутқца автоматлаштириш-дир. Бунда грамматик материални методик ташкил қилиш, уни нутқ фаолияти турида ишлатиш мақсад ва вазифасига ҳам боғлиқцир. Грамматикани ўргатишни методик ташкил қилиш нималардан иборатлигини қу йидаги жадвалдан кўриш мумкин.



**Буларни ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.**

*Грамматика материалини танлаш*

Грамматикани ўргатишдан олдин уни танлаб оли-нади. Танлашнинг сабаби 1) грамматик материал кўп, уни ҳаммасини ўргатиб бўлмайди, айниқса, ўрта мак-

грамматика алоҳида аспект қилиб ўргатилмайди, ўрганилмайди.

2) Зарурий мақсадга мувофиқ танланади, ҳамма грамматик материал ҳамма нутқ фаолияти учун зарур, керак бўлмайди. Турли ўқув юртларида турлича мақсад бўлади. Танланган грамматик материал грамматик минимум дейилади.

Ўрта мактаб грамматик минимуми дастурда танланиб берилади. Танланган грамматик материал шу дастурда синфларга тақсимлаб кўрсатилади, танланган грамматик материални амалда қўллай олиш ўргатилади. Грамматик минимум илмий тамойиллар асосида танланади.

Методик адабиёда грамматик минимум танлашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Нутқ фаолиятининг продуктив турлари учун ўта зарур бўлган ҳодисалар актив грамматик минимумга киритилади. Актив грамматик минимумга материал танлашнинг ҳамма томондан қабул қилинган асосий тамойиллари қуидагилар ҳисобланади:

- 1) оғзаки нутқца кенг тарқалганлик тамойили,
- 2) намунаийлик тамойили,
- 3) синоним ҳисобланган грамматик ҳодисаларни чиқариб ташлаш тамойили.

Санаб ўтилган биринчи ва иккинчи тамойилларга мувофиқ фақат оғзаки нутқда кўп қўлланиладиган ва лексикани кўп қисмга татбиқ қилинадиган грамматик ҳодисаларгина киритилади. Қолган барча грамматик ҳодисалар лексик йўл билан ўзлаштирилади. Инглиз тилидаги Past Perfect, пассив конструкциялар, инфинитив ва сифатдош оборотлар оғзаки нутқца кам ишлатилади, лекин улар китобий-ёзма услубда анча кўп қўлланишга эга. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган шакл ва конструкциялар актив минимумга киритилмайди, лекин улар пассив минимумга албатта киритилади.

Учинчи тамойилга мувофиқ ҳамма синонимлар ичидан стилистик жиҳатдан нейтрал қисоблантан шакл ёки конструкция актив грамматик минимумга киритилади. Инглиз тилида мажбурийликни must, should, need, to have to, to be to модал феъл ва иборалари ёрдамида ифодалаш мумкин. Актив грамматик минимумда факт must модал феъли қолдирилиб, қолган модал феъл ва иборалар пассив минимумга киритилади. Ёзма нутқда

энг кўп қўлланиладиган ва ўқувчи, талабалар ўқиганда, тинтлаганда уларни тушунишлари зарур бўлган грамматик ҳодисалар пассив грамматик минимумга кири-тилади. Минимумнинг ҳажми ўз-ўзидан равшанки, пассив, актив минимумга нисбатан каттароқ бўлади. Пассив минимумга грамматик ҳодисаларни танлашнинг асосий тамойиллари қўйидагилар саналади:

1) китобий ёзма нутқ услубида қўлланишлик тамойили

2) кўп маънолилик тамойили.

Кўрсатиб ўтилган тамойилларга биноан, китобий-ёзма нутқ услубида энг кўп қўлланиладиган ва бир неча маънога эга бўлган грамматик ҳодисалар пассив минимумга киритилади.

### *Грамматик материални тақсимлаши (дистрибуция қилиши)*

Алоҳида таъкидлаш керакки, методикага оид дарслар ва қўлланмаларда тил материалини, минимумни тақсимлаш муаммолари деярли муҳокама қилинмайди. Ўқитиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун чиқарилган «Ўқитувчи китоби»да бу тўгрисида айрим фикрлар баён қилинган.<sup>1</sup>

Грамматик материални тақсимлашда қўйидаги мезонлардан келиб чиқиласди:

1) берилган мавзу бўйича нутқ талабларининг қондирилиши;

2) қийинчиликларни бир-биридан ажратилган ҳолда берилиши;

3) янги материални бир меъёрда киритилиши;

4) янги грамматик материалнинг мустақил равишда маъносини очиш учун контекстларда киритилиши.

Бизнинг фикримизча, мактаб дарслиги муаллифлари грамматик материални тақсимлашга катта эътибор беришлари ва дарсликларда бундай тақсимлашни амалга оширишлари керак. Грамматик материални танлаш каби уни тақсимлаш ҳам уни ўрганишнинг, ўргатишнинг муҳим компоненти ҳисобланади.

Юқорида айтилган гаплардан инглиз тили грамма-

<sup>1</sup> «Teacher's quide». Книга для учителя к учебнику английского языка для 7 класса ўзбекской школы (Автор Д. Д. Джабалов). Таш-кент, 1977.

тикасини ўргатища тўпланган она тили, рус тили ва инглиз тилига оид тил тажрибасига асосланишимиз керак, деган хulosага келишимиз мумкин.

### *Грамматиканинг методик типологияси*

Грамматикани типология қилиш масаласи бошқа масалаларга қараганда кам ўрганилган. Методикага оид адабиётларда лексиканинг методик типология қилиш масаласи батафсил кўриб чиқлади, лекин грамматик материални типология қилиш деярли таҳлил қилинмайди. Типология дейилганда тил материални ўзлаштиришда пайдо бўладиган қийинчиликларни аниқдаб уларни типлаштириш тушунилади. Типология қилишда грамматик шакл ва конструкцияларни ўзлаштиришда пайдо бўладиган қийинчиликлар хисобга олинади. Грамматикани методик жиҳатдан типология қилиш, деганда грамматик шакл ва конструкцияларни ўзлаштириш вақтида пайдо бўладиган қийинчиликларни назарда тутган ҳолда грамматик материал типини белгилаш (кўрсатиш)ни тушунмоқ керак, сўнг ҳар бир типни ўргатиш учун метод белгиланади, танланади.

Грамматиканинг методик типологиясини яратиш учун лексиканинг методик типологиясини аниқлашдаги каби:

1. Айрим шакл ва сўз бирикмаларга хос қийинчиликларни.
2. Ўрганилаётган чет тили грамматикасининг шакл ва сўз бирикмалари орасидаги қийинчиликларни.
3. Чет тили ва она тили грамматика ҳодисалари ўртасидаги салбий таъсир оқибатида пайдо бўладиган қийинчиликларни белгилаб олиш керак.

Алоҳида грамматик ҳодисадаги қийинчилик ушбу ҳодисанинг шакли, маъноси ва қўлланиши билан боғлиқ. Айрим сўз туркумларида уларнинг товуш ва ёзув шакли нутқ жараёнидаги грамматик шаклга боғлиқ равишида ўзгаради.

Маълумки, инглиз тилида саналадиган отлардан кўплик шакли ясалганда — s (-es) қўшимчаси қўшилади. У [s, z] ва [I z] вариантларпда талаффуз қилинади. Яна бир мисол келтирамиз. Грамматик категориялар билан боғлиқ равишида энг кўп шаклларга эга бўладиган сўз туркуми феълдир.

*Масалан*, Present Indefinite замоннинт учинчи шахс, бирликдаги — с «(es)» қўшимчаси, тўғри феълардаги Past Indefinite замонининг — ed қўшимчаси турли та-лаффуз вариантларига эга. Ўз шаклларини ўзгартирувчи сўз туркумларини ўрганиш шаклини ўзгартирмайдиган сўз туркумларга нисбатан қийинроқ бўлади ва ўкувчи, талаба уларни ўзлаштириш учун зўр бериб ишлаши даркор.

Энди грамматик маъно билан боғлиқ қийинчиликларни кўрамиз. Маъно билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни аниклаш учун қуидаги мезонлар тавсия қилинади:

1. Грамматик шаклнинг кўп маънолити, кўп вазифани бажариши, кўп сонли омонимларга эга эканлиги. Кўп маъноли грамматик шаклларни ўзлаштириш ўкувчи талабалар учун катта қийинчиликлар келтириб чиқаради.

2. Сўз туркумининг мустақил ва ёрдамчи функцияларда қўлланиш мумкинлиги. Ёрдамчи вазифада қўлланадиган сўzlар ўкувчи талабалар учун анча қийиндир.

3. Сўз туркумларининг грамматик жиҳатдан боғланиш даражаси. Грамматик шакл ва бирикмаларни қўллашда ҳам ўкувчи талабалар қийинчиликларга дуч келади. *Масалан*, ўкувчилар “He works at school” каби гапда замон шаклларини қўллашда жуда кўп типик хатоларга йўл қўядилар.

Энди чет тили грамматика ҳодисалари орасида қийинчиликлар устида батафсил тўхтаймиз. Инглиз тилидаги грамматик шакл ва конструкциялар бир-бирла-ри билан омонимик қатор ҳосил қилиши мумкин.

*Масалан*: тўғри феълларнинг Past indefinite, Participle II шакллари бир хил ясалади. Уларни бир-биридан фарқлаш ўкувчи талабалар учун қийин муаммо ҳисобланади. Бошқа бир мисол: инглиз тилида герундий, сифатдош I ва отлашган феъл омоним шакллар сана-лади. Уларни бир-биридан фарқлайдиган белгилари ту-шуниб олиш анча қийин муаммо ҳисобланади.

Кўп грамматик шакл ва бирикмалар бир-бирлари билан омонимик қаторларни ташкил қиласи. Синоним шакл ва конструкцияларнинг маъноси бир-бирига яқин бўлишига қарамай, уларнинг бири ўrnита иккинчиси-ни алмаштириш мумкин эмас.

Синоним шакл ва конструкцияларнинг қўлланилиши айрим пайтларда маълум қийинчиликларни келти-

риб чиқариши мумкин. Чет тили ва она тили грамматик ҳодисаларини шакл ва маъно жихатдан таққослаб кўришда қўйидаги мезонлардан фойдаланилади.

1. Грамматик шакл ясаш усулининг ўхшашлиги ёки фарқ қилиши. Грамматик шакл ясашдаги тафовутлар катта қийинчиликлар келтириб чиқаради. *Масалан*: инглиз тилида Present Continuous замони аналитик шакл, ўзбек тилида ҳозирги замон давом феъли синтетик шакл. I am reading a book — мен китоб ўқияпман.

2. Грамматик шакллар ва конструкциялар маънолар ҳажмининг бир-бирига мос келиши ёки келмаслиги.

Грамматик шакл ва конструкцияларнинг маъно ҳажми баъзан ҳар икки тилда бир-бирига мос келиши мумкин. *Масалан*: I am writing a letter. — Мен хат ёзяпман. Аммо кўпинча грамматик ҳодисаларнинг маъно ҳажми бир-бирига мос келмайди. Ҳар иккала таққосланайтган тилда келишик категорияси мавжуд бўлса ҳам, бу категория ифодалаган маъно инглиз ва ўзбек тилларида бир-бирига мос келмайди.

3. Чет тили ва она тили сўз туркумларини бирикиш қобилиятларининг мос келиши ёки келмаслиги.

*Масалан*: to read феъли қайси сўз билан бирика олса, ўзбек тилидаги «ўқимоқ» феъли ҳам шундай сўзлар билан бирика олади. Бундай феълларни ўрганиш ўқувчи талабалар учун қийинчилик қилмайди. Лекин инглиз тилидаги to wait феъли от ёки олмош билан бирикканда ўзидан кейин «for» предлоги қўлланишини талаб қиласди. Ўзбек тилида «кутмоқ» феълининг бошқа сўзлар билан бирикиши ёрдамчи сўзларсиз амала оширилади. Сўзларнинг чет тили ва она тилида турлича бирикиш қобилиятига эга бўлиши ўқувчи талабаларни анча чалкаштиради.

4. Сўз туркумларнинг грамматик вазифасидаги ўхшашлик ва тафовутлар. Инглиз тилида book, man, nail, сўзлари отлар бажарадиган вазифаларда ҳам қўлланилади. Лекин ўзбек тилида китоб, одам, мих сўзлари гапда эга, тўлдирувчи ва предикатив вазифалардагина ишлатилади. Улар гапларда кесим вазифасини бажариб келиши мумкин. Бундай тафовутлар маълум қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, грамматиканинг методик типологиясини яратиш методиканинг мухим масаласи ҳисобланади. Биз бу ерда шуни аниқлашга бироз бўлса-да, ҳаракат қилдик. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш ке-

ракки, ўрганилаётган чет тилидаги грамматик шакл ва конструкциялар орасидаги тафовутлар тил грамматика тизими ичидаги интерференцияни келтириб чиқаради.

Чет тили ва она тили грамматика тизими ўртасидағи тафовутлардан тиллараро интерференция пайдо бўлади. Ҳар иккала интерференция ходисаларини ҳисобга олиш ва уларни бартараф қилиш йўлларини изламоқ ўқитувчининг дикқат марказида бўлиши керак.

### *Инглиз тили грамматик материали устида ишлиш*

Грамматик материал устида ишлиш ўз ичита грамматик материални тушунтириш ёки киритиш, уни ўздаштириш, мустаҳкамлашни олади.

Грамматик материални киритиш ёки тушунтиришда унинг шакл, маъноси, қўлланилиши ўргатилади. Грамматик материални шакли дейилганда уни талаффуз, ўқилиш, ёзилиш, ясалиш шакллари тушунилади. Ўқитувчи уларни ўргатиши лозим. Унинг маъносини ҳам она тилида ифодаланишини ўқувчига тушунтиришни кўзда тутади, улар уни билишлари зарур. Акс ҳолда ўқувчи талабалар нугқда қўллашга қийналадилар. Энг муҳим грамматик материални нутқ фаолият турларида қўлланилиши, ўқувчи, талабаларга мисоллар орқали тушунтирилади, ўргатилади. Биз грамматик материални нутқ фаолияти турларида қўллашни ўргатмасак, грамматикани ўргатдик дея олмаймиз. Сўнг грамматик материал машқлар орқали ўзлаштирилади, яъни уни қўллаш фаоллаштирилади, автоматлаштирилади ҳамда мустаҳкамланади.

Грамматик материални ўқиш, талаффуз қилиш шакллари билан ўқувчи талабаларнинг ўzlари мустақил танишад илар.

Ёзилиш шаклини ўқитувчи ўқувчи, талабага доска-га ёзib кўрсатади ўқувчилар, талабалар уни кўриб ўрганадилар, ёзадилар.

Янги грамматик материалнинг маъносини ўқувчи талабага билдириш, тушунтириш жараёнида ўқувчи, талабаларнинг ўzlари маънони фахмлаб топишлари, она тилига таржима қилиш эквивалентларни аниқлаш орқали амалга оширилади. Янги грамматик материални ясалиш, тузилишини ўргатиш анча мураккабдир. Уни ўзига хос томонлари бор.

Янги грамматик материални ясалиши, тузилишини ўргатиш индуктив ва дедуктив йўл билан амалга оширилиши мумкин. Индуктив йўл, деганда кенг маънодаги хусусиятдан умумийга бўлган йўл тушунилади; матнадаги тил фактларини кузатиш, уларни жонли нутқда тўплаш, маҳсус йиғилган мисолларни модел ёки қоида сифатида умумлаштириб ўргатиш ва бошқалар. Бирон бир тил факти қоида ёки модсл сифатида тушунтирилганда у мисоллар билан ифодаланганда ва машклар ёрдамида ишлаб чиқилганда, умумийдан хусусийга қараб борилади. Дедуктив йўл бу жараённинг аксини назарда тутади. Дедуктив йўлнинг афзалликлари шундан иборатки, у кам вақт талаб қиласиди. Бу машқ қилиш имконини кенгайтиради. Яъни олдин қоида берилиб, айтилиб сўнг мисоллар тузилади, туздирилади.

Индуктив йўл аникроқ ва анча мукаммал ишлаб чиқилган тушунтириш йўли ҳисобланиб, дарсда ўқувчи, талабаларнинг кўпроқ фаол бўлишига ёрдам беради, чунки қоидаларни аниқлашда уларнинг диққат, кузатувчанлик, мантиқий фикрлаш, биринчи аҳамиятга эга нарсаларни иккинчи даражалик нарсаларни фарқлаш қобилияtlарини такомиллаштиради.

Индуктив йўл билан грамматик материал ўргатилганда ўқитувчи грамматик материалга олдин мисоллар беради, шу мисоллар орқали унинг ясалиши, маъноси, кўлланилиши, қоидасини ўқувчи, талабалар билан биргалиқца таҳлил қилиб ўргатилади.

Индуктив йўлни қўллаш мисоллар беришни, матнлар танлашни, изчил саволлар тузишни талаб қиласиди.

Бундай саволлар ўқувчиларни умумлаштиришга ўргатидиган ақлий фаолият дастури вазифасини бажаради. Индуктив йўлдан фойдаланганда материални қандай тушунтириш фақат ўқитувчига боғлиқ бўлади. У ҳамма қийинчиликларни олдиндан аниқлаб, уларни барта-раф қилиш йўлини белгилаши мумкин. Талабалар сони бунда ҳеч қандай аҳамият касб қилмайди.

Кўп сонли ўқувчига эга бўлган гурӯҳдарга индуктив йўлни қўллаш қийин масала. Янги материал билан таништиришда у ёки бу йўлни танлашда; ўрганилаётган грамматик ҳодисанинг характеристини, ўқувчи, талабаларнинг она тилисида шу материалга ўхшаган ҳодиса бор ёки йўқлигини, чет тилида ўқувчи, талабалар лингвистик тажрибага эга ёки эга эмаслигини хисобга олиш керак. *Масалан*: инглиз тилидаги Past Continuous ўқув-

чилаар ўзлаштирган Present Continuos асосида киритилиши мумкин. Янги грамматик ҳодисанинг ясалиши ёки қисман маъносини тақдим қилишда индуктив йўддан фойдаланиш мумкин.

Индуктив йўл билан ўргатганда олдин таништирилаётган грамматик материал бўйича инглиз тилида мисоллар, гаплар берилади. Сўнг унинг асосида ўқувчи, талабалар билан биргаликда ўқитувчининг етакчилигига шу грамматик материални ясалиши, тузилиши хулоса чиқарилади. Бунда онгли тушиниш учун кўпроқ ўқувчи, талабаларни мустақил ишлатиш керак.

Дедуктив йўлда эса ўқитувчи таништираётган грамматик материални тузилиш, ясалиш бўйича қоидалар, таърифлар айтади, грамматик инструкция модел беради, сўнг унинг асосида ўқувчи, талабаларга мисоллар, гаплар туздирилади.

Хозир грамматик материал билан таништиришда яна учинчи йўл ҳам ишлатилади. Унинг номи грамматик материални леқсик йўл билан ўргатишидир.

Бу йўлнинг афзаллиги шуки, ўқитувчи ўргатилаётган грамматик материални ўқувчи, талабага грамматик материал деб таништирмай лексика, сўз деб, сўзни лексикани ўргатгандек таништиради. Бу йўл кўпроқ бошланғич синфларда to be феълини am, is, are, was, were, шаклларини can, must, may модал феълларини ўргатишида қўлланилади.

Ўқитувчи to be феълини am, is, are шаклларига эга деб тушунтируса, унда ўқувчиларга Present Indefinite Tense ни олдин тушунтириши керак. Акс ҳолда ўқувчи тушунмайди бу эса кўп вақт олади, ўқувчи учун мурakkabdir. Унинг ўрнига «ам» ни ўқитиб, унинг таржимаси «борман», деб ўргатса ва мисоллар, гаплар туздирса, ўқувчи яхши ўзлаштиради.

Кейинчалик Present Indefinite Tense ўрганилганда, ўқувчилар уни тушуниб оладилар, is, are, was, were ни ҳам шундай ўргатиш мумкин.

Модал феълларни ҳам ўргатганда уларни модал феъл демай сўз деб ўргатилади. Янги грамматик материал билан таништиришда, уни ўргатишида, киритишида, тушунтиришда, ўқитувчи олдин ўтилган грамматик материал билан янгисини ўқувчини ўзига таққослатиб ўргатиш. *Масалан:* Present Indefinite Tense ни бўлишлик шаклинни сўроқ шакли билан таққослаташ орқали, сифатларни қиёсий даражаларини ўргатганда ўқув-

чига она тилидагиси билан таққослатиб, инглиз тилида сифатларни қиёсий, орттирма даражаларини ўргатиш мумкин.

Грамматик ҳодисанинг қўлланишини тушунтиришда дедуктив йўлдан кўп фойдаланилади. Грамматик материални тақдим қилиш жараёни грамматик малака ва кўникмаларни шакллантиришдаги биринчи босқич харатнинг йўналишларини яратиш учун асос ёки пойдевор вазифасини бажаришлари керак, чунки нутқ бирликла-ри уларнинг иккаласини ҳам ўзларида биритиради.

Ақлий фаолиятларни босқичма-босқич шакллантириш назариясита мувофиқ, таълим жараёни янги ҳара-катларни шакллантириш ва уларга мос келадиган сез-ги образлари ва тушунчалардан таркиб топтириш де-мақдир. Ўқитиши жараёни икки босқични – йўналишларни олдиндан аниқлаш ва ҳаракатларни ўзлашти-ришни ўзида мужассамлаштиради.

Янги грамматик материални тақдим этиш (кири-тиш)ни олдиндан аниқлаш биринчи босқичда амалга оширилади. Машқларни бажариш, ўзлаштириш, мус-таҳкамлаш иккинчи босқичда бажарилади. Пассив грамматика ҳодисасининг маъносини очища таржима ва таржимасиз усууллардан фойдаланиш мумкин.

Агар чет тилидаги грамматик ҳодиса ўқувчи, талабалар она тилисида ўз ўхшашлигига эга бўлса, энг тежамкор ва самарали усул бўлган таржимадан фойдаланиш мақсадга мувофиқцир. Агар чет тилидаги грамматик ҳодисалар она тилида уларга хос келадитан шакл ва конструкцияларга эга бўлмаса (*Масалан*: артикл, мутлоқ си-фатдош бирикмалари ва бошқалар) таржима усулини қўллаши етарли ҳисобланмайди. Бундай пайтларда таржимасиз ва таржима усуулларни бирга қўллаш керак.

Инглиз тили грамматик материали устида ишлаш босқичлари ҳам бор.

С. Ф. Шатиловнинг кўрсатишича, грамматик материал устида ишлашнинг тўртта асосий босқичини аниқлаш (белгилаш) мумкин.

1. Грамматик ҳодисаларни киритиш ва сўнг грамматик малакаларни шакллантириш асосини яратиш босқичи.

2. Оғзаки нутқца автоматлаштириш йўли билан грамматика малакаларни шакллантириш босқичи.

3. Нутқ малакаларини нутқ фаолиятининг ҳар хил турлари билан боғлаш босқичи.

4. Нутқ кўникмаларини ривожлантириш босқичи.

Грамматика материали устида ишлашнинг ҳар бир босқичига алохидат тўхтаймиз.

1. Янги грамматик материални киритишдан асосий мақсад, кейинроқ малака ҳосил қилиш учун йўналиш асосини яратишдан иборатдир. Бунинг учун киритилаётган фамматик материал оғзаки ёки ёзма нутқда унинг ясалиш усули билан, ушбу материални ўз ичига олган ҳаракатни қоидасиз намунага ёки намуна ва қоидага мувофиқ бажариш усули билан таниширилади.

2. Грамматик материал устида ишлашнинг иккинчи босқичи жуда муҳим саналади, сабаби грамматик ҳаракатларнинг автоматлашиши шу босқич билан боғлиқдир. Маълумки, ҳаракатнинг автоматлашувисиз малака ҳосил қилиб бўлмайди. Бу босқичдаги вазифа, грамматик ҳодисалар устида машқ қилинганда, бу ишга нутқий йўналиш беришдан иборатдир. Бу босқичда ўқувчи, талабаларга шартли нутқ машқлари бажариш тавсия қилинади.

3. Грамматик материал устида ишлашдаги учинчи босқичда нутқий грамматик малакаларни монологик ва диологик нугқца қўллаш амалга оширилади. Шартли нутқ ва ҳақиқий нугқ машқдари ёрдамида нутқий грамматик малакалар ривожланиб такомиллашади.

4. Грамматик материал устида ишлашнинг охирги якунловчи босқичи нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув, фикр алмашиш жараёнида амалга оширилади.

### *Инглиз тили оғзаки нутқнинг ва инглизча ўқишининг грамматик томонлари устида ишлаши*

Хозир тил материалларини ўргатишда, уларни қандай нугқ фаолиятининг турларида қўллашни ўргатишга қараб ёндошилади. Оғзаки нугқнинг грамматик томонини, ўқишини грамматик томонлари (грамматикаси) бўлиши мумкин.

Бошланғич синфларда (5-6-синфлар) оғзаки нутқнинг грамматикаси (грамматик томони) ўргатилади. Бунга сабаб шуки, бу синфларда нутқ фаолияти турлари оғзаки нутқ - ўқиш - ёзув кетма-кетлигига бўлади.

Шунинг учун оғзаки нутқнинг грамматикаси ўргатилади.

Оғзаки нутқни ўргатиш грамматикани методик ташкыл қилишдан бошланади.

Грамматик материал оғзаки нутқдан танланади. Уни тақсимлашда, методик типология қилишда, грамматикани устида ишлашда оғзаки нутқнинг хусусияти, грамматикани оғзаки нутқда қўлланилиш қийинчиликлари ҳисобга олинади.

Грамматикани ўргатиш, тушунтириш, ўзлаштириш мустаҳкамлаш, машқлар оғзаки нутқда олиб борилади.

Грамматикани оғзаки нутқда қўллаш учун оғзаки машқлар бажартирилади.

Ўқишининг грамматика томонини ўргатиш 7-8-9-синфларда бўлади, чунки бу синфларда нутқ фаолиятларини ўргатиш, ўқиш, оғзаки нутқ, ёзув кетма-кетлигига бўлади.

Ўқишининг ҳам ўзига хос грамматикаси бор. Уни устида ишлаш грамматикани методик ташкил қилишда бошланади. Грамматик материал ўқиш учун олинидиган матнлардан олинади. Сўнг бу грамматик минимумни тақсимлашда методик типология қилишда, уни ўргатишда ўқишининг хусусияти ҳисобга олинади.

Грамматик материални ўргатиш, ўрганиш, ўқиш нутқ фаолияти орқали бўлади. Матнларни, машқларни ўқиш, грамматик материалларни таҳдил қилиш орқали ўқишининг грамматикаси ўргатилади, ўрганилади, материални ўзлаштириш учун машқдар бажартирилади.

## *12. Грамматик малакаларни шакллантириши учун мўлжалланган машиларнинг тип ва турлари*

Машқдар нутқ фаолиятига ўргатишдаги муваффақиятни таъминлайдиган бош омилдир, чунки фаолиятни моделлаштирадиган машқларда нутқ, малака ва кўникмалар шакллантирилади, ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

Ўқувчи талабаларга нутқ фаолиятани ўргатишда учта типдаги машқдарни:

1) тил машклари; 2) шартли нутқ машклари; 3) ҳақиқий нутқ машкларини қўллаш тавсия қилинади.

Ҳеч қандай коммуникативлик белгиларга эга бўлмаган машқлар тил машклари ҳисобланади.

Тил материали соҳасига оид барча машқдар тил

машқдарнинт биринчи турига мансубдир. *Масалан:* «Феълларни талаб қилинган замонда қўллаб, гапларни кўчириб ёзинг» ёки «гапларни сўроқ шаклга айлантириб кўчириб ёзинг» ва ҳоказо.

Ўқув нутқ муомаласининг баъзи белгилариға эга бўлган машклар тил машқларнинг иккинчи турига тегишилдири. *Масалан:* «Кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантиринг», «гапларни пассив нисбатда ёзинг» ва бошқалар.

Ўқув шароитларида нутқий муомалага тақлид қилишга ўргатадиган машклар шартли нутқ ёки ўқувнутқ машқдари деб аталади. «Расмларга қараб саволларга жавоб беринг». «Кўрсатилган грамматик шаклни қўллаб, саволларга жавоб беринг» каби машклар шартли нутқ машқлари ҳисобланади.

Нутқ фаолиятининг ҳамма турларида нутқий малакаларни мақсадга мувофиқ равишда шакллантириш учун ушбу машқ типи энг самарали ҳисобланади. Нутқ фаолиятининг асосий турлари ҳисобланган (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув) табиий муомалада ишлатиладиган машқлар деб саналади. Табиий нутқий алоқа ўқитиши мақсад ва шароитлари билан асосланган ўзаро маълумот алмашишдан иборатдир.

Чет тили ўзлаштиришдаги сунъий мактаб шароитларида бундай машқ типи ғоят ижодий ва ўқувчилар учун жуда қийин саналади, шу сабабли у бутун машқлар тизимини яқунлайди ва одатда нутқ кўникмалари ни ривожлантириш учун қўлланилади. *Масалан:* «Ўрганилган грамматик материални қўллаб, расмдаги вазиятни тасвирлаб беринг». «Матнни тингланг, воқеада иштирок этган кишиларнинг хатти-ҳаракатини изоҳлаб беринг» каби машклар ҳақиқий нутқ машқлари саналади. Шундай қилиб, грамматикани ўргатишда тил, шартли нутқ ва ҳақиқий нутқ машқлари қўлланади. Ҳар бир машқ типи бир неча машқ турларини ўз ичи-га олиши мумкин.

**Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

**1. Инглиз тилини ўргатишда грамматиканинг аҳамияти тўғриси-да гапириб беринг.**

**2. Нугқ фаолияти учун грамматик материални ўргатиш заруми?**

**3. Грамматик малакаларсиз ўқувчиларни инглиз тилига ўргатиш мумкинми?**

**4. Грамматика материални методик типология қилиш ҳақида сўзланг.**

**5. Грамматик материални танлаб олишнинг сабабларини кўрсатинг.**

**6. Грамматик материални ўргатиш йўллари ҳақида сўзланг.**

**7. Грамматик материални «лексик йўл» орқали ўргатишни ми-соллар орқали тушунтиринг.**

**8. Грамматика ўргатишда тил тажрибасини хисобга олишни ми-соллар орқали тушунтиринг.**

**9. Актив ва пассив грамматик материал устида ишлашни, ўрга-тишни жорий дарслклар асосида тушунтиринг.**

**10. Грамматик машқларнинг тип ва турлари ҳақида гапириб бе-ринг.**

### **3-§. ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ**

*Инглиз тилини ўргатишда лексиканинг аҳамияти*

Лексикани ўргатиш, тилни ўргатишнинг асосини ташкил қиласди. Лексика ўрганиладиган, ўргатиладиган сўзлар ва сўз бирокмалари йифиндисидир.

Лексикани мукаммал эгалламай туриб, нутқ фаолиятининг турларини ўргатиб, ўрганиб бўлмайди. У нутқ фаолиятлари учун материал сифатида ишлатилади.

Нутқ учун материал жуда зарурдир. Материал бўлмаса нутқ содир бўлмайди. Инглизча нутқни тинглаб, ўрганган сўзлар асосида унинг мазмунини тушуниш мумкин. Ўқувчи, талаба сўзларни таний олмаса, билмаса маълумот олмайди, нутқнинг мазмуни мавҳумлигича қолади. Тинглаб тушунишнинг лексик томони уст�다 ишлаганда, уни тинглаб қабул қила олиш, таний олиш машқлари кенг ишлатилади, чунки лексикани тинглаб қабул қилиш, таний олиш ҳам ўз хусусиятига, қийинчилигига эгадир. Гапиришнинг лексик томонини ўзига хос хусусияти мавжуд. Ўқувчи ва талаба уни билмаса гапира олмайди, билганда ҳам ўрнига қўя билиши керак. Ўқишнинг лексик томони ҳам алоҳида қийинчилик туғдиради. Ўқувчи, талаба ўқишда кўриб қабул қиласди. Шунинг асосида ўқиб маълумот олиш, тушуниш учун сўзларни таний олиш, ўқий олиш, улар-

нинг маъно, мазмунини билган, ўрганган бўлиш керак.

Фикрни ёзма баён қилишнинг лексик томони ус-

106

тида ҳам алоҳида ишлаш керак. Ўқувчи, талаба у орқали мазмунли, тўғри маълумот ёзib бера олиши учун сўзни ёза олиши, талафуз қила олиши, ўқий олиши зарур.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳаммаси учун лексика керак. Шу сабабдан ўқувчиларга нутқ фаолиятларини ўргатишда лексиканинг ўрни муҳимдир.

Лексикани ўргатиш ўқув юртининг мақсад, мазмунларига мослаштирилиб, унга жавоб берадиган қилиб ўргатилади. Бу ўқувчи, талабалар, ўқув юрти учун чиқарилган чет тили дастурида баён қилинади.

Чет тили дастури бўйича нутқ фаолиятларини ўргатишда лексик материални ўргатиш мақсад ва воситадир. Янги дастурда ҳар бир синф учун лексик минимум сони кўрсатилган. Унда 5-синф учун 300 та лексик бирлик, 6-синф учун 300 та, 7-синф учун 250 та лексик бирлик, 8-синф учун 150 та лексик бирлик, 9-синф учун 100 та лексик бирлик.

Ҳаммаси бўлиб дастур талаби бўйича ўрта мактабда 1100 та лексик бирлик ўргатилади.<sup>1</sup>

Академик лицейлар ва касб-хунар коллажлари учун дастурида ҳам лексика сони берилади.

Ўқувчи, талабалар дастур талаби бўйича лексикани амазда нутқ фаолияти турларида қўллай олишлари, яъни лексикани қўллаб, нутқни тушуна олишлари, гапира олишлари, ёза олишлари зарур.

### *Инглиз тили лексикасжси ўргатшинжс психологик Хусусиятлари*

Инглиз тили лексикасини ўргатаётганда, ўрганаётганда унинг психологик хусусияти салмоқли таъсир қиласи. Ҳар бир ўқитувчи уни хисобга олиши, унга таяниши, ундан фойдаланиши зарур.

Психологик нуқтаи назардан сўз ёки лексика мурракаб бўлиб, у оғзаки нутқни қабул қилиб тушиниша кўзгатувчидир.

Сўзда кўзгатувчи сифатида (унинг тузилишида) 2 та қисм-тинглаш ва кўриш томони мавжуд. Биз сўзни эшитамиз, тинглаймиз ёки ёзилганини кўрамиз, яна у

орқали инсон мураккаб жавоб қиласи.

<sup>1</sup> **Инглиз тили ўқув фани бўйича умумий ўрта таълим мактабла-ри учун дастур. Т. 1999 й. 15-бет.**

107

Инсоннинг жавоби сифатида эса сўзниң яна учинчи қисми — ҳаракат қисми бор. Бунинг эса ўз ўрнида ёзув, талаффуз томонлари бор.

Сўзниң талаффузи ёки ёзув орқали ифодаланиши ҳаракат билан бажарилиб турилади. Шунинг учун сўзни ўзлаштириш мия ярим шарлари қобигининг кўриш, тинглаш ҳаракат қилиш ўринларида вақгинча мураккаб нерв алоқаларининг содир бўлишидир. Сўз мураккаб бўлгани учун фақатгина қабул қилинмасдан, балки тасаввур ҳам қилинади. Иккаласида ҳам инсоннинг онгидаги сўзниң тасвири ҳосил бўлади, биринчисида фақатгина сўзниң талаффузи бўлса, иккинчисида эса эслаб тинглашни қўзгатувчилиги дар. Демак, сўзниң психологик тузилиши мохияти уни тинглаш, кўриш ва талаффуз қилиш ва ёзув ҳаракат томонларидан иборат.

Сўзниң маъноси ҳам бўлади. Сўзниң маъноси деганда эса биз уни белгилайдиган предметга ёки ҳодисага нисбий боғлиқлигини тушунамиз. Маъно сўзниң умумий воқеликни ифода этишидир. Сўзда тушунча ифодаланади ва шу билан бирга сўз нимадир атайди, белгилайди. Биз сўз билан ифодалайдиган ҳодиса, нарса ёки предмет бизнинг онгимиздаги тушунчанинг аксидир. Шу сабабдан сўзниң тузилиши мураккабдир. У ҳар хил ифодалаш, белгилашнинг ҳамда тушунча ва маънонинг мураккаб алоқасидир. Инглиз тили лексикасини ўргатишда шуларга аҳамият бериш зарур.

### *Инглиз тили лексикасининг лингвистик хусусиятлари*

Инглиз тили лексикасининг лингвистик хусусиятлари уни ўрганишда, ўргатишга таъсир қиласи. Ўқитувчи бу хусусиятлардан ижобий, унумли фойдаланса мақсадга эришиши осонлашади.

Инглиз тили лексикасининг лингвистик хусусиятларини 3 гурӯхга бўлиш мумкин:

1. Инглиз тили лексикасини алоҳида ўзини олгандаги лингвистик хусусиятлари;
2. Ўқувчи ёки талаба инглиз тили лексикасини она

тили лексикаси билан таққослагандан келиб чиқадиган лингвистик хусусиятлар;

3. Ўкувчи ва талабанинг инглиз ва рус тили, она  
108

тили лексикалари билан таққослагандан келиб чиқадиган лингвистик хусусиятлар.

**1-гурухга** қуйидагилар киради:

1) сўзлардаги баъзи ҳарфларнинг ўқилмаслиги. *Масалан*: whom, take, whose, what, table.

2) сўзларнинг қўп маъноли бўлишлиги. *Масалан*: a floor-қават, замин, пол;

3) конверсиянинг мавжудлиги: to work-work;

4) баъзи сўзлардаги ҳарфларнинг қоида бўйича ўқилмаслиги: put [put], gone [aЛп]. come [kAm];

5) инглиз сўзлардаги баъзи ҳарф, бирикмаларнинг қийин талаффуз қилиниши thin, this, mathematics;

6) феълларнинг 4 хил шаклга эга бўлиши: go-went-gone-going.

**2-гуруҳ** лексикасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Сўзларнинг икки тилда маънолари тўғри келиши, икки тилда асосий маънолари тўғри келмай, қўшимча маънолари тўғри келиши, икки тилда асосий ва қўшимча маънолари тўғри келиши мумкин. Инглиз тили лексикасини ўзбек тили лексикаси билан таққослаганда қуйидаги хусусиятлар келиб чиқади.

1. Икки тилда сўзнинг маъноси бир-бирига тўғри келмаслиги: маънонинг бир тилда торлиги, иккинчи тилда эса кенглиги. *Масалан*: afternoon — соат 12 дан 18 гача бўлган давр. Бу ерда маъно инглиз тилида кенг бир сўз билан уни ўзбек тилида ифодалаш қийин.

2. Она тилидаги битта сўзга (маънога) инглиз тилидаги маънонинг қисман тўғри келиши. *Масалан*: чопон-a robe, дўппи-a scull cap. Ўзбекча дўппи, чопон инглизча кийимларга қисман тўғри келади, маъно қисман яқин, лекин бундай кийимлар инглизларда йўқ. Шунинг учун a robe-ўзбекларнинг чопонига ўхшаш инглиз эркакларнинг уйида киядиган кийими деб изоҳ берилгани маъқул.

3. Инглиз тилида она тилидаги сўзнинг маъносига 2 та сўз тўғри келади. *Масалан*: кўл — arm, hand.

4. Ўзбек тилида учрамайдиган сўзлар. Буларни ўзбекча битта сўз билан бериш жуда қийин, a lunch, a music hall.

5. Инглизча сўзнинг талаффузи ўзбекча сўзнинг талаффузига тўғри келади. *Масалан*: a magazine. Бу ерда ўқувчи, талабалар бу инглизча сўзни эшитибок; ўзбек-

109

ча «магазин» деб тушунадилар, лекин у ойнома деб таржима қилинади.

**З гурух** лексикасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор:

1. Учала тилда бир хил маъно, мазмунга тўғри келадиган байналминал сўзларнинг мавжудлиги:

*Масалан*, finish, start, footbal, volley-ball.

2. Инглиз ва рус тилларида сўзларнинг маънолари тўғри келади, ўзбек тилида эса уларни битта сўз билан берилади:

arm	hand
локоть - тирсак	кисть-кафт
от кисти - кафтдан \.	/
до плечи - елкагача \.	/
	қўл

3. Инглиз ва рус тилларида предлогларнинг мавжудлиги, ўзбек тилида эса йўқ бўлиб, улар ўзбек тилига келишик қўшимчалари ва ёрдамчи сўзлар орқали берилиши:

on	to	for	from
на	в	для	от, из
устида	-га	учун	-да,-дан

Ўқитувчи инглиз тили лексикасини ўргатаётганда уларнинг юқоридаги З гурух хусусиятларни англаб, хисобга олиб ўргатишни ишлаб чиқиши маъқул.

Инглиз тили лексикасини ўргатишда ўқувчи, талабаларнинг (ўзбек, рус, инглиз) тиллардан бўлган тил тажрибаларини хисобга олиш зарур.

Дастлаб ўқувчи, талаба ўзбекча сўзларни талаффуз қилишни, ёзишни, ўқишини, улар орқали тинглаб тушишини, гапиришини ўрганади. Бунинг натижасида ўқувчи, талабада ўз фикрини ўзбекча оғзаки-ёзма баён қилиш малака-кўнималар, тажрибалари ортади, уларга ўхшаш товушларни, сўзларни талаффуз қилиш, ўқищ, ёзиш, нутқда қўллаш, тил тажрибаси, малака кўнималари ҳосил бўлади. Ўқувчи, талаба ана шу малакани, кўнимани, тажрибани кўр-кўронга инглиз тилини ўрганаётганда унга кўчириши мумкин. Бу деганимиз инглизча сўзлардаги товушларни она тилидагидек танг-

лайга тегизмай талаффуз қилиши, ваҳоланки, инглиз тилида танглайды талаффуз қилишади. Натижада сўзнинг талаффузи, ўқилиши ўзбекча бўлиб чиқади.

Ўқувчи, талабанинг ўзбек тили лексикаси бўйича

110

тил тажрибаси инглиз тили лексикасининг талаффузыни, ўқилишини, ёзилишини ўргатишда таъсир қилади. Бу таъсир ижобий ва салбий бўлади. Ижобий таъсир бўлганда ўрганишга ёрдам беради. Салбий таъсир қилганда интерференция келтириб чиқаради, ўрганишга халақит беради, чалкаштиради.

Ўқувчи, талабанинг она тили тажрибаси инглиз тили лексикасини ўрганаётганда қуйидаги ҳолатларда ижобий таъсир қилади:

2) ўқувчи, талаба сўзни қўллаб фикр баён қилаётганда баъзи ran тузилишини худди она тилидагидек тузади, чунки инглизча гапдаги сўзлар ўрни ўзбек тилига тўғри келади.

*Масалан:* Бу китоб — This is a book.

Б) сўз қўшимчаси қўшилиб янги сўз ясалиши тўғри келади:

Work-worker иш — ишчи.

3) 2 та сўз қўшиши орқали янги сўз ясалишини тўғри келиши: — синф хонаси — classroom.

Ўқувчи, талабанинг она тилиси қуйидаги ҳолатларда салбий таъсир қилиши мумкин:

а) қўшимчасиз, конверсия орқали сўз ясаганда.

*Масалан:* an eye — to eye

кўз — кўрмоқ

Ўзбек тилида бўлмаган бу конверсия интефренция келтириб чиқаради.

б) ўқувчи, талаба сўзни қўллаб ўз фикрини баён қилишда худди она тилидек тузади, ваҳоланки, умуман олганда ўзбек тилида ran тузилиши инглиз тилига тўғри келмайди. *Масалан:* «Менинг акам мактабда ишлайди» гапини My brother at school works дейди, яъни гапни ўзбек тили тажрибаси таъсирида инглизча гапда сўзларни ўзбек тили гапидаги тартибидек жойлаштирадилар.

в) ўқувчи, талабалар инглизча матнни ўқиётганларида ҳам конверсия лексик интерференция келтириб чиқаради. *Масалан:* His works are very interesting. He works very well.

Иккала гапда ҳам work сўзини ишлаш деб тушудилар.

- г) сўзларда ҳарфларнинг ўқилмаслиги: take, which  
д) сўзнинг матнда кўп маънода келиши: to work,  
work, works ҳам интерференция келтириб чиқаради.  
е) ўзбек тили таъсирида қўйидагилар ҳам интерфе-

111

ренция келтириб чиқаради; маъноларнинг бир-бирита тўғри келмаслити: a robe (халат) — чопон, a flat cake, a griddle cake — оби нон.

Ўзбек тилидаги сўзни инглиз тилида кўп сўз орқали ифодаланиши: кўрмоқ — to see, to eye.

Битта маънони иккита сўз билан инглиз тилида ифодаланиши: қўл — arm, hand.

Биз оғзаки нугқни ўргатаётганимизда ўрганаётганимизда ҳам қўйидаги лексик интерференция келиб чиқади:

- а) сўзларни кўп маънога эга бўлишлиги;
- б) конверсиянинг мавжудлиги;
- в) она тилидаги битта маънони инглиз тилида бир неча сўз орқали ифодаланиши ёки тескариси;

Ўқувчи, талаба ўрта мактабда биринчи синфдан бошлаб рус тилини ўрганади. Ўқувчи 5—6-синфларга бориб, инглиз тили лексикасини ўрганаётганда ҳам бу тил тажрибаси таъсир қиласди. Таъсир ҳам ижобий, ҳам салбий бўлади. Тиллар таъсирини, тажрибасини, ай-никса, байналминал сўзларни талаффуз қилишда, маъосини илгаридан билиши, фикрни оғзаки ва ёзма баён қилишда гапда сўз тартибининг инглиз ва ўзбек тилларида тўғри келмай, русчада тўғри келишида кўриш мумкин. *Масалан:* а) футбол, теннис; б) My father woks at the factory. Менинг отам заводда ишлайди. Мой отец работает на заводе. Бу ерда рус, ўзбек тиллари тажрибаси ижобий таъсирдан ташқари салбий таъсир ҳамқиласди.

Ўқувчи 7—8—9-синфларда ва академик лицейларнинг курсларида инглиз тили лексикасини ўрганаётганда 5—6-синфлардаги инглиз тилидан бўлган малака-кўнимаси, тажрибаси ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қиласди.

Ижобий таъсирга нотаниш инглизча сўзларни олдинги ўрганганд қоида, тажриба бўйича ўқиш, ёзиш, ўз фикрини ёзма-оғзаки баён қилишлар мисол бўла олади.

Баъзи сўзларда ҳарфларни олдинги тажриба бўйича ўқиш салбий таъсир қиласди. *Масалан:* what сўзида h ўқилмайди. Whose ни шундай ўқийди ёки тескариси:

put сўзини [pAt] ўқийди ваҳоланки [put] деб ўқилади.

Хозирги пайтда мана бу тажрибаларни — тилларнинг хусусиятларини ҳисобга олишни методика талаб қиласди. Бу тил тажрибаларини ҳисобга олмаслик инт-

112

лиз тили лексикасини ўргатишида, ўқитишида улар ўқувчи, талабаларга халақит беради, чалкаштиради, уларга мустаҳкам билим берилмайди, ўзлаштиришга зарарли таъсир қиласди. Уларни ҳисобга олиш ўқитувчидан маъсулият талаб қиласди. Инглиз тили дарслекларида мумкин қадар муаллифлар бу тажрибаларни ҳисобга олишга, йўқотишига харакат қилишган. Ўқитувчилар ўзлари ҳам буни ҳисобга олиб лексикани ўргатишлари, келиб чиқадиган лексик интерференцияни топишлари, олдини олиш йўлларини излашлари, ўқувчиларга олдиндан, айтиб қўйишлари лозим. Тил тажрибалари мустаҳкам билим ва малака қўникма ҳосил қилишда муҳим ўрин тутади. Бу тажрибаларнинг таъсирини ҳисобга олмасдан, ҳатлаб ўтиш, ташлаб кетиш мумкин эмас.


### *Инглиз тили лексикасини ўргатишини методик ташкил Қилиш*

Лексикани ўргатишида биз олдин методик ташкил қилишимиз керак. Лексикани ўргатишини методик ташкил қилиш уни қандай нутқ фаолиятининг турида фаоллаштириш мақсадига боғлиқдир. Лексикани ўргатишини методик ташкил қилиш деганда, биз нутқ фаолиятининг лексик томонини ўргатиш, лексик малакаларни шакллантириш, ўргатиш, автоматлаштиришни кўзда тутамиз.

Лексикани ўргатишини методик ташкил қилиш нималарни ўз ичита олишини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

#### **Лексикани ўргатишини методик ташкил қилиш**





Тинглаб тушунишни, гапиришни, ўқишини, фикрни ёзма баён қилишнинг лексик томонларини ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш бир-биридан фарқ қилади, улар алоҳида хусусиятга эга. Нутқ фаолиятининг лексик томонини ўргатиш, нутқ фаолиятининг турига қараб ишлаб чиқилади. Шу сабабдан лексикани ўргатишни методик ташкил қилишдаги ишлар нутқ фаолиятини турига қараб турлича бўлади. Лекин ҳаммасида ҳам ташкилий жиҳатдан методик ташкил қилиш, танлаш, тақсимлаш, методик типология қилиш, лексика устида ишлашдан иборат бўлади. Фақатгина танлаш, типология қилиш, тақсимлаш, устида ишлаш шакллари, турлари, ишлаш сифати, мазмуни ўзгаради. Методик ташкил қилишда қийинчиликлар мавжуд, биз уларни ҳисобга олишимиз керак, улар: 1) лексикани ўргатишга ажратилган вақт бўйича; 2) ўқувчи, талабаларнинг ёши бўйича; 3) ўқитиш мақсади бўйича; 4) ўқитиш босқичи бўйича; 5) ўқитувчининг малака-кўникмаси бўйича; 6) сўзнинг мавхум ёки аниқ маъно англатиши бўйича қийинчиликлардан иборат.

Лексикани ўргатишни методик ташкил қилиш компонентларини алоҳида-алоҳида чуқурроқ кўриб чиқа-миз.

### *Лексикани танлаш*

Хозирги пайтда лексикани танлаш нутқ фаолиятининг турига қараб амалга оширилади. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиши, ёзувнинг лексикасини алоҳида маҳсус тамойиллар асосида танланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчи, талabalарга кам сонли лексикани ўргатишга танлаш, уларни нутқ фаолиятларида фаоллаштиришга қўп вақт қолдиди. Кўп сонли лексикани нутқ фаолиятларида қўллашни кам вақтда амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабдан биз шундай лексикани танлашимиз керакки, битта лексикани бир нечтасининг ўрнига қўллаш мумкин бўлсин. Лексика қўйидаги тамойиллар асосида танланади:

- 1) қўлланилиш даражасига қараб танлаш тамойили асосида (частотность);

2) мавзу бўйича танлаш тамойили асосида (дастур мавзуи);

4) боғлана олишлик тамойили асосида (сочетаемость);

114

4) қўшимчалар орқали сўз ясай олиш тамойили асосида;

5)ган тузишда тезда иштирок эта олишлик тамойили асосида;

6) кўп маънога эга бўлишлик тамойили асосида;

7) стилистик чегараланмаслик тамойили асосида (шева бўлмаслик);

8) намуналик тамойили асосида;

9) синоним сўзлардан биттасини олиш тамойили асосида;

10) ўкув жараёни учун битта сўз олиш тамойили асосида;

Танлаган лексика, лексик-минимумни ташкил қилади, ҳамда ҳар бир синф, курс учун лексик минимум ажратилади.

Танлаб олинган лексика ўқувчилар, талабалар учун алоҳида қўлланмаларда,<sup>1</sup> дастурларда кўрсатилади.

И. В. Рахманов таҳрири остида «Словарь наиболее употребительных слов» номида инглиз, немис, француз тиллари бўйича ўрта мактаб лексик минимуми танланган.

1975 йилда Ж. Ж. Жалолов, О. Облаев томонидан ўрта мактаб учун инглиз тилида луғат-минимуми нашрдан чиқди. Ушбу минимумда ўзбек ўрта мактаби учун 1000 та лексика танлаган.

Хозир ўрганиладиган лексика ҳар бир синф, колленинг ҳар бир курси учун дастурларда танланиб кўрсатилган.

### *Лексик мжимумни тақсимлаш (Дистрибуция)*

Танланган лексик минимум тақсимланади. Лексик материални тақсимлаш (distribution) қуйидаги мезонлар бўйича бўлади.<sup>1</sup>

1) берилган мавзу бўйича нугқ талабларини қондирилиши;

2) қийинчиликларни бир-биридан ажратилган ҳолда берилиши;

3) янги материални бир меъёрда киритилиши;

<sup>1</sup> «Teacher's guide». Книга для учителя к учебнику английского языка для 7 го класса узбекской школы. (Автор Д.Д.Джасалов) Ташкент, 1977.

115

4) янти лексик материални мустақил равишда маъносини очиш учун контекстлардан ёки таржималардан фойдаланиш;

5) лексикани мавзуларга мос келиши.

Ўрта мактаб лексик минимумини тақсимлаш:

- а) синф; б; дастур; мавзулари; в) параграф(§)лар;
- г) машқдар; д) лексикани қийинлигига қараб тақсимлашни тақозо этади.

Бундай тақсимлаш тўғридан-тўғри бўлмай, балки ўқувчининг ёши, синфи, дастур талаби, ўргатиладиган нутқ фаолиятининг тури, ўқитиш босқичининг методик томонини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Илмийлик, коммуникативлилик йўналишни, методик томонни ҳисобга олган ҳолда тақсимланади.

Танланган лексик минимум дастурда мавзулар бўйича тақсимланиб берилган. (Биз юқорида унинг сонини кўрсатдик).

Қолган тақсимлаш билан муаллифлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар шуғулланадилар.

Лексик минимумни илмий нуқтаи назардан 3 гурӯхга тақсимлаш мумкин:

1. Актив лексика-репродуктив ва рецептив, яъни барча 4 та нутқ фаолияти турида қўллашни кўзда тутади.

2. Пассив лексика-рецептив нутқда, яъни тинглаб тушуниш ва ўқиша қўллашни назарда тутади.

3. Потенциал лексика. Баъзида буни пассив лексикага ҳам киритилади. Барча байналминал сўзлар қўшимчалар, конверсия орқали янги ясалган сўзлар киради. Ўқувчи, талабалар бу сўзларни турли нутқ фаолиятида қўллайдилар. Буларни ўқувчи, талабаларга ўргатиш учун кўп вақт сарф қилинмайди, улар учун осон, ўзлари тўғридан-тўғри ўзлаштирадилар, маъносини фаҳмлаб топиб ўрганадилар. Уларни ўзлари тил тажрибалари асосида тушунишлари, ўқишли мумкин.

#### *Лексикани методик типология қилиши*

Дарс бериш жараёнида лексика устида маҳсус иш олиб борилади, бироқ бу иш ҳамма вақт ҳам керакли

натижаларни бермайди. Бунинг сабаби нисбатан енгил ва бирмунча қийин сўзларга бир хил вақт сарфланиши, бир хил метод, усул, машқдар қўлланилишидир.

## 116

Машкларни танлашда ҳар бир сўзниңг хусусияти қийинчилиги эътиборга олинмайди. Агарда биз ҳар бир сўзни ўргатишда унинг хусусиятини, қийинчилигини ҳисобга олсак, сўзлар яхши ўзлаштирилади, бунинг учун эса кўп вақт сарф қилиш керак. Дарс шароитида вақт эса чегаралангандир. Шунинг учун методистлар лексикани методик типология қилиш орқали ҳар бир сўзниңг хусусиятини, қийинчилигини ҳисобга олиб, ўргатишга кам вақт сарфлаб, олдимизга қўйган мақсадга эришишлик мумкинлигини ишлаб чиқцилар. Буни лексикани методик типология қилиш деб номладилар. Лексикани методик типология қилиш ўқитувчининг ишини анча енгиллаштиради ва ўргатишни бирмунча самаралироқ бўлишини таъминлайди. Методик адабиётда ва дарс бериш амалиётида кўпинча сўзларни типология қилиш эмас, балки гурухдарга ажратиш назарда тутилади. Баъзан иккаласи устида баравар ишланади. Гурухлаш, сўзларни бирор-бир гурухга бирлаштиришдир.

Сўзлар қўйилган мақсадга қараб, турли гурухларга кириши ёки лексикани бир мавзу (*Масалан, sport*) бўйича гурухлаштириш мумкин. Типология сўзларни ўзлаштиришда пайдо бўладиган қийинчиликларни ҳисобга олишни назарда тутади.

Лексиканинг методик типология қилиш сўзларни ўзлаштириш вақтида ҳосил бўладиган қийинчиликларни назарда тутган ҳолда сўзлар типини белгилаш, тиپга бирлаштириш тушунилади ёки ўрганиш даврида пайдо бўладиган қийинчиликлар нуқгаи назаридан сўзларни типлаштиришдир. Бунда актив ва пассив луғат ўртасидаги кўп учрайдиган қийинчиликларни фарқлаш зарурдир. Методик типологиялаш нутқца сўзларни қўллаш, уларнинг нутқца бошқа сўзлар билан бирика олиши ва ишлатилишининг қийинчилигини ҳам ҳисобга олишни кўзда тутади.

Сўзларни ўзлаштиришда учрайдиган қийинчиликлар:

- а) ҳар бир сўзниңг ўзида (шакли, маъноси, қўлланилиши бўйича)
- б) инглиз тили, она тили ва рус тиллари алоқаси-

дан келиб чиқиши мумкин.

Лексиканинг методик типологиясини яратиш ҳозирги замон методикасининг актуал вазифасидир.

Актив ҳамда пассив лексикада учрайдиган қийин-

117

чиликларнинг энг муҳим типларини жамлаб қуидаги-  
ларни таъкидлаш мумкин.

Актив луғатда сўзнинг ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи  
сўз вазифасида қўлланиши, сўзни эркин ва эркин бўлма-  
ган ҳолда қўлланиши, сўзларнинг талаффузи, маъноси  
жихатдан (синонимлар) ўхшашлиги, грамматик шакл-  
лар ясаш усуllibарининг инглиз ва ўзбек тилларига мос  
келмаслиги, икки тилда сўзларнинг маъно жихатдан  
мос келиб, аммо шаклан бир-биридан фарқ қилиши,  
икки тилдаги сўзларнинг маъно ҳажми ва бирикиш  
қобилиятини мос келмаслиги хусусиятлари учрайди.

Пассив луғатда эса сўзларнинг бир бўғинлилиги,  
кўп маънолик ва бир сўзнинг ўзини асосий ва ёрдам-  
чи, тўғри ва қўчма маънода қўлланилиши, инглиз тили  
сўзларининг талаффуз жихатдан ўхшашлиги, инглиз  
тили сўзларнинг она тилидаги сўзларга, маъно жихат-  
дан фарқ қилса ҳам шаклан ўхшашлиги методик типо-  
логияда ҳисобга олинади.

Ўқитувчи ўқувчи, талабаларга лексикани ўргатиш,  
ўзлаштиришдан олдин келиб чиқадиган қийинчилик-  
ларни (айрим олган ҳолда ва ўзбек тили билан таққос-  
ланганда) аниқлаб уларни типлаштириши мумкин. Ке-  
йин ҳар бир тип учун метод, усул, йўлларни, машқ-  
ларни мосини танлаб ўргатилади. Натижада ҳар бир  
сўзнинг хусусияти ҳисобга олинади, ўргатишга кам вақт  
кетади. Бунда ҳар бир сўз учун алоҳида-алоҳида усул,  
йўл, машқ ишлатилмай, ҳар бир тип учун ишлатилади.

Инглиз тили лексикаси алоҳида олиниб, ўзбек тили  
лексикаси билан таққосланиб, маъноси, шакли қўлла-  
нилиши бўйича методик типология қилинади.

*Масаян:* a map, a pen, a pencil, a table, to go, to sit,  
to write ни олсак; a map, a pen, a pencil, a table сўзлари-  
ни ўргатишдаги қийичиликлари шундаки, уларни ўқув-  
чи ўз кўзи билан ёки расм орқали кўрса яхши қабул  
қиласди, to go, to sit, to come, to write ларга эса расм  
кўрсатиш қийинроқ, бу ерда ҳаракат орқали кўрсатиш  
мақсадга мувофиқцир. Шу сабабдан бу 8 та сўзни 2  
типга ажратиб маъносини очишга 2 та усулни: 1) расм-  
лар ёки предметнинг ўзини ва 2) ҳаракатни кўрсатиш  
усулларидан фойдаланамиз.

Хозир лексикани методик типология қилганда 2 та йўналиш бор:

**1-йўналиш:** а) сўзни шаклига ва б) маъносига қараш. Инглиз ва она тили сўзлари таққосланади. Бу

118

йўналишда Г. Пальмер, Х. Р. Хьюз, Р. Ладо, С. Поракова, Н. В. Николаев, М. С. Латушкина, С. В. Калинина-лар иш қилганлар.

**2-йўналиш:** сўзларни оғзаки нугқца ишлатилиши бўйича қийинчиликларни хисобга олиш. Бу ерда сўзларни бирикиш қобилияти, нутқцаги вазифаси кўзда тутилади. Бу йўналишда Чарльз Фриз, Морис, Якушина-лар иш қилишган. Кейинги пайтда лексиканинг қийинчиликларини типология қилиш профессор Берманнинг Зта асосий:

- а) рус ва чет тилларида лексик бирликларнинг шакли ва маъноси бўйича;
- б) ўрганиладиган чет тили лексикасини ўзининг хусусияти бўйича;
- в) бошқа тилда гаплашувчиларни чет тили нутқини тинглаб қабул қилиш ва талаффуз қилиш бўйича йўналишларида бўляпти.

### *Лексика устида ишлаш*

Лексика устида ишлаш асосан 3 босқичга бўлиниди: 1) сўзни танишириш, тушунтириш; 2) сўзни ўзлашириш; 3) сўзни мустаҳкамлаш.

Сўзни танишириш алоҳида ажратиб олиниб ёки контекстда бўлиши мумкин. Сўзни қандай нутқ фаолияти орқали танишириш ўргатилаётган синфга, ўқув юртида ўқитиш босқичига боғлиқдир. Янги сўз билан танишишириш: 1) матнни ўқишдан олдин (5—6-синфларда); 2) матнни ўқиётганда 3) мустақил луғатдан фойдаланиш орқали бўлиши мумкин (7, 8, 9-синфларда).

Сўзни тушунтиришда, тақдим қилишда ҳаммамизга маълум бўлган шакли, маъноси (семантикаси), қўлланиши вазифаси (функцияси) билан таниширамиз. Г. В. Рогованинг фикрича сўзни ўрганиш жараёни.

1. нимани ифодалаётганини; 2) сўзни эсда сақлаб қолиши; 3) сўзни турли нутқ вазиятларида, турли нутқ фаолияти турларида қўллай олиш қобилиятларини ўз ичига олади.

Сўзни тақдим қилиш фонетик — талаффуз қилиш, ёзув, грамматик шаклини тақдим қилишдан, маъно-

сини, қўлланилишини тупгунтиришдан иборатдир. С. Ф. Шатилов лексикани ўргатиш деганда лексик кўникманни ҳосил қилишни тушунади. Унинг фикрича, лексик кўникмалар ҳосил қилиш З босқичга бўлинади.

119

**I-босқич.** Киритиш, янги сўзнинг маъносини очиш ва қайта талаффуз қилиш;

**II-босқич.** Нутқ вазиятларида қўллашни машқ қилиш ва мустахкамлаш;

**III-босқич.** Ўзгарувчан-вазиятли (ситуатив) босқич.

1. Сўзнинг шаклини ўргатиш. Сўзнинг шакли, деганда унинг кўриниши, ёзиши, ўқилиши, талаффуз қилиниши тушунилади. Янги сўзнинг ўқилиши, ёзишини қўйидагича ўргатилади:

1) агарда сўздаги ҳарф бирикмасининг ўқилиш қоидаси таниш бўлса, нотаниш янги сўзларни ўқувчи, талабаларнинг ўзига ўқитиш орқали; 2) таклид қилиб ўқитиш ёки талаффуз қилдириш; 3) агарда нотаниш янги сўзда ўрганилмаган ҳарф, ҳарф бирикмаси бўлса, уни ўргатиб, сўнг сўзни ўқувчи, талабаларнинг ўзига ўқитиш орқали; 4) ўхшашлиги бўйича ўқитиш; 5) қисман ўқилиш белгиларини бериш орқали; 6) ўқитувчининг доскадаги ёзувига ўхшатиб ёздириш орқали ўргатилади. Бунда асосан, олдин ўқувчи ўқийди ёки талаффуз қиласи, жўр бўлиб (5—6-синфларда), сўнг ўқимаган, талаффуз қилмаганларга якка ўқитилади, талаффуз қилдирилади. Ўқитиладиган янги сўзларни карточкага рантли ёзib кўрсатиш, ўқитиш ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

II-сўзнинг маъносини (мазмунини) очиш асосан, 2 хил метод;

А. Таржима методи ёки 2 та тил орқали;

Б. Таржимасиз метод ёки 1 та тил орқали амалга ошади.

А. Таржима методи 3 усулга эга: 1 усул: инглизча сўзнинг маъносига тўғри келадиган, мос келадиган эквиваленти бўлса, тўғридан-тўғри она тилида оғзаки бериш ёки доскада сўзнинг тўғрисига таржимани ёзib қўйиш.

*Masalan:* to sleep — ухламоқ

a flower — гул

2 усул; сўзнинг 2 та маъносини бериш.

*Masalan:* a floor — пол, қават.

3 усул; таржима — изоҳ, таржима — изоҳдаш (талқин қилиш). Инглизча сўзнинг маъноси она тилидаги

маънодан тор ёки кенг бўлса, тўлиқ маъно бўлмаса она тилида изоҳ берилади. *Масалан*: afternoon соат 12 дан 18 гача бўлган вақт.

Бу метод зарурият туғилганда, синфда ўқувчи кўп 120

бўлганда, сўзният маъносини таржимасиз очиш мумкин бўлмаганда, маъноси очиладиган сўз кўп бўлиб, кам вақт бўлганда қўлланилади.

Б. Таржимасиз метод; Бунда тил, нутқ кўргазмаси, яъни инглиз тилининг кўргазмалилигидан кенг фойдаланилади. Бу методни қўллаш сўзният маъносини интилиз тилини ўзининг воситалари орқали очишидир. Биз бунда инглизча контекстдан, нутқ вазиятидан, сўз ясовчи қўшимчалардан сўзни келиб чиқишини таҳлил қилишда, қўшимчалардан, синоним, антонимлардан фойдаланиб, ўқувчи, талабаларнинг ўзларига сўзният маъносини фаҳмлаб топтиришдан, байналминал сўзларни таний олишликларидан кенг фойдаланамиз. Ўқитувчи таржимасиз методни ишлатишдан олдин, албатта ўқувчи, талабаларга тингланг, ўқинг, фаҳмлаб сўзният маъносини топинг, тушунинг каби топшириклар бериш орқали диққатини тортади.

Контекст, матнадаги сўзлар (янги сўздан ташқари) ўқувчи, талабаларга таниш бўлиши шарт. Бу методнинг ҳам бир неча усуллари мавжуд:

1) сўзният маъносини очиш предметни ёки расмни, ҳаракатни кўрсатиш орқали бўлади. *Масалан*, ўқитувчи қаламни кўрсатиб, a pencil, it is a pencil, I see a pencil, you see a pencil, it is on the table жумлалари орқали айтиб қайтаради. Бунда ўқитувчи мумкин қадар ўқувчи билган, ўрганган сўз ва жумлаларни кўпроқ ишлатгани маъқулроқцир.

2. Сўз маъносини ўқитувчининг юз кўриниши, имо-шораси, ҳаракати орқали фаҳмлаб топтириш. *Масалан*: Sit down деб ўқитувчи қўлини пастга тушириши, Stand up деб қўлини юқорига кўтариши, I am knocking деб столни тақиллатиши мумкин.

3) Сўзният маъносини инглизча изоҳдан фаҳмлаб топтирилади. *Масалан*: a library сўзини маъносини очилганда a library is a place, where we take a book from, ёки blind-to be not able to see каби изоҳ берилади.

4) Сўзният маъносини контекстдан фаҳмлаб топтириш орқали таржимасиз маъно очилади:

а) контекстдан тасаввур қилиш орқали. *Масалан*: spectacle сўзини маъноси очилганда She put her

spectacles on to see her better каби контекстдан фойдаланилади.

б) контекстдан бирон бир сабаб, баҳонани аниклаш орқали. *Масалан*: to be thirsty маъносини очганда I

121

am thirsty, Will you give me a glass of water, ёки a boat сўзининг маъносини очилганда We couldn't pass the river as there was no boat and bridge деб очиш мумкин.

в) бирон-бир фактнинг муҳим томонларини билиш орқали. *Масалан*: To discover сўзини маъносини очилганда. Columbus discovered America ёки to be born сўзининг маъносини очилганда Navoi was born in 1441 каби контекстдан фойдаланилади. Бу ерда Колумб, Америка, Навоий, 1441 йил фактларини билиб, дарров маъносини ўқувчи тушунади.

5) Сўзясан қўшимчалари орқали ҳам сўз маъносини очилади. Ўқитувчи a worker, a teacher сўзларининг маъносини очмоқчи бўлса, to work, to teach (олдин ўрганилган бўлса) to work сўзидан «ег» қўшимчаси орқали янги касб билдирувчи от ясалади. «Уйлангчи, қандай от ясаш мумкин?» деб ўқувчини фикрлатади.

6) Синоним, антонимлардан фойдаланиш орқали янги сўз маъносини очилади. Агарда биз маъносини очилаётган сўзнининг синоними, антоними олдин ўрганилган бўлса, синоним, антоним сўзларини, тушунчаларини она тилидан билсалар, ундан фойдаланамиз.

*Масалан*: fast сўзини ўқувчи олдин ўрганган, бугун сиз quick сўзини маъносини очмоқчисиз. Pupils, you know fast. Quick is the synonym of the word fast дейишингиз, quick ёки fast сўзини ўргатгансиз slow сўзини маъносини очмоқчисиз: Pupils you know fast. Slow is the antonym of the word fast дейишингиз мумкин.

7) Нутқ ситуация (вазият)лари орқали. Маъносини очилаётган сўзни ишлатиладиган нутқ вазияти (шароити)да қўллаш орқали очилади. Нутқ вазияти битта гапдан ёки бир неча гапдан иборат бўлади. Агарда биз сўзни ишлатиладиган ҳолатда, жараёнида, вазиятида ишлатсак, унда биз уни нутқ вазиятида қўллаган бўламиз. *Масалан*: a pen сўзини нутқ вазиятида қўйидагича бўлиши мумкин: Every pupil (man, woman, teacher) use pens, They write with pens into their notebooks. Pupils, you have pens in your bags. You write with your pens homework at home.

Таржимасиз методни кўпроқ қўллаганимиз мақсадга мувофиқцир. Биз бу методни синфда кам ўқувчи

бўлганда, маъноси очиладиган сўз кам бўлганда, вақт зиқ бўлмаса қўллаймиз.

Бу метод ўқитувчидан қўп тайёргарлик кўришни талаб қиласди. Янги сўзнинг маъносини очишда қайси

122

методни қўллаш сўзнинг хусусиятига, вақтга боғлиқдир. Иккала методнинг ҳам ўзига яраша афзаллик ва камчиликлари бор.

Таржима метод орқали лексиканинг маъносини очишнинг афзалликлари шуки:

- 1) кам вақт сарфланади;
- 2) ўқувчиларда нутқ малакаларини ривожлантириш-га қўп вақт қолади.

Камчилиги эса: 1) ўқувчиларни мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бермайди.

2) баъзи сўзларнинг тўлиқ маъносини таржима орқали бериш мумкин эмас, чунки инглиз тилидаги сўзнинг маъноси ўзбек тилидаги маънога қараганда кенгроқ ёки торроқ маънога эга бўлади.

3. ўқувчи инглизча нутқ оқимида кам бўлади.

Таржимасиз метод орқали лексиканинг маъносини очганда унинг афзалликлари шуки: 1) ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўйлашга ўргатилади; 2) ўқувчилар доим инглиз тили мухити (атмосферасини)ни сезиб турадилар. Бу инглизча гапиришга рағбатлантиради; 3) инглиз тилидаги сўзнинг маъносини тўлиқ ёритиш мумкин; 4) лексика билан бирга ўқувчилар гап тузилишни, моделларни ўрганадилар; 5) турли хил кўргазмаларни қўллаш инглиз тили дарсига ўқувчиларни қизиқтиради, рағбатлантиради; 6) бу усул орқали лексиканинг маъносини очганда ўқувчилар предметларни, нарсаларни кўриб, сезиб, онгли тушунадилар; 7) ўқитувчи ўзининг инглизча нутқини ёдидан чиқармай, ривожлантириб боради; 8) маънони очиш жараёнида лексикани қўлланилишини ўқувчилар кўрадилар, ўқийдилар, ўзлаштирадилар. Камчилиги эса; 1) қўп вақт кетади; 2) ўқитувчи ўзи устида қўп ишлаши керак.

III. Сўзнинг қўлланилиши (функцияси)ни ёки сўзни нутқ фаолиятида қўлланилишини ўргатиш.

Бу ўқувчига янги сўзни қандай нутқ фаолияти турида қўлланилишини ўргатишга боғлиқдир. Бунинг учун турли хил машқлар ишлатилади. Оғзаки ran, савол туздириш, матнлардан, контекстлардан шу сўзлар ишлатилган ran вазиятларини топиб қўлланилишини

ўргатиш орқали амалга оширилади.

Хозирги пайтда лексикани тушунтириш, киритишида энг кўп тарқалган усул инглизча ҳикояни оғзаки тинглаш ёки ўқиш орқали сўзларнинг талаффузини,

123

ўқитилишини ўргатиш, ўрганиш, маъносини фаҳмлаб очдириш, қўлланиш ҳолати (функцияси)ни кўрсатиш орқали киритиш ҳам қўлланиляпти.

Ўрта мактабнинг юқори синфи (9-синф)да, академик лицейларда, касб-хунар колледжларида олий ўқув юртларида талабалар лексика билан ўзлари мустақил луғатлар орқали танишадилар, синфда эса қўпинча тўғри танишганликларини мустаҳкамлаш, ўзлаштириши нутқ фаолияти турларида қўллаб кўрсатиш орқали олиб борилади.

Янги сўз киритилган, таништирилгандан сўнг ўзлаштириш, мустаҳкамлаш машклари бажарилади. Машклар оғзаки ва ёзма шаклда бўлади.

Янги сўзни ўзлаштириш деганда сўзни ёдда сақдай олиш, керакли пайтда, жойда ишлата билиш, қўллай олиш тушунилади. Сўзларни амалда доим қўллаб туриш— сўзларни яхши ўзлаштиришнинг асосидир.

Сўзларни ўзлаштиришда ёдлаш энг муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча ўзлаштиришда машклар кенг қўлланилади, бунда сўз ҳам, моделлар ҳам ўзлаштирилади. Бунга:

1. таний олиш; 2) қайтариш, тақлид қилиш; 3) ўтилган сўзни амалда қўллаш (стол устидаги предметни ёки расмларни ичидан талаффуз қилинган сўзни топиб кўрсатиш каби); 4) ўқитувчи саволига ўқувчи жавоби; ўқувчи, талабаларни бир-бирига савол-жавоб қилиши; 6) берилган сўзни гапда қўллаш кабилар киради.

*Masalan: ўқитувчи: a father ўқувчи I have a father.*

7) ўқитувчи таклиф қилган нутқ вазияти ичida янги сўзни қўллаш машклари қўлланилади. *Masalan: Situation: Imagine you are going to school. Try to use these words to get on, to get off, a tram stop.*

Сўзлар асосан ёзув ва ўқиш орқали ҳам ўзлаштирилади. Бунинг учун маҳсус машқдар қўлланилади.

Бунга маъносига ўхшаш янги сўзларни ёзиш, сифат, равишини топиш, бўш қолдирилган жойларни тўлдириш машклари кириши мумкин. Иккинчи босқичда ўқувчилар сўзларни яхши ўзлаштиришлари учун контекстдан кенг фойдаланилади. Бунга 1) матн устидаги савол-жавоб ўтказиш; 2) матнни сўзлатиш; 3) расмга қараб ҳикоя қилдириш; 4) диафильм тўғрисида баҳ-

слашиш, сўзлашиш; 5) берилган нутқ вазияти тўғри-  
сида қисқача маъруза қилдириш машқлари киради.  
Юқоридаги машқларни бажаришда қўллаш керак бўлган  
сўзлар олдиндан белгилаб берилади.

124

Ўқувчи, талабалар янги сўзни ўзлаштираётганда эски  
сўзларни ҳам эсга туширадилар. Машқлар уйга вазифа  
қилиб ҳам берилиши мумкин.

Сўзни мустаҳкамлаш уни шакли, маъносини, қўлла-  
нилишини пухта эгаллаш, билишдир. У асосан тақрор-  
лаш қайтариш орқали содир бўлади.

Ўрта мактабда сўзларни мустаҳкамлаш учун 3 та  
босқичлардан фойдаланилади.

**1-босқич:** а) янги сўзларни таниб олиб, улар орқа-  
ли кўрсатмаларни бажариш; б) ўқитувчи предмет ёки  
ҳаракатни атайди, ўқувчилар расмларни мазмуни бўйича  
танлаб кўрсатиши мумкин; в) ўқитувчи сўзни она ти-  
лида айтади, ўқувчилар уни матндан топиб жавоб бе-  
радилар; г) ўқитувчи янги сўз билан савол беради,  
ўқувчилар матндан топиб, ўқиб берадилар.

**2-босқич;** Янги лексикани намунадаги сўзлар орқа-  
ли тақрорлаш; а) ўқитувчи доскага намуна гапни ёзади,  
ўқувчилар намунадаги сўзлар ўрнига янги сўзни қўяди-  
лар; б) берилган намуналар асосида гаплар тузиш; в) са-  
вол-жавоб машқдари; г) берилган структура асосида  
гапларни давом эттириш.

**3-босқич.** Янги лексикани мустақил қўллаш (наму-  
насиз). Бунга савол-жавоб машқпари таржима, бир-  
бирига боғлиқ бўлган гапларни, сўзларни гурухлашти-  
риш, турли хил нутқ вазиятлари туздириш машқлари  
киради.

Ўқитувчи олдида янги сўзларни ўзлаштиришлари,  
мустахкамлашлари учун қандай метод, усул, йўл ор-  
қали ўқувчиларга тушунтириш, нечта ва қандай машқ  
олиш, уларни қандай тартибда бажартириш масаласи  
кўндаланг бўлади. Буларни ўқитувчи ҳал қилиши керак.  
Янги лексикани қайтариш, пухта ўзлаштириш учун  
мазмунли расмларни, диафильмларни кўрсатиб гапир-  
тириш, матн устида савол-жавоб қилдириш, инглиз  
тилида мазмунни гапиртириш, баъзан инглиз тилидан  
она тилига таржима қилдириш (ёзма) машқларидан  
фойдаланилади.

Ўрта мактабда 5—6-синфда маҳсус луғат дафтари ту-  
тиш шарт эмас, чунки машқлар дафтарида ҳамма янги  
сўзлар ёздирилади, 7—8—9-синфларда алоҳида луғат

дафтар тутилади.

Ўқитувчи янги сўзнинг шаклини, маъносини, қўлланилиши (функцияси)ни ўзлаштирилганлигини текширади.

## 125

Сўз шаклини текшириш учун Spelling, диктантлар ўтказилади. Маъносини текшириш учун маҳсус ёзма ишлар, тестлар уюштирилади. Бунинг учун сўзларни синоним, антонимларини топтириш, таржима қилдириш машклари қўлланилади. Ҳамда: 1) берилган сўзлар асосида гаплар туздириш, савол-жавоб қилдириш; 2. расмларни тасвирлатиш; 3) ҳикоя туздириш каби машкларни ҳам бажартириш мумкин.

Лексикани ўргатишда қўйидаги кўргазмали ва техник воситалардан: а) энг содда восита—синф доскасидан, б) инглиз тилининг кўргазмалилигидан, в) ўқитувчи, ўқувчилар томонидан тайёрланган ҳар хил кўргазмали қуроллар (карточкилар, расмлар, лексик жадваллар, ўрнига қўйиш жадваллари)дан г) фотографиялар, видеофонограммалардан фойдаланилади.

Янги сўзни ўргатиш амалий ташкил қилиш қўйидаги кетма-кетлиқда бўлади:

- I. Янги сўзни киритиш;
1. Шакл устида ишлаш;
2. Маъносини очиш;
3. Нутқда қўллашни ўргатиш.

II. Янги сўзларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш машклари ўтказиш.

5—6-синфларда 1 соатда 4—6 тагача, 7—8—9-синфларда 1 соатда 6—8 тагача сўзларни ўргатиш, киритиш мумкин.

### *Инглиз тили оғзаки нутқининг лексик томони устида Ишлиш*

Оғзаки нутқнинг лексик томони устида ишлаш 5—6-синфларда, қисман 7-синфда олиб борилади. Бунинг сабаблари, ўзига хос хусусиятлари бор. Дастур талаби бўйича бу синфларда нутқ фаолияти турларини оғзаки нутқ, ўқиш, ёзувга ўргатиш кетма-кетлигига бўлиши ва оғзаки илгарилаш тамойиллари асосида инглиз тили ўргатилиши сабабли лексикани ўқувчилар олдин оғзаки нутқда ўрганадилар ёки оғзаки нутқнинг лексик томони ўргатилади. Сўнг ўқиш ва ёзма нутқда ўзлаштирилади, мустаҳкамланади.

Бу синфларда оғзаки нутқнинг лексик томонини ўргатиш лексиканни ўргатишни методик ташкил қилишдан бошланади.

Методик ташкил қилишнинг юқорида айтилган

126

ҳамма ишлари шунга қаратилади. Сўзни оғзаки нутқ материалидан, оғзаки нутқда кўп қўлланиладиган сўзлардан танлаб олинади. Бунинг учун қисқа сўзлар, штамплар танлаб олинади. Методик типология қилишда ҳам, уларни тақсимлашда ҳам оғзаки нутқнинг лексик томони ҳисобга олинади. Бунга айниқса, лексикани тушунтиришда катта ўрин берилади. Сўз шаклини ўргатиш, маъносини очиш оғзаки нутқда олиб борилади. Ҳамма ўзлаштириш, мустаҳкамлаш машқлари оғзаки нутқда бўлади. И. Л. Бимнинг фикрича, гапиришнинг лексик томонини мазмундан шаклга ўтиш орқали ўргатиш кетма-кетлигига олиб борилади.

Ўрта мактабда оғзаки нутқнинг лексик томонини ўргатишда биз қўйидаги қийинчиликларга дуч келамиз.

1) сўзлар қоида бўйича ўқилмай, талаффуз қилинади  
M:put, know

- 2) сўзлардаги ҳарфларнинг ўқилмаслиги: M:  
whose, whom, who;
- 3) сўзнинг кўп маъноли бўлишлиги;
  - 4) конверсия мавжудлити;
  - 5) лексика билан ran, жумла тузиш қийинчилиги;
  - 6) лексика билан ran, жумла тузганда она тили структурасини инглизчага тўғри келмаслиги;
  - 7) лексикани perfect да қўллаш қийинчилиги;
  - 8) сўзларда қўшимчалар ўрнига предлоглар қўллаш қийинчиликларидир. Ўқитувчи бу қийинчиликларни доим олдини олишга, йўқотишга ҳаракат қилиши зарур.

#### *Инглиз тишида ўқишининг лексик томони устида ишлаш*

Ўқишининг лексик томони устида ишлаш қисман 7-синфдан бошлаб, 8—9-синфларда давом эттирилади.

Бунинг ҳам сабаблари, ўзига хос хусусиятлари бор. Бу синфларда нутқ фаолияти устида ишлаш кетма-кетлиги ўзгаради, олдинги ўринга ўқиш чиқади. Оғзаки нутқ эса иккинчи ўринда туради. У ўқиш—оғзаки, нутқ—ёзма, нутқ кетма-кетлигига бўлади. 7-синфнинг охиридан, 8-синфдан биринчи ўринга инглиз тилида ўқиши ўргатиш чиқади. Бу синфлардан бошлаб ўқиш етакчилик

қилади. Шу сабабдан вазият, шароит, дастур ўқишининг лексик томони устида ишлашни талаб қилади. Бунинг учун дарс жараёнидаги ҳамма ишлар шунта йўналтирилади. Ўқишининг лексик томони устида ишлаганда лек-

127

сикани ўргатишни методик ташкил қилишнинг ҳамма ишлари шунга қаратилади. И. Л. Бимнинг фикрича, тинглаб тушуниш ва ўқишининг лексик томонини ўргатиш шакл-қўлланиш маъносини — ўрганиш кетма-кетлигига олиб борилади. Ўқувчи янги сўзларни биринчи ўқиш орқали қабул қилади, ўрганади.

Лексикани танлаш манбаи бўлиб, асл адабий (оригинал) асарлар, китоблар, шеърлар хизмат қилади.

Ўқиш учун керакли сўзлар ўқиладиган асл асарлардан маҳсус тамойиллар асосида танланади. Методик типология қилиш, тақсимлаш ҳам шунга мослаштирилади.

Айниқса, сўзнинг шаклини ўргатиш ўқиш орқали, маъносини очиш ва микроситуацияларни ўқиб, фаҳмлаб маъносини топиш орқали бўлади. Бундай микроситуациялар ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларнинг 7—8-синф инглиз тили дарсликларида яхши берилган.

Ҳамма инглиз тили дарсликларида бундай ҳолатлар берилмаган ёки кам берилган, уни ўқитувчи ўзи тузиши ёки матнадаги кичик нутқ вазиятлардан фойдаланиши мумкин.

Хозирги пайтда бу ҳолатларни ўқувчиларга карточкага ёзиб, тарқатма материал сифатида бериб, ундан фойдаланиш мумкин.

Бу сўзларни кўлланиши устида ишлаганда ўқиш учун берилган матнлар қўл келади.

Ўқувчи матнни ўқиб, сўзни кўлланилишини кўради, ўрганади. Янги сўзни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш машқлари ҳам ўқиш орқали ўтказилади.

8—9-синфларда ва академик лицейларнинг курсларида, институт, университетда лексикани ўқувчи, талабалар ўзлари уйда мустақил луғат билан ишлаш орқали танишиши, ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

9-синфда ўрганилайдиган сўзларни 4 гурухга бўлиш мумкин:

1-гурух: ўқувчилар томонидан тўлиқ ўрганилайдиган сўзлар;

2-гурух: ўқувчилар ўзлари мустақил фаҳмлаб ўрганилайдиган сўзлар;

3-гурух: 2 тиллик луғатдан фойдаланиб ўрганадиган сўзлар.

4-гурх: матнда ва шеърда учрайдиган сўзлар.

Бу синфда патенциал луғат кенг ўрин олади. 9-синфда ўқишининг лексик томони устида ишлаганда лексиканинг кўп маънолиги, конверсиянинг мавжуд-128

лиги, сўзларнинг қоида<sup>^</sup> бўйича ўқилмаслиги каби қи-йинчиликлар учрайди. Ўқитувчи буларни олдини олиш керак.

### *Лексикани ўргатишда қўлланиладиган машқлар*

Ҳозирги пайтда машклар 2 та типга бўлинади: 1-тип тил ёки тайёрлов машқдари; 2-тип нутқ машқдари.

Биринчи типга асосан лексиканинг шаклини ўргатишда, маъносини очища, қўлланилишини ўргатишда учрайдиган қийинчиликларни йўқотиш, бартараф қилиш учун ўтказиладиган машқ турлари киради. Иккинчи типга эса лексикани нутқ фаолияти турларида қўллашни ўргатиш учун ўтказиладиган машқ турлари киради. Биз юқорида бу машқ турлари устида қисман тўхталиб ўтдик, 2-тип машқ турларини асосан лексикани ўзлаштириш ва мустаҳкамлашда қўриб чиқцик. Яна бундан иккинчи типга киравчи кўпгина машқ турлари методик адабиётларда, дарсликларда берилган. Улар билан мустақил танишиш мумкин.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

- 1. Лексикани ўқитиш мақсади ҳақида сўзлаб беринг.**
- 2. Лексикани ўргатишда учрайдиган қийинчиликлар ҳақида сўзланг.**
- 3. Лексикани методик ташкил қилмай ўргатиш мумкинми? У ўз ичига нималарни олади?**
- 4. Лексикани танламасдан ўргатиш мумкинми?**
- 5. Нутқ фаолияти тури лексик минимумни танлашга таъсир қила-дими?**
  - 6. Лексиканинг хусусиятини ҳисобга олмай ўргатиш мумкинми?**
  - 7. Лексикани тақсимлаш тўғрисида гапиринг.**
  - 8. Лексикани ўргатиш ўз ичига нималарни олади?**
  - 9. Лексикани маъносини очмай уни ўргатиш мумкинми?**
- 10. Лексикани методик типология қилиш ҳақида сўзланг.**

**Ўрта мактабларыда ўргатиладиган инглиз тили лексикаси  
методик типо-логия қилинганми?**

**11. Лексикани нутқ ситуациясида — вазиятида қўллаш  
деганда нимани тушунасиз?**

**12. Янги лексика ўргатилаётганда уни ким биринчи  
ўқийди, нега?**

**13. Лексиканинг маъносини, расмлар, предметлар  
орқали очиш-ни мисоллар орқали тушунтиринг.**

**14. Маълум бир синфда лексикани ўргатишни ишлаб  
чиқинг.**

**129**

## **Б. ИНГЛИЗ ТИЛИДА НУТҚ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИНИ ЎРГАТИШ**

Инглиз тилида нутқ фаолияти турларини ўргатиш мухимдир. Улар орқали маълумот олинади, маълумот берилади. Бу эса инглиз тилини ўқитишнинг мақсадиди ташкил қиласи. Маълумот олиш тинглаб тушуниш ва ўқиш орқали амалга ошса, маълумот бериш, гапириш ва фикрни ёзма баён қилиш орқали амалга ошади. Нутқ фаолияти шакли 2 та: оғзаки ва ёзма нутқ.

Хозир инглиз тилини ўргатишда таржима (қилиш) ҳам фаолият ҳисобланади.

Оғзаки нутқни ўргатиш-tinglab тушуниш ва гапириши ўргатишни ўз ичига олади. Улар ажралмас қисмлардир. Уларни бир-биридан ажратиб ўргатиш қийин, ҳатто мумкин эмас, десак ҳам бўлади.

Оғзаки нутқнинг нутқ фаолиятимизда мухимлиги ҳаммамизга аён. Оғзаки нутқ, нутқни тинглаб тушуниш ва гапириш шаклларида бўлиши мумкин.

Ёзма нутқни ўргатишга эса ўқиш ва ёзувни ўргатиш киради.

Нутқ фаолияти турларини қуидаги чизма орқали янада аниқроқ кўриш мумкин.



Моно- лог	Диа- лог	Моно- лог	Диа- лог	Үқиш техни- каси	Үқиганни мазмунини тушуниш	Ёзув техни- каси	Фикрни ёзма баён килиш
--------------	-------------	--------------	-------------	------------------------	----------------------------------	------------------------	---------------------------------

130

## 1.6 инглиз ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ

### 1. Тинглаб шушиуниши—нутқ фаолиятининг тури

Тинглаб тушуниш ҳам нутқ фаолиятининг туридир.

У рецеятив нутқ фаолиятига кирадн. Тинглаб тушуниш-сўзловчининг нутқини радиодан, магнитафондан, пластинкадан ва мулоқот пайтида тинглаб тушуниб, маълумот олишдир. Уни байзи адабиётларда аудировавие, деб ҳам юртилади. У мураккаб нутқ фаолиятидир, чунки тингловчи тезда шаклни қабул қила олиши, тезда мазмунни тушуна олиши, хотирада саклаб қолиши зарур, акс ҳолда уни қайтадан қўриб, ўқиб, тушуна олиши учун манба, шароит, восита йўқ.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ўқувчилар ва талабаларда тинглаб тушуниш гапиришга қараганда кам тараққий этган. Ўқувчи ўқиганда, кўрганда тинглаб тушунишга қараганда 6 марта кўп маълумот оларкан, сабаби уни устида кам ишланганидадир, мураккаблигидадир. Тинглаб тушуниш бошқа нутқ фаолиятларига ҳам ёрдам беради. У гапиришни ажралмас қисмидир. Тинглаб тушуниш билан гапириш иккаласи оғзаки нуткни ташкил қиласи; Тажрибалар кўрсатадики, тинглаб тушуниши ривожланганига қараб, гапириш ҳам ривожланади, ўқувчи айниқса, диалогда яхши қатнаша олади.

Тинглаб тушуниш орқали ҳам, ўқиш орқали ҳам маълумот қабул қилинади, шу сабабдан иккаласи ҳам рецептив нутклардир. Ўқувчи тўғри ўқиган, талаффуз қилган сўзларни тезда қабул қилиб танийди ва тушуна олади. У ўзи тўғри ўқий олмаса, талаффуз қила олмаса, сўзларни тинглагандага таний олмайди, мазмунни

тушунмайди. Ўқувчи ва талаба ёзганда ҳам сўзларни, гапларни тўғри ўқий олса, талаффуз қила олса, ёза олади, бу ҳам тинглаб тушунишга ёрдам беради. Ҳамма ўқув юртларида тинглаб тушунишни ўргатиш ҳам во-сита, ҳам мақсаддир. У восита бўлганда тил материа-лини оғзаки ўргатиш, тушунтиришда бошқа нутқ фа-лиятларини ўргатишда воситачилик қиласди, мақсад бўлганда эса, нутқни тинглаб маълумот олиш кўзда тутилади. Тинглаб тушунишнинг энг асосий мақсади, вазифаси, таниш тил материаллари асосида тузилган нотаниш мазмунли матнни, нутқни тинглаб тушуниш-

131

дир. Ўрта мактаб чет тили дастурида тинглаб тушуниш бўйича ҳар бир синф учун талаблар белгиланган.

*Инглиз тишида тинглаб тушунишнинг қийинчиликлари  
ва хусусиятлари*

Тинглаб тушунишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Улар 2 та экстралингвистик ва лингвистик қийин-чиликлар.

Экстралингвистик қийинчиликларга:

1. Тинглаётган нутқ механик нутқ бўлишлиги. Фонограммадан, видеофонограммадан нутқни тинглаш-лик;
2. Сўзловчининг ўзидан жонли нутқни тинглашлик;
3. Нутқнинг тембри;
4. Нутқнинг тезлиги;
5. Нутқнинг кимгадир, нимагадир қаратилган бўлиш-лиги;
6. Тинглаётган шароит, вазият, синфда ўқувчи, талабаларнинг интизоми, шовқини, уларнинг кўп-кам-лиги;
7. Нутқ эхтиёжи бўлиши;
8. Ўқувчи, талабанинг диққати;
9. Нутқнинг бир ёки бир неча марта тингланишли-ги;
10. Тинглаб тушунишда таянч воситаларнинг, маз-мунли расмларнинг бўлишлиги киради.

Лингвистик қийинчиликлар:

1. Нутқнинг монолог, диалог шаклида бўлишлиги;
1. Фонетик қийинчилик, сўзларнинг тўғри талаф-фуз қилиниши;
2. Лексик қийинчилик, сўзлар таниш, кўп маъноли бўлишлиги, конверсия;
3. Грамматик қийинчиликлар-замонлар, грамматик

шакллар, ran тузилишларнинг таниш бўлишилиги;

Грамматик қийинчиликлар тушунишни қийинлаштирувчи ва қийинлаштирмайдиган бўлади. Сифат қўшимчалар, феълларнинг шахс қўшимчалари тушунишнинг қийинлаштирмайди. Замонлар, сўроқ гаплар, гапларни синтаксис томондан мураккабликларини тушунишни қийинлаштиради. Нутқни умумий мазмуни тушунишга лексик қийинчиликлар таъсир қиласади.

4. Стилистик қийинчилик. Нутқни шева ёки адабий тилда бўлишилиги.

132

Г. В. Рогова инглизча нутқни тинглаб тушунишда қуидаги қийинчиликлар учрайди деб кўрсатади;

1. Фонетик қийинчиликлар: қуидаги қарама-қарши товушларни тинглаб фарқлашда учрайди.

[eɪ-fslJltr-tlilA-oms-zl<sup>d</sup>-alsie-Fl<sup>dj-dj</sup>]; [dj-z]; [t-tj];  
[o:-e];[w-v];[j-v];[u:-u];[aE-e];[o :- ə];[a-ʌ]

Ўқувчилар worked-walked, first-fast, fast-forced, lion-line, tired-tide, bough-boat-board сўзларини тинглаётганда бу товушларни фарқлашда қийналадилар.

2. Лексик қийинчиликлар: Г. В. Рогова ўқувчилар сўзларни тинглаб нотўғри тушунадилар, бунга сабаб уларни нотўғри эшитишларидир дейди.

Бу қийинчиликлар фонетика билан боғлиқ. Ўқувчилар The horse is sleepihg. The horse is slipping гапларини нотўғри эшитиш орқали нотўғри тушунадилар.

3. Грамматик қийинчиликлар. Бу қийинчиликлар интилиз тили анализ тил эканлигидан келиб чиқади, дейди.

*Масалан: to work-work to answer-answer*

*Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатишнинг мазмуни*

Тинглаб тушунишни ўргатишнинг мазмуни деганда тинтлаб тушуниш бўйича нималарни ва нималарга ўргатиш кўзда тутилади. У ўрта мактаб чет тили дастурида ҳар бир синф учун белгилаб берилган. Г. В. Рогова мазмунни 3 қисмга бўлади.

1. Лингвистик қисм. Бунга тил ва нугқ материали киргизилади.

2. Психологик қисм. Бу овозли нутқни тинглаш, тушуниш малака, кўникмасига эриштиришдир.

4. Методик қисм. Ўқувчиларга тинглаш, тушуниш йўл-усулларини ўргатиш, ҳамда тинглаб тушуниш технологияси орқали уни қонун-қоиди, тамойиллар, методлар, воситалар орқали ўргатиш аниқланади.

Ўқувчи нутқни тинглагандага асосий вазифа: таниш лексик, грамматик, фонетик материаллар асосида но-таниш мазмунли нутқни тинглаб, нутқ вазиятидан фойдаланиб, янги маълумот олиш, нотаниш мазмунни тушуниш вазифаси туради. Юқори синфлар учун қисман нотаниш сўзлар тингланаётганда фаҳмлаб тушунишга қолдирилади.

133

Нутқдаги маълумот кундалик янгиликлар, тили ўрганилаётган мамлакат халқлари ҳаёти, маданияти, тарихи хақида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Нутқ мазмунни ҳис-ҳаяжонли, қизиқарли, янги мазмунли, маълумотли бўлса, у тушунишга ундейди. Инглизча нутқ тингланганда. *ic-<sup>h</sup>t<sub>r</sub>/g*

1) perception-қабул қилиш; 2)~comprehension-Ту-шуниш;  
3) interpreting-мазмунни талқин қилиш жараёнлари содир бўлади.

### *Инглизча нутқни тинглаб тушуниши механизмлари*

Нутқни тинглаб тушунишда унинг механизмлари муҳим ўрин тутади. Ўқувчи, талаба бу механизмни билмаса, нутқни тинглаб тушунишда қийналади. Унинг механизми бўлиб фонема ва товушлар, сўзлар, грамматика, гаплар, тинглаш, олдиндан фаҳмлаб олиш, хотира ҳисобланади. Ўқувчи, талабаларга фонемаларни, сўзларни, гапларни, ўқитувчи олдиндан ўргатиши керак.

Қуий синф ўқувчиларида қисқа муддатли хотира яхши ривожланган бўлса, юқори синфларда эса давом этган хотира яхши ривожланган бўлади. Тинглаб тушунишда давом этган хотира зарурдир, шу сабабдан қуий синфдаги қисқа муддатли хотирани ўқитувчи давом этган хотирага айлантиришта интилиши керак.

Г. В. Рогованинг фикрича, ўқувчи тинглаб тушунишга ўргатилаётганда уларда қабул қилиш қўникмаси (perceptive skills)Нп ҳамда тушуниш, талқин қилиш (comprehension and interpreting skills) кўникмаларини ҳосил қилиш, шакллантириш, ривожлантириш зарурдир. Биринчисига сўзларни, гапларни қабул қилиб, таний олиш, оҳангни аниқиаш, гапларни синтагма-

ларга — маънодор гурухларга ажратиш, иккинчисига эса уларни, мазмунни тушуниш, талқин қилиш киради.

Ўқувчи, талаба нотаниш мазмунли нутқни тинглаб тушунишни ўргатаётганда эса;

1) Айрим сўзларни, гапларни, жумлаларни тушуниши (fragmenting comprehension), 2) асосий далил-фикрларни юзаки тушуниши (over all comprehension),

3. ҳамма далил, фикрларни тўлиқ тушунишлари (comprehension in details), 4) танқидий тушуниш (critical

134

comprehension) содир бўлади. Ўқитувчи тинглаб тушунишни ўргатаётганда юқоридаги механизмларни, 4 хил тушунишни ҳисобга олиши керак.

### *Инглизча нутқни тинглаб тушунишни ўргатиши ва маиқлар*

Инглизча нутқни тинглаб тушунишни ўргатишини 2 ' та катта босқичга бўлиш мумкин. <ол<sub>m</sub>c

#### **1-босқич. Тайёрлов босқичи.**

Ўқитувчи тинглаб тушуниш мавзусини танлайди ва уни асосида нутқни, матнни тайёрлайди. Тинглаб тушуниш учун тайёрланган нгутқдаги, матндан нотаниш товушлар, сўзлар, грамматик материаллар ўргатилади. Товушлар ва синтагмаларни, гапларни қабул қилиш, таний олиш, фарклаш, тушуна олиш малака кўникмалари шакллантирилади, ривожлантирилади. Тинглаб тушуниш мавзуси, нутқ матни учун зарур бўлган механизмлар ўргатилиб, асосий босқичга тайёрланади.

Ўқитувчининг ўқувчиларга 5-синфдаги инглизча топширифи ёки буйруғи, саволлар, уларни ўқувчиларга бајартириши, жавоб бердириши, ўқувчиларнинг ўзларининг нутқлари учун юқоридаги малакалар, кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўқитувчи узун-қисқа товушларни фарклаш, гапларни маъноли қисмларга ажратиш, уларни тушуниш, хотирани ривожлантириш машқлари ўтказади. Бу босқичда 2 ёки 3 та жумладан иборат микронутқни тинглаб қабул қилиш, тушуниш, хотирада саклаш учун малака кўникмалари ҳосил қилинади.

Улар асосан 5-синфда ўргатилади. Булар эса қолган синфларда тинглаб тушуниш устида ишлашни ривожлантиришга замин бўлади. Буларсиз 6—9-синфларда тинглаб тушунишни ривожлантириш, кенгайтириш

мумкин эмас. Уларни хатлаб, ташлаб кетиб бўлмайди. Ўқитувчи буларга аҳамият бериши зарур. Булар тинглаб тушунишнинг асосини ташкил қиласди. Ўқитувчи бу малака, кўникмаларни яхши шакллантира олса, кеъинчалик тинглаб тушунишни ривожлантириш осонлашади.

### II-босқич. Асосий босқич.

Мавзу асосида тузилган мазмунли, давомли нотаниш монологик, диологик нутқни тинглаб тушуниш, талқин қилиш, малака кўникмалари шакллантирилди, ривожлантирилди.

135

Тинглаб тушуниладиган матннинг мазмуни ўқувчи ёки талабага таниш бўлмаслиги керак. Акс ҳолда улар учун тинглаб бажарадиган вазифа қолмайди. Ўқувчи ёки талаба матнни тинглаб тушунаётганда матнга қараб, кўриб туриши тавсия этилмайди, чунки унда тинглаб тушуниш содир бўлмайди. Бизга маълумки, тинглаб тушунишни талаби, шарти, фақатгина тинглаб тушунишдир, матнни тинглаб, кўриб тушуниш эмасдир.

Бу босқич қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

1. тинглаб тушунишни ўтказишга тайёрланиш;

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёки талабаларнинг ёши, билими, синфи, ўрганган материалларини ҳисобга олиб матн, нутқ тайёрлайди, яъни матн тузади. Уларда но-таниш лексика, грамматика, нотаниш шаҳарларнинг номлари бўлса олдиндан талафғузини, ўқилишини, маъносини ўргатади. З тагача сўзларни таржимасини, жой, шаҳарларнинг номини доскага ёзиб қўйилиши хато бўлмайди.

Булар асосан биринчи босқичда бажарилади. Матнни ўқувчи ёки талаба тинглаб тушунаётганида учрайдиган лингвистик қийинчиликларни аниқлаш, уларни йўқотиш йўлларини топиш, тинглаш воситалари (техник, тинглаш ва кўриш воситалари ҳамда бошқалар)-ни олдиндан тайёрлаш зарур. Фонограмма бўлса эшигиб тинглаб кўриш керак.

2) Тинглаб тушунишни ўтказиш.

Уни қуйидаги методик кетма-кетликда ўтказиш мумкин:

А. Матнда ёки нутқца нотаниш сўз таржимаси, жойларнинг номлари, исмлари бўлса доскага ёзиш ва ўқитиш.

Б. Тинглатиш. Ўқувчиларнинт диққатлари тинглашга қаратилган бўлиши зарур. Ўқитувчи сўзлаши, матнни, нутқни ўқиб бериши, фонограммадан тинглатиши мумкин.

Ўқувчилар нутқни меъёрдаги тезликда бир марта тинглайдилар. Тинглатишдан олдин уларга қуидаги вазифалар берилиши мумкин: а) тингланг, мазмунни тушунинг, б) тингланг, саволларга жавоб беринг, в) тинглаб, мазмунни тушуниб, уни ўзбекча ёки инглизча баён қилинг, г) матнга мазмуни бўйича янги сарлавҳа қўйинг, д) сўзлашга режа тузинг, кабилар.

Бу топшириқлар-вазифалар, саволлар, 5—7-синф-  
136

ларда тинглашдан олдин, 8—9-синфларда эса тинглашдан кейин берилгани маъқулроқцир.

В. Нотаниш мазмунни тушунишга ёрдам берувчи машқдар ўтказиш: Унинг учун қуидаги саволларни бериш мумкин.

Where was it? Who was he or she? What was he or she? When was it? How was it finished? Did you agree? What was happened?

Г. Зарурият туғилса, янада чукурроқ тушуниш учун матнни, нутқни иккинчи марта тинглатиш:

Талаб бўйича ўқувчи, талаба бир марта тинглагандада тушуниши керак. Тинглаб тушунишни ўргатишни бошлишда, баъзи вақтларда, баъзи сабабларга кўра икки марта тинглатиш зарар эмас, лекин охирги мақсад бир мартада нутқни тинглаб тушуниш бўлиши зарур.

Д. Тингланган матн мазмунини тушунганликни текшириш. Мазмунини, маълумотни тушунганликни текшириш юқоридаги берилган машқлар, вазифаларни бажарилиши орқали амалга оширилади.

Текширишда яна қуидаги машқлар қўлланилади:

Тингланган матнни, нутқни биринчи абзацини (ўзбекча ёки инглизча) сўзланг.

Матнни давом эттириб тугатинг;

Матндаги фактларни аниқланг;

Матнни режа бўйича қисмларга ажратинг;

Саволларга инглизча ёки ўзбекча жавоб беринг;

Матн мазмунини инглиз тилида ёки она тилида сўзлаб беринг, кабилар. Бу машқлар тинглашдан олдин ёки кейин берилиши мумкин. Ўқитувчи тингланган нутқ, матн мазмунини тушунганликни текширишда бу машқдарнинг биттасидан фойдаланади. Ўқувчилар ёки

тала巴拉рга мазмунни инглизча сўзлатиш, гапиришиш шарт ва мажбурий эмас, бу тинглаб тушунишнинт мақсадига кирмайди. Унинг мақсади тинглаб янги мазмунни тушуниш, маълумот олишидир Инглизча тушунган мазмунни сўзлатиш-текшириш машкларидан бири холос, агар ўқувчилар, тала巴拉р инглизча мазмунни, маълумотни тушунганликларини сўзласалар, ўқитувчи ҳам мазмунни тушунганликни текширади, ҳам инглиз тилида гапиришини ривожлантиради.

Е. Мазмунни талқин қилиши.

Ўқитувчи тингланган матн, нутқ асосида ўқувчилар ёки тала巴拉рни фикрлатишга ўргатади, мазмунни уларнинг билимлари, мустақил фикрлаши асосида кенгай-

137

тиради, муаллифнинг матн мазмуни орқали нима демоқчи, айтмоқчи бўлган фикрини талқин қилдиради, тарбиявий мақсадни амалга оширади. Бунинг учун ўқитувчи қуидаги саволларни бериши мумкин:

What do you think about the content of the text? What does the author want to say by it?

Do you decide to do so? Must the author do so? Is the author right?

Талқин қилиш 8—9-синф ўқувчилари билан кўпроқ ўтказилади.

Г. В. Рогова тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришни қуидагича «Step» босқичларга бўлиб кўрсатади.

Step 1. Pupils listen to short easy texts from the teacher supported by visuality.

Step 2. Pupils learn to aud short easy texts from the teacher without visual «props»

Step 3. They learn to aud short easy texts in the recording without visual «props» — таянчлар

Step 4. Pupils learn to aud from the teacher longer texts supported by visuality.

Step 5. They learn to aud from the teacher easy longer texts without visual «props»

Step 6. Pupils learn to aud easy longer texts in the recording supported by visuality.

Step 7. They learn to aud easy longer texts in the recording without visual «props».

Step 8. PupUs learn to aud texts containing unfamiliar linguistic material from the teacher supported by visuality.

Step 9. They learn to aud texts containing unfamiliar

linguistic material from the teacher without visual «props».

Step 10. Pupils learn to aud texts containing unfamiliar linguistic material supported by visuality (sound film strips and films of educational value and amusing) in the recording.

Step 11. Pupils learn to aud texts more difficult for perception containing unfamiliar linguistic material in the recording.

Үқув юртларида тинглаб тушушишни ўргатища тай-ёрлов машқлари құлланилади. Тайёрлов машқлари бир ёқлама учрайдиган қийинчиликларни, айниңса, лингвистик қийинчиликларни йүқотиша қаратылса, нутқ машқлари асосан бирёклама қийинчилиги йүқотилған

138

нотаниш мазмунли нутқни, матнни тинглаб тушушишга қаратылади.

Г. В. Рогова ҳам машқдарни тайёрлов (drill exercises) ва нутқ (speech exercises) машқларига бўлади.

Тайёрлов машқлари: 1) фонетик машқлар, сўзларни тинглаш; қуйидаги desk, pen, ten, bag, сўзлари ичида [ ae ] товуши бор сўз бўлса, қўл қўтаринг кабилар.

2) Лексик машқлар: қуйидаги сўзларни тингланг, ичидан a boy сўзини топинг: a baby, a box, a toy, a boat, a boy, a girl кабилар.

3) Грамматик машқлар: сўзларни тингланг ва қўпчиликдагисини топинг: a desk, tables, a book, a box, pens, books кабилар.

Тайёрлов машқдарига хотирани ривожлантиришта қаратылған машқларни ҳам киритиш мумкин. *Масалан:* сўзларни тингланг ва эсда сақлашга ҳаракат қилинг ёки тингланг, сўзларни қайтаринг.

Г. В. Рогова нутқ машқларини ҳам кўрсатиб ўтади.

1) мазмунни тушушишни ўргатиша қаратылған машқяар. *Масалан:*

- а) матнни тингланг, асосий фикрни аниқланг;
- б) матнни тингланг, ҳикояга режа тузинг, кабилар.

Тайёрлов машқларига яна:

2. тинглаб билиб олиш, 2) тинглаб эътибор бериш, 3) тинглаб фарқлаш, 4) тинглаб ёдда тутиш, 5) тинглаб такрорлаш кабиларни киритиш мумкин. Нутқ машқларига: 1) тинглаб тушунинг, 2) тинглаб ҳикоя қилинг, 3) тинглаб савол беринг, 4) тинглаб гапларни сўроқ, инкор шаклларга ўзгартиринг, 5) тинглаб

таржима қилинг, 6) тинглаб қўшимча қилинти, давом эттиринг машқларини қўшиш мумкин.

Одатдаги (нормал) тезлик 1 минутда 120 та сўзли матнни, нутқни тинглаб тушуниш, ундан маълумот олишдир.

Хозирги давр инглиз тили дарслкларида тинглаб тушуниш матнлари тузилган бўлиши зарур.

Ўйлаймизки, тинглаб тушунишни юқорида айтилган метод, усул, йўллар, босқичлар кетма-кетлиги орқали ташкил қиласак ва ўтказа олсак, уни ўргатишда яхши натижаларга эриша оламиз.

139

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

- 1. Инглиз тилини ўргатишда тинглаб тушунишни ўргатиш ке- ракми, нега?**
- 2. Нима учун тинглаб тушуниш оғзаки нутқнинг ажралмас қис- ми ҳисобланади? У орқали маълумот қабул қилинадими ёки берила-дими?**
- 3. Уқувчи ва талаба тинглаб тушунаётганда матнни кўриб тури- ши зарурми?**
- 4. Ўқувчи ва талаба тинглаб тушунаётганда нутқ мазмунини акс эттирувчи расм, диафильм тўлиқ тушунишга ёрдам берадими?**
- 5. Тинглаётган нутқ, матн мазмуни таниш бўлиши керакми, у тинглаб тушунишга ёрдам берадими?**
- 6. Уқитувчидан тинглаб тушуниш осонми ёки техник воситалар-данми?**
- 7. Уқилган матнни тинглаб тушуниб олиш мумкинми?**
- 8. Тинглаётган нутқда, матнда ўқувчи, талабага нима нотаниш, нима таниш бўлиши зарур, нима учун?**
- 9. Уқувчи ва талаба тинглаб тушунган матнни, нутқни инглизча сўзлаб бериши зарурми, шартми?**
- 10. Тинглаб тушунишни ўргатганда, энг сўнггида қандай машқ ўтказасиз?**
- 11. Маълум бир синфга танглаб тушуниш учун матн тузиб, уни ўтказишини ишлаб чиқинг ва сўзлаб беринг.**

### **2-§. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ**

## *Инглиз тишида гапириши—нүтқ фаолиятининг тури*

Инглиз тилида гапириш ҳам нутқ фаолиятининг турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Гапириш орқали маълумот берилади. Бу нутқ фаолияти бошқа нутқ фаолияти турлари билан чамбарчас боғлиқdir. Ўқувчи, талабада тинглаб тушуниш кўникмаси қанчалик яхши эгалланилган бўлса, гапириш ҳам шунча тезлик билан ривожланади, акс ҳолда тескариси бўлади. Инглизча маълумотни қабул қила олган ўқувчи, талаба инглиз тилида унинг мазмунига мослаштириб маълумот беради. Уқувчи, талаба мазмунни тушуна олмаса, жавоб қайтариши қийин. Тинглаб тушунишда маълумот қабул қилиниб, ички нутқ содир бўлса, гапиришдан олдин ички нутқ, сўнг ташқи нутқ юзага чиқади. Иккаласида ҳам талқин қилинади, лекин гапиришдан олдин бўлса,

140

tinglab тушунишда эса кейин бўлади. Бу ички нутқларда тафаккур, хотира, идрок муҳим ўрин тутади.

Ўқиш гапириш билан алоқадор, унга боғлиқлиги бор. Уқувчи ўқитан маълумот орқали гапиради, маълумот беради. У қанча кўп ўқиса, шунча гапириши учун маълумотга эга бўлади. Шу сабабдан ўқувчи, талаба ичида, овоз чиқариб, овоз чиқармай ўқиб гапириш учун маълумот тўплайди. Ўқиш гапириш учун маълумот манбаидир.

Ўқувчи, талаба ўқиган, тинглаган, гапирган материалирини, маълумотини ёзма ифодалайди. Улар маълумотни ёзма ифодаласа, унинг хотирасида, ёдида яхши қолади. Гапириши осонлашади. Ёзувҳам гапириш маълумотини, материалини эсда қолишига ёрдам беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, гапириш фаолияти бошқа нутқ фаолиятлари билан алоқададир.

Қатор тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, гапириш нутқ умумий ҳажмининг 30 фоизини, ёзув эса 9 фоизини ташкил қиласи. Шунинг учун гапириш инглиз тилини ўргатиш ва ўрганишининг энг муҳим мақсади ҳисобланади.

Ўрта мактабда чет тили ўқитиши дастурига мувофиқ гапиришни ўргатишдан мақсад ҳам воситадир. Ўқувчи инглиз тилида гапиришни амалда қўллай олиши мақсаддир, гапириш бошқа нутқ фаолиятларини ўргатишда, ўрганишда восита сифатида қўлланилади.

## *Инглиз тилида гапиришини ўргатишнинг қийинчиликлари ва хусусиятлари*

Инглиз тилида гапиришни ўргатишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, буларни ўқитувчи ҳисобга олиши зарур. Қийинчиликлар экстралингвистик, психологик, лингвистик бўлиши мумкин.

Экстралингвистик қийинчиликлар:

1. Гапиришни кимгадир, нимагадир қаратилиши.
2. Гапиришда нутқ вазияти, ҳолатини яратилиши.
3. Воситаларнинг бўлиши.
4. Гапириш эҳтиёжи бўлиши.
5. Гапириш содир бўлаётган шароитнинг хусусияти (синф ўқувчиларнинг 2 га бўлинганлиги, синф хонасининг, ўқувчи, талабаларнинг дарсга тайёрлиги ва бошқалар).
6. Гапиришда имо-ишора, жест, мимика ва ҳарачатнинг қўлланилиши.

141

Психологик қийинчиликлар ҳам муҳимдир. Психолог И. А. Зимняя фикрни баён қилишнинг қўзғовчи шакллантирувчи, амалга оширувчи психологик тузилишини беради. Нутқни шакллантиришда яна 2 та маъно, мазмун шакллантирувчиларга ажратади.

Энг аввало гапириш учун стимул-рағбатлантирувчи, ундовчи омилнинг бўлиши, фикрнинг шаклланишига олиб келадиган эҳтиёж сабабдир. Бунинг учун ташқи ва ички таъсир бўлиши зарур, шундагина эҳтиёж туғилади. Психологик нуқгаи назардан гапириш учун тил материалларини билиш зарур, улар гапиришнинг механизмлари ҳисобланади. Тушуниш гапириш жараёнида, гапириш эса тушуниш жараёнида шаклланади.

Гапириш нутқ фаолиятининг тури сифатида ўрганилаётган тилга ва нутқ турига боғлиқ бўлган ҳолда психологик қийинчилик туғдиради.

Гапириш яна иккита психологик қийинчиликлар билан характерланади: фикрни баён қилиш, шаклни ўйлаб кўришга имкон камлиги ва ифодалашнинг бир оида содир бўлиши. Гапиришнинг автоматлашган ва автоматлашмаган томонлари ҳам психологик қийинчилик билан боғлиқ.

Тафаккур, хотира ҳам гапиришни ўргатишда муҳим роль ўйнайди. Буларни ривожланганлиги гапиришни ўргатишта таъсир қиласади.

Гапиришни ўргатишга лингвистик қийинчиликлар ҳам таъсир қиласади.

1. Гапириш учун керакли лексик, грамматик материални, гапириш намуналарини түгри танланган бўлишилиги;
2. Гапириш учун зарур бўлган лексик, грамматик материалларнинг маъноси, мазмунидаги, қўлланишидаги қийинчиликлар;
3. Тўгри оҳангда, ритмда, тўгри талаффуз қилишдаги (гапиришга таъсир қиласидиган) қийинчиликлар;
4. Нутқ намуналарини, жумлаларни қўллай олишдаги қийинчиликлар.

Гапиришнинг яна қуидаги лингвистик қийинчиликларини кўриш мумкин:

5. Гапириш адабий тилда эмас, жонли тилда содир бўлади;
6. Гагшар, жумлалар қисқа тузилади: Do you have?

And you? How many books do you have? One кабилар.

142

7. Қисқартирилган шакллар кенг қўлланилади: don't, won't, I've, shan't.

laboratory	ўрнига	lab
microphone	ўрнига	mike
mathematics	ўрнига	maths

кабилар.

8. Луқма **ташлап1**, ran қистириш (репликалар)ни кенг қўлланилиши: Well, Hello, Hey кабилар.

Инглизча гапириш 3 хил: 1) монолог, 2) диалог, 3) полилог шаклида амалга оширилади. Бу 3 хил шаклдаги гапиришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Монолог битта сўзловчининг, диалог 2 та сўзловчининг, полилог 2 тадан ошиқ сўзловчининг нутқидир.

Монолог, диалогни ўргатиш масалалари чукур ишлаб чиқилган.

Кейинчалик психологлар тафаккур, хотирани ҳисобга олиб ташаббусли нутқ, тақлидий нутқ, тайёрланган, тайёрланмаган нутқ турларига ажратишиди.

Тайёрланган нутқ дейилганда ўқувчи, талаба тайёрланиши учун маълум мавзу, вақт берилиши, керакли воситалар, сўзлар, нутқ намуналари олдиндан ўргатилиши, уйда тайёрланиши, таянчлар бўлиши кўзда тутилади.

Тайёрланмаган нутқни спонтан нугқ ҳам дейилади. Бунда илгаридан тайёргарчилик кўрилмайди. Урта мактаб дастури бўйича ўқувчи тайёрланмаган нутқни эгаллаши керак, лекин бунта тайёрланган нутқ асосида эришилади.

Инглиз тилида гапириш: 1) ўқитувчи берган мавзуси ёки нутқий вазият асосида гапириш, 2) ўқилган матн асосида гапириш, 3) тингланган матн, нутқ асосида гапириш, 4) ўқилган матнни муҳокама қилишда гапириш, 5) чет эл кишисидан шарҳ олиш, 6) чет эл кишисига ёрдам бериш машқлари орқали ташкил қилинади.

### *Инглиз тилида гапиришини ўргатишнинг мазмуни*

Инглизча гапиришни ўргатишнинг мазмунига лингвистик, психологик, методик қисмлар киради.

Лингвистик қисмга гапириш учун зарур бўладиган тил ва нутқ материаллари, ran тузилишлари, нутқ намуналари киради. Бу материаллар мавзулар асосида танланилиши зарур.

143

Мавзу асосида тил материаллари танланади.

Лингвистик қисм устида тўхталганда, экстралингвистик элементларни, имо-ишора, \аракат ва бошқа воситаларни ҳам ёдда тутиш зарур.

Психологик қисмга гапириш кўникмаларини эгаллаш киради. У репродукциядан, ўрнига қўйиш, ўзгартиришдан, кенгайтиришдан, қўшишдан иборатdir. Репродукция ўқувчи, талабани ўқитувчидан ёки фонофаммадан эшитганини айнан ўзини қайташибирди.

Ўқувчи, талаба репродукцияда қисман сўзларни алмаштириши мумкин. *Масалан*, ўқитувчи This is a black pencil деса, ўқувчи қайташибирда (репродукцияда) This is a white pencil деб ўзгартириши мумкин. Ўзгартиришда сўзлар, ибораларни ўрни ҳам ўзгартирилиши мумкин. *Масалан*, I live in Moscow. Sasha lives in Moscow. I ни Sasha билан ўзгартирилади.

Кенгайтиришда эса нутқ намунаси, ran, структура кенгайтирилади.

*Масалан:*

I have a book.

I have an English book.

I have an interesting Endish book.

I have an interesting English book at home.

Қўшишда тил материаллари, нутқ воситалари қўшилиб гапирилади. *Масалан*, спорт мавзусида I am fond of... нутқ намунасини фаоллаштиришда ўқувчи ёки та-

лаба ўзининг севган спорт машғулотини қўшиб гапиради.

Методик қисмда гапириш метод, усулларини, йўлларни қўллаш тушунилади. Бунда ўқувчилар таянчлар, таянч воситалардан фойдалана олишлари муҳимдир. Уларга тинглаш, кўриш таянчлари, сўзлар бўйича таянчлар киради.

### *Инглиз тилида монологик нутқни ўргатиши*

Монологик нутқ гапиришнинг шакли бўлиб, 1 та сўзловчи томонидан бажарилади.

Монологик нутқ ҳам ўзига хос хусусиятларга, қийинчиликларга эга. Ўқитувчи уларни ўргатаётганда ҳисобга олиши зарур.

Улар қуидагилар:

1). Монолог бир киши томонидан бажарилади. 2). У

### 144

режали бўлади. 3). У қисман тайёрланган бўлади. 4). У узилмай давом этади. 5). У режали бўлгани сабабли мантиқий боғланган бўлади. 6). У бир контекст, матн асосида олиб борилади. 7). Унга воситалар, таянчлар, шароит таъсир кўрсатади. 8). Услуб таъсир қиласди. 9). Монолог таъсирчан, маълумотли, ҳис-ҳаяжонли бўлади, кимгадир, нимагадир қаратилади. 10). Нутқ вазиятли бўлади. Бир шароитни, вазиятни кўзда тутади.

Монологик нутқнинг қуидаги лингвистик қийинчиликлари, хусусиятлари ҳам муҳим ўрин тутади, улар таъсирини кўрсатади.

1. Талаффузи қийин сўзларнинг ишлатилиши;
2. Гапларнинг китоб услубига мансублиги;
3. Нутқни баён қилишга боғлиқ бўлишлиги;

Лингвистика нуқтаи назаридан монологик қўникмани эгаллаш;

- 1) Гапларнинг боғловчи қисмларини эгаллашни;
- 2) контекст учун тўғри сўз тартибини танлашни;
- 3) фикрни мантиқди, ритм билан тўғри ифодалашни;
- 4) монолог учун тил воситалари, материалларини билишни;
- 5) мавзуни тўлиқ оча билиш қабиларни ўз ичига олади.

Е. И. Пассов монологни: 1) давомли, 2) мантиқий кетма-кетликда, 3) мазмунан тугаллантан бўлади, дейди.

Ўрта мактаб дастури бўйича монологик нутқни ўргатиш ҳам мақсад, ҳам воситадир. У восита бўлиб гапи-

ришни, монологнинг ўзини ривожлантиришга, тил материалларини мустахкамлашга хизмат қиласди. Мақсад бўлганда эса, у ўқувчи, талабаларни монологни нутқ фаолияти сифатида ўрганишни, ўргатишни, у орқали маълумот бера олишни кўзда тутади. Ўрта мактаб дастурида ҳар бир синф ўқувчилари учун монологик нутқ талаблари, мавзуси берилган. Ўқувчи, талаба нутқининг ҳажми, меъёри ҳам белгилаб берилади.

1993 йилда чиқарилган дастурда 5-синфда монологик нутқ 5—7 та жумлалардан, 6-синфда 7 жумладан, 7-синфда 9 та жумладан, 8-синфда эса 8—10 жумладан иборат бўлишлиги кўрсатилган.

Монологик нутқни ўргатишда монологик бирликларни аниклаш, монолог кўнималарини белгиловчи метод, усул, йўлларни, машқларни аниклаш муҳим ўрин тутади.

Умумий методикада Чарльз Фризни 3 та бирлиги-  
145

ни; 1) алоҳида кичкина эркин гаплар, 2) айрим кенгайтирилган гаплар, 3) икки ёки ундан ортиқ эркин гап бирликларини таклиф қилишади.<sup>1</sup>

С. Ф. Шатилов бу бирликларни қабул қилиб, 1-бирлик 5—6-синфларда, 2-бирлик 7—8-синфларда, 3-бирлик эса 9—10-синфларда қўлланилиши ёки ўргатилиши мумкин дейди.

Хозирги даврда бизнинг фикримизча, бу бирликларни қабул қилиш ва уларни асос қилиб монологик нутққа ўргатиш мумкин.

М. Я. Демьяненко монологик нутқни ўргатишни 3 босқичга бўлади:

**1-6 о с қ и ч;** Ўқувчиларда монологик нутқ учун зарур бўладиган тил материаллари лексик, грамматик, фонетик материаллар тушунтирилади. Улар тақлид қилиш, ёдлаш ва бошқа машқлар орқали мустахкамланади.

**2-6 о с қ и ч;** Монологик нутқ мазмунини тил материаллари асосида ифодалаш ўргатилади.

**3-6 о с қ и ч;** Монологик нутқ кўнималари ривожлантирилади. Бундай нутқда ташаббускорлик нутқ мазмунидаги етакчилик қиласди. Ўқувчи, талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишга, ҳикоя тузишга, изоҳ беришга, мавзу бўйича гапиришга ҳаракат қиласидилар.

Г. В. Рогова ҳам монологик нутқни ўргатиш учун 3 та босқич зарур дейди:

**1-6 о с қ и ч;** Statement — хабар, ахборот бериш

босқичи. Бу ерда нутқни түлдириш, тасдиқлаш, кенгайтириш тушунилади. Унинг фикрича, ўқувчи, талаба инглизча ran тузишни, түлдиришни, тасдиқлашни олдин ўрганмаса, у монолог туза олмайди. Қуйидаги машқларни таклиф қиласы.

1) Намуна бўйича түлдириш машқлари. I can see... we are proud of...

I am fond of...

2) Ўрнига қўйиш машқдари: I have a book (a pen)

3) Кенгайтириш машқи:

Pupil I. I have an interesting book.

Pupil I. I have an interesting book at home.

<sup>1</sup> Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишининг умумий методикаси.  
Тошкент, 1977 й. 130—160-бетлар.

## 146

4) Гап тузилишини ўзгартириш (трансформация) қилиш машқлари:

Pupil I. He has book. He has no book.

5) Ўқувчиларга ran тузишни ўргатиш машқи: Give it a name.

Teacher: We write with it. Pupil: It is a pencil.

**2-6 о с қ и 4.** Utterance level. Гаплар айтиш босқичи.

Бу босқичда ўқувчилар нарса, предметлар ҳақида ўз фикрларини айтишни ўрганадилар.

*Масалан:* Teacher: Say a few words about it.

(He points to an object.)

Pupil: This is a pencil. The pencil is green.

It is on the table. I like the pencil.

Or the teacher points to a boy.

Pupil: This is a boy. His name is Karim.

He lives in Gagarin street.

**3-6 о с қ и 4.** The discourse level. Сухбат, муҳокама қилиш босқичи. Бу ерда эркин гапириш, монологик нутқ бажариш кўзда тутилади.

Қуйидаги машқлар қўлланилади:

- 1) Синфдошларингизга таътил ҳақида сўзланг;
- 2) нарса, воқеа ҳақида сўзланг; 3) расмга қараб фикрингизни айтинг, кабилар.

С. Ф. Шатилов эса монологик нутқни ўргатишида 2 босқич мавжуд дейди.

1-босқич. Монологик нутқ асосларини эгаллаш.

2-босқич. Монологик нутқ малакаларини ўстириш.

У биринчи босқичда ўқувчиларга лексик, грамматик шаклларни, бирликларини амалда құллатиш зарур дейди. Расмларга қараб a father, a mother кабилар күрсатыб, ran, жумлалар туздиришни ўргатишиңи таклиф қиласы.

Иккинчи босқичда эса у матнни чет тилида сўзлаш, бир мавзу асосида сўзлаш, ўз фикр-мулоҳазаси ни баён қилиш (кўпроқ юқори 7—8—9-синфларда) каби машқдарни қўллаш керак дейди.

У яна монологни монолог-тасвирилаш, монолог баёнга бўлади.

Монологик нутқни ўргатишида ҳозирги пайтда Г. В. Рогова, С. Ф. Шатилов фикрларини, босқичларини, машқларини қабул қилиш мумкин.

Биз ўзбек ўрта мактабларида монологик нутқни ўргатишида 3 та босқични таклиф қилишимиз мумкин.

### 147

1-босқич. Тайёрлов босқичи.

Монологик нутқни мавзусини танлаш ва унинг асосида монолог тузиш учун сўзларни, структураларни, нутқ намуналарини танлаш, эркин қўллай олишга ўргатиши каби машқлар ўтказилади.

2-босқич. Ўрганилган тил материаллари, нутқ намуналари, воситалар, таянчлар асосида мавзу бўйича кичик (микро) монологлар тузишта ўргатиши. Бу ерда юқоридаги айтилган Г. В. Рогованинг машқларидан ташқари қўйидаги машқларни таклиф қилиш мумкин.

1) Уқувчиларни занжир шаклида қатнаштириш:

*Масалан: Pupil I. I see a pen.*

Pupil II. Шу гапни қайтаради ва бир сўз қўшади. I see a pen on the table. Шундай қилиб ҳамма ўқувчини гапиритириш, қатнаштириш мумкин.

3-босқич. Эркин монолог тузиш, монологни ривожлантириш босқичи. Бу ерда мумкин қадар мавзуга таянчли, таянчсиз, воситали, воситасиз монологик нутқ туздириш, мустақил равишида ўз фикрини баён қилиш, мазмунга, фикрга холоса, яқун ясашлар кўзда тутилади.

Монологай ўргатища олдин содда йиғик, кейин содда ёйик, боғловчили, боғловчисиз, эргашган қўшма гапларни қўллаб монолог туздирилади. Уқувчи, талабани монолог нутқни эгаллаганлигини текшириб туриш керак. У ўқитувчи, ўқувчи, талаба учун ҳам зарурдир, унинг натижаси орқали ўқитувчи ўз ишига яқун ясаб,

хулоса қиласи, келгуси ишига түғри метод, йўл, усулни, машқларни танлайди, ўқувчи, талаба монологни ўрганганлигани билади. Монологик нутқни текшириш учун тезда монолог туздириш, ўз фикрини баён қилиш, расмдаги нутқ вазиятини монолог орқали ифодалай олиш каби машқлар ҳам қўлланилади.

*Инглиз тишида диалогик нутқни ўргатиш*

Диалогик нутқ гапиришнинг шакли бўлиб 2 та сўзловчи томонидан бажарилади.

Диалогик нутқни ҳам ўзига хос хусусиятлари, қиинчиликлари бор. Ўқитувчи уни хисобга олиши зарур. Унинг хусусиятлари қўйидагилар:

1. Диалог тезда жавоб қайтариш (реакция қилиш) заруриятидир.
2. Диалогда 2 та сўзловчи иштирок этади.
3. Диалог фақатгина савол-жавобдан ташкил топмайди.

148

4. Ҳар бир сўзловчи ўз мақсадини кўзлайди.

5. Диалогда қатнашувчилар олдиндан унинг мазмунини билишлари қийин.

6. Диалогда қатнашувчилар бир-бирларини шароитларини, вазиятларини, хусусиятларини билган тақцирда диалог давом этади.

7. Диалогда қатнашувчилардан бири диалогга етакчилик қилиши зарур.

8. Диалог таъсиричан, қизиқтирадиган мавзуда бўлиши, кимгадир, нимагадир қаратилиши зарур.

9. Диалог нутқ вазиятида бўлади. Сўзловчиларнинг нутқ вазияти хисобга олинади.

10. Диалогда *ган* қистириш, луқма ташлаш (реплика), восита, таянч, шароит, нутқ вазияти, воситалар мухим ўрин тутади.

Гап қистириш, луқма ташлаш (реплика) лингвистик адабиётларда диалогнинг бирлиги деб қабул қилинган. Реплика дейилганда *ган* қистириш, луқма ташлаш, эътиroz билдириш, фикрга қўшилиш тушунилади. У ҳар бир сўзловчининг тугалланган фикрини ифода этувчи бир ёки бир нечта жумлалардан иборат бўлади. Биринчи жумла олдинги сўзловчига жавоб, эътиroz бўлса, иккинчиси диалогни давом этиришга ундаш бўлади. Баъзида 1 та жумла иккаласини ўрнини босади.

Репликалар реплика-савол, реплика-жавоб, репли-

ка - тасдиқлаш, реплика-инкор, эътиroz бўлиши мум-кин.

Диалогни ҳам лингвистик қийинчиликлари бор.

1. Гаплар қисқа бўлади, тўлиқ тузилмайди.

2. Қисқартмалар, қолиплашган сўзлар кенг қўлланади.

*Масалан:* Don't, can't, won't, shan't. **is**

3. Луқма (реплика) бирликлари ишлатилади.

*Масалан:* Why not? Hey? Aren't you? Haven't you?

4. Сўроқ гаплар тўлиқ қоида бўйича тузилмайди.

*Масалан:* Are you going to the cinema? ўрнига Are you?

Don't you prepare the homework? ўрнита Don't you?

When did you go to the cinema? ўрнига When? каби-  
лар,,

Ўрта мактаб дастури бўйича диалогик нутқни ўрга-  
тиш ҳам мақсад, ҳам воситадир.

Диалогик нугқ тил материалларини амалда қўллашга

149

ўргатишда, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзувни ўргатиш-  
да воситадир. Мақсад сифатида у ўқувчи, талабаларни  
диалогик нутқ орқали маълумот олиши, маълумот бе-  
ришидир.

Дастурда диалогик нутқ бўйича талаблар ва ҳар бир  
синф учун gan тузилишлар, луқмалар, мавзулар бел-  
гилаб кўрсатилади. 5-синф ўқувчиси Зта луқма, 6-синф  
ўқувчиси эса 3—4 та луқмалардан ташкил топган диа-  
логларни таза олиши талаб қилинади.

М. Я. Демьяненко диалогни ўргатишни савол-  
жавоб машкларидан бошлишни таклиф қиласиди.

Г. В. Рогова диалогни response-inducement-response  
жавоб (отклик) — рағбатлантириш, уйғунлаштириш  
(стимул) — жавоб (отклик) кетма-кетлигида давом эт-  
тиришни белгилайди.

Г. В. Рогова диалогни ўргатишни 3 босқичга бўлади:

1. Рецептив босқич. 2. Репродуктив босқич. 3. Конструк-  
тив (ижодий) босқич.

Биринчи босқичда ўқувчи, талабалар турли восита-  
лар орқали диалогик нугқни тинглайдилар, қабул қила-  
дилар, тушунишга ҳаракат қиласидилар.

Иккинчи босқичда эса тинглагани қайтарадилар.

Уни дарҳол қайтариш, бир оздан кейин қайтариш уни  
тайёрлаб келгандан сўнг, диалогни ўзгартириб қайта-  
риш мумкин.

Учинчи босқичда эса ўқувчи, талабалар ўзлари, ижо-

дий ёндашиб диалог тузадилар.

Биз диалог ўргатиши 3 босқич орқали амалга оширишни таклиф қиласиз:

1-тайёрлов босқич. Диалог учун мавзу танлаш, унинг учун зарур тил материалларини, диалог-намуналарни, энг керакли луқмаларни танлаш, уларни тузишни ва қўллашни ўргатиш.

2-босқич. Намуна асосида диалоглар тузишни ўргатиш.

Бу босқичда ўқувчи, талабалар диалог-намуналар асосида диалогда қатнашадилар, тузадилар. Бунда ўқувчи, талабалар диалог намунасини ўқийдилар. Биринчиси ўқийди, иккинчиси эса намунасиз луқмага жавоб бериши, диалог-намуналардаги сўзларни ўзгартириб диалогни қайтариши, ўзлари диалог-намунага ўхшатиб диалог тузишлари мумкин.

3-босқич. Мустақил диалог тузиш босқичи, диалогни ривожлантириш босқичи.

### 150

Бу босқичда ўқувчи, талабалар таянчли, таянчсиз, намунасиз мустақил диалог тузадилар. Унинг учун мавзу берилиб, диалог тузишга маълум вақт берилиши мумкин. Диалог тайёрланган, тайёрланмаган бўлади.

Ўқитувчи диалогни тузишни ўргатганидан сўнг уни текшириши ҳам керак. Бунинг учун тезда, маълум вақтда диалог туздириш, луқмаларни қўллатиш зарур. Олдин ўқитувчи ўқувчи, талаба сўнг ўқувчи-ўқувчи, талабаталаба диалогларини тузишлари маъқулдир.

Ҳозирги даврда гапиришни ўргатища монологдан бошлаш керакми ёки диалогданми деган масала баҳсга сабаб бўляяпти. Баъзи методистлар диалогдан бошлаш керак деса, баъзилар монологдан бошлаш керак дейди. Ҳозирги пайтда иккала гапириш шакли—диалог-монологни бир вақтнинг ўзида ўргатиш мақсадга мувофиқдир,,

Ўзбек мактабларининг инглиз тили дарсликларида шундай ёндашилган. Биз ҳам шунга қўшиламиз, лекин монолог бир оз илгарилаши мумкин.

Монолог ва диалогга ўргатища 2 хил машқ типлари қўлланилади.

1. Тайёрлов машқтиплари:

2. Нутқ машқтиплари.

Биринчисига: 1) тил материалларини ўргатиш, 2) – диалог бирликларини ўргатиш, 3) луқмаларни ўргатиш, 4) ўрнига қўйиш машқлари, 5) диалогларни ёдла-

тиш (қисқа бўлса) каби машқлар тегишидир.

Иккинчисига эса: 1) мустакил диалог тузиш, 2) воқеаларга изоҳ бериш; 3) ўзи ёки дўсти ҳақида диалог туздириш, 4) расмга, диафильмга қараб диалог тузиш каби машқларни киритиш мумкин.

Диалогни ўргатишда воситалар, таянчлар, нугқ вазиятлари кенг қўлланилади. Расмлар, сўзлар, луқма бирликлари восита, таянчлик ўрнини босиши мумкин. Айниқса, дарсда ўқитувчининг монологи, диалоги ўқувчи, талабалар учун кўргазмадир, улар ўқитувчининг диалог, монологини кўриб, қандай диалог, монолог тузишни ўз кўзлари билан кўрадилар, ҳис қиласидар ва унга ўхшатиб монолог-диалог тузадилар. Шу сабабдан ўқитувчи ўзи кўпроқ асл монолог, диалогни кўрсатиши зарур.

Умуман инглиз тилини ўргатишда нутқ вазият (ситуация)лари муҳим ўрин тутади. Ўқувчи, талабага инглизча гапиришни ўргатишда уларни нутқ вазиятига ту-

151

шириш тезда диалог, монолог туза олишга таъсир қиласди. Нутқ вазиятига тушириш деганда ўқувчи, талабани шу воқеаликка тушириш, шу воқеаликда ўзини худди иштирок этаётган деб ҳис қиласидир.

Ўқувчи, талаба диалог, монолог тузатганда ўзи табиий нутқ вазиятида бўлиши мумкин. *Масалан: Make up a monologue. What you are doing at the English lesson just now?* Буни табиий вазият дейилади. Ҳамда ўқувчиларни нугқ вазиятига сунъий тушириш мумкин, уни сунъий нутқ вазияти дейилади. *Imagine! You are going to the cinema. Make up a dialogue or monologue on the theme: «Going to the cinema».*

Ўқитувчи монолог, диалогта таянчлардан, нутқ вазиятларидан фойдаланиб ўргатса, дастур талабларига эришади.

### *Дарсда ўқитувчинижс инглизча нутқи*

Дарсдаги ўқитувчининг нутқи тинглаб тушуниш, гапиришни ўргатишда муҳим ўрин тутади. Ўқитувчи дарсда қанча кўп, тўғри гапирса, ўқувчи, талаба ҳам тўғри талаффуз қиласи, гапиради, гапирмаса, кам гапирса, ўқувчи, талаба ҳам кам гапиради.

Шу сабабдан ўқитувчи ўзи устида ишлаши, дарсни инглизча ташкил қилишга тайёрланиши, инглизча ибораларни тўғри қўллаши талаб этилади. Дарсда ўқувчи,

талаба доим инглизча нутқни эшитса, инглизча мұхит яратилади, бу эса үқитувчини тинглаб тушунишга ёрдам беради. Дарсда үқитувчи инглизча саломлашиши, үзини таништириши, инглизча маълумот бериши, тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида ахборот, маълумот бериб туриши зарур.

5-синф дарсларида үқитувчини нұғқи қисқа топшириқлар, буйруқлар бериш, уларни бажартиришдан иборат бўлади. Масалан: go to the blackboard!

Open the window!

Write down!

Read the text! кабилар.

6—7-синфларда үқитувчининг нутқи анча мураккаблашади. Уқитувчи Comrade Karimov! Retell the text. Tell Ahmad to open the window.

Why didn't you come to the lesson yesterday? кабилар.

7—8-синфларда эса дарсда үқитувчининг нутқида

152

1—2 та янги сўзлар берилиб, уларни ўқувчилар ўзлари фаҳмлаб тушунадилар.

Ўқитувчи ўқилган матнни охирида ўзи умумлаштиради, расм, диафильм, ўқув фильмлари устида инглиз тилида сухбат, мунозара ўтказади.

Ўрта умумтағым мактабларида үқитувчи материаларини инглизча тушунтириши, баҳолаши, инглизча изоҳлаши, уй вазифасини инглизча бериши керак.

Дарсда үқитувчи нутқини юқоридагиларни хисобга олиб амалга оширса, инглизча мұхит яратилади, ўқувчи инглизча маълумот олишга, маълумот беришга ўрганади.

### *Оғзаки нутқ машғулоти (Oral drill)*

Инглиз тили дарснинг бошланишида оғзаки нутқ машғулоти ўтказиш ҳозир кенг қўлланилмоқда. У энг кўпи билан 10 минут давом этади, тинглаб тушуниш, гапириш машқлари орқали амалга оширилади. Оғзаки нутқ машғулотини ўтказишдан мақсад ўқувчи, талабаларни ёдидан кўтарилиган сўз, ибора, намуналарни эсга тушириш, инглизча тинглаш, гапириш учун нутқ органларини тайёрлаш, уларни инглизча мұхитга туширишдир. Маълумки, ўқувчи, талаба инглизча мұхитга тушса, уларни дарс давомида инглизча тинглаши, гапи-

риши осонлашади. Инглизча мұхит рағбатлантиришлик, туртқилик, ундашлик үрнини эгаллайди. Олдинги үрганилган лексик, грамматик, фонетик материалларни, нұғқ намуналарини эсга тушириш янги материални тушунтиришга ҳам таянч, күпrik бўлади.

Оғзаки нутқ машғулоти учун олдинги дарсларда үрганилган тил материаллари, иборалар, нутқ намуналари материал бўлади, лекин мазмуни нотаниш, янги, қизиқарли маълумот берадиган бўлиши зарур. Айниқса, тили үрганилаётган мамлакат ҳақида янги маълумот бериш яхшироқцир. Ўқитувчи олдинги үргатган тил материалларидан тузилган ҳикояни, латифани, ҳазилни айтиб бериб тинглаб тушуниш ўтказиши, монолог қилиб гапиртириши ҳамда мазмунли расмларни кўрсатиб тасвирлатиши, сўзлатиши мумкин.

Расмни инглизча тасвирлатиш, гапиртириш ҳам ўз методикасига эга: 1) сўзлар, иборалар доскага ёзилади, ўқилади, маъноси эсга туширилади; 2) ҳар бир

### 153

ўқувчи, талабага расмга қараб доскадаги ва биладиган сўзлар орқали ran, савол туздирилади; 3) расмда нимани, кимни қўраётганлиги сўралади; 4) расмда ифода этилган воқелик, вазият сўралади, 5) инглиз тилида расм тасвирлатилади, ҳикоя қилдирилади.

Расм үрнига диафильм, фильмни олиш мумкин. Дарсда ўқувчи, талабани кўпроқ иштирок эттириш учун юқоридаги ҳар бир машқни кўпроқ ўқувчи, талабани ўзи бажариши маъқулроқцир. Сўнг охирида бир ўқувчи, талабага сўзлатиш мумкин.

Оғзаки нутқ машғулотида кўлланилган тил материаллари албатта, шу дарс жараёнида керак бўладиган бўлсин, ишлатилсин. Бу дарсдаги янги материални тушунтиришга, матнни ўқишига ёрдам беради. Сиз бугун ўқувчи, талабаларга Ҳамза ҳақидаги матнни ўқитишиниз керак бўлса, албатта янти сўзларни олдин үргатгансиз. Бугун шу сўзларни эсига туширсангиз, ўқувчи, талабалар қийналмай ўқийдилар. Бунинг учун оғзаки нутқ машғулотида шу сўзлар иштирокида Алишер Навоий ҳақида гапиртириш ёки тинглаб тушуниш дарсларини ўтказиш мумкин. Алишер Навоий ҳақида ўқувчи, талабалар адабиёт дарсидан биладилар. Оғзаки нутқ машғулотига олинган матн ёки мавзу, мазмун, латифа мазмуни хис-ҳаяжонли, дарсни жонлантирадитан, инглиз тилига ҳавасни, диққатни орттирадиган ва нотаниш бўлгани маъқул.

*Ролли ўйинлар ва улардан инглиз тилини ўргатишида  
Фойдаланиши*

Ўйин ўйнаш — ҳис-ҳаяжонли, диққатни, имкониятни, мужассамликни, билимли, кучли бўлишни талаб қиласди. У мустақил бир қарорга келишликка ўргатади. Ўйин ўйнаётганларни ютиш, ғалаба қозонишга интилишлари, иродалари, хоҳишлари уларнинг фаолиятини тезлаштиради<sup>^</sup> Мана шу ўйин ўйновчиларнинг хусусиятларини инглиз тилида ўйин ўйнатишга асос қилиниб олинган. Ўқувчи, талаба ўйинларни инглиз тилида ўйнасагина инглиз тилита қизиқади ҳам инглиз тилини ўрганади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ўйинни инглиз тилида олиб боришни таълимий томони кучли экан. Шу сабабдан инглиз тилида ролли ўйинларни ўйнатиш кенг қўлланилмоқда.

Инглизча ўқув ўйинлари ўқувчи, талаба учун энг

154

қизиқарли машғулот, ўқитувчи учун эса ўқувчи, талабанинг тинглаб тушунишини, гапиришини, ўқишини, ёзувини фаоллаштиришда, тил материалларини ўзлаштиришда ва мустаҳкамлашда энг муҳим воситадир. Ўқувчи, талабалар ўйинларни қизиқиб ўйнайдилар, бутун билимини ишга солиб ютишга интиладилар, ўқитувчи улар орқали таълим-тарбия беради.

Ўқувчи, талаба инглизча ўйин ўйнаб, гапира оларканман, ўқий оларканман, тинглаб тушуна оларканман, ёза оларканман, юта оларканман деб рағбатлана ди, қизиқади.

Методика ўйинни вазиятли машқ деб талқин қиласди. Ўйин қуидаги методик вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради; 1) ўқувчи, талабаларни нутқни бажарishi учун психологик тайёргарлигини ташкил қиласди; 3. ўқувчи, талабаларга тил материалларини, нутқ на муналарини кўпроқ қайтариб қўллашга табиий вазият, ҳолат вужудга келтиради; 3) ўқувчи, талабалар шароитга, вазиятга қараб, мустақил тайёрланмаган нутқ бажаришга ўрганадилар.

Хозирги пайтда бундай ўйинлар ролли ўйинлар, деб юритилади. Ўқувчи, талабалар ўйинларни ролларга бўлиб ўйнайдилар. Бу эса ўқувчи, талабани муҳитга, ролга тушишга, ўйинга актив киришишга ёрдам беради. Ўқувчи, талабалар учувчи, ўқитувчи, инженер, шифокор, тикувчи, чет эл кишиси, таржимон, мухбир

каби ролларга кирадилар.

Тил материалларини қуллашни фаоллаштириш ма-  
лакалари учун лексик, грамматик, фонетик, орфогра-  
фик ўйин турлари қўлланилади. Яна ижодий ўйин, маз-  
мунли ўйин, тақиид қилиш ўйин турлари бор.

Ўйинлар кўпинча мусобақа тарзида ўтади, уларда  
бошловчи, бошқарувчилар бўлади.

Лексик ўйинлар: 1. Ўқитувчи стол устига предмет-  
ларни қўйиб, инглизча айтади ва ким тез ола олса, шу  
ютади. 2. Бир ўқувчи битта сўзни ўйлайди, қолганлари  
is this a pen? Is this a book? деб сўрайди, ўқувчилар  
топиша олмаса No, it is not, топишса Yes, it is деб  
жавоб беради. Шу ўйинни аксини қилиб ўйнаш мум-  
кин. Ўқувчилар битта сўз ўйлайди, бир ўқувчи is this a  
pen? Is this a pencil? деб сўрайди. Ўқувчи эса Yes, it is  
ёки No, it is not деб жавоб беради. Ўйин ўйланган  
сўзни топилиши билан тутгайди. Лексик ўйинларнинг  
турлари кўп.

### 155

Талабалар билан эса ким кўп сўз айтиш ҳарфи бе-  
рилиб, шу ҳарфли ким кўп сўз айтиш каби ўйинларни  
ўйнатиш мумкин.

Грамматик ўйинлар. Мухим зарур тузилмаларни  
қўллашни ўргатиш, ривожлантириш учун ўтказилади.  
Бундай ўйинларга кўпинча to be, to have, may, must,  
can феъллари, there is, there are иборалар (конструк-  
циялар)и олинади.

Грамматик ўйинларни турлари кўп:

1. This is a ...ни фаоллаштириш. Ўқитувчи дарсга  
кириб What is this? дейди. Жавоб талаб қиласди. Бир  
ўқувчи жавоб бергандан сўнг Oh, I am so tired! Who  
wants to be a teacher? Come Karima, you are a teacher. Ask  
questions! дейди. Сўнг Карима ўқитувчи ўрнига ўқитув-  
чи бўлиб саволларни сўрайди, ўқувчилар This is a pen, a  
book деб жавоб берадилар.

2. Where is my pen...? ни ҳам шундай қилиб ўйин  
ўйнатиш мумкин. Талабаларга маълум вақт берилиб,  
замонларга ёки юқоридаги иборалар билан ким кўп  
ган ёки савол тузади ёки савол сўрайди каби ўйинлар-  
ни ўйнатиш мумкин.

Фонетик ўйинлар ўқувчиларнинг талаффузини машқ  
қилдириш, шеърларни баланд овозда талаффуз қилишга  
ўргатишда ишлатилади. Бунда шеърлар ўқувчи, талаба-  
лар томонидан олдин ёдланади, сўнг ёдсан мусобақа  
қилиб, айтилади. Фонетик ўйинларнинг турлари ҳам

кўп.

1. Ким */e/* товуши бир сўзларни тез, тўғри талаффуз қиласди, 2 та ўқувчи қатнашади.

2. Ким [аз] товуши бор сўздан кўп топиб тез, тўғри талаффуз қиласди ва ёзади.

3. Шеър айттириш кабилар.

4. Маълум товуш берилиб, у иштирок этган сўзларни матндан ким топади кабилар.

Орфографик ўйинлардан ёзувни ўргатишда фойдаланилади. Бундай ўйинларни ҳам тури кўп:

1. Ўқитувчи 2 та ўқувчини қўлига алохида қоғозга ёзилган ҳарфларни бериб «pencil» дейди, ким тез доскага бориб бу сўзни ясаса, у ютади.

2. Доскада сўзларни битта бош, охирги ҳарфини ёзиб тўлдириш.

3. Ким кўп сўз ёзиш кабилар. Бу ўйинлар ҳам мусобақа шаклида ўтади.

Ижодий ўйинлардан бир марта тингланган матн-

156

нинг мазмунини тушуниш, нутқдан асосий фикрни ажратиш, тинглашни ривожлантириш учун фойдаланилади.

Ўқувчи, талабалар at school, an the doctor's, at the library, in the sport hall мавзуларида ролли ўйинлар ўйнашлари мумкин. Ўқувчилар ролларга бўлиниб, ўйин ўйнайдилар. Бунда бир ўқувчи ёки талаба ўқитувчи, шифокор, кутубхоначи бўлиб, қолганлар улар қабулида бўлган муҳитида қиласдиган иш, саволларни, мулоқотни инглизча бажарадилар.

Тақпид қилиш ўйинларида англиялик ёки америкалик бир таникли ёзувчи, олим, шоир, рўзнома мухбини тақпид қиласдилар, яъни уларнинг ўрнида, ролида бўладилар. Ўқувчи, талабалардан бири уларга тақлид қиласди, қолганлари турли қизиқирадиган масалалар бўйича саволлар сўрайдилар ва уларга жавоб берадилар. Албатта, ҳаммаси инглизча бўлади.

Ўрта мактабларда инглиз тилини ўргатишни ҳамма синфларда ва лицей, колледжларда<sup>^</sup> олий ўкув юртларда ўйинлардан фойдаланилади. Ўрта мактабда ўйин ўйнаш 2 босқичга бўлинади.

I босқич. 5—6-синфларда ўйналадиган ўйинлар;

Бу синфларда лексик, грамматик, фонетик, орфографик ўйинлар, эртак характеристидаги ролли ўйинлар ўйнатилади.

II босқич. 7—8—9-синфларда ўйналадиган ўйинлар.

Ўйинларни синфлар бўйича тақсимлашда албатга ўкувчи билими ҳисобга олинади.

Мазмунл» ўйинлар, айниқса, майший хизмат мавзудаги ролли ўйинлар қўп ўйнатилади.

Тақлид қилиш ўйинлари кенг ўйнатилади. Бу ўйинларни билиш, ўйнаш, ўрганиш фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хозирги пайтда инглиз тилини ўргатишда ролли ўйинлардан кент фойдаланилади. Улар оддимизга қўйган мақсадга эришишга, қизиқиришни ортгиришда, дарсга жалб қилишга салмоқли ижобий ёрдам беради. Шу сабабли ўйинларни янада кенгроқ қўллаш маъқулроқдир.

#### **Текшириш учун саволлар ва топшириклар:**

- 1. Инглиз тилини ўргатишда гапиришни ўргатиш керакми?**
- 2. Гапириш нугқ фаолиятининг турими?**
- 3. Гапириш орқали маълумот бериладими ёки олинадими?**
- 4. Гапиришнинг қандай шакллари бор ва қайси бирига олдин ўргатишни сиз афзал кўрасиз? Улардан қайси бирига ўргатиш осон?**
- 5. Гапиришни ўргатаётганимизда олдин нималарни ўрганишимиз зарур?**
- 6. Луқмани қандай тушунасиз, у неча хил бўлади?**

### **3-§. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШНИ ЙУРГАТИШ**

Инглиз тилида ўқиш—нутқ фаолияти тури

Ўқиш—кўз билан кўраётган ҳарф, ҳарф бирикмалари, сўзлар, гапларни овоз чиқариб, чиқармай ўқиш ва ўқиганнинг мазмунини тушуниш, ўқиб маълумот олишдир. Ўқиш ёзма нутқда берилган матндан маълумот олиш нугқ туридир.

Ўқиш-таниш тил материаллари асосида нотаниш мазмунли матнни ўқиб маълумот олиш, мазмунни тушунишдир. Ўқрии алоқа (коммуникация) қилишнинг бир туридир. Уқиш орқали ўкувчи, талаба инглиз тилида гаплашиладиган мамлакатлар тили, маданияти, ҳаёти, тарихи, урф-одати билан танишади. Ўқиш маълумот олиш манбайдир.

Ўқиш кишиларнинг коммуникатив-ижтимоий фаолият соҳасига тааллуқли бўлиб, унда у ёзма шаклдаги сўз орқали муомалани таъминлайди. Кишиларнинг турмуш, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги фаоли-

ятларида ўқищдан кент фойдаланилади. Ўқиши орқали маълумот олиш турли фаолиятларни амалга оширишга хизмат қиласи.

Ўқищда бошқа ҳар қандай фаолиятдаги каби мазмун ва жараён режалари мавжуд бўлиб, биринчисита доимо катта аҳамият берилади. Фаолиятнинг предмет мазмунини ташкил қилувчилар ўқишининг мазмун режаси саналади. Фаолият жараёнининг элементлари ўқишининг жараён томони хисобланади.

Фаолият мазмунига энг аввало унинг мақсадини-натижаларини киритадилар. Одатда ўқищда фаолият ана шу мақсадга эришишга қаратилган бўлади. Мазмун алоқаларини очиш—нутқ маҳсулотини, яъни ёзма шаклда тақдим қилинган матнни тушуниш ўқищдаги ана шундай мақсадни ташкил қиласи.

Ўқиши доимо тайёр ҳолдаги нутқ ахборотини идрок қилишга, маълумот олишга йўналган бўлади, шунинг учун уни нутқ фаолиятининг рецептив турига кирити-

158

шади. Ўқишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳақидаги баҳо китобхоннинг олинган маълумотдан қоникиш ҳосил қилганлигига ўз ифодасини топади.

Ўқиши мураккаб рецептив аклий фаолият ҳисобланаб, унинг жараён томони аналитик-синтетик характеристга эгадир.

Ўқиши орқали биз маълумот оламиз, билимимизни, дунёқарашимизни кенгайтирамиз, шунинг учун ўқиши нутқ фаолиятининг туридир.

Хозирги даврда методика ўқиши инглиз тилини ўқитиши усули, йўли деб қаралмай, уни тил материаларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи, уни асосида (матндан) нутқни ривожлантириш учун қўлланиладиган материал манбаи, маълумот олиш манбаи деб қаралмоқда. Шу сабабдан ўқиётганда асосий дикқат матн мазмунига қаратилади.

Дастурда ўқиши бўйича умумий талаблар ва ҳар бир синфлар, курслар учун талаблар белгиланиб берилади. Ўрта мактабда ўқиши ўргатиш ҳам мақсад, ҳам воситадир, яъни ўқиши чет тили ўргатишда ҳам мақсад, ҳам восита вазифасини бажаради.

Инглиз тилида ўқиши кўникмасини эгаллаш ўрта мактабда, лицейда инглиз тили ўқитишидан кутилган амалий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Агар ўрта мактабни битириб чиқувчиларнинг ўқиш кўникмаси мукаммал бўлса, улар ўзлари эгаллаган ана шу кўникмадан амалий равишда мустақил фойдаланиш имконига эга бўладилар. Ўқишининг етуклик дара-жаси ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун ўрта мактаб олдида ўқишининг минимал ривожланиш даражасига эришиш вазифаси туради.

Ўқишининг амалий мақсади ўқиб маълумот олишдир.

Амалий мақсаддан ташқари ўқиши ўргатиш умумтаълим ва тарбиявий мақсадларини ҳам назарда тутади. Булардан ташқари ўқиши ўргатиш ривожлантирувчи мақсадни ҳам амалга оширади. Ўқиши пайтида ўқувчи, талабанинг ўрганилаётган инглиз тили матни билан унинг кузатувчанлиги ривожланади ва уларнинг тил материали, матн мазмунини анализ ва синтез қилиш қобилиятлари такомиллашади.

Энди ўқишининг восита сифатидаги вазифаси устидага тўхтаемиз. Ўқиши тил материалини эгаллаб олишда

159

муҳим восита ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, матнларни ўқиши ўргатиш, луғатни бойитиш усулларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ўқиши гапириш кўникмасини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўқилган матнларнинг мазмуни бўйича савол-жавоб машқларини бажариш, хикоя қилиб бериш, сухбат ва муҳокамалар қилиши кўп машқларга асос бўлади. Ўқиши орқали гапириш учун маълумот, материал тўпланади. Уларни инглиз тилида гапиришга тайёрлайди. Овоз чиқариб ўқиши эса тўғри талаффузга ўргатища ва янги тил материалини тушунишда муҳим босқич саналади. Бундан ташқари овоз чиқариб ўқиши овоз чиқармай ўқишининг етук кўникмасини шакллантиришда ҳам муҳим восита ролини ўйнайди.

Демак, ўқиши ўқитиши мақсади вазифасини бажаришдан ташқари, муҳим ўқитиши воситаси вазифасини ҳам ўтайди.

Ўқиши ўргатиш, ривожлантириш ўрта мактабда 2 та босқичда 5—6—7—8—9-синфларда олиб борилади. Дастур талаби бўйича I босқичда 5—6-синфларда ўқиши учун мазмуни нотаниш матнларнинг тил материаллари олдиндан ишлаб чиқилади, II босқичда 7—8—9-синфларда эса матнлардаги баъзи тил материалларни

фаҳмлаб тушуниш учун қолдирилади ҳамда дастурда 9-синф ўқувчиларини матбуот матнларидан, яъни рўзнома, ойнома мақолаларини ўқиб, маълумот ола олишга ўргатишни талаб қиласди.

### *Ўқиши нутқ фаолиятининг психологик хусусиятлари*

Ўқиши рецептив нутқ фаолияти ҳисобланиб, у ёзма нутқни идрок қилиш ва тушунишдан таркиб топади. Кўриб қабул қилинадиган матнни тушуниш учун сўзларнинг ёзув тасвирларини, уларнинг товуш ҳарат (мотор) образлари билан, товуш-мотор образларни эса уларга мос келадиган товушлар билан мувофиқ келтириш керак.

Ўқиши пайтида иккита асосий ўзаро боғликлек жараёнларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Босмадан чиқарилган ёки ёзилган матнни идрок қилиш.

160

2. Ўқилган матнни англаш (тушуниш).

Кўрсатиб ўтилган иккала жараён бири иккинчисидан ажралмаган ҳолда бир вактда ва ўзаро боғлиқ равишда намоён бўлади.

Бошқа нутқ фаолияти турлари сингари, ўқиши учун ҳам антисипация (олдиндан билиш ёки сезиш) механизми айрим сўзларга, контекстга қараб сўзни тўғри фаҳмлаш, кейинги сўзлар, жумлаларни (гапларни) олдиндан кўра билиш, тушуна олиш кўникмасидир. Бошқача қилиб айтганда бу механизм тахминий олдиндан сезиш ёки олдиндан айтиб бериш деб аталиши мумкин. Ўқиши психологияси масалалари билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар антиципацияни шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини таъкидлайдилар.

Ўқиши техникасини шакллантириш — узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у сифат жиҳатдан фарқ қиласдиган қатор босқичларга бўлинади. Бу босқичлар товушни талаффуз қилишдан тортиб, матнни товуш чиқариб ўқиштacha бўлган босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичларни ҳар бир ўзига хос хусусиятлари ва уларни эгаллаш усуллари билан фарқ қиласди.

Ўқиши жараёни боришини тасвирлагандага психологлар матнни тушуниш босқичларини ажратадилар. *Масалан*, А. Н. Соколов тажрибаларининг натижаларига кўра, гапни тушуниш учта босқичдан ўтади: биринчи

босқич — бутун гапнинг мазмуни ҳақида ўқувчи, талабада юзаки тасаввур ҳосил бўлади. Бу биринчи синтез деб аталади. Тушунишнинг иккинчи босқичи — аналитик босқич бўлиб, бу босқич ички ва ташқи нутқда тўла талафуз қилиб айтиш билан боғлиқдир. Охирги, учинчи босқич жумла (гап)ни тўла тушунадиган босқич ҳисобланади.

Матнни тушуниш босқичма-босқич тушуниш характерига эгадир. Айрим муаллифлар томонидан матннинг иккитадан еттитагача бўлган мазмунини тушуниш босқичларини ажратишади. Бу босқичларнинг асосийлари қуидагилар ҳисобланади: 1) алоҳида сўзлар, гаплар ва матн қисмларини тушуниш босқичи, яъни матнни қисман тушуниш босқичи; 2) матн тили ва унинг бирикмалари, маъноларини тушуниш босқичи, яъни маънолар босқичи; 3) матннинг мазмун томонини тушуниш босқичи, яъни мазмун босқичи.

Тушунишнинг энг юқори босқичи — мазмун босқичидаги тушуниш ҳисобланиб, матн асосида нима

161

ётганлигини, муаллифнинг асосий ғояси нимада эканлигини тушунишни тақозо қиласди. Ўқувчи, талабага фақат матн мазмунинигина билиш зарур бўлмай, асар қаҳрамонлари қатъий ҳаракатларини аниклаш ва уларнинг ҳаракатлари ёрдамида муаллифнинг нима демоқчилигини билиш ҳам керак бўлади.

Англаш жараёни маълум тузилишга эга бўлиб, ундаги аввалги босқич кейинги босқичга ташкил қилувчи сифатида киради.

Ўқиш психологияси билан боғлиқ бўлган масалалар ўқиш нутқ фаолияти сифатида шаклланишида методик ишни ташкил қилувчи ўқиш механизмлари ёки операцияларини аниклаш имконини беради. Бу нарса тилнинг ёзув тизимини эгаллашни, ҳарф ва товуш ўртасида аниқ боғланиши (ассоциация)ни ишлаб чиқиши, сўзларнинг ўқиш қонунларини эгаллашни, уни маъно ва грамматик шакл билан мувофиқлаштириши, сўзларни сўз бирикмаси, ran ва матн билан бириткиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, матнни, унинг мазмунини тушуниш учун китобхонга матнни анализ (таддил) ва синтез қилишнинг бир қатор операцияларини эгаллашга тўғри келади. Матннинг алоҳида қисмларини мувофиқ келтириш, мавзуи, асосий фактларини ғояга боғлаш, хулоса чиқариш, мазмунни баҳолаш, матн асосида ғояни тушуниш, матнни тал-

қинқилиш каби ишларни ўзида акс эттиради.

Ўқиши нутқ фаолиятининг тури сифатида таҳлил қилиш, ўқиш жараёнини ва уни ўргатишнинг муракаб жараён эканлигини қўрсатади.

Психологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, ўқиш пайтида кўриш-ёзув ва нутқ-ҳаракат сезгилари ўртасида бевосита алоқа пайдо бўлади. Ўқишининг психохизиологик механизми кўриш-ёзув ва нутқ-ҳаракат сезгиларини ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро бирга нутқ фаолиятида иштирок этиши ўқиш пайтида маълумот олишни таъминлайди.

Инглизча матнни ўқиб тушунишда 2 та жараён содир бўлади: 1) қабул қилиш (восприятие); 2) тушуниш (понимание).

Инсовда иккита сигнал тизими бор. Биринчи сигнал ҳаракатга предметларни таъсири натижасида, предмет қўзғатувчилар асосида қарашига тушади, иккинчи сигнал тизими сўз қўзғатувчилар асосида (сўзлар таъсир қилиб кузатиш асосида) ҳаракатга тушади. Шу-

162

нинг асосида қабул қилиш биринчи сигнал тизими, тушуниш эса иккинчи сигнал тизимиdir. Қабул қилиш хиссий бўлиб, сезиб тушуниш (чувственное понимание)dir, биринчи сигнал тизимининг чегараланган иш фаолиятиdir, тушуниш эса онгли қабул қилишdir. Бу иккинчи сигнал тизимининг шартланган иш фаолиятиdir. Иккинчи сигнал тизими фақатгина биринчи сигнал тизими асосида вазифаси (функцияси)ни бажара олади. Биринчи сигнал тизим эса иккинчи сигнал тизимисиз вазифасини бажара олади. Иккинчиси биринчисиз бажарилмайди. Бундан шу хулоса келиб чиқадики—тушуниш қабул қилишсиз бўлмайди, қабул қилиш эса тушунишсиз бўлади. Психологик нуқгаи назардан матнни тўғри талаффуз қилиб мазмунни тушунмай ўқиш бу ўқиш эмасdir. Ўқиш малака қўникмаларини ҳосил қилиш, кўриш, қабул қилиш, талаффуз, тинглаш, тушуниш жараёнларини бир-бири билан тўғри чамбарчас боғлаб, бир жараён ҳосил қила олишdir.

Ўқиш асосида ёзма нутқни қабул қилиб, уни тушуниб етиш бўлиб, у рецептив нутқ фаолияти ҳисобланади. Ўқишида маълумот олиш оғзаки нутқقا ўхшаб эшишиш, тинглаш орқали бўлмай кўриш орқали бўлади. Бу ерда ички нутқ содир бўлади, (яъни қайтадан гапириш, ичидаги ўқиш), лекин унинг афзаллиги шуки, қайтадан матнни кўриб, ўқиб қайтариш мумкин, оғзаки

нүткәц бундай бўлмайди. Сўзларни, гапларни ўқиши, талаффуз қилиш билан бир вақғда тушуниш ҳам содир бўлиши мумкин.

## Ўқишини ўргатишда учрайдиган қийинчиликлар.

Қийинчиликларни иккига ажратиш мумкин.

1. Экстрагистик қийинчиликлар.
2. Лингвистик қийинчиликлар.

### Экстрагистик қийинчиликлар:

1. Ўқиш ўтказилаётган шароит.
2. Ўқиш тезлиги.
3. Матн мазмуни ўқувчи ёки талаба ёшига мос келиши.
4. Матн мазмуни қизиқ бўлиши.
5. Матндағи тил материалларини олдиндан ишлаб чиқилган бўлишлиги.

163

6. Ўқувчи, талабада олдиндан фаҳмлаш (антисипация) қобилиятини бўлишлиги.
7. Нотаниш материалларни кўп-кам бўлишлиги.
8. Матн мазмунининг таниш мамлакатлар ҳақида бўлишлиги кабилар.

### Лингвистик қийинчиликлар

1. Фонетик қийинчиликлар.
2. Лексик қийинчиликлар.
3. Грамматик қийинчиликлар.
4. Мураккаб структуралар, оборотлар, конструкциялар.
5. Тили ўрганилаётган мамлакатга хос исмлар, жой номлари, атамалар.
6. Сўзларни, гапларни тўғри ўқий олиш, талаффуз қилиш кабилар.

Юқоридаги қийинчиликларни матнни ўқишидан олдин, ўқитувчи йўқотишга ҳаракат қилиши, хисобга олиши, олдиндан билиши зарур. Ўқитувчи ўқишини ўргатишга тайёрлананаётганда, методик ташкил қилаётганда уларни хисобга олади.

### 2. Ўқишини ўргатишнинг мазмуни ва механизми

Ўқиши ўргатиш мазмуни деганда ўқиши ўргат-  
ганда нималар ўргатилади ва улар билан нима қилиш-  
ни ўргатиш тушунилади.

Ўқиши бу:

1) ҳарф-ҳарф бирикмаларига, сўзлардаги ҳарфлар-  
га мос, тўғри келадиган товуш бирикмаларини топиб,  
тўғри, хатосиз ўқиши, талаффуз қилиш;

2) гапдаги мантиқан (логик) эга ва кесимни то-  
пиш, уни тўғри урғу, ритм, оҳангда талаффуз қилиб ўқиши.

Уни қуйидаги мисол орқали кўрсатиш мумкин. The  
man there is my neighbour — У ердаги одам менинг  
қўшнимдир.

4. Ўқилган матннинг мазмунини тушуна олишдир.

Мана шулар ўқиши жараёнининг ажралмас 3 та қис-  
мидир, компонентидир. Булар ўқиши ўргатишнинг  
мазмунини ташкил қиласиди. Биринчи ва иккинчи ком-  
понентни ўқиши техникаси деб аташ мумкин.

Ўқиши ўргатиш мазмуни: 1) ўқиши техникаси; 2)

## 164

ўқиганининг мазмунини тушунишни ўргатишдан ибо-  
рат дейиш мумкин.

Хар бирини ўргатишни ўзига хос хусусиятлари бор,  
кейинчалик улар кўриб чиқиласиди.

Ўқиши ўргатиш мазмунини қуйидаги жадвалдан  
аниқ кўриш мумкин:

Ўқиши ўргатишнинг мазмуни		
1	2	3
Ҳарф, ҳарф бирикмала- рига товушларни топиб (талаффуз қилиш) ўқиши	Логик эга ва кесимни топиш.	Ўқиганининг маз- мунини тушуниш.

Ўқиши техникаси	Ўқиганининг мазму-нини тушуниш
--------------------	--------------------------------------

Ўқишининг яна бошқа механизмлари ҳам бор. Биз  
уларни ўрганмай, эгалламай ўқиший ўргана олмаймиз.

И. А. Грузинская «Ўқиши механизми—кўз илғайдиган  
матн материалини товуш образлари билан тўғри, тез

аниқ илғаб олиш, матннинг англатган бўлакларини тўла товуш, оҳанг аниклигига айтиш маҳорати» деб таърифлайди.

Ўқиш механизмларига 1) ҳарфлар, 2) ҳарф бирикмалари, 3) сўзлар, 4) гаплар—уларни тўғри талаффуз қилиш, ўқиш, 5) ритм, 6) оҳанг, 7) хотира, 8) фаҳмлайолиш, 9) тезлик киради.

Ўқитувчи ўқиши ўқувчи ва талабаларга ўргатиши лозим. Ўқиш бўйича унинг талаблари дастурда берилган. Бу эса ўқиш механизмларини ўргатиш орқали амалга оширилади.

Инглиз тилида ўқиши ўргатиш ўқиш техникасини ўргатишдан ва ўқиганнинг мазмунини тушунишдан иборатлигини биламиз. Ўқувчи, талаба матнни тушунгандагина ўқиш кўникмаси амалга ошади. Ўқувчи, талаба ўқиш техникасини эгалласаю, лекин матн мазмунини тушунмаса, ўқиш жараёни тўла амалга ошмайди. Олдин ўқиш техникаси ўргатилади, сўнг уни асосида ўқиганиннинг мазмунини тушунишга ўргатилади.

165

### *Ўқии техникасини ўргатиши*

Ўқиш техникасини ўргатиш ўқиганини тушунишни ўргатиш билан чамбарчас боғлиқцир. Кўпинча ўқиш техникасини овоз чиқариб ўқиш деб тушунилади, у овоз чиқармай ўқишига ҳам тааллуқлидир. Овоз чиқармай (ичида) ўқилганда талаффуз қилиш овоз чиқариб ўқилгандаги каби ташқи нутқца эмас, балки ички нутқда ҳам намоён бўлади. Овоз чиқариб ўқиш-ўқиш техникасини ўргатишда етакчидир, унга кўп вақт ажратилади.

ўқиш техникаси, деганда кўз билан кўраётган ҳарф, ҳарф бирикмасига мос товуш, товушларни топиб қўйиб, овоз чиқариб, овоз чиқармай тўғри оҳангда ўқишдир.

Ўқиш техникасини ўргатишда бир неча усуллардан фойдаланилган.

1. The phone method — фоник метод. Олдин товушлар кўрсатилиб, кейин графика (символи) — ёзув белгисини ифодаловчи ҳарф кўрсатилади, ўқитилади. Бу методни З. М. Цветкова методи деб ҳам аталади.

2. The word method — бутун сўзни ўқиб бериш ва унй қайтартириб ўқитиш орқали ўқиш техникаси ўргатилади.

3. The sentence method — гапни ўқиб бериш ва уни

қайтартириб ўқитиши орқали ўқиш техникаси ўргатилади. Бу метод С. К. Фоломкина ва Каар методи деб ҳам юритилади.

Бу методлар ўз ўрнида камчиликларга эга, шу сабабдан уларни ўрнига ҳозир аналитико-синтетик метод ўқиш техникасини ўргатишида қўлланилади.

Мактабда инглиз тилини ўргатишида ўқишни ўргатишининг аналитико-синтетик методи қўлланилади. Она тилида саводхонликка ўргатишида ҳам ана шу методдан фойдаланилади. Бу метод бўйича ўқиш техникасини ўргатишида ўқувчиларга маълум ўқиш қоидалари айтилади, бу қоидаларни амалий ўзлаштириш учун сўз тахлиши (сўзни бўғинларга ажратиш; товуш-ҳарф муносабатларини аниқлаш) қўлланади, ундан кейин сўзниң яхлит (синтетик) ҳолда идрок қилиш автоматлаширилади.

Ўқувчи, талабага ҳарфни. ҳарф бирикмаларини, ўқиш қоидасини ўқитувчи ўргатгандан сўнг сўзларни уларниң ўзига мустақил ўқиш талаб қилинади. Унда 166

ўқувчи гапни сўзларга ажратади, сўзларни бўғинларга ва ҳарфларга ажратиб, уларга тўғри келадиган мос товушларни топадилар, бунда аналитико-синтетик методни аналиггих\_қисми бажарилади, яъни ran, сўзлар анализ-тахлил қилинади, синтетик қисмida эса товуш, товуш бирикмаси қўшилиб ўқилади, талаффуз қилинади, яъни синтез қилинади, қўшилади.

Булар ўқувчи, талабани ичида, онгида жуда катта тезликда бажарилади, у ҳарфларни танигач, янги сўзларни шу метод орқали ўзи мустақил ўқийди, ўрганади.

Маълумки, ўқиш техникасига тўғри урғу, оҳанг билан ўқишни ўргатиш ҳам киради. Ўқитувчи унинг учун сўзларга урғу қўйдириб, устун-устун қилиб якка, жўр қилиб ўқиттиради. Оҳангни, ритмни ўргатиш учун эса намунавий гаплар олиниб, улардаги сўзларга урғулар, оҳангни ифодаловчи (кўтаришувчи, пасаювчи) белгилар қўйдирилади, тушунтириб якка, жўр қилиб, ўқитиб ўргатиш мумкин.

Уни қуйидагича кўрсатиш мумкин: This' is\*a pen. Сўнг ўқиш техникасини узлаштириш, мустаҳкамлаш учун машқлар ўтказилади. Ўқиш техникаси яна матнни ифодали ўқишни ўргатиши ҳам кўзда тутади. Ўқитувчи уни ўргатиши учун 5—6-синфларда матнларни ҳаммасини овоз чиқариб ўқигиб, ифодали ўқишга ўргатади.

Үқиши техникасига 5—6-синфларда асос солинади, үргатилади. 7—8—9-синфларда эса уни ривожлантириш мақсадида машклар үтказилади.

### *Үқиганнинг мазмунини тушунишини ўргатиш*

Үқиганнинг мазмунини тушуниш үқиши техникаси асосида уни эгаллагандан сўнг амалга оширилади. Усиз амалга ошириш мумкин эмас. Ўқувчи, талаба үқиши техникасини билмаса, матн мазмунини тушунаолмайди. Матн мазмунини тушуниш учун кўпинча овоз чиқармай ўқилади, ўқитилади.

Ўқиладиган матн мазмунини, ўқувчи, талаба учун қизиқ, нотаниш, янги маълумотга бой, ёшига тўғри келадиган, кучи етадиган бўлиши лозим, акс ҳолда ўқувчи, талаба матнни ўқимайди. Мазмуни нотаниш матнни ўқувчи, талаба тушуниши учун маълум вазифани бажариши лозим.

Ҳар бир машқцаги вазифани ўқувчи, талаба ўзи

167

мустақил бажараоладиган бўлиши лозим. Ўқишида ўқувчи, талаба олдида таниш тил (фонетика, — лексика, грамматика) материаллари асосида нотаниш мазмунни ўқиб тушуниш вазифаси туради.

Матнни ўқиб мазмунини тушунишни ўргатиш қуидаги методик кетма-кетлигига олиб борилади.

1. Матнни ўқитишдан олдин нотаниш ҳарф, ҳарф бирикмалари, сўз, иборалар, грамматик материаллар тушунтирилади. 5—6-синфларда ҳамма тил материаллари ўргатилади, уларга фақат матн мазмуни нотаниш бўлади. 7—8—9-синфларда ўқитиладиган матнларда баъзи нотаниш сўз, ибораларни фаҳмлаб тушунишга ҳарарат қилинади.

2. Нотаниш мамлакат, жой номлари, исмлар, урфодатига оид сўзлар таништирилади.

3. Матнни кўриб чиқиб яна ҳар бир ўқувчи ёки талаба ўзи учратган нотаниш сўзларни топса, ўқитувчи билан ҳал қиласи.

4. Баъзи нотаниш материалларни фаҳмлаб тушунадилар.

5. Ўқувчи, талабалар овоз чиқармай ўқиб, нотаниш мазмунни тушунишга ҳарарат қиласи.

6. Ўқитувчи «Where did the story take place? Who took part in it? What are their names? When did it take place?» каби саволлар бериш, баъзи ran, абзацларни таржима

қилдириш орқали мазмунни тушунишга ёрдам беради, ургатади.

7. Ўқувчи, талаба матнни уйда ўқиса, буларни ўзлари уйда мустақил бажаради.

8. Ўқитувчи ўқувчи, талаба ўқиб бўлганидан сўнг мазмунни тушунганлигини текширади. Унинг учун машқлардан фойдаланилади. Машқлар икки хил бўлади;

Матндан маълумот олиш кўникмаларини ривожлангириш ва матннинг умумий мазмунини тушуниш мақсадларига қаратилган машқлар тузилади, ўтказилади.

Текшириш машқдари матнни ўқищдан олдин берилиши, ўқигандан кейин эса бажарилиши мумкин.

Матнни ўқищдан олдин қўйидаги машқлар берилиши, ўқигандан сўнг бажарилиши мумкин.

1. Кўйилган саволларга жавоб беринг.

2. Матндан асосий фикр айтилган гапларни топинг.

3. Ўқитувчи гапни бошланишини айтади, кейин ўқувчилар топиб ўқишади.

4. Берилган сўзни топиб ўқинг ва таржима қилинг.

168

5. Матн мазмунини ўзбек ёки инглиз тилида сўзланг каби машқлар.

Юқоридаги машқлар қуи синф ўқувчиларига олдин берилгани маъқулдир, чунки уларда бевосита хотира ривожланган бўлади.

Матнни ўқигандан кейин бериладиган ва ўтказиладиган машқлар.

1. Матн мазмунини она тилида ёки инглиз тилида сўзлаб беринг.

2. Саволларга инглиз тилида ёки она тилида жавоб беринг.

3. Ўқитувчи айтган фикрни тасдиқловчи гапни топинг.

4. Матндан нутқ вазиятини топинг.

5. Матнга сарлавҳа қўйинг.

6. Матнни сўзлашта режа тузинг.

7. Берилган гапларни ёки парчаларни таржима қилинг каби машқлар.

Ўқитувчи бу машқларни юқори синф ўқувчилари билан ўтказгани маъқулдир, чупки уларда давомли хотира ривожланган бўлади.

Матн мазмунини сўзлатишдан асосий мақсад мазмунни тушунганликни текширишdir. Ҳар бир матннинг мазмунини ўқувчи, талабалар тушунганлитини текширишда матннинг осон-қийинлигига, ўқувчи, та-

лаба кучига қараб ю^оридаги ўқитувчи машкларидан биттасини танлайди. Ўқитувчи машкларни уйга оғзаки ёки ёзма бажаришга бериши мумкин. Ўқувчи, талаба матн мазмунини инглизча сўзласа, матннинг мазмунини тушунганликлари текширилади ҳамда инглизча сўзлаш, гапириш ривожлантирилади. Матнни инглизча гапиртириш, сўзлатиш матннинг осон-қийинлигига ўқувчи, талабани кучи етишига қараб танланади, лекин матнни инглизча гапиртириш мажбурий эмасдир.

### *Матбуот материалларини ўқишига ўргатиши*

Матбуот материалларига рўзнома, ойнома мақолаари, радиода, телевизорда берилган инглиз тилидаги эшиттириш, кўрсатувлар киради.

Республика ўрта мактабларида иккинчи босқичда ўқувчиларга матбуот материали устида ишлай олиш, улар мазмунини тушуниш ўргатилади ва улардан талаб Қилинади. Ҳозирги пайтда матбуот материали сифати-<sup>169</sup>

да инглиз тилидаги ойнома ва рўзнома мақолаларини ўқувчи, талабаларга ўқитиш мумкин. Бундай ишдан кутилган мақсад ўқувчи, талабаларни кундалик воқеалардан хабардор қилиш ва уларни келажакда инглиз тилидаги мақолаларни мустақил ўқиб, тинглаб маълумот олишга ўргатишдан иборатдир. Матбуот материали ўқувчи, талабаларнинг луғат бойлигини оширади ва дунёқарашини кенгайтиради.

Рўзнома мақоласи устида ишлаш синфда, аудиторияда ва уйда амалга оширилади. Ўқитувчи бутун синф, гурух учун битта мақолани ёки ҳар бир ўқувчи, талаба учун алоҳида мақола танлаши, тайёрлаши мумкин. Ўқувчи, талабалар кўпинча мақолаларни овоз чиқармай ўқиб, мазмунини тушунадилар, маълумот оладилар. Мақола мазмуни ўқувчи, талабага нотаниш бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда яна радиода эшиттирилаётган, телевизорда кўрсатаётган инглизча ахборот, янгиликни ҳам тинглаб тушунишга ўргатиш лозим. Бундай материаллар бериляпти. Кейинчалик уларни ўзлари мустақил тинглаб тушунадилар. Аста секин ўқитувчи матбуот материалларини тушунишда учрайдиган сўз, ибораларни ўргатиб бориши керак. Баъзи нотаниш сўз, ибораларнинг таржимасини, жойларнинг номларини ўқилишини мақола, матнни тепасига ёки тагига ёзиб қўйиш хато эмас. Улар ўқиб тушунишга ёрдам беради.

Ҳамма инглиз тили дарсликларида ўқиши учун матбуот материаллари берилган эмас, уларни ўқитувчи тайёрлайди ёки талабаларни ўзлари ҳам тайёрлаши мумкин.

Матнларнинг мазмунини тушунганликни албатта текшириш лозим. Унинг учун юқоридаги айтилган машқлардан фойдаланилади. Ўқувчи, талабалар карта-дан мамлакатларни кўрсатиб сўзласалар, жавоб берсалар, янада қизиқарлироқ бўлади.

### *Ўқиши турлари*

Турли типдаги ўқув юртларидағи мақсад, вазифаларни ҳисобга олиб, турлича ўқиши турлари ўтказилади. Методик адабиётларда чет тилидаги ўқиши турлари қуидаги мезонларга кўра фарқ қилинади: она тилининг иштирок этишига қараб таржимали ва таржимасиз ўқиши; анализ ва синтез элементларнинг нисбатига кўра -аналитик ва синтетик ўқиши; ўтказилиш жойига қараб синфда, аудиторияда, уйда ўқиши; мажбурийлик дара-жасига кўра, мажбурий ўқиши ва ёрдамчи ўқиши; тайёр-

170

гарлик даражасига кўра, қисман тайёрланган, тўла тай-ёрланган ва тайёргарликсиз ўқиши турлари борлиги айт-тиб ўтилади.

Яна кўз югуртириб ўқиши, танишиш мақсадида ўқиши, таълимий ўқиши, изланиб ўқиши, синчиклаб ўқиши турлари ҳам мавжуд.

Умуман айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, фаолият натижасига кўра, 50 дан ошик ўқиши турлари бор.

Олий ўқув юртларида аналитик, синтетик, таржи-мали, таржимасиз ўқиши турлари ўтказилади. Санаб ўтилган ўқиши турлари ҳар хил натижаларни олишни мақсад қилиб қўяди. Масалан, кўз югуртириб ўқиши мақола ёки китоб мавзуси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилгавдир. Бу маълумотни олиш учун сарлавҳа ёки кичик сарлавҳага қараш, айрим хатбоши (абзац) ёки гапларни тез ўқиб чиқиши, яъни мақола ёки китобни кўриб чиқиши етарли ҳисобланади.

Танишиш мақсадида ўқишида эса китобхон китоб ёки мақоланинг аниқ мазмунин билан танишишга ҳара-кат қиласиди. У бу пайтда ўз эътиборини асосий маълу-мотга қаратади. Шу боисдан бу ўқиши тури матн мазму-нини умумий ҳолда тушуниб ўқиши деб ҳам юритилади.

Танишиш мақсадида ўтказиладиган ўқиши тури тез маромда равон ўқиши тури саналади. Таълимий ўқиши тури ўгказилганда ўқувчи, талаба матндан ифодалан-

ган маълумотни тўла, аниқ тушунишга ва уни танқидий қабул қилишга интилади. Ўқувчи, талаба олинган маълумотдан кенфоқ фойдаланиш кўзда тутилади. Шу сабабли талаба, ўқувчидан матн ёки мақолани батафсил билиши учун обдон ўқиб чиқиш, айрим жойларини эса қайта-қайта ўқиб чиқиш талаб қилинади.

Ҳозир ўрта мактабда учта ўқиши турлари мавжуд.

1. Танишув ўқиши тури;
2. Синчиклаб ўқиши тури;
3. Кўз югуртириб ўқиши тури.

Танишув ўқиши тури учун тил материаллари жиҳатдан таниш ва осон бўлган катта ҳажмдаги матнлар ўқиши учун олинади. Бу ўқиши тури орқали ўқиб, маълумот олишга ўргатишдан олдин ўқиши синфда, аудиторияда ўтказилади, кейин уйга кўчирилади. Дарсда эса тушунганлик даражаси текширилади. Ўқитувчи тушунишни осонлаштирадиган сўз, ибора, жумлаларни саралайди, тушунтиради, текшириш объектларини аниқлайди. Танишув ўқиши тури орқали энг кўп, 80—90%

171

маълумот олишга эришилади. Ўқувчи матн мазмуни билан танишади. Бу ўқиши тури 6—7—8—9-синфларда овоз чиқармай ўқиши шакли орқали амалга оширилади.

Синчиклаб ўқиши—ўқувчи, талаба матннаги қизиктирадиган фикрни, маълумотни, далилни, топширикни топиш мақсадида синчиклаб ўқийди. Далил, топшириклар, вазифалар ўқитувчи томонидан олдиндан берилиши мумкин. Маълумот кўпроқ топшириқ, вазифа, далил ҳақида олинади. Матн бўйича умумий маълумот кам олинади. Ўқиши овоз чиқармай амалга оширилади, синфда ўтказилади, уйда ўқилиб, синфда текширилишлиги ҳам мумкин, у 7—8—9-синфларда ўтказилади. Матнлар мазмуни турлича бўлади. Иш бутун матнга кўз югуртириб чиқишидан бошланади. Кейин матн синчиклаб ўқилади. Тушунганликни текшириш машқи сифатида энг кўп холларда айрим қисмлар эса она тилига таржима қилинади.

Кўз югуртириб ўқишида энг кам маълумот олинади. Олдиндан фаҳмлаш, хулоса чиқариш, фақат керакли маълумотни кўз югуртириб тезда топиш кўнималари ривожлантирилади. Топшириклар матн ёки мақоланинг ким ёки нима ҳақида эканлигини тез аниклаш, бирон киши ёки жой, нарса ҳақида матнда ёзилган жойни тез топиш кабилар бўлиши мумкин.

Олий ўқув юртларда кўпинча аналитик ва синтетик

(мустақил, уйда ўқиши — домашнее чтение) турлари отказилади. Анадитик ўқишида талаба матн мазмунини матндаги сүз ибораларни, қийин абзацларни анализ — тахлил қилиш орқали таржимасиз тушунади, матндан маълумот олади. Синхетикда эса тескариси тўғридан-тўғри, анализ қилмай ўқиб, маълумот олинади.

### *Ўқиши шакллари*

Ўқишининг шакллари 4 та;

1. Овоз чиқариб ёки баланд овоз билан ўқиши — reading aloud
2. Овоз чиқармай ёки ичида ўқиши — silent reading
3. Якка (индивидуал) ўқиши — individual reading
4. Жўр (хор) бўлиб ўқиши — reading in chorus

Овоз чиқариб ўқиши шакли кўпинча ўқиши техникасини ўргатишида кенг фойдаланилса, овоз чиқармай ўқиши эса ўқиганининг мазмунини тушунишда ишлайди.

172

тилади. Якка ўқиши эса овоз чиқариб ўқиши орқали, ифодали ўқишини ўргатишида, уйда ўқиби мазмунни тушуниш овоз чиқармай ўқиши орқали амалга ошади. Жўр ёки хор бўлиб ўқиши, ўқиши техникасини, ифодали ўқишини ўргатишида қўлланилади. Албатта у овоз чиқариб ўқиши орқали бўлади.

Овоз чиқариб ўқиши талаффузни йўлга қўйиш ва тузатиш билан бирга олиб борилади. Овоз чиқариб ўқиши устида ишлаш овоз чиқармай ўқишини ўргатишида асос яратади. Бу пайтда сўзларни шаклан белгиларини уларнинг гапдаги маъно ва вазифалари билан мувофиқ келтиришга, шакл ва мазмунни тахмин қилишга, матн мазмунидаги босқичларни ёки чегараларни топишга, матн муаллифи ғоясини тушуниб етишга катта аҳамият берилади.

### *Ўқиши тезлиги*

Ўқишининг тезлиги ҳам бор. Ўқиши тезлиги ўқиши техникасини, ўқиганининг мазмунини тушунишда, ифодали ўқишини ўргатишида муҳим ўрин тутади, уларга таъсир қиласи. Ўқишида одатдаги (нормал) қулай, юкори, ўртача, секин тезликлар бўлиши мумкин.

Одатдаги тезлик деганда оддий шароитда кўпчилик ўқий оладиган, тушуна оладиган тезлик тушунилади.

Қулай тезлиқда ўқувчи, матнни ўқиб мазмунни тушуниш ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмайди. Тезликлар ўқиши турига, шаклига қараб турличадир.

Овоз чиқарып ўқишида одатдаги тезлик бўлиб, 1 секундца 3,8 сўздан 8,8 гача (юқорироқ бўлса 12,2) сўзларни овоз чиқармай ўқишида эса 2,2 та сўздан 4,7 ёки 6,4 тагача сўзларни ўқиб, тушуна олиш ҳисобланади.

Ўқиши тезлиги ўқиши турига қараб 4 босқичга бўлиниади:

1. Матндан маълумот олиш ёки қидирав тезлиги;
2. Ўқилган матндан факт, деталларни аниқлаш тезлиги (беглое чтение).
3. Матн мазмунидан кенгроқ, маълумот олиш тезлиги.
4. Матнни сўзлаш учун ўқиши тезлиги

Ўқишида ҳозир 3 та тезлик кўзда тутилади:

- a) юқори тезлиқда ўқиши; б) ўртacha тезлиқда ўқиши;
- в) секин тезлиқда ўқиши.

Тезлик сифати синфдан-синфга қараб ошаверади.

173

Ҳозирги пайтда яна ўқиши тезлиги қуйидагича тақсимланади.

Тезлик	Вақт	Сўзлар сони
1. Энг ёмон ўқиши	1 минутда 1	175 та сўзли матнни ўқиши
2. Ёмон ўқиши	минутда 1	200 та сўзли матнни ўқиши
3. Ўртача ўқиши	минутда	230—270 та сўзли матнни ўқиши
4. Яхши ўқиши	1 минутда	270—320 та сўзли матнни ўқиши
5. Энг яхши ўқиши	1 минутда	320—400 та сўзли матнни ўқиши
6. Аъло ўқиши	1 минутда	400 та сўзли матнни ўқиши

### *Матн устида ишилаши босқичлари*

Матн ўқишини ўргатиш ва унинг устида ишилашнинг босқичлари бор, улар ўқишини ўргатишда муҳимдир, чунки юқори синфларда талабалар ўқийдиган матнлар катта бўлиб, тузилиши ва иш материаллари хусусияти жихатдан мураккабдир.

Ўқитувчининг ўқишини тўғри ташкил қила олиши ўқишини ўргатишда тез, тизимли амалга оширишда ёрдам беради. Шу сабабдан ўқитувчи унга тайёрланиб, тўғри ташкил қилиши лозим.

Ҳозирги пайтда нотаниш мазмунли матн устида ишлеш 4 та босқичга бўлинади:

1. Тайёрлов босқичи.
2. Матнни бевосита ўқиш босқичи.
3. Матнни ўқигандан кейинги босқич.
4. Ижодий босқич.

Биринчи босқичда матнда учрайдиган янги, нотаниш лексик ва грамматик материаллар таништирилади, киритилади, тушунтирилади. Шунинг учун бу босқич 2 га: 1) лексик қисм; 2) грамматик қисмларга бўлинади. Агарда матнда нотаниш янги сўзлар, грамматика учрамаса ҳам бу қисмлар ташлаб кетилмайди, эскилари ёдга туширилади.

Иккинчи босқичда бевосита матн ўқувчиларга ўқитилади. Уқиганни тушунишга ўргатилади. Матнни овоз чиқариб, чиқармай ўқиш иккинчи босқичда амалга оширилади.

Учинчи босқичда матнни ўқиб бўлгандан кейинги мазмунни тушунгандликни текшириш турли машклар

174

орқали амалга оширилади. Матн мазмунини бошқа мавзуга кўчириш, мазмунни кенгайтириш ишлари бажарилади. Уқувчи, талабалар билганларини қўшадилар, кенгайтирадилар.

Тўртинчи ижодий босқичда эса ўқувчи, талабалар матн мазмунига ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил айтадилар, унинг тарбиявий томони таҳдил қилинади, чуқурлаштирил ади.

### **Ўқишни ўргатишда риоя қилиниши лозим бўлган Тамойиллар**

Самарали ўқишни ўргатиш она тили ва инглиз тилида ўқиш жараёнларини билиш билан боғлиқдир. Ўқишни ўргатиш психология, психолингвистика, физиология каби фанлар фактлари ва методик экспериментал натижаларига асосланиб амалга оширилади. Инглиз тилида ўқишни ўргатиш ўқувчи, талабалардан уни нутқ фаолиятининг тури, маълумот олиш усули сифатида тушунишни талаб қиласиди. Ўқувчи, талабалар ўқишни тил материалини овоз чиқариб айтиш, уни эса эсда саклаш ва таржима қилишда машқ сифатида қабул қиласлиги керак. Ўқиш нутқ фаолиятининг тури сифатида ўз вазифасини бажара олиши учун ўқувчи, талабада етук китобхонга хос бўлган зарурий малака ва

кўникмаларни ривожлантириш зарур.

Ўқиши кўникмасининг ривожланиши тил материалини ўзлаштириш билан бир пайтда содир бўлади.

Ўқувчи, талабалар ўқиши нутқ фаолиятининг тури сифатида идрок қилишлари учун уни ўргатишида қўйидагиларга риоя қилишлари лозим:

1. Ўқиши учун шундай матнларни танлаш керакки, уларнинг далилий материалини ўқувчи, талаба ўқув фаолиятининг бошқа турларида қўллай олсин. *Масалан*, бошқа дарсларда, синфдан ташқари ишларда фойдалансин.

2. Ўқувчи, талабаларга матнларни ўқиши учун иложи борича кўпроқ матнларни танлаш имкониятини яратиш лозим. *Масалан*, кўрсатилган учта рўзнома мақоласидан бирини уйда ўқиб келиш учун вазифа қилиб бериш.

3. Ўқувчи, талабаларга ўз она тилида дуч келадиган вазифаларга ўхшаган топшириклари ббр матнларни ўқиши учун бериш керак. *Масалан*, матндан маълум

**175**

маълумот олиш, матн ғоясини аниқпаш, матндаги айрим фактларни баҳолаш кабилар.

4. Янги матнда тил материаллари таниш, лекин мазмунни нотаниш бўлсин, у орқали ўқувчи, талаба янги маълумот олсин, дунёқарашини кенгайтирсин.

5. Янги матнни биринчи бўлиб ўқувчи, талаба ўқисин, чунки у матндаги ҳарф, ҳарф бирикмалари, сўзлари билан олдиндан таништирилган. Бу мустақил ўқишига ўргатади, акс ҳолда мустақил ўқиши ўрганилмайди.

6. Янги ўқилган матн қисмлари бўлинниб олинмайди, чунки мазмун бўлинади.

7. Матнни сўзма-сўз таржима, яъни битта гап ўқиб таржима қилиш ва яна ўқиб таржима қилиш мумкин эмас. Бунда ўқувчи, талабани бир тилдан, иккинчи тилга ўтиши ва яна қайтадан инглиз тилида ўқиши, инглиз тилини ўрганишни секинлаштиради.

8. Матнни ўқитаётганда мумкин қадар кам она тилидан, таржимадан фойдаланиш лозим. Жуда зарур пайтда ундан фойдаланиш, ўқиб таржимасиз маълумот олишга ўргатиш лозим.

9. Матнни ўқитгандан кейин ўқувчи, талабани матн мазмуни бўйича мустақил фикрлашга, тарбиявий томонини сингдиришга, таҳдил қилишга ўргатиш зарур.

10. 5—6-синфларда матнларни ҳаммаси овоз чиқарып ўқилади, 7—8—9-синфларда эса кўпинча овоз чиқармай ўқитилиб, бир қисми овоз чиқариб ўқитиш орқали ифодали ўқиш ривожлантирилади.

11. Матннинг мазмунини тушунганликни инглиз тили орқали текширишта ҳаракат қилиш лозим.

12. Матн мазмунини ўқиб таржимасиз тушунишга ўкувчиларни ўргатиш лозим.

13. Ҳар бир ўқилган матннинг мазмунини инглизча изохлаб гапиртириш мажбурий эмас, лекин инглизча гапиртирилса тушунтанилини текширилади.

Ўқиш билан боғлиқ бўлган қатор ташкилий жараёнлар ҳам катта аҳамиятга эга: матн доимо яхлит мазмунга эга, шунинг учун уни яхлит ҳолда ва бир марта ўқиш тавсия қилинади, битта матнни қайта ўқиганда ўкувчи, талабаларга бериладиган топшириқни ўзгаришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилмайди, матнни тил материали устида машқ қилиш деб тушунилмаслик керак.

176

Матнни биринчи бўлиб ўқитувчи эмас, ўкувчи ўқийди. Матнни ўқиш бўйича иш ўқишининг у ёки бу тури доирасида амалга оширилади. Уқиш жараёни ўқиш мақсади таъсирида пайдо бўладиган ўкувчи, талаба оладиган кўрсатма билан белгиланади. Ўқув шароитларида у ўкувчи, талабага бериладиган инструкция, яъни топшириқ асосида шаклланади. Шунинг учун ўқиш бўйича ўтказиладиган ишга биринчи талаб сифатида ўқиш турита топшириқнинг мос бўлишлiği ҳисобланади. Ўқишга қуйиладиган иккинчи талаб, текшириш шаклининг ривожлантирилаётган ўқиш турига мувофиқ бўлишлิตидир.

Ўқиши фаолият тури сифатида машқ қилдираётган пайтда С. К. Фаломкина томонидан тавсия қилинган қуйидаги йўл-йўриқларга ўқитувчи амал қилиши керак.

1. Матнни ўқишдан аввал ўтказиладиган оғзаки иш матн мазмуни устида бўлмаслиги керак. Агар у матн мазмунини ўз ичига олса, унда тушуниб олиш учун ҳеч нарса қолмайди ва матн ўз коммуникатив қийматини йўқотади.

2. Матнни назорат қилиш обьекти бўлиб тил материали эмас, матн мазмунини тушуниш ҳисобланади.

3. Матнни илк бор ўкувчи, талабаларнинг ўзлари ўқишилари керак, бу нарса ўқилаётган матн мазмунини

мустақил тушунишга шарт-шароит яратади.

4. Битта матнни бир неча марта ўқиши максадга мувофиқ әмас. Агар матннинг мазмуни тушунарли бўлса, қайта ўқиши матннинг қийматини йўқотади ва у оддий овоз чиқариб ўқишига айланади. Агар ўқиши матн мазмунини чуқурроқ тушунишга қаратилган бўлса, қайта ўқиши ўзини оқладайди.

### *Ўқишини ўргатишда қўлланиладиган машқлар*

Ўқишини ўргатишда тил ёки тайёрлов ва нутқ машқлари қўлланилади. Ўқишини ўргатишда қўлланиладиган тил ёки тайёрлов машқлари тил материалини тушуниш билан боғлиқ бўлган малакаларни ҳосил қилишга кўмаклашади. Тил ёки тайёрлов машқлари ўқиши техникасини шакллантириш ва ривожлантириш, ўқишининг тилшунослик ва психологик механизмларини барпо қилишта қаратилгандир. Юқорида айтиб ўтилган машқлар воситасида ўқувчилар инглиз тили ҳарфлари-  
177

ни бир-биридан ва ўзбек тили ҳарфлардан фарқлашга, уларни тўғри ўқишига ўрганадилар. Бундай машқлар орқали матнда учрайдиган тил материаллари устида иш олиб борилади. Улар нотаниш матндаги қийинчиликларни бартараф қилишга ва унинг нотаниш мазмунини тушунишга ўқувчи, талабларни тайёрлайди. Матн мазмунини тушуништа ўқувчи, талабаларни тайёрлайди. Матн мазмунини тушунишни таъминловчи машқлар нутқ машклари хисобланади. Бундай машқлар нотаниш матнни ўқиб тушуниш, уни асосий маълумотни ёрдамчисидан фарқлашни, уни мазмун жиҳатдан қисмларга ажратишни, унинг мазмунига ўз муносабатини билдиришни ва тушунилган мазмунни тахлил қилиш, баҳолаш каби қўникмаларни ривожлантиради.

Ўқишига тайёргарлик қўриш тил материалини таниб олишни тезлаштирадиган, яъни унинг график (ёзма) шаклини товуш ва мазмун томони билан мувофиқлаштиришни таъминлайдиган машқларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай янги материал ўқиши жараёнини секиғшаштиради, китобхонни айрим қисмларини қайта ўқишига мажбур қиласиди. Шу сабабли матнни ўқишидан олдин бажариладиган машқлар ҳарф-товуш нисбатини мустахкам ўзлаштиришга, ёзув материалини яхлит идрок қилишга, талаффуз малакасини, айниқса, нутқ оқими ни синтагмаларга бўлиш малакаларини ҳосил қилиш-

га, матн мазмунини тахмин қилиш механизмини шаклланишига йўналтирилган (қаратилган) бўлиши лозим.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар.**

- 1. Ўқишиш нутқи фоалиятининг тури эканлигини тушунтиринг.**
- 2. Ўқишишни ўргатиш мазмунини баён этинг.**
- 3. Ўқишиш техникасини ва ўқиганнинг мазмунини тушунишийрга-тиш ҳақида гапиринг.**
- 4. Матн устида ишлаш босқичларини тушунтиринг.**
- 5. Ўқишиш турлари ҳақида гапиринг.**
- 6. Қандай ўқишиш шакллари бор ва улар қандай ўқишиш тури ўтка-зилганда қўлланилади?**
- 7. Ўқишишни ўргатишда 2 та машқ типлари иштирок этадими?**
- 8. Дарсликларда «Read» рубрикасида берилган машқ асосида ўқишиш техникасини ўргатинг.**
- 9. 7—8—9-синфлар «English» тили дарслигида берилган матн асосида ўқишишни ўргатишни ишлаб чиқинг.**

**10. Инглизча матбуот материалларини ўқишишни амалда кўрсатинг.** **178**

### **4-§. ИНГЛИЗ ТИЛИ ЁЗУВИНИ ЎРГАТИШ**

Замонавий инглиз тилини ўргатиш методикасида «ёзма нутқ», «ёзув» тушунчалари фарқланади. Била-мизки, коммуникация оғзаки ва ёзма нутклардан иборат. Оғзаки нутқнинг компонентлари тинглаб тушуниш, гапириш орқали коммуникация амалга ошса, ёзма нутқ орқали ҳам коммуникация амалга ошади. Ёзув — ёзма нутқнинг компонентига ўқишиш ва ёзув киради. Ёзув — ёзма нутқнинг ажралмас компонентидир.

Ёзув ҳам нутқи фоалияти ҳисобланади. У орқали маълумот алмашилади. Инглиз тилини ўргатишда ёзув муҳим ўрин тутади. У орқали ўзага ахборот, маълумот берилади, ёзув орқали биз маълумотни кўп вақт ҳатто, асрларгача саклаб қоламиз, келажак авлодга етказамиз. Ёзув бўлмаса шунча илмий-тарихий бойлигимиз сақланиб қолинмасди, биз улардан бехабар қолардик.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёзув нутқи фоалитидир ва уни ўрганишимиз керак. У продуктив нутқи фоалияти ҳисобланаб ахборотни, маълумотний ёзув орқали кодлашдан иборатдир.

#### *1. Ёзув — таълимнинг мақсади ва воситаси*

Турли типдаги ўқув юртлари учун чет тиллари бўйича нашр қилинган деярли барча дастурларда ёзув мақсад эмас, таълим воситаси сифатида белгиланганди. Фақат 60-йилларда чиқарилган дастурлардагина таълим мақсади сифатида анча камтарона талаб — ўқувчи, талабаларда чет эллик дўстларига хат ёза олиш кўникмасини шакллантириш вазифаси қўйилган эди. Янги дастурда эса ёзув ҳам ўқитиш мақсади, ҳам воситаси қилиб олинган.

Ёзув таълимнинг ҳамма босқичларида ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, у гапириш, тинглаб тушуниш ва ўқиш кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш воситаси вазифасини бажарган. V—IX синфларда ёзув таълимнинг мақсади ҳисобланади.

Ёзув ўқиши воситаси сифатида қўлланиб, ўрта мактабда таълимнинг турли босқичларда ҳар хил роль ўйнайди. *Масалан*, таълимнинг биринчи босқичидаги асосий вазифа ёзувни ўргатишдан иборат; чунки бу даврда ҳуснихат кўникмалари ҳамда товуш — ҳарф мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган кўникмалар таркиб 179

топади. Бу кўникмалар ўқиши ва ёзувнинг шаклланиши учун зарур шарт-шароитдир.

Ўқитишнинг иккинчи босқичида ёзув устида олиб бориладиган иш янги тил материалининг тўпланиши билан боғлиқ бўлган имло устидаги ишга кўчирилади. Шу билан бирга ёзма нутқ оғзаки нутқ кўникмалари ни шаклланишига имкон берувчи восита сифатида ривожлантирилади.

Таълимнинг бу босқичида илгари эгалланган ёзув кўникмалари оғзаки нутқнинг ҳам ривожланиши билан такомиллашиб боради. Янги тил материали билан боғлиқ ҳолда имло устида ишлаш ҳам давом эттирилади ва фикрни ёзма баён қилиш ўргатилиб, ривожлантирилади.

Бундан ташқари, ёзув яна бир муҳим ролни ўйнайди — у ўқувчиларнинг тил устида мустақил иш олиб борища, ҳусусан ўқилган матнлар юзасидан аннотациялар ёзиш ва режалар тузишда ёрдамчи воситага айланади.

Ёзув бошқа нутқ фаолиятларини шакллантиришда, ривожлантиришда воситачилик қиласи. Ёзув орқали ўзганинг фикрини ёзиб оламиз, ўқиганимизни ёzsак, хотирамизда яхши сақланади, гапириш учун маълумот тўплаймиз, гапиришимиз осон бўлади. Ёзувни ўрга-

ниш орқали ўқиши ҳам ўрганамиз.

### *Ёзувнинг психофизиологик характеристикаси*

Психолгарнинг кўрсатишича, ҳар қандай тилда ахборотни ёзма равишда кодлаш анча қийин фаолият саналади.

Ёзма ахборотни ҳосил қилишда ёзув механизмини биринчидан овозли ахборотни шакллантиришдаги элементлардан, иккинчидан эса товуш кодини ёзув кодига айлантиришдан иборатdir.

Бу жараёндаги биринчи элемент турли хил ва мураккаб фаолият ҳисобланади; у ёзиладиган (айтиладиган) гапнинг грамматик-семантик томонларини режалаштиришни, гапни грамматик жиҳатдан реаллаштириш ва сўзларни танлашни; айтиладиган ёки ёзиладиган гап компонентларини фонетик жиҳатдан режалаштиришни, товушларни танлашни ва гапни тайёр ҳосил қилиб чиқаришни ўз ичига олади. (А. А. Леонтьев)

Бу фаолият ёзувда, фикрларни баён қилишда овоз-  
180

ли ахборот элементларининг ассоциацияланиши билан тўлдирилади. Агар биз матндан кўчириш ва тинглаб идрок қилганимизни ёзиш билан машғул бўлсак, унда ахборотни ҳосил қилиш эмас, балки уни тинглаб тушуниш ёки ўқиш ёрдамида қабул қилинган нутқ маҳсулини билиб олиш биринчи даражали элемент бўлади.

Шундай қилиб, ёзувдан муомалада фойдаланишнинг барча ҳолларида икки босқични кўрсатиш мумкин: 1) кодлаш ёки кодни очиш, бунинг натижасида товуш кодида огохлантириш содир бўлади ва 2) график код ёрдамида кодлаш.

Огохлантириш жараёнидаги ички гапириш ёзма ахборотнинг мураккаблиги ва инсон томонидан у ёки бу тилни ўзлаштирилганлигита қараб, турлича бўлиши мумкин.

Ёзма ахборотларни шакллантириш жараёнида амалга ошириладиган фаолиятнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ёзув ҳамма вақт иккиламчи кодлаш характеристига эга. Бу фикр нутқ фаолиятининг ана шу тури бўйича олиб борилган кўп тадқиқотларда баён қилинади. Бироқ баъзи муаллифлар график код маълум мустақилликка эга ва уни товуш кодига нисбатан иккиламчи нарса сифатида тушуниш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтади. Жумладан, чет тилидаги ички нутқда рўй

берадиган огохдантириш Э. П. Шубиннинг фикрича ёзувни амалга оширишнинг зарур шарти эмас, балки у она тилида вужудга келган одатдир холос. Бу фикр унчалик тўғри бўлмаса керак, чунки психологлар (М. А. Зимняя, А. А. Леонтьев ва бошқалар)нинг ўқтириши-ча, киши қайси тилда сўзламасин, нутқ ҳосил қилувчи аппарат ягонадир.

Ёзувнинг шаклланишини икки босқичи (кодлаш ва кодни очиш ҳамда ёзув белгилар ёрдамида кодлаш), шунингдек, фикрни ёзма равишда баён қилишда оғзаки қайтариш ёзувнинг оғзаки нутқ ва ўқиши билан боғликлигини исботлайди ва уни чет тилини ўргатишдаги мухим воситага айлантиради.

### *Ёзувни ўргатишни қийинчиликлари*

Ёзув қийинчиликлари ёзув техникаси, фикрни ёзма баён қилиш бўйича бўлиши мумкин. Иккаласида ҳам экстралингвистик ва лингвистик қийинчиликяар бўлади.

Экстралингвистик қийинчиликлар қуйидагилар:

6. Ўқувчи, талабаларни ёзишга тайёргарлиги.
7. Ёзув ўтказилаётган вазиятни тайёрлиги.
8. Ёзиш учун воситаларнинг мавжудлиги (дафтар, ручка, китоб).
9. Ўқитувчининг тайёрлиги.

10. Ўқитувчининг ёзишни, айниқса, ёзма ишларни ўтказиш методикаси.

11. Машқ, ёзма ишларни ўқувчи, талабанинг били-мига мос ҳолда тузилганлиги.

Лингвистик қийинчиликлар.

1. Ҳарфларни босма ёзмачасини тўғри ёзабилишлик.
2. Ҳарф бирикмаларини тўғри ёзабилишлик.
3. Сўзларни хатосиз ёзиш, уларни маъносини би-лиш.
4. Сўзлар орқали грамматика нуқтаи назаридан гап-лар тузабилишлик.

### *Ёзувни ўргатишни мазмунни ва механизми*

Ёзувни ўргатишни мазмуни бор. Ёзувни ўргатиш-нинг мазмуни деганда ёзув бўйича нималарни ўргатиш ва улар билан нима қилиш тушунилади. Ёзувни ўргат-тандага ҳарф, ҳарф бирикмалари орқали сўзлар, гаплар тузиш, фикрни ёзма баён қилиш ўргатилади.

Тилшунослар ҳарф, ҳарф бирикмаларни ёзишни гра-фика деб, сўзларни хатосиз, имлосини тўғри ёзиш-ни — орфография,

тиниш-белгиларни түғри қўйиш-ни — пунктуация, ҳуснихатни — каллиграфия деб атай-дилар.

Шу нуқтаи назардан, ёзув мазмунига графика, ор-фография, пунктуация ва улар орқали фикрни ёзма баён қилиш киради. Буларни соддалаштириб, иккига ажратишимиз мумкин.

Графика, орфография, пунктуацияни ўргатишни ёзув техникасига киритишимиз мумкин, иккинчисига фикрни ёзма баён қилиш киради. Демак, ёзувни ўрга-тиш мазмуни ёзув техникасидан ва фикрни ёзма баён қилишдан иборат.

Уни жадвалда куйидагича яққол кўриш мумкин:

Ёзувни ўргатиш мазмуни

Фикрни ёзма басн қилиш

Графика   Орфография   Пунктуация

Ёзув механизмлари бор. Механизмлар деганда ёзув нималар орқали амалга ошиши тушунилади. Машхур психолог Н. И. Жинкиннинг гувоҳлик беришича, ёзув механизми икки босқичдан: 1) ҳарфлардан сўз ясаш ва 2) сўз ва сўз бирикмаларидан ёзма ахборотлар тузишдан ташкил топади. Маълумки, ёзув механизми би-ринчи босқичнинг асосида малака даражасига еткази-лиши керак бўлган ёзув ва имлони эгаллаш, иккинчи босқич заминида эса фикрларни маълум ёзув коди ёрдамида ифодалаш, яъни нутқ кўникмасини эгаллаш ётади.

Ўқитувчи мана шу механизмларни ёзув мазмунини ўргата олса, ўқувчилар, талабалар ёзувни амалда қўллай оладилар.

*Ёзувни ўргатиш*

*Ёзув техникасини ўргатиш*

Маълумки, ёзув техникасини ўргатиш графика, ор-фография, пунктуация, каллиграфияни ўргатишдан иборат. Ҳозир уларни ёзиши ўргатишда босмача ҳарф, ҳарф бирикмаларини, сўзларни, гапларни ёзиш ўрга-тилади. Унинг сабаби шуки, ўқувчи ёзмача ҳарфда ёзив, босмача ҳарфдаги сўз, гапларни ўқишида қийналяпти, чунки баъзи ҳарфлар ёзмача бир кўринишда, босмача-да иккинчи кўринишда бўлади.

Графика, каллиграфияни ўргатиш таълимнинг би-ринчи ва иккинчи босқичларида, орфографияни ўрга-тиш эса актив лексика бойлигини тўплаш давомида олиб борилади.

Ҳарф ва ҳарф бирикматарни ёзиши ўргатиш ўз навбатида иккига: ҳарф мувофиқлигини ва ҳар бир ҳарфнинг турли вазифалари ўртасидаги боғланишлар-ни ўргатишга бўлинади. Кўрсатиб ўтилган вазифалар-нинг биринчиси ўқиш техникасини ўргатиш билан уз-вий боғлиқтири, чунки ўқиш техникаси ҳам, ёзув

тех-никаси ҳам аниқ боғланишга асосланади. Улар ўртасида тафовут фақат ҳаракатларнинг йўналишида ўз ифо-дасини топади.

*Масалан:* ўқиш техникасини ўргатишида кодларни очиш ҳаракатлари ёзув белгиларнинг муайян товушлар билан мос келишига боғликдир. Ёзув техникасини ўрга-тишда эса ана шу боғланиш тескари йўналишида на-моён бўлади. Шунинг учун методикада ўқиш ва ёзув техникаларини ўзаро боғлиқ ҳолда ўргатиш зарур де-ган хуносага келинган.

Ёзув техникасини ўргатишида ўқитувчи ҳарф ва ҳарф бирикмаларнинг ёзилиш қоидаларини тушунтиради, доскага ёзиб қўрсатади, ёздиради ва ўқиб беради. Сўнг ўқувчилар шу ҳарфлар иштироқида сўзларни ўзлари мустақил ўқийдилар.

Товуш-ҳарф муносабатини ўргатишида товушни ид-рок этиш-кўриш тасаввури ва ундан сўнг ёзув ҳарака-ти содир бўлади. Бунга ўргатишида оддий ва кам сонли машқларнинг ўзи етарлидир. Машқлар ўқувчи, талаба-ларда мустақилликни оширишга асосланади. Ҳарфлар-нинг полисемияси ва омонимикасини ўргатишида қўшимча машқлар ўтказиш ва уларнинг умумий миқдорини қўпайтириш зарур.

Ёзув техникасини ўргатишида энг мураккаб нарса имлони, орфографияни ўзлаштиришдир. Бунга сабаб инглиз тилида имлонинг тарихий тамойилга асослан-ганлигидир. Имлони онгли ўрганишида фойдала-ниладиган қоидаларни икки гурухга бўлиш мумкин. Қоидаларнинг биринчи гурухи ўқувчиларга қоидага мос келадиган сўзларни топишни ўргатадиган машқларни ўз ичига олади. Иккинчи гурух сўзларни қўллаш бўйи-ча мустақил ишлашга мўлжалланган машқлардан таш-кил топади.

Мураккаб ёзилишга эга бўлган сўзларнинг имлоси-ни ўрганиш анча қийин масала саналади. Бундай сўзлар-нинг ёзилишини эсда сақлаб қолиш учун таянчларга суюниш керак, имлони тушунтиришида ва машқларни бажаришда ана шу таянчлардан фойдаланишимиз мум-кин.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, имло устида ишлаш таълимнинг бошланғич босқичида яқун-ланмайди. Таълимнинг иккинчи босқичида имло (ор-фография) устида ишлаш давом эттирилади. Бунинг учун воситалардан бири — матнни қўчириб ёзиш, ёзма машқларни кўплаб бажартириш, ёзма ишларни ёзди-ришлардан кенг фойдаланилади.

Орфография (имло)ни ўргатишида унинг 6 тамойи-лини ҳисобга олиш зарур.

1. Фонетик тамойил — сўзни ёзилиши талаффузига тўғри келади (а реп).

2. Морфологик тамойил — морфема қаерда бўли-шига қарамай

бир хил ёзилиши (Пзеп — сўзида «I» ўқилмаса ҳам ёзилади).

3. Традицион тамойил — сўзнинг ёзилиши тарихи билан боғлиқ. Сўзнинг талаффузига ёзилиши умуман тўғри келмайди. Опе [уЛп] — опе

4. Иеорография тамойили — товуш омонимларини ёзувда ифодалашда белгилар қўлланилади (Боокк — ки-тоблар).

5. Тамойил — сўзларни талаффузи бир хил, ёзили-ши турлича (Беаг — Ҷаге, До<sup>ег</sup> — йоиг, §еа — §ее).

6. Тамойил — ҳарфлар талаффуз қилинмайди, ле-кинёзилади (рла!е).

Ўқитувчи орфографияни ўргатишда бу тамойиллар-ни ҳисобга олиши керак. Ҳуснихатни ўргатишда, уни яхши йўлга қўйишда она тилида ўзлаштирилган кўник-маларга суюнилади. Уни ўргатишда, она тилида шакл-ланган кўникмаларни кўчириш ижобий бўлиши зарур.

## *2. Фикрни ёзма ифода килишини ўргатиш*

Ўқувчи, талабаларнинг фикрларини ўз сўзлари би-лан инглизча ифодалашга ўргатишни ёзувни ўргатиш-нинг асосий мақсадидир. Уни ўргатиш 4 та босқичлар орқали амалга оширилади:

**1-босқич:** Танланган мавзу учун сўзларни, модел-ларни синфда оғзаки ишлаб чиқиши;

**2-босқич:** Оғзаки ўрганилган сўзларни, моделларни ёзилишини ўрганиш, ўзлаштириш учун уйга ёзма ва-зифа бериш;

**3-босқич:** Танланган мавзу бўйича синфда оғзаки нутқ машқлари бажариш;

**4-босқич:** Юқоридаги 3 та босқичдан фойдаланиб танланган мавзуда фикрни ёзма баён қилиш.

Кейинчалик ўқувчилар, талабалар ўзлари мустақил фикрларини шундай ёзма баён қилишга тайёрланиб ёзма ифодалайдилар.

Ўқувчи, талабалар фикрларини ўз сўзлари Билан ёзма баён қилиш кўникмасини эгаллаб олишларида ёзма шаклдаги фаолиятининг баён, тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншо, реферат, аннотация тузиш каби турла-ридан фойдаланилади, айниқса, турлича хатлар ёзди-риш маъқулроқдир.

## *Ёзув бўйича ёзма ишлар ва уларни ўтказиши турлари*

Ёзма ишлар ёзувни ўргатишда муҳим ўрин тутади. Ўқувчи, талабалар ёзма ишлар орқали ёзув техникаси-ни амалда қўллайдилар, ўқитувчи эса ёзув кўникмаларини текширадилар, назорат қиласидилар.

Ёзма ишларнинг турлари бор. Ўқитувчи ёзма ишларни ўқувчи, талабанинг ёзишига, синфида, билими-га ва вазиятга қараб танлайди, тузади.

Ёзма ишларни ёзув техникаси ва фикрни ёзма баён қилиш бўйича турларга бўлсак бўлади:

1. Ёзув техникаси бўйича ёзма ишлар турлари:

- а) ҳарф, ҳарф бирималарини ёздириш;
- Б) сўзларни ёздириш;
- с) 8реШп§ ёздириш;
- ў) машқни, матнни кўчириш ёзиш кабилар;
- е) диктантлар ёздириш;

2. Фикрни ёзма баён қилиш бўйича ёзма ишлар турлари:

- а) баён ёздириш;
- Б) иншо ёздириш;
- с) расмни тасвирлаб ёзиш;
- ў) мавзуни ҳикоя тарзида ёзиш;
- е) хат ёзиш;
- т) реферат ёзиш;
- §) аннотация ёзиш кабилар.

Диктантларни бир неча хиллари бор:

- 1. Эшитиб — тинглаб ёзиладиган диктант.
- 2. Кўриш диктанти.
- 3. Ўз-ўзидан диктант ёзиш.
- 4. Баённи баъзилар ижодий диктант деб ҳам тушу-надилар.

Диктантиинг асосий вазифаси ўқувчи, талabalар онгига товуш — ҳарф мувофиқлигини мустаҳкамлаш, сўз ва сўз бирималарининг кўриш ва товуш образла-ри ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишдир. Эшитув диктанти товуш — ҳарф мувофиқлиги ва имлони пухта ўзлаштирилаётганини текширишнинг энг ишончли воситасидир. Шунинг учун бундай диктантларни тузишда илгари ўргатилган сўзларни олиш зарурлигини эсдан чиқармаслик лозим. Диктант матнининг мазмуни ўқув-чи, талabalар учун қийин бўлмаслиги керак.

Диктантни ўтказишида аввал матнни бутун ҳолда ўқиб берилади, кейин у гапма-гап ўқилади, гаплар бир мартадан қайтарилади, охирида текшириш учун бутун матнни яна ўқиб берилади.

Ишни бундай ташкил қилиш ўқувчи, талabalар дик-қатини бир жойга тўплашни таъминлайди ва қайта кодлашни, яъни товуш кодини ёзув кодига айланти-ришни машқ қилиш имконини беради.

Баён ёзиш учун синфда ўқитувчи раҳбарлигига маъ-лум тайёргарлик ишларини олиб бориш зарур. Ўқувчи, талabalар билан биргалиқда эшитилган ёки ўқиб чи-қилган матнларда моделлар танлаб олиш, матнни маъ-нодор қисмларга бўлиб чиқиш ва унинг асосий мазмунини аниқлаши лозим. Синфда мана шундай тайёргарлик ишлари олиб борилгач, баён ёзига келишни уйга вазифа қилиб бериш мумкин.

Ўқувчи, талабаларга фикрни ёзма равища баён қилишни ўргатишида иншо муҳим аҳамият касб қиласди. Иншо тўла маънода, бирор мавзунинг матнини муҳо-кама қилишдан иборатдир. Лекин бундай ишни амалга ошириш ҳар бир ўқувчи, талабанинг қўлидан келавер-майди. Шу сабабли республикамиз умумтаълим мактабларида инглиз тилида росмана иншо ёзиш анча қи-йин иш ҳисобланади. Балки фикрни ёзма ифодалаш билан боғлиқ бўлган ҳикоя ёки тасвирлашни шартли равища иншо деб аташ тўғридир.

Ёзма ишларни ўқувчилар, талабалар хатосиз ёзиш-лари факатгина ўқувчи, талабаларга боғлиқ бўлмай, ўқитувчининг ёзма ишларни ёздиришни тўгри ташкил қилишига, ўтказишига ҳам боғлиқдир.

Бунга ўқувчи, талабаларни олдиндан тайёрлаш, ёзма иш материалига ўқувчи, талабанинг билими етарли бўлиши, уларни тўгри методик кетма-кетликда таш-кил қилиш, ўтказиш кабилар киради.

### *Ёзувни ўргатишида қўшианиладиган машқлар*

Машқлар ёзув техникасини ўргатиши ва фикрни ёзма баён қилиш бўйича бўлади. Улар 2 типга бўлинади: 1. Тил ёки тайёрлов ва 2. Нутқ машқлари

Ҳарфлар, ҳарф бирикмаларининг, сўзлар ва сўз бирикмаларининг тўгри ёзилиши, сўзлардан жумлалар тузиш, матн устида ишлаганда эса уни қисқартириш, режа тузиб ёзишни ўргатадиган машқлар қўлланилади.

Фикрни ёзма баён қилишга ўргатадиган машқлар нутқ машқлари ҳисобланади. Бундай машқларга баён, иншо ва чет эллик дўстга хат ёзишни, аннотация ту-зишни, бир мавзуни ёзма баён қилиш кабилар кира-ди.

Тайёрлов машқлари энг аввало намуналар асосида бажариладиган машқларни кўчириб ёзиш, уларни кен-гайтириш ёки соддалаштириш кабиларни ўз ичига олади. Тайёрлов машқдарининг яна бир тури ахборотни ўз сўзлари билан ифода қила олиш қўникмасини ривож-лантириш учун матнни қисқартириш ёки уни кенгай-тириш сингари машқлардан фойдаланиши мумкин. Ёзувни ривожлантиришга мўлжалланган нутқ машқла-ри мазмун жиҳатдан бир-бири билан боғланган гапларни эслаб айтиш, ёзиш машқлари билан бошланади. Ёзувни шакллантиришда машқлар, ёзма ишлар, дик-тант, баён, тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншо ёзиш, хат ёзиш каби турларидан фойдаланилади.

### *Ёзувни текшириши ва назорат қилиши*

Инглиз тили ўқитиши методикаси ёзув малака, қўникмаларини назорат қилишга, текширишга етар-лича аҳамият беришни талаб қиласди. Уни назорат қилишнинг асосий обьекти ёзув малака ва

кўникмала-ри деб қаралади. Бу нарса графика ва имло малакалари назорат қилинмайди деган маънони билдирамайди. Ёзув ва имло малакалари қай даражада шаклланганлигини текширишда тинглаб диктант ёзишдан фойдаланиш мумкин. Бундай диктантнинг вазифаси ўқувчиларнинг товушли нутқни ёзма нутққа айлантириш малакасини текширишдан иборатдир. Ўқитувчи ёзилган диктантни келгуси дарсгача текшириб чиқиши, ўкувчи, талаба-лар йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиши лозим. Фикрни ёзма баён қилиш кўникмаларини текши-риш пайтида тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншолар ва шунингдек, чет эллик тенгқурларга хат ёзиш, текши-рув топшириғи сифатида қўлланилиши мумкин. Бундай топшириқлар уйда ёзиган келиш учун ҳам берилиши мумкин. Бундай топшириқлар ёзиган чиқилгач, ўқитувчи уларни текшириб бўлгандан кейин улардаги типик ха-голарни синфда таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Умуман инглиз тилини ва шу билан бирга ёзувни ўргатишида ўкувчи, талабалар дафтарларини мунтазам равишда текшириб туриш жуда фойдалидир.

Таълимнинг биринчи босқичи (5—6-синфлар)да ўқувчиларнинг дафтарлари ҳар ҳафтада текширилиши, диктант ва ёзма ишлар ёздирилганда уларни текши-риш келгуси дарсгача амалга оширилиши зарур. Нотўғ-ри ёзиш ёки лексик ва грамматик хатоларга йўл қўйиш одатга айланиб қолмаслиги учун дафтарлар мунтазам равишда текширилиб борилиши талаб қилинади.

Ўқитувчиларга дафгарларни, ёзма ишларни текшири-ганликлари учун алоҳида ҳақ тўланади.

Иккинчи босқич, 7—8—9-синфларда эса ёзма иш-лар сонига қараб, дафтарларни икки-уч ҳафтада бир марта текшириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ёзувни назорат қилиш бу нутқ фао-лияти турини ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этади.

Лекин шу нарсани ҳам таъкидлаш керакки, чет тилини ўқитишида нутқ фаолияти турларидан нутқни тинглаб тушуниш, гапириш ва ўқиши назорат қилишга ёзувни назорат қилишга нисбатан кўпроқ эътибор бе-рилади.

Ўқитувчи дафтарни текшириб, дафтар четига хато-ларни кўрсатиб қўйиш лозим.

Ўқитувчи дафтарни текшириб, албатта, уларга ба-холар ёки рейтинг балларини қўйиши, уларни эса жур-налга қайд қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўқувчи-ларни дафтарга тўғри, хатосиз, чиройли ёзишга рағ-батлантиради. Акс ҳолда, ўқувчиларга дафтар тутти-риш, чиройли ва хатосиз ёздириш қийин.

*Ёзувда учрайдиган хатоларни тузатиши*

Хозирги замон чет тиллар ўқитиши методикаси ўқув-чи, талабалар ёзма нутқидаги ўз хатосини тушуниб олган ва муайян ишни хатосиз бажара олган пайтдаги-на хатолар такрорланишининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблади. Баъзи чет эл методистлари ўқувчи, талабалар онгига хатолар ўрнашиб қолмаслиги учун улар хато қиласлиги ва хатони кўрмаслиги керак деган назарияга асосланиб, ўқувчи, талабалар йўл қўйган хатоларини тўғрилашни таклиф қиладилар. Ёзма иш-ларни текширишда ўқувчилар ўз хатоларини аниқ кўришлари ва уларни онгли равишда тузатиш учун хатоларнинг тагига чизиб қўйиш, дафтар ҳошиясига уларнинг қандай хатолар эканини ифодаловчи (gr, lex каби) белгилар қўйиш тавсия қилинади. Хатолар усти-да ишлаш уларнинг характеристига боғликцир. Масалан, имло ва график хатога йўл қўйган ўқувчидан хато ёзил-ган сўзни бир неча марта ёзиш талаб қилинади. Грам-матик ва лексик хатолар устида ишлашда ўқувчи, та-лабаларга бу ҳодисани гапда тўғри ишлатиш тушунти-рилади.

### *Баҳо меъёрлари*

Ёзув бўйича баҳо меъёрларини олдиндан белгилаш зарур. Илгари ёзма иш ташкил қилишда фақат нутқ-нинг тўғрилиги ҳисобга олинган. Хозирги вақтда фикрни ёзма баён қилишни текширишда ёзма ахборотлар ҳаж-мини ҳам ҳисобга олиш зарур. Чет тиллар ўқитиши ме-тодикаси V синфда чет тиллар ўргатишни бошланишида тадбиқ қилинадиган ёзма ахборотлар учун маълум меъёрлар ишлаб чиқилган. Унда шароитни ҳисобга олиб, V—VI синфларда маълум мавзу бўйича 5—6 та ran, VII синфда эса 10—12 та ran ёзиш тавсия этилади. Кейинги синфларда гаплар сони чекланмайди, лекин VII синфдаги меъёрдан кам бўлмаслиги керак. Хозирги замон чет тиллар ўқитиши методикаси ёзма ахборотлар (тасвираш, ҳикоя қилиш, иншо)ни баҳолашда икки хил мезон: мавзуни ёритиш (очиш) даражаси (бу асо-сий мезон) ва ёзувнинг тўғрилиги (бу қўшимча ме-зон) қўлланиши мумкин. Ёзма ишларни баҳолашда ку-йидаги баҳо меъёрларидан фойдаланиш мумкин.

V синф учун 20 та сўзли диктантга инглиз тилида 0—2 та хатога йўл қўйган ўқувчига «аъло» баҳо қўйи-лади; 3—6 та хатога йўл қўйганларга «яхши» баҳо қўйи-лади, «ўрта» баҳо эса 7—10 та хато қилганларга қўйи-лади.

VI, VII, VIII, IX синфлар учун юқоридаги баҳо меъёрлари (нормалари) қолиши мумкин, лекин дик-тантдаги сўзлар сони 30 тадан қўпаяди. Талабалар учун ҳам бу меъёр қўлланилади.

### *Ёзув бўйича дафтар тутиши*

Хозирги пайтда инглиз тилидан 5—6-синфларда 1 га машқ дафтари туттириш мақсадга мувофиқдир. У бир чизиқли оддий 12 ёки 18 варақли дафтар бўлиши, катақ дафтар бўлмаслиги тачаб қилинади. 7-синфдан бошлаб 1 та машқ дафтаридан ташқари луғат дафтари тутиш тавсия қилинади. 5—6-синфларда луғат дафтар-нинг зарурияти йўқ, чунки ўрганилаётган сўзлар кам ва ҳаммаси ёзма машқдарда учрайди, оғзаки ўргатила-ди. 7-синфдан бошлаб эса пассив лексика кўпаяди, улар ҳаммаси ёзма машқдарда учрамайди, ўқиладиган матнларда учрайди.

Машқ, дафтарининг чап томонидан ҳошия қолди-рилади. Ўқитувчи хатоларни тўғри ёзишни кўрсатиб ёзиб Кўяди.

Луғат дафтари ҳам бир чизиқли бўлиб, З қисмга бўлиниб, инглизча сўз, унинг транскрипцияси, таржимаси ёзилиб қўйилади. Мумкин бўлса, дафтарни кўп вараклигидан тутиб, уни 8—9-синфларда ҳам давом эттириш мумкин.

Уқувчилар дафтарни устига инглизча содда қилиб мактаб, синф, фамил!-1 я исмларини ёзишлари маъқул. Уни ўқувчи ўзи ёза олиши, ўқий олиши осон бўлади. У қуидаги қўринишда бўлади:

Shool 8 by Alisher Navoi

Form 8 Salimov Ahmad

The notebook for the English exercises.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

- 1.Ёзув деганда нимани тушунасиз?
- 2.Ёзувни ўргатиш мазмуни нималардан иборат?
- 3.Ёзма нутқ ва фикрни ёзма баён қилишнинг фарқ/иарн ҳақида сўзлаб беринг.
- 4.Инглизча ҳарф ва ҳарф бирикмасини ёзишни ўргатишни кўрса-тинг.
- 5.Фикрни ёзма баён қилишни маълум мавзу асосида ўргатинг.
- 6.Ёзув машқлари ҳак.ида сўзланг.

### **ТАРЖИМАНИ ЎРГАТИШ**

Илмий адабиётларда таржима назарияси ва таржима турлари, унинг устида ишлаш масаласи ҳақида жуда кўп ишлар ёзилган. Таржима назарияси чуқур ишлаб чиқилган. Бироқ ҳозирги пайтда методика таржимани фаолият тури сифатида ўргатишни кўзда тутган ама-лий методик илмий ишлар йўқ деса ҳам бўлади. Шуни ҳисобга олиб, таржимани методик жиҳатдан фаолият тури қилиб амалда ўргатиш методикасини ишлаб чи-қиши зарур, буни давр ва методика ҳам талаб қиляп-ти. Таржима фаолият тури бўлиб, у таржима қилиш фаолиятини ўргатади. Таржима маълумотни, матнни, нутқни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш, ағдариш-дир.

Биз таржима деганда бошқа тилдаги матнни, нутқни ва ўзганинг нуткини ўрганаётган тилга таржима қилишни тушунамиз. Инглиз тилини ўргатишда таржима зарур ва керакдир, унинг фойдаси, аҳамияти кўпдир.

Таржима ўргатилаётган тилда берилган нотаниш маълумотни, инглиз тилида тушуниш қийин бўлган маълумотни онгли тушунишга ёрдам беради. Таржима-дан фойдаланиб, таржимон инглиз тилини билмайди-ганларга маълумотни ўқувчи, талабаларнинг она тили-сига ағдариб беради.

Натижада, инглиз тилини билмайдиганлар ҳам инглиз тилидаги маълумотдан боҳабар, таниш бўлиб таълим оладилар. Таржима орқали ҳужжатлар, китоблар-даги маълумотлар ўзгаларга етказилади. Таржима орқали давлат арбоблари, касб мутахассислари, турли таш-килотлар алоқа, мулоқот қиласидилар; иш юритадилар.

Биз таржима орқали инглиз ва америкалик шоир, ёзувчи, атоқди олимларнинг ҳаёти, турмуши, ишла-ри, шеърлари, эртаклари, ҳикоялари, романлари, инглиз тилида гаплашадиган мамлакатлар халқпари ҳаёти, маданиятлари, урф-одатлари билан танишамиз, таниш-тирамиз.

Бу эса дунёқарашни кенгайтиради, тарбияга ижо-бий таъсир қиласиди. Одатда таржима 2 оғзаки ва ёзма шаклларда бўлади. Таржиманинг турлари ҳам бор: 1. Синхрон таржима. 2. Диахрон таржима. 3. Адэкват таржима. 4. Эркин таржима. 5. Сўзма-сўз гаржима. 6. Адабий таржима.

Синхрон таржимада нутқ, матнни тинглаш пайтда сўзловчи билан бир вақтда таржима қилиш, диахрон таржимада эса тингланган, ўқилган нутқни, маъруза-ни тинглаб, ўқиб, сўнг таржима қилиш тушунилади. Сўзма-сўз таржимада матнни, нутқни, айнан сўзлар-нинг ўрнини, маъносини ўзгартирмай таржима қилинади. *Масалан*: He has a book. Унда китоб бор. Адабий таржима асосан адабий асарларни, шеър, ҳикоя, романларни таржима қилишда қўлланади, у анча мурак-кабдир.

Одатда инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек тили-дан инглиз тилига таржима қилинади. Ҳозирги пайтда инглиз тилини ўргатишда таржимадан умум ўрта таълим мактабларда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларда, олий ўқув юртларда фойдаланилади. Бу ўқув юртларида инглиз тилини ўргатишдан мақсад, вазифалар ҳисобга олинниб, таржима шакллари, турла-ри танланиб ундан фойдаланилади, унга ўргатилади, таржимон тайёрлашда таржимадан кенг фойдаланила-ди. Ҳозирда инглиз тилини ўқитиш методикаси таржи-мани зарурият, эҳтиёж туғилгандагина ундан фойда-ланиш, уни қўллаш методик жиҳатдан тўғри деб ҳисоб-лайди. Инглиз тилини ўргатишда таржимани қўллаш ўрнини, фойдалилигини, заруриягини

олдиндан би-лиш, аниқлаш лозим сўнг уни қўллаш маъқулдир. Таржимадан ноўрин, тез-тез фойдаланиш, инглиз тилини ўргатишга заарли таъсир қиласди.

Таржимани қўллаш, инглиз тилини ўргатишга ижо-бий ва салбий таъсир қилиши мумкин. Таржима ижо-бий фойда берганда ундан фойдаланиш, салбий таъсир қилса, уни олдини олиш керак, чунки интерфе-ренция келтириб чиқаради.

Ўқитувчи дарсдан олдин таржимани ижобий, салбий таъсирини аниқлаб, уни қўллашга тайёрланади.

Таржимани ишлатиш, ундан фойдаланиш ўрнини ўқитувчи томонидан олдиндан аниқдай олиш, салбий ижобий таъсирини тўғри белгилай олиш, унинг таж-рибалиигини, маҳоратини белгилайди ёки кўрсатади. Таржимани салбий ёки ижобий таъсирини белгилашга қўйидаги факторлар таъсир қиласди:

1. Тилларнинг бир гурухда, оиласда бўлиши ёки бўлмаслиги.

2. Ўқувчи, талабанинг она тилисининг хусусияти.

3. Инглиз тилининг хусусияти.

4. Таржимани ишлатиш ўрни.

5. Синф, курс.

6. Тил материалларининг тури ва хусусияти.

7. Нутқ фаолиятининг тури, хусусияти.

8. Инглиз тилини ўқитишнинг мақсади ва мазмуни.

9. Тил ўрганувчининг билими.

10. Тил ўрганиш, ўргатиш, таржима қилиш вазияти ва шароити.

Инглиз тилини ўргатишда таржимадан фойдаланиш уни қўллаш қўйидаги ҳолатларда ижобий таъсир қила-ди:

1. Инглиз тили лексикаси маъносини очища. Бунда лексикани битта таржима экваленти бўлса ишлатилади. Агарда лексиканинг маъноси бир тилда кенгроқ ёки торроқ бўлса, таржимага изоҳ берилади. *Масалан*: afternoon соат 12 дан 18 гача бўлган давр.

2. Инглиз тили грамматик материалини маъносини билишда, тушунтиришда: *Масалан*: Longer — узунроқ.

The longest — энг узун

he is working now, у ҳозир ишляяпти.

3. Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатишда, маълумот олганликни, тушунганликни текширишда;

4. Матнни ўқиб тушунганликни текширишда;

5. Ўзганинг нутқини тинглаб, таржима қилишни ўргатишда:

6. Матндаги баъзи гапларни, конструкцияларни, қоида бўйича тузилмаган жумлаларни, тушуниш қи-йин бўлган абзацларни ўрганишда;

7. Ўзбек тилидан инглиз тилига ёки инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишни ўргатишда;

Инглиз тилини ўргатишда таржимадан фойдаланиш ва уни қўллаш қуидаги ҳолатларда салбий таъсир қила-ди:

1. Инглизча сўзнинг таржимасини она тилидаги сўзнинг маъносига тўлиқ мос келмаса таржимани қўллаш.

*Масалан:* a pie — сомса  
a robe — чопон  
a criddle-cake — оби нон  
a scull cap — дўппи деб таржима қилиш.

Олдинги инглиз тили мактаб дарслекларида бу сўзлар шундай таржима қилинган. Бундай таржималар-ни берсак, ўқувчилар, талабалар инглизлар ҳам тан-дирда сомса ёпаркан, чопон, дўппи кияркан деб тушунишади.

Бу ерда таржимага изоҳ талаб қилинади.

2. Сўзнинг маъносини таржимасиз очиш шароити, воситаси бўла туриб, таржимадан фойдаланиш.

*Масалан:* a pen — ручка. Ваҳоланки, ҳар бир ўқув-чида бор, уни кўрсатиб маъносини таржимасиз очиш мумкин.

3. Дарсда ўқитувчи ўз нутқида она тилини тез-тез ишлатиши.

4. Ўқувчилар, талабаларнинг дарсда 2 та тилда му-лоқот, алоқа қилиши.

Ўқувчи, талабаларнинг инглиз, ўзбек тилларини, таржимани тез-тез қўллаши, уларни инглиз тили му-ҳитидан, оқимидан чиқариб, инглиз тилини узлуксиз ўрганишга халақит беради. Инглиз тилида фикрлашни секинлаштиради.

5. Таржимани қўллаш зарурияти бўлмаса ҳам уни ишлатиши.

6. Матнни ўқиб сўзма-сўз таржима қилиш. Матнни таржима қилдиришда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Матнни сўзма-сўз таржима қилишининг инглиз тилини ўрга-нишга салбий таъсири кучлидир. Бунда ўқувчи ёки та-лаба матндаги инглизча гапни ўқиб, таржима қилиши кўзда тутилади.

Сўзма-сўз таржима қилиш, ўқувчи ёки талабани инглизча гапни ўқиб кейин таржима қилиши, уларни инглиз тили муҳитидан чиқиб, она тили муҳитига ўти-ши ва шундай қайтарилаверилиши инглиз тилини ўрга-нишга фойда бермайди. Уқувчи, талабани бир муҳит-дан иккинчи муҳитга тез-тез ўтиб туриши, уларни бир тилда гапиришини, ўқишини, инглиз тилида фикрла-шини, талаффуз қилишини қийинлаштиради. Тил оқимидан тез-тез чиқиш тил ўрганишда заарлидир.

Матнни ҳаммасини ўқитиб сўнг ўқитмасдан таржи-ма қилдириш мақсадга мувофиқдир, шундагина у фойда бериши мумкин.

Гарольд Палмер Learn to speak English by speaking it деб айтгандек таржима қилишини ўргатиш Learn to translate by translating it дейиш тўғри бўлади.

Бизда таржима қилишни ўргатиш таржимани қўллаш, таржима қилдириш орқали амалга ошади.

Ўқитувчи таржима қилишни ўргатишида таржима қилиб, таржиманинг нозик томонларини, хусусиятла-рини инглиз тили гапидаги сўзларнинг тартибини ва уларни ўзбек тилига таржима қилгапда ўзбекча гаплардаги сўзларнинг жойлашиши тартибини ёки ўзбек ти-лидан инглиз тилига таржима қилиш қоидасини ми-соллар орқали кўрсатиши, тушунтириши керак.

*Масалан:* 1. There is a pen on the table конструкция-ларини таржима қилишда гапни охиридан бошлаш, ёки ўзбек тилидан «Столни устида ручка бор» (туриб-ди) каби гапларни инглиз тилига таржима қилишда ўрин холи «столни устида» инглиз тилида гапни охи-рида туриши лозимлиги.

2. My father works at the factory. Salima begins her work at 8 o'clock каби гапларни ўзбек тилига таржима қилишда, ўрин холи at the factory, пайт ҳоли at 8 o'clock эга билан кесим ўртасида туришини қуидагича таржима қилиб кўрсатиш керак: Менинг отам фабри-када ишлайди. Салима соат 8 да ишини бошлайди.

3. Инглиз тилида умумий сўроқ гаплар Is, are, am, do, does лар орқали бошланиши ўзбек тилига таржи-мада — ми қўшимчаси орқали ифодаланишини ўрга-тиш қуидагича мисоллар орқали тушунтирилиши мум-кин. Is it a pen? Бу ручками? Do you speak English? Сиз инглизча гаплашасизми?

4. Шахсиз гапларни It is winter. Қиши. It is summer. Ёз деб таржима қилиниши.

Бундай хусусиятларни, мисолларни кўп келтириш мумкин. Бу иккала тилда учрайдиган хусусият, қийин-чиликларни ўқитувчи таржима қилишдан олдин ўқув-чи, талабаларга тушунтириши зарур, акс ҳолда улар хато таржима қиладилар ёки уларга таржима қилишни ўргатиш қийин бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб биз таржимани ўрга-тиш методикасини қуидаги мантиқий методик кетма-кетликда ташкил қилишни таклиф қиласиз:

1. Таржима қилинадиган матндан гап, жумлаларни ўқиб, танишиб, нотаниш сўз, грамматика материали-ни, қийин конструкцияни топиш, уларни таржима қилиш (луғат орқали, ўқитувчи ёрдамида).

2. Гап, жумлаларни сўроқ, инкор, дарак гаплигини аникдаш.

3. Гапнинг эга-кесимини аникдаш.

4. Гапнинг замонини аниклаш.

5. Сўроқ ёки инкор гаплар ўзбек тилидан, инглиз тилига таржима қилинганда ёрдамчи феълларни аниқлаш.

6. Сўнг гап, жумлани таржима қилиш.

Таржимадаги сўзлар таржима қилинаётган тилнинг сўз тартиби, қоидаси бўйича жойлаштирилади, сўз тартиби,

грамматикаси қоидасига келтирилади, тушурила-ди. *Масалан*: we go to school. Биз мактабга борамиз. They work at the factory. Улар фабрикада ишлайдилар. There is a pen on the table. Стол устида ручка бор. I go to the cinema. Мен кинога бораман. Бундай мисолларни қўплаб келти-риш мумкин. Уқувчи талабалар ran, жумлани таржима қилаётгандарида сўз тартибини она тили ёки инглиз тили сўз тартибидагидек таржима қиласидар. Сўнг таржима қилинаётган тилдаги сўз тартибига қўйишга ёки очикдан очик ўз она тилиси сўз тартибидек таржима қиласидар, бу эса жуда катта хатодир. Уни олдини олиш зарур, ўйлаб, фикрлаб таржима қилинаётган тилдаги сўз тартиби бўйича таржима қилишга ўргатиш лозим. Шундай ўргатмасак, кейин тузатиш қийин кечади.

Буни қуйидаги мисоллар орқали қўрсатиш мумкин: Ўқувчи, талабалар Salima goes to the market every day. Салима боради, бозорга ҳар куни. There is a pencil on the bag. Бор қалам сумка устида деб таржима қиласидар. Бундай мисолларни қўп келтириш мумкин. Ўқувчи, талабага бундай таржима қилдирмай, Салима бо-зорга ҳар куни боради, сумка устида қалам бор деб таржима қилишга ўргатиш керак.

Таржима қилишни ўргатишда юқорида таклиф қилинган методикани қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, лекин у ягона эмасдир.

Ўқитувчи, методистлар жиддий ёндашиб бу модел-ни методик жиҳатдан: чуқурлаштиришлари, янгисини ўйлаб, излаб топишлари, яратишлари мумкин.

Биз таржимани нутқ фаолияти сифатида ўргатишда юқорида айтилган фикр, мулоҳазаларни ҳисобга олиб, методикани самарали қўлласак инглиз тилини ўрга-тиш тўғри йўлда бўлади деган фикрдамиз.

## **6-§. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА СИТУАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Хозирги пайтда чет тилларини, айниқса, инглиз тилини ўргатиш методикасида коммуникатив йўналиш, тамойил (принцип) етакчидир. Унинг 5 та тамойили бор. Уларнинг бири ситуативлик, нутқни ситуатив бўлишилиги тамойилидир.

Ситуативлик, нутқни ситуатив бўлишилиги:

- 1) грамматика, лексикани ўргатишга;
- 2) мавзуни ўзлаштиришга;
- 3) қийинчиликларни осон ечишга;
- 4) малака-кўникмаларни мустақил қўллашга;
- 5) эркин фикрлашга;
- 6) турли вазиятда фикрлаш, гапириш, сўзлаш мав-зусини

кенгайтиришга;

7) мулокотни, гапиришни қизиқарли бўлишига ёрдами каттадир. Ҳамда инглиз тилини ўргатишда си-туация

1. Нутқда восита
2. Нугқ олиб бориш учун мотив (сабаб)
3. Нутқ материалини ўргатишда фойдали
4. Нутқ материалини ўргатишда, ўзлаштиришда, фаоллаштиришда усул, йўл бўлишлик вазифа (функция)ларини бажаради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ситуатив ёндашув, ситуацияни қўллаш, ҳозирги давр методика-сининг талабидир. Шуларни ҳисобга олиб биз ўйлай-мизки, чет тили ўқитувчилари ўқитишида ситуацияни қўллашлари лозим ва зарурдир. Ситуация, нутқни си-туатив бўлишлик масаласи билан методистлар шуғулланганлар.<sup>1</sup>

Ўзбек тилида ситуацияни вазият, ҳолат деб ишла-тилмоқда. Ж. Ж. Жалолов ситуацияни — вазият деб тушунади. Унинг фикрича, ситуация лотинча «*situatio*» — вазият сўзидан олинган. З. М. Мусина ва бошқалар си-туацияни нутқий ҳолат деб тушунадилар.

«Ситуация» терминига, сўзига методистлар турлича таърифларни берганлар;

1. Ситуация — бу ҳолат (обстоятельство)ларнинг тўплами.
2. Ситуация — ҳаракат (действие)ларни тўплами.
3. Ситуация — бу алоқа (отношений)ларнинг йи-ғиндиси.
4. Ситуация — бу воқеликнинг йиғиндиси.

<sup>1</sup> Журнал «Иностранные языки в школе», 1964 № 5, 1966 № 4, 1968 № 2, 1973 № 1.

Е. И. Пассов «Основы методики обучения иностранным языкам», 1977. Ситуативность в обучении иноязышной речи. 21—33-бетлар.

2.М. Мусина к другие. Использование учебно-речевш ситуаций на уроках иностранного языка. Ташкент, 1989.

3.М. Мусина ва бошқалар. Чет тили дарсларида ўқув-нутқий хрлатлардан фойдаланиш. Тошкент, 1995.

5. Ситуация — бу воқеликнинг кетма-кетлиги.
6. Ситуация — бу нутқни динамик ташкил қилини-ши.
7. Ситуация — бу тил (среда) муҳити.
8. Ситуация — бу тилдан ташқарида бўлган шароит (обстановка), ҳолат.
9. Ситуация нутқий бўлган ва нутқий бўлмаган ша-роитлар йиғиндиси.

10. Ситуация — бу нутқий ҳаракатлар (действия) фони.

11. Ситуация — бу нутқ стимули (рағбатлантирувчи-си) кабилар.

Е. И. Пассовнинг фикрича, ситуация аниқ ҳолатлар йигиндисидир. Агар ситуация нутққа стимул (рағбат-лантириш) бўлмаса, у методик томондан ситуация эмас.<sup>1</sup>

3. М. Мусина «Бизнинг бир-биrimiz билан алоқа-миз аниқ ҳаётий вазият» (ситуация)лардан иборат. Шуни ҳисобга олиб, дарслик муаллифлари мавзуларни ситуа-цияларда берадилар деган фикрни айтади.

Методик адабиётларда ситуация, ситуативликка таъ-рифлар турлича бўлсада, биз у ҳакида бир фикрга ке-лишимиз лозим.

Бизнинг фикримизга «ситуация» сўзнинг термини-ни ўзбекча таржимаси бўлсада, таржима қилинмай, «ситуация» деб қўлланиш маъқулдир. Ундан мақсад си-туациянинг маъноси, мазмунини ўз ҳолатида, тушун-часида қолдиришдир, акс ҳолда унинг мазмунини ҳис қилиш, тушуниш қийин бўлади, ўз тушунчасини йўқо-тади. Биз бу ҳолатни test, rating терминларини таржи-ма қилинмай, тест, рейтинг деб қолдирилганида кўра-миз.

Биз ситуацияни, сўзни, сўз бирикмасини, грамматик материални, нутқни, матнни маълум ҳаётий (та-бий) ва маҳсус тузилган (сунъий) вазият, ҳолатлар-да қўлланилиши, ифодаланишидир деб тушунамиз. Си-туативлик деганда эса сўзни, грамматик материални, нутқни, матнни, нутқнинг ситуативли бўлиши, ситуа-цияга мос, мойил қўлланилган бўлиши кўзда тутилади. Баъзи пайтларда уларни ситуацияда қўллаш даражаси деб ҳам тушунилади.

Кўп методистлар ситуация нутққа рағбатлантириши, унга ундаши лозим, шундагина ситуациядир де-йишади. Бу фикрга қўшиламиз. Уларни ситуация меха-низмлари деса ҳам бўлади.

Ситуациянинг компонентлари бор. Улар ситуация тузишга ёрдам беради.

Ситуациянинг компонентларини Е. И. Пассов 2 га бўлади:

1. Мажбурий (обязательный) компонентлар.

Унга: а) ўтган, бўлажак воқеликлар асосида рўй берадиган алоқалар (взаимоотношений)

б) бу воқеликдаги алоқаларни рағбатлантириш учун сунъий объектни характеристикаси киради.

2. Факультатив компонент. Бунга субъектни шахсий хусусиятлари ва унинг ички хрлатлари киради.

Биз ситуацияни компонентига янги сўзлар, сўз би-рикмалари, иборалар, грамматик материаллар, репли-калар, нутқ структуралари, турли воситаларни кири-тиш керак деб ўйлаймиз.

Бу унинг учинчи компонент-дир. Шу сабабдан ситуациянинг компонент составини 2 тага эмас, 3 тага бўлиш тўғридир.

Ситуация ҳам маълум талабларга жавоб бериши ло-зим. Унга қўйиладиган талаблар.<sup>1</sup>

1) Ўзлаштирилаётган тил ҳодисаларининг мулоқот вазиятига мос келиши.

2) Ўқувчи, талабаларга ўта тушунарли бўлиши;

3) Ўқувчи, талабада вазифага қизиқиш ҳамда уни яхши бажариш истагини пайдо қилиб, рағбатлантириши керак.

Бу 3 та талабга биз яна қўйидаги ўқув-нутқ ситуа-цияларини қўшишимиз мумкин:

1) ўқувчи, талабаларни ўйлаш, фикрлаш, олдиндан фаҳмлаб олиш, (предвосхивдение) мулоқот қилишга ундейдиган бўлиши.

2) Ўқувчи, талаба ҳаётий вазиятларда бўлиши, чунки унда улар аниқ кўз олдиларида тасаввур қилишадилар деб ўйлаймиз. Булар эса нутқ ҳосил қилишга рағбатлантиради.

Методистлар ситуацияни турларга ҳам ажратганлар: Е. И. Пассовнинг фикрича, ситуация турларини:

1. Коммуникатив жараёнга уни мос бўлиши бўйича турларга ажратилади. У табиий ва сунъий ситуация турларига ажратади.

2. Ситуацияни тузиш усули бўйича турларга ажра-тиш. У тилдан ташқари воситалар ва тил ёрдамида тузиладиган ситуациялар турларига ажратилади.

3. Ситуациядаги нутқ (высказывание)нинг ҳажми бўйича турларига ажратиш. Бу ерда эса ситуация мик-роситуация ва макроситуация турларига ажратилади.

Ж. Жалоловнинг фикрича, ситуация сунъий ва та-биий турларга бўлинади.

Баъзи методистлар инглиз тилини ўрганишда қўлла-ниладиган ситуацияларни ўқув-нутқ ситуациялари деб юритмоқдалар. Одатда ситуацияни уни табиий ва мах-сус ташкил қилинган сунъий ситуацияларга бўлиш кўпчилик методистларда учрайди.

Ўқув-нутқ ситуациялари дарсларда 2 та: ўргатувчи ва рағбатлантирувчи вазифаларни бажариши лозим. Рағбатлантирувчи вазифа деганда ўқувчи, талабаларда ин-глиз тилини ўрганиш иштиёқини кўзгатувчи, ундов-чи, уни ҳосил қилувчи вазифа деб тушунилади.

Ситуациянинг бу хусусиятини инглиз тилини ўзи орқали ва турли восита (кўргазмалар, расмлар, диа-фильм)лар орқали ташкил қилса бўлади.

Ўқувчи, талабалар, ситуация тузатганларида, юқоридаги талабларни, хусусиятларни ҳисобга олиш-лари зарур.

Шу талабалар ҳисобга олиниб, ситуацияни тузишига ўргатилади. Ситуацияни тузиш, қўллаш учун унинг тузиши усулларини билишимиз, ўрганишимиз зарур. Акс ҳолда у ситуациялик (ролини) ўрнини ўтамайди, ундан фойдаланиш қийин кечади.

Ситуацияни тузиши усуллари «Умумий методика»да<sup>4</sup> 4 га бўлинади:

1. Сўзлар орқали тузиш.
2. Кўргазмалар орқали тузиш.
3. Сахналаштириш. Инсценирование.
4. Табиий, ҳаётий вазиятдан фойдаланиш орқали тузиш.

Е. И. Пассовнинг фикрича, табиий вазият, ҳолатдан ва воситалардан фойдаланиб, ситуация тузиши усулла-ридан фойдаланиш тўғрироқдир.

Бизнинг фикримизча, ситуацияларни вербал (сўзлар орқали) ва визуал — кўриш воситалардан, табиий, ҳаётий вазиятлардан фойдаланиб тузиш маъкулроқдир.

Инглиз тилини ўргатишида ситуацияларнинг 2 та: 1. Табиий ва сунъий турларини қўллаш фойдалироқцир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, табиий ситуация сунъий ситуацияга қараганда инглиз тилини ўргатишида кўпроқ фойда беради. Ҳамда ундан ўқувчи, талаба осон фойдаланади.

Табиий ситуацияга мисол қилиб қуйидаги ситуацияларни кўрсатиш мумкин.

2. Now you are at the English lesson. Speak about what we usually do at the English lessons.

3. You are at the English lesson. Your teacher is explaining words. Speak about his explaining the new words.

Сунъий ситуацияларни тузишида вербал ва визуал воситаларидан кенг фойдаланилади. Айниқса, Imagine, Think сўзлари ва вазият, ҳолатлар ифодаланган расм-лар ёрдам беради. Уларга қуйидаги ситуацияларни ми-сол қилиб келтиришимиз мумкин.

1. Imagine. You are at home. You are doing your homework. Speak or retell it. How do you do it?

5. Think you are going to the «Vatan» cinema after the lesson with your friend Salima and having a dialogue. Make up your dialogue with your friend Salima.

6. Look at the picture. You are before «Vatan» cinema, theatre. Now describe this situation! What are you thinking about, who are you dreaming about, who are you waiting for?

Үқитувчи олдиндан ситуация тузишни уни қўллаш-ни ўргатиши лозим. Унинг учун эса үқитувчи:

- 5) Ситуация, вазият, ҳолатни тушунтиради.
- 6) Компонент қисмларини ўргатади.
- 7) Тузиш йўл, усуллари билан таништиради, ўрга-тади.
- 8) Тузиш воситаларини тайёрлаб кўрсатади.
- 9) Сўнг шулар асосида ўзи инглизча ситуациялар тузиб, қўллаб, намойиш қиласди.
- 10) Ўқувчи, талабаларни ўзларига туздиради, қўлла-тади.

Ўқитувчи инглиз тилини, айниқса, тил материалларини ўргатаётганда ўқувчилар, талабаларни ситуация мухитларига тушириб ўргатиши, тушунтириши, улар-ни пухта, мустаҳкам, онгли ўрганишига ёрдам беради.

Тил материалларни ўзлаштиришда эса уларга ситуация туздириш ёки уларни ситуацияда қўллатиш, ўзлаш-тиришни осонлаштиради.

Нутқ фаолиятларини ўрганишда ўқувчи-талабаларни ситуацияга, мухитга тушириш ёки тайёр ситуациялар бериб сўзлатиш, гапиртириш, ёздириш мухим ўрин тутади.

Биз инглиз тилини ўргатиши жараёнини таҳдил қилиб қуйидаги ҳолатларда ситуациялардан фойдаланиш ижо-бий ёрдам беради деган холосага келдик.

4. Тил материаллари (лексика, грамматика)ни тушунтираётганда ва уларни нутқда қўллашни фаоллаш-тиришда;

5. Нутқ фаолияти (тинглаб тушуниш, гапиртириш, ўқиши, ёзув)ни ўргатаётганда, айниқса, уларни амалда қўллаётганда ижобий ёрдам беради деган фикрдамиш.

Лексика устида ишлагандаги янги сўзнинг маъносини таржимасиз очганда табиий ситуация катта ёрдам беради.

Бу ерда ситуация қўпинча оғзаки берилади. Янги сўз иштирок этган табиий ситуацияни ўқитувчи оғзаки айтади, ўқувчи, талабалар эса сўзнинг маъносини фаҳмлаб англайдилар, тушунадилар.

Масалан «a car», «a taxi», сўзларини қуйидаги ситуация орқали маъносини очса бўлади.

Yesterday it was late. There was no bus, trolleybus, metro, tram. So I had to stop a car and to pay money.

Ўқувчи, талабалар ўқиши учун берилган матндан сўзнинг маъносини ситуатив контекстдан фаҳмлаб тушишилари мумкин. Бу нотаниш матн, ҳикоя, китобларни ўқиётганда учраган янги сўзни ситуатив контекстдан фаҳмлаб тушунишга ёрдам беради, лугатдан ҳар бир сўзни қидириб топишга ҳожат қолмайди.

Янги сўзнинг маъносини сунъий ситуациядан фаҳм-лаш қийинроқцир.

Лексикани ўргатганда уни амалда, айниқса, гапи-риш (диалог, монолог)га ўргатишида табиий ва сунъий ситуациялар катта ёрдам беради.

Одатда дарсларда ўқувчи, талабалардан янги сўз билан ситуация тузиш, матндан янги сўз ишлатилган ситуация топиш дейилган вазифалар, машқдар бери-лади. Булар ситуация тузишга, қўллашга ижобий ёрдам беради.

Тажрибалар кўрсатяптики, ўқувчи, талаба<sup>1</sup>арни си-туация тузишни яхши билмаганликлари сабабли уларни тузишда бир-икки оддий гаплар билан чекланиб қоляптилар. Ўқувчи, талабаларга олдиндан сунъий, та-биий ситуацияларни тушунтириш, кўрсатиш лозим. Уларга инглиз тилини ўргатишида қуидаги сунъий си-туациялардан фойдаланса бўлади.

4. Imagine you are at Amir Temur square. You meet an American pupil. Here she is. Her name is Ann. Speak to her. Make up a dialogue.

5. Расмдаги ситуацияни кўрсатиб. This is you. You are before your University. Describe this situation кабилар.

Грамматикани ўргатишида, айниқса, феъл замонла-рини маъносини тушунтираётганда, гапиришида қўллаш-ни ўргатаётганда ситуация жуда қўл келади.

Масалан: Present Continuous Tense ни ўзлаштириш-да Pupils, you are at the lesson. What are you doing? Retell it please.

Биз инглиз тилида гапиришни ўргатаётганимизда қуидаги ситуациялардан фойдаланишимиз мумкин.

### **1. Meeting. Танишув**

You are from Samarkand. Your friend wants to meet you. Please, introduce yourself to your friend.

### **University**

You study in course II at the University. But your brother is in course I. Please, retell your brother about your University.

### **2. Pupil jn duty**

You were late after your lesson. You were a pupil on duty. Please, retell. What did you do as a pupil on duty at school today?

### **3. University subjects.**

Your friend didn't come to the University yesterday. He asks you about the subjects. Please, tell him about them.

### **4. Sport**

You go in for sports at the «Spartak» society. Please tell your University friend about it. He is interested in it. What sport clubs the Spartak society has and how your friends can go in for sports there.

### **5. Uzbekistan**

You live in Uzbekistan. English students have come to Uzbekistan.  
How and what you will retell them about  
Uzbekistan ва бошқалар. Бундай ситуацияларни кўп кел-тириш,  
тузиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўляптики, биз си-  
туациялардан:

1) Тил материалларини тушунтиришда, ўзлаштириш-  
да, мустаҳкамлашда, нутқда фойдаланишимиз мумкин.

2) Нутқ фаолияти турларини ўргатаётганда кенг  
фойдаланишимиз мумкин.

Ситуация ўқувчи, талабани инглизча муҳитга туширади, бу  
эса уларни тинглаб тушунишга, гапириш-га ундейди,  
рағбатлантиради, ўқиётганда эса луғатдан янги сўзнинг  
маъносини қидирмай, фаҳмлаб тушу-нишга ёрдам беради. Бу эса  
ҳозирги пайтда муҳимдир, чунки замонавий энг долзарб  
коммуникатив метод-нинг асосий тамойилидир.

Шу сабабдан биз ўйлаймизки, ўқитувчилар ўқувчи,  
талабаларга инглиз тилини ўргатаётганларида мумкин қадар  
ўзлари ситуация қўлласалар, уларга ситуациялар тузиб бериб,  
гапиртисалар, мулоқот қилдирсалар, уларни ситуацияларга  
туширсалар, инглиз тилини ўрга-тиш осон кечади.

Биз ситуацияни қўллаш, қўллатиш ҳозирги замон  
методикасининг талаби ва заруриятлигини ёдимиздан  
чиқармаслигимиз лозим.

## **7-§. ИНГЛИЗ ТИЛИДАН БИЛИМ, МАЛАКА ВА КЎНИКМАЛАРНИ ТЕКШИРИШ**

### *1. Билим, малака, кўникмаларни текширишининг аҳамияти*

Ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчи, талабаларнинг би-лим,  
малакаларини, кўникмаларини текшириши, ба-ҳолаши, ҳисобга  
олиши зарур. Текшириш, инглиз ти-лини ўқитиш жараёнининг  
ажралмас қисмидир.

Доимий текширишнинг таълим бериш натижаси-ни қайд  
қилишнинг аҳамияти бор. У ўқитувчига, ўқув-чи ва  
талабаларнинг билимларини эсдан чиқариб юбо-ришини, малака,  
кўникмаларни сусайишини огоҳлантиради, ўқувчи талабаларни  
бошқаради, уларнинг би-лим даражасини аниқдаб кўрсатади,  
ўқувчи, талаба-ларнинг камчилигини аниқлайди ва йўқотишта  
ёрдам беради. Текшириш фақатгина ўқитувчининг камчили-  
гини аниқдабгина қолмай, ўқувчи, талабаларнинг ҳам  
камчиликларини топади, белгилайди.

Ўқувчи, талабаларнинг билим даражасини текши-риш орқали  
тилни ўзлаштирилганликни билиш ҳамда чукурроқ ўзлаштириш  
йўл-йўриқдарини излаш мумкин.

Үқув юртларида малака, кўникмаларни текшириш, ҳисобга олишни амалий, умумтаълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлари бор.

Ўқувчи талаба билим, малака ва кўникмалари текширилаётганда уларни тил материалларни нутқ фаоли-ятда қўллай олиши текширилади. Натижада, ўқувчи, талаба инглизтилини амалда қўллашни қайтаради, ўрга-нади. Акс ҳолда ўқувчи, талабалар фақатгина тил мате-риалларни билади, амалда эса қўллай олмайди, бу эса чет тили дастури талабларига жавоб бермайди. Ҳозирги пайтда тил материалларни текшириш кўпроқ учраб ту-рибди, уларни амалда қўллашни текшириш қолиб кетяпти. Бу эса ўқувчи, талабаларда нутқ фаолияти турлари (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни шакланишига таъсир қиласи.

Ўқувчи, талабалар инглиз тилида тинглаб тушуниш-ни, гапиришни, ўқишни, фикрни ёзма баён қилишда қийналяптилар, улар эгаллаган билим, малака ва кўник-малар дастур талабига тўла жавоб бермаяпти.

Текширишнинг тарбиявий томони кучли ва сези-ларлидир. Ҳар бир инглиз тили ўқитувчиси бундан ал-батта ижобий фойдаланиши зарур. Ўқитувчи текши-риш орқали ўқувчи, талабаларни тарбиялаши, тарбия-сига таъсир қилиши мумкин. Қоникарли бўлмаган на-тижа ўқувчи, талабани уялтиради, дарс тайёрлашга ундейди.

### *Текшириши объекти*

Текшириш объекти, деганда инглиз тилидан нима-ларни текширишимиз кераклигини тушунамиз. Текши-риш, назорат қилишда ўқитувчи нимани текшириши, назорат қилишини, яъни текширишнинг объектини билиши зарур.

Текшириш объектига: 1) тил материаллари, (лек-сика, грамматика, фонетика, орфография)ни ўзлаш-тирганликни текшириш; 2) нутқ фаолияти малака, кўникмалар (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)-ни эгаллаганликни текшириш киради.

Ҳозирги пайтда текшириш бўйича энг муҳим маса-ла оғзаки ва ёзма кўникмаларни қанчалик яхши эгал-лаганликни аниқ белгилай олишдир.

Текшириш воситаси бўлиб машқ ишлатиш, турли топшириқлар, вазифалар бериш, жавоб талаб қилиш, ёзма ишлар, тестлар ўтказиш ҳисобланади.

Текширишда қўлланиладиган машқнинг мазмунини унинг объектига, мақсад, вазифасига боғлиқдир. Текшириш ўқув жараёнида, яъни дарснинг бошида, ўрта-сида, охирида

үтказилиши мумкин. Лексикани, грамматикани, талаффузни текшириш машъутари мавжуд.

Ўқитувчи тил материаларини мумкин қадар нутқ фаолиятида қўлланилиши бўйича текшириши мақсад-га мувофиқцир. Улар шундагина амалий йўналишда бўлади.

Лексикани текширганда, унинг шаклий маъноси, таржимаси, ўқилиши, нутқда қўлланилиши текшири-лади.

Грамматикани текширганда ҳам унинг мазмуни, шакли, ясалиши, қўллаш ҳолатлари текширилади. Ўқитувчи расмларни тасвирлатиш орқали монологик нутқни, тингланган матнни сўзлатиш, матнни ўқиб маълумот ола билишни, ўз фикрини ёзма баён қила олишни текшириши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда методистлар инглиз тилида тил материаларини ва нутқ малакаларини текшириш бўйича кўттгина ишлар қилдилар.

### *Текшириши турлари, шакллари, усуллари*

Текширишнинг турлари, шакллари ва усуллари бор. Улар турли методистлар томонидан ишлаб чиқилган.

Педагогик, методик адабиётларда текширишнинг 1) якка (индивидуал) текшириш, 2) кундалик текшириш, 3) мавзу бўйича (тематик) текшириш, 4) дав-рий текшириш, 5) якуний текшириш турлари мавжуд.

Ҳар бир текшириш турининг ўзига хос хусусиятла-ри бор. Якка текширишда ўқитувчи ўқувчи, талабани алоҳида, дарсда, дарсдан кейин текшириши мумкин. Бу ўқувчи, талабани чуқурроқ текширишни қўзда ту-тади.

Мавзу бўйича (тематик) текширишда ўқитувчи маъ-лум бир мавзуни ўтиб бўлгандан сўнг шу мавзу бўйича текширади.

*Масалан, «Family» мавзуси ўтилиб бўлин-гандан сўнг, шу мавзу бўйича текширилади.*

Даврий текшириш ҳар ҳафтада, ҳар ойда, ҳар чо-ракда ўтказилади. Уқитувчи бу тур орқали тил материаларини, нутқ фаолияти турларини текширади. Кунда-лик текшириш мазмунига, талабига кўра, ўқувчи, та-лабаларни ҳар куни дарсда текширишни қўзда тутади. Якуний текшириш, ҳафтани, ойни, чоракни, йиллик-ни якунланганда бўлади.

Текширишнинг шакллари ҳам бор. Биз икки хил шаклда текширамиз: оғзаки ва ёзма шаклда. Оғзаки ва ёзма шакллар орқали лексикани, грамматикани, фо-нетикани, тинтлаб тушунишни, гапиришни, ўқишини, ёзувни текширамиз.

Текширишда ўқитувчи турли усулларни ишлатади. Улар уч усулга бўлинади: 1) ялпи (фронтал) текшириш, 2) бир тил орқали — ўзбек ёки инглиз тили орқали текшириш, 3) икки тил — инглиз ва ўзбек тили орқали текшириш усуллари.

Кейинги пайтларда ўз-ўзини текшириш усуллари кенг қўлланилмоқца. Булар орқали ўқувчи, талабалар ўзлари уйда, синфда, синфдан ташқари вақтларда ўзла-рини текширадилар. Жавобни ёзма шаклда бериб, оғза-ки айтиб сўнг тўғри жавоб билан таққослаб ўзлари-нинг хато, камчиликларини топадилар, текширадилар. Ўз-ўзини турли хил техник воситалардан фойдаланиб текшириш ҳам кенг қўлланилмоқца. Бунинг учун машинали, машинасиз, дастурлаштирилган таълим (программированное обучение), тестлар ишлатилмоқца. Тест-ларда турли хил топшириқлар, вазифалар ёзма бажа-рилади. Ундаги ҳар бир топшириқ бир-бирига манти-қий боғлиқ, бир-бирининг давоми бўлади.

Инглиз тилини текширишнинг ўзига хос томонла-ри бор. У дарсда ҳар бир ўқувчи, талабани, қатнаши-шини таъминлашда, сўраши, текшириши, назорат қилишида ўз ифодасини топади.

Ўқувчи, талаба дарс давомида жавоб бериши, ишти-рок этиши керак, чунки ўқувчи, талабаларни синфдан ташқарида инглизча мулоқот қилишига она ва рус тил-ларидек муҳит мавжуд эмас. Шу сабабдан инглиз тили дарсларини охирида ўқувчи, талабанинг қатнашиши, жавоб бериши умумлаштирилиб, жамланиб, баллар ор-қали белгилаб борилади. Талабанинг дарсда қатнаши-ши, жавоб беришини ҳисобга олиб, олий ўқув юртларида инглиз тилини ўрганувчи талабаларни сони 10 тадан ошмайди, мактабларда, синфда ўқувчи кўп бўлса, 2 грухга бўлиб ўқитилади. Ундан мақсад ҳамма ўқувчи дарсда қатнашсин, жавоб берсин, инглизча мулоқот қилсин. Ўқитувчи ҳам бунинг учун ҳаракат қилиши ва буни қисобга олиши зарур.

### *Текшириши меъёри*

Ўрта мактабда, академик лицейларда, коллежлар-да, олий ўқув юртларда ўқувчи ва талабаларнинг би-лим, малака кўнимаси бўйича талаблар ишлаб чи-қилган.

Бу талаблар текширишнинг меъёридир. Улар давлат таълим стандартида, умумий ўрта таълим дастурлари-да<sup>1</sup> инглиз тилидан синflар бўйича белгиланиб кўрса-тилган. Унда тил материаллари — лексика, грамматика, фонетика бўйича талаблар ёзилган.

Тил материалларини нутқ фаолиятининг зарур қис-ми деб ўрганиш, ўргатиш талаби қўйилади. Мана шу талаб ҳам текширишнинг мазмунини, меъёрини таш-кил қиласди. Текширишда тил материалларини нутқда қўллай олиши, меъёри қўйилади. Нутқ фаолиятлари бўйича ҳам текширишнинг меъёри бор. Дастурда ҳар бир синф учун тинглаб тушуниш, гапириш (монолог, диалог), ўқиш, ёзувдан берилган талаблар уларнинг меъёридир.

Текшириш мезони, ўлчовининг натижасини қайд қилиш белгиланган баллар орқали бўлади.

Текшириш устида ran кетганда:!) ўқитиш жараёни билан бирлашиб кетган текшириш; 2) ўқитишидан аж-ралган текшириш кўзда тутилади. Биринчиси тайёрлов ва нутқ машқпари бажарилаётганда ишлатилса, ик-киғчиси эса фақат нутқ кўникмаларини текшириш учун қўлланилади.

Кўпинча дарс жараёнида якка текширишда камчи-ликларни бартараф қилиш учун техник воситалар ёрдам беради.

Ўқувчи, талабаларнинг билимини текширишда бу-тун синф, гурух, ўқувчи, талабаларига савол ташлаб алоҳида сўраб текшириш кенг қўлланилмоқда.

Бутун гурухга, синфга савол ташлаш орқали тек-шириш шу гурухни, синфнинг ўзлаштирганлик-ўзлаш-тирмаганлигини аникдайди. Алоҳида сўраб текширган-

да материал чуқур текширилади, бундай сўрашни дарс бошида хам, янги материални тушунтириб мустаҳкам-лагандада хам ўтказиш мумкин. Бундай пайтда гурухни, синфи эсдан чиқармаслик зарур. Ўқувчи, талабаларни ўртокдарига қараб жавоб бериши, улар эса тинглаб хатосини тузатишлари зарур.

Агар бирор ўқувчи, талаба тингламасдан ўтиrsa, жавоб берувчи билмаган нарсани ўқитувчи ва бошқа ўқувчи ёки талабадан сўрагани маъқул. Бундай сўраш, текшириш гурухдаги, синфдаги ўқувчи ёки талабага инглиз тилини ўргатиш ва қайтартириш мақсадини ҳам кўзда тутсин,

Текшириш бир хил бўлмасдан турлича бўлиши. *Ma-салан*, ўқувчи ёки талаба матнни ўқиса, иккинчиси мазмунини гапириб берса афзалроқ бўлади. Сўзларни айрим сўрамасдан, мумкин қадар нутқ фаолияти тур-ларида текшириш, сўраш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир вақтни ўзида 3—4 та ўқувчи ёки талабадан сўраш, уларни текшириш мумкин. 2—3 та ўқувчи дос-када ёзма машқ, топшириқни бажарса, 1 таси оғзаки текширилади. Ўқитувчи, ўқувчи, талабаларни текширганда албат-та камчиликларни айтиши зарур. Бу эса келгусида юқори балл олиш учун камчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Ҳар бир ўқитувчи текшириш меъёrlарини билиши лозим. Лекин унга амалда эътибор бермаслик ўқувчи ва талабаларда норозиликлар келтириб чиқаради, фан-га қизиқиши, ўқитувчига бўлган хурматни пасайти-ради. Текшириш меъёри доимо бир хил бўлиши керак.

Ўқитувчи талабчан, аммо адолатли бўлиб, бални ўқувчи ва талабанинг ҳақиқий билимига яраша қўйи-ши зарур.

*Текшириш, назорат қилишининг рейтинг тизими*

Таълим, тарбия жараёнини янада чуқурроқ текши-риш, назорат қилиш, унинг натижаларини тўғри, аниқ қайд қилиш, белгилаш учун рейтинг тизимидан фой-даланилади. У кундан-кунга ривожлантирилиб, тако-миллаштирилиб, шакллари, йўллари, усуллари, тизим-лари мукаммал ишлаб чиқилмоқда. Рейтинг термини инглизча «rating» сўзидан олин-ган бўлиб, у ўзбек, рус тилларита рейтинг деб қабул қилинган. Rating ни ўзбекча таржимаси «баҳолашдир». Уни баҳолаш деб юритсак, рейтингтни ўзига хос хусусиятлари сакланмай қолади, биз юритаётган баҳолаш тушунилади, ваҳоланки, рейтингни ўзига хос хусуси-ятлари мавжуд. Шунинг учун рейтинг деб тест сўзига ўхшатиб таржима қилинмай олинган.

Рейтинг текширишни, назорат қилишни ўзгача бир бошқа тизимиdir. Рейтинг тизими чет элларда кенг қўлланилиб, у текшириш, назоратнинг натижасини аниқ, тўғри белгилаб беради.

Ҳозир бизда ҳам ўрта мактабларда лицей, коллеж, олий ўқув юртларда ундан фойдаланилмоқда. Бизда уни шароитга мослаштирилиб кенг ишлатилмоқда. Рейтинг тизимида ўқувчи, талабани ўқищдаги, таъ-лим олишдаги ҳар бир дарсда қатнашиши, жавоб бе-риши, дарсда ишлаши назоратга олиниб, натижалар белгиланган баллар орқали қайд қилинади.

Рейтинг тизими турли типдаги ўқув юртларида иш-лаб чиқилган.

Одатда рейтинг тизими 3 та назорат босқичидан иборат.

1-босқич. Жорий (кундалик) назорат.

2-босқич. Оралиқ (чегаравий) назорат.

3-босқич. Якуний назорат.

Назорат натижасини қайд қилиш мезони баллар орқали бўлади. Ҳар бир назорат босқичида назорат қилинадиган ишлар, вазифалар, топшириқдар белги-ланиб, уларга баллар тақсимланади. Баллар максимал ва саралаш балларига бўлинади.

Олий ўқув юртларидағи рейтингт тизимида макси-мал балл энг юқори балл бўлиб, у ўқилган маъруза, ўтилган семинарлар, дарслар соатини умумий сони бўйича белгиланади.

Агарда инглиз тилида 70 соат дарс ўтилса, шунга қараб, максимал балл 70 балл бўлади. Уни тўплаган талаба энг юқори кўрсаткичга эришган ҳисобланади. Максимал балл текшириш, назоратнинг Зта босқичи-га тақсимланади. Кейин улар жамланиб, умумий балл топилади.

Одатда биринчи, иккинчи назорат босқичларига мак-симал бални 70% ажратилади, учинчи босқич учун эса 30% қолдирилади. Албатта, учинчи босқичда ёзма иш ёздирилиб назорат қилинади. Ёзма ишга тестлар, турли хил топшириқлар берилади. Уларга ҳам балл қўйилади.

Талабанинг йиғган умумий бали максимал бални 56% дан 70% гачани ташкил қылса ўрта (3), 71% дан 85% гачасини ташкил қылса яхши (4), 86% дан 100% гачани ташкил қылса аъло (5) баҳолар қўйилади. 56% дан ками 2 баҳо ҳисобланади.

Юқоридагидек, 70 максимал бални 56% идан 70% гачаси 38,5балдан49гачабўлганбалларни, 71% идан 85% гачаси 49,70 балдан 59, 50 гача балларни, 86% идан 100% гачаси 60,20 балдан 70 гача балларни ташкил қилади.

Фан ўқитувчилари олдиндан максимал ва саралаш балларни 3, 4, 5 баҳолар балларини ҳисоблаб, аниқдаб олиши талабаларни улар билан таништириши лозим. Ўқитувчилар ҳар бир назорат бўйича талаба олган ба-лини дафтарига ёзиб боради, талабага айтади. Охирида балларни жамлаб, уларга баҳо қўйилади. Кейин талаба жавоб бериб балини, баҳосини кўтариши мумкин.

Ўрта мактабдаги рейтинг тизими ҳам ўзига хос ху-сусиятга эга.

У ердаги рейтинг тизимида ҳам ўқувчининг дарсга қатнашиши, жавоб бериши, топшириқларни бажариши текширилади, натижалар баллар орқали белгиланади.

Ўрта мактабларда ҳам назорат юқоридагидек 3 бос-қичга, максимал, саралаш ^балларига бўлинади. Баллар синф журналига ёзилади. Ўрта мактабда ҳам тўпланган балл максимал бални 56% тидан 70% гачани ташкил қылса, 3 (ўрта) баҳо 71% дан 85% гача тўпласа 4 (яхши) баҳо, 86% дан 100% гача тўпласа 5 (аъло) баҳо қўйи-лади. Мактаб рейтинг тизими кундан-кунга такомиллаштирилиб ишлаб чиқилмоқца.

Рейтинг тизимининг фойдаси каттадир. Унда ўқув-чини, талабани ҳамма фаолияти назоратда бўлади.

Ҳозир олий ўқув юртларида талабаларнинг билим-лари олдингидек, имтиҳон қилинмай, тезда тўпланган баллар бўйича баҳолар аниқлаб қўйилмоқда.

Кундалик, чорак, йиллик имтиҳон, ёзма иш, тек-шириш натижалари журналга қайд қилинади. Ўқитувчи ўқувчиларнингдафтаринитеқширибтуради, балл қўяди, уларни синф журналига қайд қылса, бу ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, ўқувчилар дафтари тоза тутишга, машкларни хатосиз бажаришга интиладилар. Ҳар бир аспект алоҳида балланади. Инглиз тили дарси жараёни ҳар бир ўқувчини дарсда иштирок этишини талаб қила-ди, бунга ялпи (фронтал) текшириш қўл келади, шу сабабдан ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобини тўплаб, дарс охирида балл қўйиш қўпроқ қўлланилади.

Инглиз тили ўқитишида текшириш, назорат, ўқув-чи, талабани рағбатлантирса, қизиқтирса, одил бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи ўқувчи, талабани текширганда унинг жа-вобини албатта изоҳлаши, баҳолаши қатъий, адолат-ли, тўғри бўлиши,

ўқувчи, талабанинг шахсиятига сал-бий таъсир қиласлиги лозим. Ўқитувчининг қатый текшириши ўқувчи, талабаларда бошқача мазмунда ту-шунилмасин, талқин қилинмасин. Ўқитувчи бунга ҳар бир кўяётган балини изоҳлаши, тушунтириши натижа-сида эришади. Ўқувчи, талабаларда ўқитувчи жўрттага кўп сўраяпти, паст ёки ёмон балл қўйяпти каби фикр-лар, хулосалар бўлмаслиги лозим. Ҳар бир балл изоҳланса, тушунтирилса, исбот қилиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Унинг тарбиявий таъсири кучаяди.

Ўқитувчи кўяётган паст бални ҳам ўқувчи, талаба-дан сабабини суриштириши лозим. Ҳар доим сабабини суриштирмай паст балл қўявериш, сабабини билиб унга ёрдам бермаслик ўқувчи, талабани балга, баҳога ло-қайд қарайдиган қилади. Ўқувчи, талабаларни инглиз тили фанидан, ўқитувчидан бездиради, кейинчалик бу фанга қизикмайди, дарс тайёрламайди, дарсга кел-масликка ҳаракат қилади.

Агар ўқитувчи кам балл олган ўқувчи, талабадан сабабини дарсда ёки дарсдан кейин якка сухбатлашиш орқали билса, ёрдам берса, ўқувчи, талаба бу ўқитув-чидан хурсанд бўлиб унга, фанга хурмати ортади. Ўқитувчи балл қўйганда ҳар доим паст балл қўявер-маслиги, бир икки марта (рағбатлантириш учун) тайёрланишга вақт бериши зарур.

Ўқитувчи ўқувчи ва талабани паст балга жавоб бер-ганининг сабабини суриштирганда, натижаси маълум бўлади. Баъзида ўқувчи, талабани ўзи сабабчи бўлса, баъзиларда хатолар ўқувчи, талаба айбор бўлмаган ҳолда келиб чиқади, унда ўқувчи, талабанинг қалбига қулоқ солиб, уларга ёрдам бериш зарур.

Объектив сабабларга ўқувчи, талабанинг ўзини дарс-ни тайёрламаслиги, дарслигининг йўқлиги, дафтар тай-ёр эмаслиги бўлса, субъектив сабабларга уни бетоб ёки ота-онасини бетоб бўлиши, уйда дарс тайёрлашга шароити бўлмаслиги, уйда кўпроқ меҳнат қилиш ка-билар мисол бўлади. Бундай пайтларда дарров паст балл қўймаслик, рағбатлантиришлик, кейинги дарсга тайёрлашга муддат бериш керак.

Ўқувчи, талабаларнинг хусусиятини, дарсга доим тайёрланишларини ҳисобга олиш ижобий натижа бер-са, баъзи пайтларда уларни рағбатлантириб балини юқорироқ ҳам қўйиш мумкин. Ўқитувчи ўзининг балл қўйиши билан ўқувчи ва талабаларни дарсдан, фандан бездирмасдан, балки қизиқтириши зарур.

Ўқитувчи юқоридаги фикрларни ҳисобга олса, улар-ни амалда қўлласа, текшириш тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ўқув юртларда ўқувчи, талабаларнинг билим дара-жаси билан инглиз тилидан дарс берувчи ўқитувчи, инглиз тилини

ўрганаётган ўқувчи, талабалар, улар-нинг ота-оналари, маориф ходимлари, ўқув юрти маъ-мурияти қизиқади.

Инглиз тили ўқитувчиси ўзининг қўллаётган ме-тод, усул, йўллари, машқларни тўғрилигини билиш, ўқувчиларга, талабаларга қандай билим бераётганини, камчиликларини аникдаши, текшириш натижаси орқали бўлади.

Инглиз тилини ўрганаётган, ўқиётган ўқувчи ва та-лабалар ўзларининг билимлари натижасини билишга қизиқадилар.

Ўқувчи ва талабаларнинг ота-оналари фарзандла-рининг билими билан қизиқадилар. Паст баҳо олса, дарс тайёrlашга ундиyдилар, сабабини суриштиради-лар, уни йўқотишга ёрдам берадилар.

Метод бирлашма бошлиқлари, катта етакчи тажри-бали ўқитувчи, маориф ходимлари, директор, илмий бўлим мудирлари доим инглиз тили ўқитувчисини иши билан хабардор бўлишлари лозим. Инглиз тили ўқити-лиш даражаси, текшириш натижалари уларга бу фан-ни ўқитилишдан, ўқитувчини малака-кўникмасидан, ишидан ахборот беради. Натижалар орқали улар бу ўқитувчига ёрдам берадилар ёки илгор ўқитувчи бўлса, унинг методини бошқаларга оммалаштирадилар.

Ўқув юртларда инглиз тили ўқитишида шу томонлар бирга қизиқиб, текшириш натижасидан тўғри хulosи чиқариб иш тутсалар, инглиз тили ўқитиши кўнгилда-гидек, дастур талабига амал қилинган ҳолда, умумтаъ-лим, тарбиявий, амалий, ривожлантирувчи йўналиш-да бўлади, мақсадлар амалга ошади.

Юқорида айтилганларни чизма (схема)га куйидаги-ча тушириш мумкин.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар.**

2. Билим, малака, кўникмаларни текшириш зарурми? Сабабини айтинг.

3. Текширишнинг қандай хусусиятлари бор?

4. Текшириш обьектларини тушунтириинг.

5. Текширишнинг қандай воситаси, шакли, турлари бор? Қайси бири энг кўп қўлланилади? Сиз қайси бирини афзал қўрасиз?

6. Текширишдан сўнг натижани қайд қилиш сабабини тушунтириинг.

7. Натижаларни изоҳлаш зарурми? Сабабини айтинг.

8. Уқувчи, талаба билмаса, доим паст балл қўйиш керакми? Ёки баъзи пайтларда бални ошириб қўйиш фойда берадими? Сабабини тушунтириинг.

9. Текширишнинг натижаси билан кимлар ва нега қизиқади? Сабабини тушунтириинг.

10. Текширишнинг ижобий ва салбий томонлари, ҳозирги давр текшириш хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.

10. Рейтинг тизими ҳақида тушинча беринг.

### III Б о б

## ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ўқув юртларда инглиз тилини ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш зарур. Уни тўғри ташкил қила билиш олдимизга қўйган мақсад, вази-фани ҳал қилишда ёрдам беради. Буни амалга ошириш ўқитувчининг билимига, малака, кўникма, маҳорати-га, шароитига, воситаларни борлигига, уларни яхши билиши билан боғлиқцир. Дастур талабини бажаришда ҳам ўқитиш жараёнини тўғри ташкил этиш етакчи омилдир.

Инглиз тили ўқитиш жараёнини ташкил қилиш 2 хил курс орқали амалга оширилади:

5. Мажбурий курс.
6. Мажбурий бўлмаган курс.

### **1-§. МАКТАБЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МАЖБУРИЙ КУРСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Хозирги пайтда мажбурий курс 5—6—7—8—9-синф-ларда инглиз тилидан дарслар ташкил қилиш орқали амалга оширилади, дарс соатлари дастурда белгиланган соатларга асосланади.

Синфда ўқувчилар сони кўп бўлса, 2га бўлиб ўқити-лади. Мажбурий курс икки босқич орқали амалга оши-рилади.

1-босқич: 5—6-синфлар

2-босқич 7—8—9-синфлар

Босқичларга бўлишда:

- 2) X,ар бир босқичнинг хусусияти;
- 3) Ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятлари;
- 4) Ўқувчиларнинг ишлаш фаолиятлари;
- 5) Нутқ фаолияти механизмларини шаклланиши;
- 6) Ҳар бир босқичда ишлатиладиган метод, усул-лар ҳисобга олинган.

Инглиз тили мажбурий курсини ташкил қилиш жа-раёни қуидагиларни ўз ичига олади:

1) тил материалларини ўзлаштириш, яъни ёдда сақлаш;

2) малака, кўникмаларни ҳосил қилиш;

Ўқувчи ўрганиш жараёнида:

- 1) материални қабул қиласди, тушунади;
- 2) ёдда сақлашга ҳаракат қиласди;
- 3) маълумот алмашиш (коммуникация) учун мате-риални оғзаки, ёзма қўллай олишга ўрганади.

Уқитувчи эса:

1) тил материалини устида ишлайди, яъни: а) ма-териални тақдим қиласди; б) янги ўтилган материални ўқувчилар тушунганликларини гувоҳи бўлади;

2) малака-кўникмаларни ҳосил қиласи.

3) ўқувчиларнинг талаффуздан, грамматикадан, лексикадан, оғзаки нутқдан, ўқишидан, ёзувдан бўлган билимлари ва малака-кўникмаларини текширади.

## **ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАГИ 2 ТА БОСҚИЧНИ АЛОҲИДААЛОҲИДА КЎРИБ ЧИҚАМИЗ.**

### ***Биринчи босқич (5—6-синфлар)***

Биринчи босқич бошланғич босқич деб ҳам юрити-лади.

Бошланғич босқичда инглиз тилини ўқитиш маса-ласи анча чуқур ишлаб чиқилган, методик адабиётлар-да ёритилган. 1988 йилда нашрдан чиқсан Г. В. Рогова, И. Н. Верешагинанинг «Методика обучения английско-му язмку на начальном этапе средней школы» қўллан-маси бунинг далилидир. 5—6-синфларда инглиз тилига асос солинади. Бу синфларда билим, малака кўникма-лар шаклланади, тилга қизиқиш уйғотилади. Ўқувчиларда давом этмаган хотира, ўйин ўйнашга қизиқиш етакчилик қиласи, янги тил уларни чарчатмайди, уни қизиқиб ўрганадилар, 5—6-синф ўқувчиларида тақлид қилиш, тинглаганни тезда қабул қилиш, ёдда сақлаш кучлидир.

Ўқитувчи инглиз тили ўргатишда бу хусусиятларни хисобга олиши зарурдир.

Бошланғич босқичда инглиз тили ўқитишда З та масала мавжуд:

1. Нутқ фаолияти турларини ўргатиш нисбати. У маълум бир нутқ фаолиятининг турини ўргатишга кўп вақт ажратиш, аҳамият бериш, ундан кўп материал беришни кўзда тутади.

2. Нутқ фаолияти турларини ўргатишнинг кетма-кетлиги. У маълум бир нутқ фаолиятининг турини ол-дин ёки кейин ўргатишни кўзда тутади.

3. Ҳамма нутқ фаолияти турларини бир вақтнинг ўзида ўргатиш зарур ёки зарур маслиги.

Юқорида З та масалалар бўйича бахсласиши нати-жасида бошланғич босқичда инглиз тилини ўргатишнинг З та тизими: оғзаки илгарилаш тамойили, оғзаки кириш курси, ўқиши орқали инглиз тилини ўргатиш ишлаб чиқилган. Уларни кўриб чиқамиз.

*Оғзаки илгарилаш тамойили орқали инглиз тилини ўргатиш.*

Оғзаки илгарилаш тамойили орқали инглиз тилини ўргатишни яна нутқ фаолияти турларини ёнма-ён (па-раллел) ўргатиш ҳам дейилади.

Бунда:

- 1) Нутқ фаолияти турларини ўргатиш бироз олдин бўлади;
- 2) Оғзаки илгарилаш бўлади, яъни материал ол-дин оғзаки

ўргатилади, сўнг ўқиш бўлади, ёзилади, яъни тилни оғзаки ўргатиш 2—3 соат илгарилайди.

3) Ўқувчилар инглиз тилини ўқитувчидан кейин оғзаки нутқда қайтариш, тақлид қилиш орқали ўрга-надилар.

Бу курс орқали инглиз тили ўргатилганда она ти-лидан зарурият туғилганда, кўргазмалардан, айниқса, расмлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

Оғзаки илгарилаш тамойили асосида рус мактабла-рининг 5—10-синфлари учун Гарри Уайзер таҳрири остида дарсликлар қўлланилди, ҳозир қўлланилмайди.

Ўзбек мактабларининг ҳамма синфлари учун инг-лиз тили дарсликлари шу тамойил асосида ёзилган, қўлланилмоқда. Ҳозир улар қайтадан, янгитдан ёзил-моқца, ишлаб чиқилмоқда.

### *Оғзаки кириши курси орқали инглиз тилини ўргатиши*

Оғзаки кириш курси орқали инглиз тилини ўрга-тиш яна у нутқ фаолияти турларини кетма-кет ўрга-тиш орқали инглиз тилини ўргатиш деб ҳам юритила-ди. Бунда:

1. Нутқ фаолиятлари кетма-кет ўргатилади, олдин оғзаки нутқ сўнг ўқиш, ёзув ўргатилади.

2. Тил материаллари маълум мудцатгача олдин оғза-ки нутқда ўргатилади.

3. Тил материаллари олдин оғзаки равища нутқда шакллантирилиб ўргатилмагунча, мустаҳкамланмагун-ча ўқиш, ёзув ўргатилмайди.

Инглиз тилини оғзаки нутқда ўргатиш муддати дарс-лик муаллифлари томонидан белгиланади. У муддат 6 ёки 8 хафтагача, яъни бир чораккача давом этиши мумкин.

Инглиз тили материалларини олдин оғзаки нутқда узоқ муддатда ўргатиш она тилини кам қўллаш, тақ-лид қилиш, ўқувчиларни гурух-гуруҳга бўлиб ишла-тиш, кўргазмали қуролларни кенг қўллаш асосида олиб борилади.

Оғзаки кириш қурси орқали рус мактабларининг 5—11-синфлари учун инглиз тили дарсликлари А. П. Старков таҳрири остида ёзилган, нашр қилинган, ҳозир ҳам қўлланилмоқда, ўзбек мактаблари учун бу курс асосида дарсликлар яратилмаган.

### *Ўқииш орқали инглиз тилини ўргатиши*

Ўқиш орқали бошланғич босқичда инглиз тилини ўргатишни инглиз методисти Майкл Уэст ишлаб чиқ-кан. У Ҳиидистонда яшаб, Дехлида ишлаб, ҳинд бола-ларига инглиз тилини ўқиш орқали ўргатган. Натижада у ўз методини яратган ва амадда қўллаб кўрсатган. Ўқиш орқали ўргатиш бўйича дарсликлар, қўлланмалар ёз-ган, ишлатиб кўрсатган. Унинг дарсликлари бизда

нашр қилинмаган. Ўқиши орқали инглиз тилини ўргатиш биз-да қўлланилмайди.

\* \* \*

Оғзаки кириш курси тарафдорлари ўқувчилар чет тили материалларини маълум муддат ичида оғзаки нутқ-да мустаҳкам ўрганиб олганларидан кейин ўқиши, ёзув-ни ўргатиш осонлашади, дейдилар.

Уларнинг фикрича, оғзаки нутқни мустаҳкам эгал-ламай, бошқа нутқ фаолиятларига тезда ўтиш ўқувчи-ларни чалкаштиради, ўрганишга ҳалақит беради.

Оғзаки илгарилаш тамойили тарафдорларини фик-рича, инглизча нутқ фаолиятларини оғзаки нутқца ўргатиб, тезда ўқиши, ёзувда, амалда қўллатиши, нутқ фао-лиятини малака, кўникумларини мустаҳкамлайди, узок муддат фақатгина оғзаки ўргангандага эса ўқувчилар тил материалларни эсдан чиқаради.

Оғзаки нутқни ўргатишда имо-ишора, ундаш, буй-руқ, таклиф, илтимосни бажаришлар, тасвирлашлар, расмлар кенг қўлланилади.

Лексика оғзаки ўргатилади, ўқувчилар биринчи ўқитувчи талаффузига тақлид қиласидилар, ўқимайди-лар, грамматик материал лексик йўл билан ўргатила-ди. 5—6-синфларда кейинги синфлар учун асос соли-нади.

Бошланғич босқичда инглиз тилини ўргатишда қўлланиладиган иш шакллари турлича бўлади.

Ўқитувчи дарсга тайёрланаётганда ўқув материали-ни, она тили ва рус тили тажрибасини ҳисобга олиб, дарс режаларини тузиши мақсадга мувофиқцир.

Дастур талаби бўйича бу синфларда оғзаки нутқ ва ўқиши, ёзувни ўргатиш мақсад ва воситадир, нати-жада оғзаки нутқ илгарилайди.

### **Иккинчи босқич (7—8—9-синфлар)**

Иккинчи босқични ўзига хос хусусиятлари бор. 7—8—9-синфларда оғзаки нутқни мақсад қилиб ўргатиш, ўрганиш такомиллашади. Нутқ фаолиятлари 7—8-синф-ларда оғзаки нутқ (тинглаш, гапириш) ва ўқиши, ёзув кетма-кетлигига ўргатилади. 7—8-синф ўқувчилари ўзла-ри мустақил тушунишга интиладилар. Давом этган хо-тира ривожлана бошлайди, билимга қизиқиш ортади, баъзан 8-синфларга келиб қизиқиш йўқола боради. Ўқитувчи бунинг олдини олиши керак.

Нутқ фаолиятининг мазмуни, ҳажми кенгаяди, мус-тақил ишлар бажартирилади, айниқса, 8-синфда ўзи-ни бошқариш қобилиятлари ривожлана бошланади.

Янги дастур талаби бўйича ўқувчилар 8-синфда тил материалларини ўқиш орқали ўрганиб сўнг оғзаки нутқ-да амалда қўллайдилар.

Инглизча ўқишининг ўрни ўсади, синфда овоз чи-қармай ўқиш, уйда якка (8—9-синфда) ўқиш, луғат-сиз ўқиш турлари қўлланилади, рўзнома, ойнома мақолалари ўқитилади.

Бу босқичда танишиш, синчиклаб ўқиши турлари қўлланилади.

Матндан башни нотаниш сўзларнинг маъносини ўқувчилар ўзлари фаҳмлаб, матн (контекст)дан тушу-нишга ўрганадилар.

7—8—9-синф ўқувчиларидан нутқ мавзуси бўйича инглизча гапира олишлари, тинглаган нутқ, ўқилган матн мазмунини сўзлаб бера олишлари, инглизча хат ёза олишлари талаб қилинади.

8-синфдан бошлаб нутқ, матн мазмунига ўзлари-нинг мустақил фикрларини билдиришни ўргана бошлайдилар. 7-синфда оғзаки илгарилаш 1 соатни ташкил қиласди.

Монологик нутқ 7-синфда 9 та жумладан, 8-синф-да 8—10 жумладан кам бўлмаслиги зарур. Диологик нутқ бўйича 7—8 синф ўқувчилари 4—5 та луқмалардан иборат бўлган диалоглар тузишади.

Тинглаб тушуниш ҳам мураккаблашади, тайёрланмаган нутқка ўргатилади. 9-синфда лексикани ўқиши орқали ўрганиш давом этади, лексика пассив ўрганилади. Бу босқичда техник воситаларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқцир, чунки ўқувчиларни ёши шуни талаб қиласди.

Икки тилли луғат, қўшимча адабиётлар, рўзнома мақолалари устида ишлаш, 8-синфдан бошлаб ўргатилади. 9-синф ўқувчилари нутқ, матн мазмуни бўйича ўзларининг мустақил фикрларини айтишга ўргатила-ди. о

Ўқувчиларни инглиз тилини ўрганишга қизиқиши-ни пасайтирумаслик учун техник воситалардан кенг фойдаланиш маъқулроқцир.

Техник воситалар орқали ўқувчиларни ёшига, би-лимига, тушунчасига мос инглизча диафильмлар, фильмлар, слайдлар қўрсатиш, уларнинг мазмунини гапиртириш, инглизча ашулалар эшиттириш мумкин.

Уқувчиларга мос келадиган, кам вақт оладиган 10 минутлик маҳсус инглизча диафильмлар, фильмлар, ашулалар ёзилган пластинкалар ҳозир чиқариляпти. Улар мактаб, туман, вилоят техник воситалари кабинетла-рида бор. Ҳар бир инглиз тили ўқитувчиси уларни олиб ўқувчиларга қўрсатиши, сўнг қайтариб топшириши мумкин.

### **Текшириш учун савол ва топшириклар:**

1. Ўрта мактабда инглиз тили ўқитиши қандай курелар орқали амалга оширилади?

2.Мажбурий курсни нечта босқичлар ва қандай шакл орқали амалга оширамиз?

3.Биринчи босқичда инглиз тили ўргатишининг хусусиятлари нималардан иборат ва у қандай амалга оширилади? Сиз қайси бири-ни афзал кўрасиз? Улар ҳақида сўзланг.

4.Иккинчи босқичда инглиз тили ўргатиш ҳақида сўзланг.

5.Босқичларда инглиз тили ўргатишида мазмун, иш шакллари гурлари, машқдарни гурлича бўлишлигининг сабаби, хусусиятлари \акида сўзланг.

6.Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида инглиз тили ўргатиш қандай ташкил қилинади?

### *1. Инглиз тили ўқитишини режсиишишириши*

Инглиз тилини муваффақиятли ўқитиш бир неча омилларга боғлиқ. Улардан энг муҳими режалаштириш-дир. Режалаштиришсиз таълим-тарбия бериш қийин, у таълим-тарбия беришида муҳим ўрин тутади. Ўқитув-чининг дарси муваффақиятли чиқиши уни тўғри режа-лаштиришга, фанини билишга, малака-қўникмасига боғлиқдир.

Сифатли таълим беришга, тўғри режалаштиришга метод, усулларни, тил материалларини, кўшимча ма-териалларни танлаш ҳамда уларни оғзаки нутқ, мала-ка-қўникмаларини шакллантириш ва ўстириш учун тўғри тақсимлаш каби омиллар таъсир қиласиди<sup>^</sup>

Хозирда режалаштириш тизими мавжуд. Ўқитувчи бутун ўкув йилини, хар бир мавзу, дарс соатларини режалаштириши керак. Режалаштириш инглиз тили дас-тури, дарсликлар, ўқитувчи китобларининг тамойил-лари, талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширила-ди.

Ҳар бир инглиз тили ўқитувчиси уларнинг талабла-рига бўйсунишга мажбур.

Урта мактабда режалаштириш тизимини муддати, мазмуни бўйича турларга бўлиш мумкин. Муддат бўйи-ча режалар 4 турга бўлинади:

1.Бир ўкув йили ёки 4 чораклик;

2.Ярим ўкув йили учун ёки 2 чораклик;



ни ўргатишда ўзбек тили грамматикасини билиш ҳам муҳим ўрин тутади, ўқитувчи буни ҳисобга олиши, эсга тушириши лозим. Сўнг ўқитувчи дарсда маълум вакт ажратиб ёки вазифа қилиб бериб, олдиндан бел-гиланган тестларни ечишга, тестларни осон, қийин-лигига қараб 30—50 тагача тестни ечиш, тахлил қилиш вазифасини бериши мумкин.

### **Д. БОСҚИЧ. ТЕСТЛАРНИ ЕЧИШ, ЕЧИЛГАН ТЕСТЛАР-НИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Бу босқич ўқувчилар тестни ечганларидан сўнг ўтка-зилади.  
Ўқувчилар дафтарларга, тестларнинг жавобла-рини қуйидагича ёзсалар маъқул бўлади:  
1997 й. № 9 Ахборотнома.

1-а 2-в

З-с деб қайд қилишлари, жавобнинг мослик, мос-эмаслигини тушунтириб беришга тайёр бўлишлари ло-зим. Кўп холларда ахборотномалардаги тестлар қалам, ручка билан чизиб белгиланади, бу эса кейинчалик ўзгаларга бу тестларни ечишга ўргатишда фойдаланиш мумкин бўлмай қоляпти.

Ўқувчи жавобини айтганда, иккиланмаслиги, ечол-маган бўлса рўйрост айтиши маъқулдир. Унда ўқитув-чи тушунтириб беради.

Ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамма берилган тестларнинг жавобларини мос эмаслигини таҳлил қилиши, исботлаши лозим.

Ўқитувчи кўп тестларнинг жавобини айтиш, топ-тириш ўрнига, тест жавобларининг мос келиши, кел-маслиги сабабларини аниклатса, исботлатса, бу ўқув-чиларга фойдалидир. Кўпинча тестнинг мосини топ, айтганинг а) нотўғри, в) тўғри, кейингисини топ деб тестларни ечириш ҳоллари учрайди. Бу ўқувчилар-ни мустақил ечишга ўргатмайди.

Биз юқоридагидек, тестларни ечиш методик тизи-мини ташкил қилолсак ўқувчилар, абитуриентлар улар-ни тўғри ечишни ўрганадилар.

264

ни ўргатишда ўзбек тили грамматикасини билиш ҳам муҳим ўрин тутади, ўқитувчи буни ҳисобга олиши, эсга тушириши лозим. Сўнг ўқитувчи дарсда маълум вақт ажратиб ёки вазифа қилиб бериб, олдиндан бел-гиланган тестларни ечишга, тестларни осон, қийин-лигига қараб 30—50 тагача тестни ечиш, таҳлил қилиш вазифасини бериши мумкин.

### **Д. БОСҚИЧ. ТЕСТЛАРНИ ЕЧИШ, ЕЧИЛГАН ТЕСТЛАР-НИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Бу босқич ўқувчилар тестни ечганларидан сўнг ўтка-зилади. Ўқувчилар дафтарларга, тестларнинг жавобла-рини қуйидагича ёзсалар маъқул бўлади:

1997 й. № 9 Ахборотнома.

1-а

2-в

3-с деб қайд қилишлари, жавобнинг мослик, мос-  
эмаслигини тушунтириб беришга тайёр бўлишлари ло-зим. Кўп  
холларда ахборотномалардаги тестлар қалам, ручка билан чизиб  
белгиланади, бу эса кейинчалик ўзгаларга бу тестларни ечишга  
ўргатишда фойдаланиш мумкин бўлмай қоляпти.

Ўқувчи жавобини айтганда, иккиланмаслиги, ечол-маган  
бўлса рўй-рост айтиши маъқулдир. Унда ўқитув-чи тушунтириб  
беради. Ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамма берилган тестларнинг  
жавобларини мос эмаслигини таҳлил қилиши, исботлаши лозим.

Ўқитувчи кўп тестларнинг жавобини айтиш, топ-тириш  
ўрнига, тест жавобларининг мос келиши, кел-маслиги  
сабабларини аниклатса, исботлатса, бу ўқув-чиларга фойдалидир.  
Кўпинча тестнинг мосини топ, айтганинг а) нотўғри, в) тўғри,  
кейингисини топ деб тестларни ечириш ҳоллари учрайди. Бу  
ўқувчилар-ни мустақил ечишга ўргатмайди.

Биз юқоридагидек, тестларни ечиш методик тизи-мини  
ташкил қилолсак ўқувчилар, абитуриентлар улар-ни тўғри  
ечишни ўрганадилар.

қолади. Биз бу фикрга қўшиламиз, лекин мундарежани ўзи афнан  
бундай режа ўрнини боса олмайди. Уларга тақвим-мавзуй режа  
тусини беришда дарснинг асосий, қўшимча вазифаларини,  
мақсадларини жиҳозини, дарс ўтиш вақти (муддати) бўлимларини  
қўшиш керак.

## *2.Инглиз тили дарси*

Инглиз тили дарси мажбурий курсини амалга ошириш шакли  
бўлиб, у 45 минут давом этади. У ўзининг хусусиятлари Билан  
ажралиб туради. Дарсда:

5. аниқ бир мақсад, вазифага эришишни кўзда тутилиши;
6. унинг ҳар бир босқичлари учун топшириқлар  
белгиланиши;
7. ўқиладиган, бажариладиган машқларнинг чегараланиши;
8. амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар  
амалга оширилиши;
9. нутқни ўргатиш, ривожлантириш, коммуникатив  
йўналишда бўлишлиги;
- 10.ҳар бир босқич бир-бирини тўлдириши;

Инглиз тили дарсининг хусусиятлари бор. Улар:

- 7.инглиз тили дарсининг вазифаси ва мазмuni асосини нутқ  
фаоллиги, нутқقا ўргатиш орқали ташкил қилиши;
8. инглиз тили дарсининг аралаш бўлиши, яъни талаффузни,  
грамматик ва лексикани ўргатиш Билан бирга ёки лексика Билан

бирга ўқишиңи ёки гапиришни ўргатиш орқали аралаш олиб борилиши;

9.кўргазмали қуроллар ҳамда техник воситаларда кенг фойдаланиши;

10.ўқитувчининг нутқиқўргазмалик ўрнини босиши воситасини ўйнаши Билан ажралиб туради.

Кундалик дарс режасининг мазмуни дарсда шаклланадиган ва ривожлантириладиган малака-кўнималарга, ўргатиладиган тил материалларига қараб ўзгаради. Унда ҳар бир қилинадиган иш методик, мантииқий кетма-кетликда, бир-бирини тўлдирадиган қилиб тузилади. Ўқитувчи буларни ҳисобга олиши зарур. Инглиз тили дарсини ўқитувчи 2 хил ташкил қилиши мумкин:

11.Ўқитувчи дарсни олиб бориши, Янги материални баён қилиши, ўқувчилар тинглаб, ўқитувчи айтганини бадариб боришлари мумкин.

12.Ўқувчилар ўзлари мустақил ўқитувчи раҳбарлигига ва ёрдамида материални, нутқни ўрганишлари мумкин.

Методистлар инглиз тили дарси жараёнини З босқичга бўлишади:

1-босқич	2-босқич	3-босқич
Янги материални тушунтириш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш.	Материални тўла эгалланганликни, ўзлаштирганликни текшириш.	Мавзу бўйича хулоса қилиш, тизимлаштириш.

### *Инглиз тили дарс тизими ва турлари*

Инглиз тили дарсининг тизими ва турлари мавжуд. Дарс тизими деганда бир Аниқ белгиланган мавзу (матн) асосида нутқ кўнималари ҳосил қилувчи дарслар йеғиндиси тушунилади. В.С. Цетлин чет тили дарсларини З тизимга бўлади:

5.Оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришга қаратилган дарслар тизими;

6.Матнни ўқиши, тушуниш малакаларини ривожлантиришга қаратилган дарслар тизими;

7. Оғзаки нутқ, ўқиши малакаларини ривожлантиришга қаратылған дарслар тизими.

Чет тили ўкув машғулотлари нутқ фаолияти машғулоти турларини, метод, усулларини ўз ичига олади. Бу йерда ўқув машғулоти дейилгандар түшүниләди. Ўқитиши тизимининг асоси ўқув машғулотидир.

Машғулотлар тизими ўқув вазифаларини хал қилишга қаратылған бўлиб, уларнинг йигиндиси шу предметни ўргатиш масадини ташкил қиласи. Методик адабиётларда бир мавзу асосида бирлаштирилған дарслар турлари йифинди (серия)сига дарс тизими дейилади. Бунда аниқ бир белгиланган мавзу, матн бўйича нутқ малака-кўникмалрини шакллантириш, ривожлантиришни кўзда тутган дарс йигиндиси түшүниләди. Ҳар бир дарс тури бир-бирига мантииқий, мазмун, методик томондан боғлиқ бўлади, улар бир-бирни тўлди-

риши лозим. Бунда ҳар бир мавз учун умумий масад, вазифа белгиланади.

Дарс тизимини дарс типларига ажратиш мумкин. Одатда дарс типлари 2га ажратылади:

10. Нутқ малакаларини ҳосил қилувчи дарс типлари;

11. Араш типлар.

1-тирга: а) матнни ўқиб түшүниш ва ўқиши ўргатиш дарси;  
б) диологик нутқни ўргатиш дарси;

в) тинглаб түшүнишни ўргатиш дарситурлари кабилар мисол бўла олади.

Араш дарс типига эса:

а) Янги нутқ намунасини ўргатиш ва оғзаки нутқни ривожлантириш дарси;

б) Янги лексикани ўргатиш ва оғзаки нутқни ривожлантириш дарс турлари кабилар мисол бўла олади.

В.А. Бухбиндер чет тили дарсларини коммуникаив йўналишига қараб 2 типга бўлиб, уларнинг дидактик моделларини тузиб чиқди. У биринчи типни соф нутқ дарслари, иккинчи типни эса араш нутқ дарс типлари деб атади.

Соф нутқ дарслари асосан нутқни ўргатишга қаратилса, араш дарс эсанутқни ўргатишдан ташқари тил материалларини ўргатиш, ўзлаштириш, мустаҳкамлашни ўз ичига олади. У икала

типларни дарс турларига ажратиб, уларни ўзгармайдиган, ўзгарувчан қисмларини аниқлаб кўрсатади.

Ўзгармайдиган қисмларга: 1) дарснинг бошланиши; 2) нутқ қисми; 3) дарснинг якуни, баҳолашни киргизади.

Үзгарувчан қисмларга: 1)материални киритиш фрагментлари; 2) тил материалларини ўзлаштириш, мустаҳкамлашни киритади.

В.А. Бухбиндер аралаш дарс типларини 13 турга, соф нутқ дарсларини 15 турга бўлади. У 28 та дарс моделини аниқлаб, чет тили дарсларининг 28 та турини кўрсатади.

Аралаш нутқ дарс типлари қуидагиларга бўлинади:

3.тақлид қилиш методи Билан фонетик материални тушунтириш ва оғзаки нутқни ўстириш;

4.таҳлил-тақлид қилиш методи Билан фонетик материални тушунтириш ва оғзаки нутқни ўстириш;

5.лексикани нутқ намуналарида таништириш, мустаҳкамлаш;

6.лексикани тушунтириш, ва оғзаки нутқни ўргатиш;

7.лексикани тушунтириш ва ўқишни ўргатиш;

8.оғзаки нутқда лексикани фаоллаштириш;

9.грамматикани нутқ намуналарида таништириш ва мустаҳкамлаш;

10.граммикани тушунтириш ва оғзаки нутқни ўргатиш;

11.граммикани тушунтириш ва ўқишни ўргатиш;

12.оғзаки нутқда грамматикани фаоллаштириш;

13.хуснihatни (калиграфия) ва ёзма нутқни ўргатиш;

14.имло (орфография)ни тушунтириш ва ёзувни ўргатиш;

15.ўқилиш қоидаларини тушунтириш ва ўқишни ўргатиш;

Соф нутқ дарс типининг турлари:

16.нутқ наъмуналари ёрдамида диологик нутқни ўргатиш;

17.муҳокама йўли Билан диологик нутқни ўргатиш;

18.драммалаштириш асосида диологик нутқни ўргатиш;

19.нутқ вазияти ёрдамида диологик нутқни ўргатиш;

20.нутқ намуналари ёрдамида монологик нутқни ўргатиш;

21.гапириб бериш орқали диологик нутқни ўргатиш;

22.ҳикоя орқали монологик нутқни ўргатиш;

23.тасвирлаш орқали монологик нутқни ўргатиш;

24.монологик нутқни, тинглаб тушунишни ўргатиш;

25.диологик нутқни, тинглаб тушунишни ўргатиш;

- 26.оғзаки нутқни илгарилаш шароитида синтетик ўқиши;
- 27.тахлил қилиш орқали ўқиши ўргатиш;
- 28.синтетик ўқиши ўргатиш;

- 29.танишиш учун синтетик нутқни ўргатиш;
- 30.ёзма нутқни ўргатиш. \*1 (230-бет)

### ***Бир саомлик инглиз тили дарснинг тузилиши конспекти***

Конспектни она тилида тузиш талаб қилинади, лекин сўзлар, мавзулар инглизча бўлади.

Инглиз тили дарснинг хусусияти унинг нутқ йўналишида бўлишидир. Инглиз тили дарси амалий, умумтаълим, тарбиявий, ривожлантирувчи, ўқитиш мақсадларини мустақил, ижодий ишлаш фаоллигини амалга оширишга қаратилиши лозим. Инглиз тили дарси таълим берадиганлар ва таълиз олаётганлар фаолиятидир.

Ҳозирги даврда инглиз тили дарсига дидактик томондан ёндошилиб, уни дидактик тизим деб қаралади.

Дарс умумдидастик, методик тамоиллар асосида ташкил қилинади, олиб борилади.

Ҳозир инглиз тили дарси: 1) инглиз тилидан таълим бериш; 2) инглиз тилини амалда қўллаш; 3) ўқувчи, талабаларни ривожлантириш; 4)тарбиялашни кўзда тутади.

Баъзилар чет тили дарснинг 1) мақсад, вазифа; 2) мазмун; 3) ташкилий, асосий методик; 4) тузулиш қисмларга бўладилар. Унда вазифа қисмлари етакчидир. Шу сабабли қолган қисмлар бунга бўйсунади. Мазмун қисми мАқсадни амалга оширишни кўзда тутади. Дарсни ташкилий методик қисми мАқсад, мазмун қисмини ўз ичига олади ва уларнинг талабларига бўйсунади. Ҳар бир қисм маҳсус хусусият, талабга эга.

С. Ф. Шатилов дарснинг асосий қисмига қўйидагиларни киритади:

- 1) ташкилий қисм;
- 2) янги материални киритиш;

- 3) уларни машқ қилдириш, күнікмани шакллантириш, уларни текшириш;
- 4) оғзаки нутқ, ўқиши, ёзув малакаларини ривожлантириш ва уларни текшириш;
- 5) уйга вазифа бериш.

---

В. А. Бухбиндер «Основные типы уроков иностранных языков и их дидактико-методические модели». В книге тезисы, доклады конференции в Баку, 1975 год.

Бизнинг фикримизча, дарс жараёнини З та босқичга бўлиш мумкин:

5. Дарснинг бошланғич босқичи;
6. Дарснинг асосий босқичи;
7. Дарснинг якуний ёки охирги босқичи.

Дарснинг бошланғич босқичини: саломлашиш ёки ташкилий жараён (Organization moment), 2) фонетик машғулот (Phone drill), 3) оғзаки нутқ машғулот (Oral drill)га бўлиш мумкин. Бу Зта қисм инглиз тили дарсини ташкил қилишга, инглизча муҳит яратишга хизмат қиласади.

Дарснинг асосий босқичида эса янги тил материаллари ўргатилади, тинлаб тушуниш, гапириш, ўқиши, ёзув малакалари шакллантирилади, ҳосил қилинади, ривожлантирилади.

Ўзлаштириш, мустаҳкамлаш учун турлича машқлар бажарилади.

Албатта уларни ўргатиш метод, усуллари аниқланиб, амалга ошириш дарс режасида ишлаб чиқилади.

Дарс якунида, охирги босқичида: 1) дарсга якун ясалади, 2) ўқувчиларни жавоби изохланиб баҳоланади, 3) уй вазифаси берилади

Бир соатлик инглиз тили дарснинг мавзусини (the theme), дарснинг асосий ва қўшимча вазифасини (The main, additional task), дарснинг жиҳози (the equipment), дарснинг тарбиявий томонини (The educational moment), қўлланиладиган, синфда инглизча ишлатиладиган ибораларни (class expressions) ҳамда юқоридаги Зта босқичини ўз ичига олади.

Унинг кўриниши қўйидагича:

Инглиз тилида бир соатлик дарс режаси:

I. Дарснинг мавзуси. The theme of the lesson.

II. Дарснинг асосий вазифаси: The main task of the lesson.

III. Дарснинг қўшимча вазифаси. The additional task of the lesson.

IV. Дарснинг жихози. The equipment of the lesson.

V. Дарснинг тарбиявий моменти: The educational moment.

VI. Дарсда қўлланиладиган иборалар. Class expressions.

Асосий вазифаларда нутқ фаолияти турлари бўйича, қўшимча вазифада тил материаллари бўйича белгиланади.

Кўпинча дарснинг асосий ва қўшимча вазифаларини бирлаштириб дарсни мАқсади деб ҳам аталади.

The procedure of the lesson. Дарснинг бориши.

I. – Дарснинг бошланғич қисми. The beginning of the lesson.

1) саломлашиш ёки ташкилий жараён: Greeting or organization moment.

2) Фонетик машғулот: Phone drill.

3) Оғзаки нутқ машғулоти: Oral drill.

I. Дарснинг асосий босқичи. The main part of the lesson.

II. Дарснинг охири, якуний босқичи: The end of the lesson.

а) дарсга хулоса ясаш: Conclusion.

б) баҳолаш: Estimating or marking.

в) уй вазифа: Homework.

Бу инглиз тили дарсининг умумий тузилишидир.

Дарс режасининг мазмуни, дарснинг бориши, қилинадиган ишлар, қўлланиладиган метод, усуллар, синфга, мавзуга, асосий, қўшимча вазифаларга қараб ўзгаради, мураккаблашади, лекин дарсни шу тартибда, режа асосида тузиш мумкин.

Ўқитувчи режасида тил материалларни, нутқни ўргатишнинг метод, усулларини, Машқларини ишлаб чиқади.

Юқоридаги дарс структураси ягона эмас.

Кўп методик адабиётларда, ўқитувчи китобида дарснинг мавзуси, мАқсади, вазифаларига қараб, турлича дарс режалари берилган: улардаги дарсни боришини умуман олганда (уларда дарснинг бориши З босқичга ажратиб кўрсатилган бўлса ҳам) мазмуни бўйича дарсни шу З та бошланиш, асосий, якуний босқичларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи дарс мавзусини белгилаганда параграф, Lesson unit дарс Машғулот сонини, ўргатиладиган материалларини, ўқиладиган матн, ўргатиладиган оғзаки нутқ мавзусини билиши зарур. Уларни ўқитувчи тақвим мавзуй режадан, дарсликдан, ўқитувчи китобидан олади. Шулар асосида дарс мавзусини қўйидагича бўлиши мумкин:

11.The theme of the lesson: lesson I hour I grammar ёки Presx Ins. Tense.

12. The theme of the lesson: lesson: Lesson 5 hour 4 vocabulary ёки

13. The theme of the lesson: lesson: Lesson 9 «Our country»

14.The theme of the lesson: lesson: Lesson 14 hour 3 Text «Alisher Navoi» кабилар.

Дарснинг асосий вазифаси шаклланадиган, ўргатиладиган, ривожлантириладиган нутқ фаолиятлари, малакалари бўйича аникланади ва улар қўйидагича бўлиши мумкин.

1. The main task of the lesson.

a) Developing pupils habits and skills of reading of the text Alisher Navoi b) Reading and getting information from the text Alisher Navoi.

c) Developing pupils habits and skills of speaking on theme “Our country”

d) Developing pupils habits and skills of listening on theme “Great Britain”.

Дарснинг қўшимча вазифаси дарсда ўргатиладиган, мустаҳкамланадиган, ўзлаштириладиган тил материаллари бўйича белгиланади:

The additional task of the lesson:

a) Introducing words: a cap, a table, to work, to write.

b) Activization of words, speech patterns: to go for a walk, a town, a capital, if I go.... .

c) Introducing the Present Indefinite Affirmative form.

d) Activization of the Past Indefinite Tense and others.

Дарснинг жиҳози - дарсда қўллаш учун зарур бўлган воситалар, дарс учун ўқув қуроллардир. Улар устида олдин тўлиқ тўхтаганимиз. Улар ҳам дарснинг мавзуси, мазмуни вазифаларини,

ўргатиладиган материалларининг хусусиятига боғлиқ, уларга қараб танланади, тайёрланади ва мослаштирилади.

Дарснинг тарбиявий жараёни дарсда зарур, кулай пайтда тарбия ҳақида сўзлашиш ёки баҳслашишни кўзда тутади. У асосан инглиз тили материаллари, ўқилган, тингланган, сўзланган матн, мавзу мазмунларига мослаб ўтказилади.

Тарбиявий жараён қуий синфда асосан ўқувчининг интизоми, хулқи. баҳоланиши дарсга тайёргарчилигига қараб ўтказилса, юқори синфларда эса ўқилган, тингланган, сўзланган нутқ мавзуларининг мазмуни, ўқувчининг дарсдаги интизоми, хулқи, дарсга тайёргарлиги, уй вазифани бажариши, баҳолашдаги изоҳлашлар орқали амалга оширилади.

Хуносани ўқувчилар ўзлари, ўқитувчи ёрдамида қиласидар. Қуий синфларда ўзбекча ўтказилса, юқори синфларда инглизча ўтказилгани маъқулроқдир.

Дарс режасида дарсни инглизча ўтказиш учун шу синф ўқувчилари тушунадиган, биладиган иборалар олдиндан аниқланиб ёзилади. Ўқитувчи дарс ўтаётганда улардан фойдаланади. Акс ҳолда баъзи ўқитувчилар ўзи билган, ўқувчи билмаган синф ибораларини қўллайди, қўлляяпти.

Ўқитувчи бир соатлик дарс режасини тузишда тақвим – мавзуйи режадан фойдаланиб, дарс мавзусини, асосий.кўшимча вазифаларни, жиҳозларини аниқлайди, дарслидаги шу дарс (lesson) материаллари, машқлари билан танишади. Уларни ўқувчилар ўзлаштира олиш ёки олмасликларини ўйлаб кўради, материал, машқларни тақсимлайди; ўргатиш, мустаҳкамлаш, ўзлаштириш метод, усуllibарини, машқларини ишлаб чиқади.

Рогованинг фикрича: The teacher must :

- Teach pupils to understand the words? When hearing and to use them in sentences orally.

- Teach pupils to form new words with the help of the suffixes and to use them in situations given.

- Teach pupils to consult a dictionary, to look up the meaning of the words.

- Teach pupils to recognize international words when hearing or reading.

- Teach pupils to understand the statements in the definite tense.

- Teach pupils to guess the meaning of unfamiliar words from the context while reading the text.

- Teach pupils to ask and answer questions in the definite tense and make up dialogues.

- Teach pupils to find the logical predicate in the sentences while reading texts.

- Teach pupils to speak about about the objects.

- Teach pupils to find topical sentences while reading texts.

- Teach pupils to get the main information while reading texts

С.Ф. Шатиловнинг фикрича, режалаштиришнинг муваффақиятли бўлиши: 1) ўқитувчининг режа тузиш кўникма, малакасига эга бўлишига; 2) ўқитувчининг

ҳар бир синфда чет тилини эгаллашнинг кўникма, малакаларини, мақсадларини, талабларини билишига; 3) ўқитувчин дарслик муаллифларининг методик ёндошишини билишига; 4) ўқитувчининг ҳар бир синф ўқув методик воситаларини билишига; 5) ўқитувчини ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятларини, кўникма-малакаларини шакллантириш асосий босқичларини билишига; 6) ўқитиувчининг ҳозирги замон чет тили дарсига бўлган талабларни билишига; 7) ҳамда ўқитувчи ўқувчиларни чет тилини қандай эгаллаганлик даражасини, унга қизиқишини ҳисобга олишига боғлиқдир.

Инглиз тили дарси инглиз тилида ўтилади, ташкил қилинади.

Г. В. Рогова ҳар бир дарсда ўқитувчи қуидаги тамоилларга риоя қилиши зарур деб топади:

1) ҳар бир дарс ўқитувчи билан ўқувчининг инглиз тилида саломлашиши ва қисқача сухбати билан бошланиши;

2) ўқувчиларга бериладиган буйруқлар, синфда қўлланиладиган иборалар, албатта инглиз тилида берилиши;

3) дарсда тинглаш, гапириш, ўқиш, ёзиш ва доскада ишлаш каби турли-туман ишлар, машқлар фаол равишда инглиз тилида олиб борилиши, ўқувчилар фаол қатнашиши;

4) дарс юқори савияда олиб борилиши, оғзаки машқлар кенг ўtkазилиши;

5) дарсни ўқувчилар уйда мустақил ишлай оладиган қилиб ташкил қилиниши.

Хозирги даврда инглиз тили дарсига қуидаги талаблар қўйилади:

7. инглиз тили дарси 4 та мАқсадни амалга оширсин;

8. дарс илмий ташкил қилинсин, илмий текширилган тамоиллар асосида бўлсин;

9. дарсда машқлар коммуникатив йўналишда бўлсин;

10.дарсда инглиз тилини ўргатиш оғзаки ёndoшиш орқали бўлсин;

11.дарсда кўргазмалар, техник воситалар, тил кўргазмаси, ўйинлар кенг қўлланилсин;

12.ўқитувчи билан ўқувчининг дарсдаги қатнашиш фаоллигининг нисбати ўқувчининг фойдасига ҳал

бўлсин, яъни ўқувчи ўқитувчига нисбатан кўпроқ қатнашсин;

13.дарсда она тили билан инглиз тилини қўллаш нисбати инглиз тилининг фойдасига ҳал бўлсин, яъни дарсда кўпроқ инглиз тили иштирок этсин, она тили заруррат туғилгандагина қўлланилсин;

14.дарс инглизча ташкил қилинсин,;

15.оғзаки нутқ давомли бўлсин;

16.дарсда ўргатилаётган талаффуз, лексика, грамматика материаллари амалий эгаллансин;

17. дарсда нутқ фаолиятининг турлари амалий эгаллансин;

18.дарс мослаштириш (оптималлаш) асосида ташкил қилинсин;

19. дарс нутқий йўналишда бўлсин;

20.Дарсда қулай психологик ҳолат, муҳит яратилсин;

21.Дарсда тил ўргатишга қизиқиш уйғотилсин;

22.Дарсда мустақил ишга тайёрлансин, ўргатилсин;

23.Дарс тили ўргатилаётган мамлақат ҳақида Янги маълумот берсин.

Ўрта мактабда инглиз тили дарс жараёнини яқорида кўрсатилганларга асосан ташкил қилсак, ўтказсак, ўқувчиларнинг билимлари малака, кўникмалари дастур талабига жавоб беради. Ўқув

жараёнини академик лицейларда, касб-хунар кллежларида юқоридагидек режалаштириш, ўтказиш мүмкін.

### **Текшириш учун савол ва топшириклар**

- 1.Инглиз тили ўқитиши жараёнини режалаштириш зарурми, шартми? Сабабини тушунтириңг.
- 2.Режа турлари ва уларнинг фарқлари ҳақида сўзланг
3. Ҳар бир синф. Босқич учун алоҳида шаклдатақвим-мавзуй режа тузиш керакми? Уларнинг шаклларида фарқлари бўлса, сабабини тушунтириңг.
4. Ўқитувчи ҳар бир дарсига кундалик дарс режасини тузиши шартми? Ўқитувчи режа туzmайдарс ўтказиши мүмкінми? Сабаби ҳақида сўзланг.
5. Ўқитувчи нималарга асосланиб ўкув жараёнини режалаштиради?
6. Кундалик дарс режасини тузилиши ҳақида сўзланг.
7. Кундалик дарс режасини қайси тилда тузиш керак ва синф журналига қайси тилда қайд қилиниши талаб қилинади? Сабабини айтинг.
8. Сиз қайси тилда режа тузилиши ва ва жрналга қайд қилинишини тарафдорисиз? Сабабини тушунтириңг.
9. Режаларни метод бирлашма раҳбари, илмий бўлим мудири томонидан текширилиши, тасдиқланиши сабабларини тушунтириңг. Сиз ҳам шундай текширилиш, тасдиқланиш тарафдоримисиз?
- 10.Маълум бир синфга дарс режасини тузинг ва уни ўтказиш ҳақида сўзланг.

## **2 - §. МАКТАБДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МАЖБУРИЙ БУЛМАГАН КУРСИННИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Маълумки, мажбурий бўлмаган курс 2 та йўл орқали амалга оширилади.

5. Фақултатив Машғулотлар, яъни чет тилини чукурлаштириб ўқитиши орқали.

6. Синфдан, аудиториядан, мактабдан, лицей, колледжлардан ташқарида инглиз тили билан шуғулланиш уни ўргатиш орқали. 2 та йўлни алоҳида кўриб чиқамиз.

### ***Инглиз тилида факультатив машғулотлар***

Инглиз тилидан факультатив машғулотлар таълим-тарбия беришда муҳим ўрин тутади. Факультатив машғулот ўқувчилар қизиқиши, қобилиятига мос равишда ташкил қилинади. Факультатив машғулотлар академик лицей, касб-хунар колледжни танлашга ёрдам беради. Бу машғулотлар 8-9 синф ўқувчилари, академик лицей талабалари қатнашадилар. Ўқувчилар келажакда академик

лицейларга, колледжларга киришга тайёрланиш мақсадида, ўзлари инглиз тилини чуқур ўрганишлари учун ўз хоҳишлари бўйича факультатив машғулотларга қатнашадилар. Ўқувчи, талабаларга кўшимча материаллар орқали инглиз тили чуқур ўргатилади. Факультатив Машғулот жараёнини ташкилий шакли доимий машғулотдир. У дарсдан олдин ёки кейин ўтказилади. Машғулотлар дарсга ўхшаш ўтказилмайди, лекин ўқувчининг қатгашганлиги ҳисобга олинниб, ўрта мактаб гувоҳномасида қайд қилинади, ўқитувчига ҳақ тўланади.

Факультатив машғулот инглиз тилини ўрганишни хоҳловчилар бўлгандан 8-9- синфлардан ўқувчи, талабалар териб олинниб ташкил қилинади. Ўқувчи, талабалар сони бир гуруҳда 15 тадан ошмагани маъқул.

Факультатив машғулотнинг 2 та тури.

7. Оғзаки нутқни чуқур ўргатиш, ўрганиш тури.
8. Оғзаки нутқ ва ўқишни чуқур ўргатиш, ўрганиш тури.

Мактабда, академик лицей, колледжа инглиз тилидан олиб бориладиган факультатив машғулот таълим-тарбия жараёнининг мажбурий бўлмаган қисмидир. Инглиз тилидан факультатив машғулотлар ўрта мактабларнинг ўқув режаси асосида киритилган.

Факультатив машғулот бўйича дастурлар ишлаб чиқилган, мақолалар, қўлланмалар ёзилган.\_Уларда факультатив машғулот мақсади, мазмуни, талаби, мавулар, уни ташкил қилиш, ўтказиш шакллари ёритилган. Факультатив машғулот мақсади ўқувчи, талабаларга инглиз тилида оғзаки нутқни, ўқишни чуқур эгаллатиш, мустақил ишлаш малака – қўнималарни ривожлантиришdir.<sup>2</sup>

Факультатив машғулот орқали ўқувчи, талабалар инглиз тилини тушунишни, турли мавзуларда сухбат олиб боришни, лугатсиз миллий оммабоп китобларни, матнларни, рўнома материалларини ўқишни, хат ёзишни ўргатадилар. Машғулот умунийтаълимий, амалий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни ҳам амалга оширишни кўзда тутади.

Г.В. Рогова факультатив машғулот мазмунини қўйидагича белгилайди.

The content of optional course should be hearing, speaking and reading. Pupils should be taught.

- a) to annotate what they read, b) to give a short summary of the text they read, c) to write an essay.

**Факультатив машғулотларда Ш.Ф. Шатиловнинг фикрича:**

---

Программа факультативных курсов для средней школы английский, немецкий и французский языки. Т. 1976.

Программа факультативных курсов для 8 летни и средних школ М. 1978. Программа факультативных курса по иностр. языкам средней школе. Журнал иностранные языки в школе № 1 1984 Б. С. Островский, Английский язык на факультативных занятиях в средней школе № 1977.

<sup>2</sup> B. S. Ostrovsky. English (optional) Coutse M. 1990.

G. V. Rogova Methods of teaching English. M. 1983, 283-бет

1) коммуникативлик; 2) мустақил ишлаш, ишлатиш; 3) уни мажбурий курс билан боғлаб олиб бориш; 4) факультатив машғулотни ўтказиш шакли, мазмунни, мажбурий курс ўтказиш шакли, мазмунига ўхшамаслик жиҳатлари асосида олиб бориш лозим.

У факльтатив машғулотнинг вазифасига қўйидагиларн киритади:

1) Гапиришни ўргатиш орқали ўқувчиларда чет тилида алоқа қилишни ўстириш ва мукаммаллаштиришdir;

2) Тинглаб тушунишни ўргатиш орқали нутқни тинглаб тушунишни ўстиришdir;

3) Ўқиши ўргатиш орқали эса:

а) матнинг асосий мамунини тушуниш;

б) матнни тўлиқ мазмунини тушунишdir.

Тинглаб тушуниш ва ўқиши чун олинадиган материаллар тили ўрганиладиган мамлакатнинг тарихи, маданияти, урф – одатлари, хозирги турмушки, ҳаёти тўғрисида бўлади. Уларнинг мазмунни гапиришни мукаммаллаштиришга ёрдам беришни кўзда тутади.

**Факультатив машғулотга қўйидаги талаблар қўйилади:**

5. Монологик нутқ бўйича:

а) илгаридан тайёргарликси тингланган, ўқилган матнларни (3 бетли бироз нотаниш материал бўлган) тўлиқ мазмунини айтиб бериш;

б) илгари күрган пьеса, кинофильмларни тайёрланмай асосий мазмунин айтиб бериш; в) йиғилиш, кенгашларда маъруа қилиш;

г) рўзнома мақолалари ҳақида ахборот бериш;

д) баҳсларда қатнашиши талаб қилинади.

2. Диалогик нутқ бўйича эса:

а) олдиндан тайёрланмай маълумот алмашиш;

б) олдиндан тайёрланмай ўрганилган мавулар бўйича баҳсда қатнашиш; в) берилган нутқ вазияти асосида диолог олиб бориш талаб қилинади.

3. Тинглаб тушуниш бўйича талаб эса тинглаб хабарлар мамунини тушунишdir.

а) лугатсиз ўқиш, тушуниш;

б) таҳлилни ва луғутни қўллаб, рўзнома мақоласини ўқиш;

в) ўқувчи, талабаларни қизиқтирган илмий-оммавий мавзудаги адабиётларни Лугат билан ўқиш талаби қўйилади.

4. Ёзув бўйича эса:

а) 2 бетли тингланган матнни ёзма ифодалаш;

б) баён ёзиш;

в) хат ва деворий гаетага мақола ёзиш талаблари қўйилади.

Факультатив машғулот 8-9 синфларда 2 йил давом этгани маъқул. Биринчи йил 8-синфда 70 соат, ҳафтасига 2 соат, 9-синфда 105 соат, ҳафтасига 3 соат дарс жадвалига қўйилади. Биринчи йили 70 соатни (8-синфда) 16 соатда ўқувчиларни билимини бир тизимга тушуриб олиш мақсадида уни корректив кусрга ажратилади, 54 соати асосий Машғулотларга ажратилади. Корректив курсда мажбурий курсдаги материаллар чуқур ўзлаштирилади.

Асосий машғулотда эса янги сўзлар, янги матнлар, мавулар ўқитилади, нутқ машқлари кенг бажарилади ҳамда бунга ўқиш ҳам киритилади.

Икки йиллик Машғулотда ўқишнинг 2 та тури:

7. синфда таҳлил (анализ) қилиш ва фаҳмлаб тушуниш орқали ўқиш;

8. уйда ўқиши орқали унинг мамунини синфда мухокама қилиш, ўтказиш.

Оғзаки нутқ бўйича эса тайёрланмаган диологик, монологик нутққа, инглиз тилини тинглаб тушунишга ўргатилади.

Б. С. Островскийнинг қўлланмасида<sup>2</sup> инглиз итлида факультатив машғулотлар ҳақида тўлиқ маълумот берилган, уни ўткаиш режалари, мавулари кўрсатилган. У факультатив машғулотни 2 турга: тузатиш, тўғрилаш ва асосий машғулотларга бўлади. Унинг 1990-йилда чиққан English (Optional course) қўлланмасида фақатгина факультатив машғулотни ўтказиш учун материаллар берилган, лекин бундай машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш хусусиятлари тўлиқ баён қилинмаган.

---

Н. И. Гез и др. Методика обучения иностр. в ср. школе М., 1982, 354-66- бетлар.

<sup>2</sup> Б. С. Островский «Английский языки и факультативных занятиях в ср. школе» М., 1977, 5-7- бетлар.

### **Унинг тузатиш, тўғрилаш машғулоти қуйидагича ўтказилади:**

- 7) Ўқитувчининг сухбати (15 минутгача);
- 8) Ўкувчиларнинг мустақил ўқиши (20 минутгача);
- 9) Монологик нутқ бўйича Машқ бажариш (25 минутгача);
- 10) Мавзуй саволларга жавоб бериш (25 минутгача);
- 11) «Humour» материали асосида нутқ амалиёти (10 минутгача);

### **Асосий Машғулотнинг наъмунавий режаси**

4. Ўқитувчи сухбати (15 минутгача);
5. Мустақил ўқиши (20 минутгача);
6. Матн устида Машқлар бажариш (25 минутгача);
7. Нутқ амалиёти (30 минутгача).

Факультатив машғулот ҳақида Г. В. Рогова ҳам алоҳида тўхталган, лекин у тур, босқичларга бўлмаган.

С. Ф. Шатилов факультатив машғулотни 4 йилга мұлжаллайды ва 2 та босқичга бўлади: Биринчи босқичга 7-8-синфларни, иккинчи босқичга 9-10-синфларни киритади.

Кейин эса 11-синф ҳам қўшилди. Биринчи босқичда (7-8-синфлар) юқорида айтилган тизимлаштириш ва асосий машғулотлар орқали ишлар бажарилади. Унда оғзаки нутқ етакчи ўрин эгаллайди, қайтариш асосини ижодий нутқ машқлари ташкил қиласади.

Бу босқичда ўқиши нутқ фаолияти сифатида етакчилик қиласади.

Биринчи босқичда диологик нутқ 7 та луқмадан, иккинчи босқичда эса 8 та луқмадан иборат бўлади. Ўқувчилар 3-4 фой нотаниш сўзи бўлган 2 минут давом этадиган ингли тилидаги матнни тинглаб тушуна олишлари лозим. Овоз чиқармай 3 ва 4 фоиз нотаниш сўи бўлган матнни ўқиб тушуниш кўзда тутилади.

Биринчи босқич учун 1500, иккинчи босқич учун 1700 шартли белгили матнлар ўқиласади.

*Методик адабиётларда монологик нутқ бўйича:*

- 12) Ўқиган ва тинглаган матнларни сўлатиш;
- 13) Ўқиган китоб, кўрган фильм мамунини қисқа баён қилиш;
- 14) Ўқиган китобни матн бўйича танқидий таҳлил қилиб гапириш;
4. Мактаб ҳаёти ҳақида хабар бериш;
5. Матбуот материаллари асосида сиёсий воқеаларни шарҳлаш;
6. Йиғилишларда, кечаларда маъруза қилиш;
7. Спорт ҳақида хабар бериш каби машқлар.

*Диалогик нутқ бўйича:*

- 1) луқма ташлашни мукаммаллаштириш;
- 2) якка, жуфт бўлиб ишлаш машқлари ўткаилади, тавсия қилинади;

*Ўқиши бўйича эса:*

- 1) чукурроқ тушунишга;
- 2) аниқ тушунишга;
- 3) матнни тўлиқ тушунишга қаратилган машқлар ишлатилади.

Ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар учун факультатив машғулот бўйича ишлар қи-линган. Ўзбек мактаблари учун 1976 йилда факультатив машғулот дастури ишлаб чиқилган, лекин қайтадан ишланмаган. Дастурни амон талаблари асосида қайта тузиш зарур. Ўзбек мактабларида факультатив машғулотни ўткаиш учун 1975 йилда X.C. Барножўжаеванинг “Let’s speak English” китоби, 1976 йилда Л.Н. Токареванинг «Ингли тилидан факультатив машғу-лотлар учун хрестоматияси» нашрдан чиқкан. Ҳозирги давр ўзбек мактаблари учун янги қўл-ланма яратиш, тузиш талаб қилинади. Ҳоирги пайтда ўзбек мактабларининг 8, 9 -синфларида бундай машғулот ўтказилмоқда. Академик лицейларда ҳам факультатив машғулотлар ташкил қилишни давр тақозо қилмоқда. Уни ташкил қилиш мақсади олий ўқув юртларига киришга тайёрлашдир. Бу мақсад бўйича академик лицей ва коллежларда ҳали ҳеч қандай иш қилинмаган.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

5. Факультатив машғулотларни ташкил қилиниши, мақсад, вазифалари, мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.
6. Факультатив машғулотни мажбурий курс дарсларидан фарқи ҳакида сўзланг.
7. Инглиз тилида факультатив машғулот ҳар бир мактабда ташкил қилиниши шартми ва у қачон ташкил қилинади?
8. Факультатив машғулотнинг турлари ҳакида сўзланг.
9. Ўзбек мактабларидаги факультатив Машғулотларни ташкил қилишдаги қийинчиликлар ҳакида сўзланг.
10. Мъълум бир факультатив машғулот ўтказиш режасини тузи шва ўтказишни айтиб Беринг.

### ***6. Инглиз тилида синфдан, мактабдан ташқари ўтказиладиган ишларни ташкил қилиши***

Инглиз тилидан ўтказиладиган синфдан, мактабдан, аудиториядан ташқари ишлар таълим-тарбия бериш тизимининг таркибий қисмидир. Уларга ўқувчи, талabalар ўз хоҳишлиари билан қатнашадилар. Ҳозирги давр талаблари бундай ишларга янада кўпроқ аҳамият беришни талаб қиласди.

Улар кўпроқ тарбиявий йўналишда бўлиб, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради, ўқувчиларнинг инглиз тилидан билим, малака ва кўникмаларини чуқурлаштиради, оширади, ривожлантиради. Ўқувчиларни ватанпарварлик, байналминал руҳида тарбиялашга, катталарни, меҳнатни ҳурмат қилишга ўргатади. Бундай ишлар орқали ўқувчиларни жамоатчилик бўйича алоҳида қобилиятлари, қизиқиш томонлари намоён бўлади.

Үқувчилар бундай тадбирларга ўз хоҳишлирига қараб катнашадилар. Ўқитувчи бундай ишларни яхши, хилма-хил, қизиқарли ташкил қила олса, ўқувчиларни инглиз тилига қизиқиши, ўқитувчига, инглиз тилига хурмати ортади.

Бунинг учун эса ўқитувчи дарсини яхши, қизиқарли ташкил қилиши, ўқувчиларни қизиқтириши зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни қизиқтира олса, ўқувчилар синфдан, мактабдан ташқари ишларни ўтказишни талаб қиласидилар. Дарсда қилинадиган ишлар синфдан, мактабдан ташқари ишлар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига бғлиқ, бир-бири Билан алокададир. Уларни бундай боғлаб олиб бориш ўқувчиларнинг қизиқишини ортиради, ўқувчилар ўз вақтида инглиз тили бўйича вазифаларни бажарадилар, ўқитувчининг айтганини қладилар, дарсда интизом яхши бўлади. Булар эса

ўқитувчига дарсни бемалол, қизиқарли қилиб ўтишга ёрдам беради, рағбатлантиради. Инглиз тилидан бундай ишларни ташкил қилиш, ўтказиш бўйича жуда кўп илмий ишлар қилинган, қилинмоқда, қўлланмалар бор, улар методика адабиётларида кенг ёритилган, ёритилмоқда. Улардан ташқари, «Иностранные языки в школе» журналининг ҳар бир сонида бундай ишлар бўйича инглиз, француз, немис тилларида материаллар берилмоқда. Ўзбек ўрта мактаблари учун улар ҳали камдир. Методик адабиётларда синфдан, мактабдан ташқари ишларнинг мақсад, вазифалари, мазмуни, уларга бўлган талаблар кўрсатилган. Уларнинг шакл, турлари, ташкил қилиш, ўтказиш йўллари ишлаб чиқилган.

Синфдан, мактабдан ташқари ишлар инглиз тилида турли хил нутқ фаолияти турларини ўстириш билан бирга тарбиявий, таълимий йўналишда дарсдан ташқари ташкил қилинади, ўтказилади. Бундай ишлар учун ўқитувчига ҳақ тўланмайди.

А. А. Миролюбовнинг фикрича, бундай ишларда ҳар бир чет тилининг хусусияти, ўқувчиларнинг шахсий қизиқишилари, қобилиятлари ҳисобга олиниб, у 2та вазифани бажаради:

Биринчидан, ўқувчиларнинг чет тилига қизиқишини оширади, билимини чуқурлаш-тиради, чет тилидан малака - кўнкималарини ривожлантиради.

Иккинчидан, ўқувчиларнинг ғоявий, сиёсий, меҳнат, эстетик тарбиясини ривожлантириш учун бўш вақтни банд қиласди.

Бундай ишлар чет тили, инглиз тили орқали амалга оширилади. Ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни, тадбирларни ўтказиш ёрдамида ўқитувчи ўқув машгулотларининг умумтаълим ва тарбия вазифаларини чуқурроқ, мустаҳкамроқ ҳал қиласди, кенгайтиради.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ўтказишдан асосий мақсад тил соҳасида Янги билим бериш эмас, балки фақат ўқувчилар билими ва малака-кўникмаларини чуқурлаштириш, кенгайтиришдир. Бундай ишларда қўлланиладиган машқлар, ишлар қизиқарли бўлиши зарур. Ўқувчилар ўрганаётган материаллар бошқа предмет материаллари билан боғланган бўлиши маъқул. Улар ўқувчиларнинг билимига ва фаолиятига таяниши, оммавий хусусиятга эга бўлиши ҳамда

мактаб ўқувчиларини ижодий ташаббусини, уларнинг мустақиллигини ўстириши зарур. Синфдан, мактабдан ташқари ишларда ўқувчиларга ташаббускорлик ва мустақилликка кенг йўл берилади. Ўқувчиларни оммавий ишларда қатнаштириш кўзда тутилади. Синфдан, мактабдан ташқари ишлар кўп методик адабиётларда Зта шаклга, турларга бўлинади.

Ҳозир синфдан ва мактабдан ташқари ишларни якка, гурухга бўлиб ишлаш ва оммавий ишлаш шаклларига бўлиняпти.

Якка ишлаш, ишлатиш шаклида ўқувчига шеърни ўргатиш, монологни ўргатиш, ашулани ўргатиш, ўқувчига мақола ёзишни ўргатиш, кўргазмали материал, қроллар тайёрлатиш, инглизча маъруза қилишга тайёрлаш, олимпиадада қатнашишга тайёрлаш каби турлари киради.

Гурух шаклини тўғарак шакли ҳам дейилади. Унда ўйин ўйнаш, бирга шеър, ашла айтиш, гаплашиш, ўқиш, таржима қилиш, драма, адабиёт, санъат каби турлари бўлиши мумкин.

Оммавий шаклда инглиз тилида кечалар, олимпиадалар, кувноқлар ва зукколар мусобақаси (КВН) дискотекаларни ташкил қилиш, фильмни кўришга бориш, кўргазмаларга бориш, сўнг инглиз тилида муҳокама қилиш, ўқилган ҳикоя, пьесаларни драмалаштириш, инглиз тилида деворий рўзномалар чиқариш,

стендлар ташкил қилиш каби турларни киргизиш мүмкін. Синфдан, мактабдан ташқари ишлар бир мавзуга, санага, ёзуви ёки шоир ижодига, туғилған кунига, чет элликлар ёки чет элда бўлганлар билан учрашувга бағишиланиши мүмкін. Унда якка ишлаш, оммавий ишлаш шакллари чатишиб кетади. Ҳозир инглиз тилида хат ёзиш, байналминал дўстлик клуби оммавий шаклда ҳар бир ўқув юртида ташкил қилиниши мүмкін. Унда кўпроқ хат ёзиш, танишиш ишлари олиб борилади. Албатта, булар билан чекланиб қолиш мүмкін эмас. Ҳар бир инглиз тили ўқитувчиси бу масалага ижодий ёндашиб, ўзи яна бошқа турларни ишлаб чиқиши мүмкін.

Ўқувчилар ўз хоҳишлири билан қатнашганликлари туфайли бундай ишлар мазмун ва шакл жиҳатдан уларни қизиқтирадиган, янги маълумот берадиган бўлиши зарур. Акс ҳолда ўқувчилар қизиқмай қўядилар, кейинчалик қатнашмайдилар. Бундай ишлар ҳамма мак-

табларда, ҳамма синфларда ташкил қилиниши мүмкін. Уларни ҳамма ўқув юртларида ташкил қилиниши МАқсадга мувофиқдир. Уларда ишлар учта оммавий, якка, алоҳида ишлари, шакллари бўйича ишлар ўтказилади, лекин ишлар мавзу ва мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласди. Бизнинг фикримизча, синфдан ташқари ишларни 2 босқич бўйича тақсимлаб кўрсатиш мүмкін.

Ўзбек мактабларининг биринчи босқичида (5-6-синф ўқувчилари билан) қувноқлар ва зукколар мусобақаси, эртакларни, драммаларни саҳналаштириш, жўр (хўр) бўлиб ашула айтиш, ифодали ўқиши, альбом жиҳозлаш, инглизча алифбо байрами ўтказиш каби синфдан ташқари ишларни инглиз тилида ташкил қилиш орқали ўтказилади.

Иккинчи босқичда (7-8-9-синф ўқувчилари билан) инглиз тилида сўзлашиш, таржима қилиш, адабиёт, драма тўгараклари, инглиз тилида сўзлашув, инглиз ҳикояларини ўқиб, муҳокама қилиш, инглизча кечалар, йиғилишлар, мусобақалар, олимпиадада қатнашиш каби синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш, ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайда мактабда байналминал клуб шаклини кенг фаоллаштириш зарур. Байналминал клуб инглиз тилида

гаплашадиган ўқувчилар Билан хат ёзишишни, марка, белгилар, нишонлар алмашибни ташкил қилиш қўзда тутилади.

Айниқса, тили ўрганилаётган мамлакатлар – Буюк Британия, АҚШ, Хиндистан мактаблари ўқувчилари билан хат ёзишсалар, ўқувчилар учун яхши бўлади.

Ўқувчиларимиз бошқа республика ўқувчилари билан ҳам танишиб, улар билан инглизча хат ёзишни ташкил қилиши мумкин.

Ўзбек мактабларида 5--6- синф ўқувчилари билан инглиз тили алифбе байрамини ўтказиш мумкин. Алифбе байрамини инглиз алфавитни ўргатиб бўлгандан кейин ўтказилади. Ўқувчилар байрамни ташкил қилиш, ўтказишда инглиз ҳарфларига берилган шеърлардан фойдаланадилар. Ўқувчилар ҳарф шеърини ёдлайдилар ҳамда 26 та ҳарфни 26 та 20x30 сантиметрли қоғозга ката қилиб ёзиб тайёрлайдилар. Алифбе байрами ўтказилаётган ўқувчилар қўлида ҳарфларни ушлаб ёки бўйниларига осиб, ҳарфларни кетмакетлиги бўйича шеърларни айтадилар, қўқимча шеърлар, ашуалалар

ёдлайдилар, ўйин ўйнайдилар. Мусобақалар ўтказилади, КВНлар ташкид қилинади. Кичик, осон, инглизча эртак, пьесалар Саҳналаштириб кўрсатилади. Фолибларга мукоатлар берилади. Синфдан, мактабдан ташқари ишларни муддати бўйича ҳар ҳафтада, ҳар ойда, бир йилда ўтказиладиган ишларга бўлиш мумкин. Ҳар ойда байналминал клубда бажарилган ишлар ҳакида суҳбатлашиш, ўқилган китобни мухокама қилиш, драммани кўрсатиш, инглизча рўзномалар чиқариш каби ишлар бажарилади. Ҳозир «Инглиз тили ҳафталиги»ни ўтказиш оммавий тус олди. Бунда ҳар бир инглиз тили ўқитувчиси ўзининг ўқувчилари Билан турли мавзуларда ҳафта давомида дарсда, дарсдан кейин кечалар, мусобақалар ташкил қиласидилар, ўтказадилар. Ўқитувчи, ўқувчилар ҳафта давомида факатгина инглизча сўзлашадилар. Бунда қатнашмаган ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам қолмаслиги керак. Бир йилда ўтказиладиган ишларга, анъаналарга йигилишларни, олипиадалар, қувноқ ва зукколар мусобақалари, алифбе байрамларини, кечалар ўтказиш ишларини киритиш мумкин.

Режа шакли, чизмаси қуидагида бўлиши мумкин:

№	Машғулот Синфдан, мактабдан ташқари ишнинг шакли	Ишнинг мавзуси	Ишнинг мАқсади, вазифаси, мазмуни	Фойдаланадиган адабиётлар, жиҳозлар	Ўтказувчи-ларнинг номи ва ўтказиш жойи	Муддати
1	«Speak English» тўгараги	An the cinema	At the cinema мавзуси бўйича сухбатлашиш, English фильмни риб муҳокама қилиш	4. Cinema мавзусига оид сўзлар 5. At the cinema матнни 3.10 минутлик English ўқув фильмни	Инглиз тили ўқитувчиси Каримова Н. 7-синф ўқувчилари мактаб техника воситалар хонаси	Число, кун, соат

Синфдан, мактабдан ташқари ишлар ҳар ҳафтад, ҳар ойда ўтказиладиган ишларга, бир йилга, ярим йилга режалаштирилади, тақсимланади. Ўқитувчи режа дафтарининг бошланишига бундай ишларга қатнашувчи ўқувчилар рўйхати, синфини ёзиши лозим, улар 15-20 тадан ошмаслиги зарур.

Шу режа асосида ўқитувчи тайёргарлик кўради, унинг асосида ўтказиш жараёнини сценарийсини ёзди ва ўқувчиларни тайёрлайди. Юқоридаги режа Ҳатъий чегара эмас, ўқитувчилар ижодий ёндошиб, ўзлари мустақил режа тузишлари мумкин. У фақатгина наъмуна, кўрсатма сифатида берилди. Бир йилда бир марта ўтказиладиган кечалар, йигинлар олдиндан режалаштирилади. Ўқитувчи мавзуни, мазмунни, материални олиб борувчиларни танлайди, тайёрлайди, тақсимлайди, ўтказиш муддати, тартиби, қатнашувчилар Аниқланади. Тайёрланиб бўлгандан сўнг уни ўтказиш муддати белгиланади, шу асосида ўтказилади. Кечалар бир ўқув йилида 4 марта ўтказилса, мақсадга мувофиқдир. Агар улар турли мавзуда маъруза қилиш, шеърлар айтиш, Саҳналаштириш, ашула, латифа айтиш, ўйин ўйнашлардан, мусобақа, қувноқлар ва зукколар мусобақа (КВН)лардан иборат бўлса қизиқарли бўлади.

Мусобақалар: 1) ифодали ўқиши, шеър айтиш; 2) мавзу бўйича тайёргарликсиз сўзлаш, 3) расмни тайёргарликсиз оғзаки тасвирилаш, 4) синхрон (оғзаки) таржима қилиш, 5) ёзма таржима қилиш, 6) тили ўрганилаётган мамлакат бўйича савол-жавоблар (КВНлар) бўйича ўтказлиш мумкин. Ҳозир бундай бусобақалар кўп ўтказилалапти. Мусобақалар мактаблараро, туман, вилоят, шаҳар, республика бўйича ўтказилади.

Мактабдан ташқари ишларга кўргазма (выставка)ларни бориб кўриш, экскурсоводларнинг инглизча нутқини тинглаш, улар билан суҳбатлашиш каби ишларни киритиш мумкин. Яна ўқтувчининг ўзи экскурсовод бўлиб паркларга олиб бориши, болаларни саёҳат қилдириб, инглизча сўзлаб қизиқтириши мумкин.

Мактабларга ташкил ғилинадиган кечаларга, йиғилишларга инглиз тилида гаплашадган мамлакатлардан келганларни, элчихона ходимларинитаклиф қилиш, ўқувчилар Билан уларни учраштириш ўқувчиларга қизиқарли бўлади. Ўқувчилар улар билан инглизча гаплашишлари мумкин, унга ўқувчилар қизиқиб

қатнашадилар. Чет элдан келганлар ўз мамлакати ҳақида маълумотлар бериб инглиз тилига қизиқтирадилар.

Одатда, мактабда синфдан, мактабдан ташқари ишлар битта ўқитувчига вазифа қилиб берилади. Бу нотўғридир.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир инглиз тили ўқитувчиси ўз ўқувчилари билан бундай ишларни ташкил қилиши зарур.

Умумий методикада синфдан, мактабдан ташқари ишларнинг аниқ мавзулари рўйхати синфлар бўйича тақсимлаб кўрсатилган. Албатта, уни тузилишига анча бўлган. Кейинги методик адабиётларда Аниқ мавзулар рўйхати берилмаган.

Синфдан, мактабдан ташқари ишлар оммавий, тўғарақ, якка ишлаш шаклларида ўтказилса, банд бўладилар, ижодий фаолият билан шуғулланадилар.

Улар орқали ўқувчи, талабаларни дарсда инглиз тилидан олган билимлари мустаҳкамланади, ўзлаштирилади. Ҳар бир чет тили ўқитувчиси бундай ишларни албатта ташкил қилиши, ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозир ўзбек мактабларида синфдан, мактабдан ташқари ишларни ўтказиш учун «Иностранные языки в школе» ойномаси материалларидан фойдаланиб бу ишларни қизиқарли ташкил

қилишлари, ўтказишлари мумкин. улар ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга қизиқишини оширади.

Ҳозир академик лицейларда, колледжларда ҳам бундай ишларни ташкил қилишни давр, вақт талаб қилаяпти. Академик лицециеларда, колледжларда бундай ишларни ташкил қилиш масаласини ишлаб чмқиши долзарб масаладир, лекин ҳали ишлаб чиқилгани йўқ.

Бу ўқув юртларида юқори синф ўқувчилари билан қилинадиган ишлар ўтказилиши мумкин, лекин улар талабалар ёши, билимига мослаштириб ўтказилгани мақсадга мувофиқдир.

---

«Ўрта мактабда чет тиллар ўқитиши умумий методикаси» Тошкент, 1977 й, 499 – 500 – бетлар.

#### **Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

10. Инглиз тилидан синфдан, мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш, ўтказиш зарурити хақида сўзланг.
11. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни бир-биридан фарқи, ҳозир ўқувчилар қайси бирига қизиқаяптилар?
12. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни қандай шакл ва турларини биласиз, уларнинг фарқлари? Сиз қандай шакл ва турларни ташкил қилишни афзал кўрасиз?
13. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар режали ташкил қилиниши зарурми? Сабабини тушунтириинг.
14. Маълум бир синф учун синфдан, мактабдан ташқари иш ўтказиш режасини ишлаб чиқинг ва сўзлаб беринг.

#### **3 -§ ТУРЛИ ТИПДАГИ ЎҚУВ ЙОРТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ**

Ўқув юртларида инглиз тилини ўргатиш зарур. Уларда инглиз тилини ўргатиш ўқувчи ва талабаларни ҳар томонлама ривожланган қилиб тайёрлашда катта ёрдам беради. Айниқса, рес-публикализ мустақилликка эришгандан сўнг кадрлар тайёрлаш масаласида инглиз тилини ўр-гатиш юқори ўринга кўтарилиди. Шуни ҳисобга олиб кадрлар тайёрлаш дастури 1997 йилда ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унда кадрлар тайёрлаш, ёшларни ҳар томонлама ривожланган, камол топган қилиб тарбиялашда, илмли қилишда, фанларни ўқитлилишида чет тилла-рининг, шу жумладан, инглиз тилини, узлуксиз ўқитиш белгиланди.

Республикамизда ривожланиш, тараққиёт, давр, вақт ҳам чет тилини, шу жумладан, инглиз тилини ўргатиш зарурлигининг аҳамияти яққол кўзга ташланмоқда. Ўқувчи, талабалар мутахассислар ҳар бир инсоннинг чет тилларидан биттасини – инглиз тилини билиши ташқи алоқаларнинг кенгайтиришга, чет элга бориб уларнинг технологиясини ўрганиб, республикамизни келажакда ривожланган, тараққий этган мамлакатлар, давлатлар қатрига чиқишга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда инглиз тилини узлуксиз ўргатиш ҳисобга олиниб, турли типдаги ўқув юртларида инглиз тили ўргатиш масаласи ва улар учун дастур, дарслик,

қўлланмалар ишлаб чиқиц, уларнинг методикаси билан шуғулланиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Бу масалада ишлар қилинган, қилиняпти, келажакда кўп ишлар қилиниши зарур. Ҳозирги пайтда республикамизда турли типдаги тарбия ўқув муассасалари бор.

Улар қуйидагилар:

- 4) Болалар боғчалари;
- 5) Гимназиялар;
- 6) Ўрта умумтаълим мактаблари;
- 7) Лицейлар;
- 8) Хунар билим юртлари, техникумлар, коллежлар;
- 9) Олий ўқув юртлари (институт, университетлар);
- 10) Магистратуралар;
- 11) Аспирантуралар.

Юқорида кўрсатилган олий ўқув юртларида чет тилларидан бири-инглиз тили ўргатилади, лекин уларда инглиз тили ўргатиш хусусиятлари, мақсад, вазифалари, усуллари турличадир. Уларни ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

#### 4. Болалар боғчасида инглиз тилини ўргатиш

Инглиз тилининг узлуксиз ўргатилиши ҳисобга олиниб боғчаларда бут ил ўргатиляпти. Болалар боғчасида инглиз тилини ўргатиш мажбурий эмас. Болалар боғчасида асосий йўналиш, болаларни тарбиялаш ва мактабга тайёрлашдир. Ҳозирда «Программа обучения иностранному языку в детских садах» (английский язык Ташкент, 1991) дастури ишлаб чиқилган. буни асосида И.Ёқубов томонидан «Болалар боғчасида инглиз тилини ўргатиш» методик қўлланмаси ёзилди, чоп этилди. Бундан ташқари бир неча қўлланмалар, кўргазмали қуроллар тайёрланди, ишлаб чиқилди, нашр қилинди. Дастур бўйича инглиз тили 2 йил мактабга тайёрлов босқичларда оғзаки ўргатилади. Ўқиш, ёзув, грамматига ўргатилмайди

Дастур икки йилда 200-250 та сўзларни ўргатишни тавсия қиласди. Боғчада инглиз тилини ўргатишнинг мақсад, ваифаси оғзаки нутқ бўйича элементлар малакаларни, яъни мураккаб бўлмаган сўзли матнни тинглаб тушуниш ва унинг асосида монолог, диолог тузиш, сухбатлашиш, шеърларни ёдлаб, айтиб беришдир. Боғчада инглиз тили ўргатишнинг асосий шакли

дарс машғулотидир. Дарсни ташкил қилишда болаларнинг руҳий ҳолати, хусусиятлари хисобга олинади. Дарс машғусларини ҳафтада 2 ёки 3 марта 25-30 минутдан ёки 5 марта 15-20 минтдан ўтиш тавсия қилинади. Дарслар 2 марта дарс машғулоти, бир марта эса мажбурий бўлмаган, сухбат, ашула ўргатиш, ўйин тарзида ўргатилса, болалар зерикиб қолмайдилар. Эркин ҳолатдаги сухбатлар расм, диафильм кўрганда, нонушта қилиш пайтларида ўтказилади. Гурухлар 10-12 та болалардан иборат бўлади. Иглиз тили ўргатиш, тақлид қилиш, буйруқларни бажартириш орқали амалга оширилади. Дарсда қўғирчоқ, расмлардан, предметлардан фойдаланилади. Ҳар бир дарсда 4-5 та сўз ўргатиш мАқсадга мувофиқдир. I see..., I have got..., Give me..., it is... каби структуралар ишлатилади. Сўзлар олдин алоҳида предмет, расмлар, қўғирчоқлар, ҳаракатлар орқали ўргатилиб, сўнг тақлид қилиб қайтарилади, структураларда қўлланилади.

Биринчи йилда осон нутқни, шеър, ашулани, луқмани тинглаб тушуниш, гапириш бўйича инглизча саломлашиш, хайрлашиш, раҳмат айтиш, кечирим сўраш, ўзини ва оиласини таниш-тириш, ўйинчоқлар хақида гапириш, сўрай олиш, жавоб бериш ўргатилади. Болаларга биринчи йилда Me family, My toys, Winter, Spring, At home, Our city, In

the street мавзуларини ва уларга зарур бўлган сўзлар, нутқ намуналари ўргатилади.

Иккинчи йилда эса тинглаш, тасвиirlаб берилган расмларга машқлар, ашулалар, шеърлар, сухбатларни тушунарли талаб қилинса, гапириш бўйича ўзгаларга буйруқ бериш who, what каби саволларга жавоб бери шва yes, по жавобларини қайтаришга ўргатилади.

Ўргатилган гап намуналари бўйича гапириш, 1- 20 гача санаш, ҳайвонлар, күшлар ҳақида гапириш, шеър, ашулаларни ёдлаш ҳам ўргатилади. Иккинчи йилда Clothes, My day, Animals and Birds, Vegetabls and Fruits, Me kindergarden, Welcome to school мавзуларига зарур сўзлар ва нутқ намуналари ўргатилади, улар ҳақида гапиртирилади.

Болалар боғчасида инглиз тилини шу гурух тарбиячиси ўргатса яхши бўлади, чунк болалар тарбиячига ўрганган бўладилар. Шу ҳисобга олиниб, тарбиячиларга тайёрлов ўқув юртларида ва педагогик университет ва институтларда чет тиллари ҳам ўргатилади.

## *2. Гимназияда инглиз тили ўргатии*

Гимназия қобилиятли болалар, 1- синфдан 11- синфгacha таълим тарбия беришга қаратилган ўрта умумтаълим муассасадир. Унга болалар танлов асосида қабул қилинади. Гимназияда ин-глиз тили биринчи синфдан бошлаб ўргатилади. Гимназияда 1- 4 синфлар бошланғич синфлар, 5 – 7 таянч синфлари – гимназияга тайёрлов синфлари, 8 - 9 - 10 – 11- синфлари гимназия синфлари деб аталади. Гимназия ижтимиоий, педагогик, техник йўналишларда бўлади. Гимназиялар Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги, вилоятлар халқ таълим бўлимлари томо-нидан ташкил қилинади. Ҳозир гимназиялар ташкил қилинмоқда, лекин уларда дастурлар, дарслер-лар йўқ. Ҳозирча биз биладиган Ижтимиоий йўналишдаги республика маҳсус гимназиясининг (Дипломатия университети қошида) инглиз тилидан ўқув дастури бор. Унда бу гимназияда инглиз тилини ўқитишнинг хуссиятлари, мақсад, вазифалари, талаблари, мавзулар кўрсатил-ган. Лексиканинг сони аниқлаб берилган. Дарс тақсимоти қўйидагича:

1- синф 2 соат, 2- синф 4 соат, 3 - синф 4 соат, 4 - синф 4 соат, 5 - синф 6 соат, 6 - синф 6 соат, 7 - синф 7 соат, 8 - синф 6 соат, 9 - синф 6 соат, 10 - синф 6 соат, 11 - синф 6 соат.

Лексика сони 1- 11 синфларда жами 3000 та лексика. Ўрта мактаб каби гимназияда ҳам 4та таълимий, тарбиявий, амалий, ривожлантирувчи мақсадлар етакчидир. Лекин мавзулар, сўзлар гимназия йўналишига қараб танланади. Дарс соатлари ҳафтасига б соатгача боради. Синф 2 гурухга бўлинниб ўқитилади. Гимназияда инглиз тилини ўқитишдан мақсад ижтимоий фанлар йўналишин чуқур ўргатишидир. Гимназияда инглиз тили чуқурлаштирилиб, йўналишга мослаштирилиб ўқитилади. Нутқ фаолиятига бўлган талаблар кенгаяди. Инглиз тили ўргатиш метод усуллари мураккаблашади, материал ҳажми кенгаяди, сўзлар сони кўпаяди. Гимназияда ишловчи ўқитувчиларнинг маоши ўрта мактаб ўқитувчилариникидан 20% ошиқ. Ўқитувчи юкламаси ҳафтасига 1- 4 синфларда 14 – соат, 5 – 11-синфларда ҳафтасига 16 соат.

### *3. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитии ва ўргатии*

Ҳозирги пайтда мактабларда инглиз тили ўргатиш бошқа ўқув юртларига қараганда энг чуқур ва пухта ишлаб чиқилган. Ўрта мактабда инглиз тили ўқитиш бўйича қўлланмалар, дастурлар, дарсликлар, қўшимча материаллар, воситалар энг қўп ёзилган, чоп қилинган. Ҳозир ўрта мактабларда инглиз тили ўргатиш мажбурий ва мажбурий бўлмаган курс орқали олиб борилмоқда.

Ҳозирда 1999 йилда тузилган дастур бўйича инглиз тили ўқитиляпти. Бу ерда 4та таълимий, амалий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар етакчидир. Ўрта мактабда инглиз тилидан умумтаълим берилади. Миллий дастур олдинги дастурларга ўзгаришлар киритди. Ҳозир миллий дастур асосида ўрта мактабларда инглиз тилини ўргатиш синов дастури ишлаб чиқилиб, у синовдан ўтмоқда. Янги дастур бўйича мажбурий таълим 9 йил қилиб белгилланган. Инглиз тили 5 – синфдан бошлаб ўргатилади. Мажбурий таълим 2та босқич асосида олиб борилади: I – босқич 5 – 6 синфлар, 2 – босқич 7 - 8 – 9 синфлар. Ўқувчилар 9- йиллик таълимдан сўнг 3 йил

ўзи хоҳлаган йўналишдаги академик лицейларда, касб – хунар коллажларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўрта мактабларда инглиз тилини ўргатиш методикаси бўйича олдин тўхталганмиз.

Хозирги пайтда 1 ёки 2 – синфдан бошлаб, инглиз тили ўргатиш одат тусига кирди. Ўқувчи боғчада инглиз тили ўрганган бўлса, 1-синфдан бошлаб ўргатишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Кўпмнча инглиз тили 2 – синфдан бошлаб ўргатилади. 1, 2, 3, 4 – синфларда инглиз тилини ўргатиш мажбурий эмас, чет тилини ўз хошишлари билан ўрганадилар. Инглиз тилини ўргатишнинг биринчи йили ёки ярим йилида инглиз тили оғзаки ўргатилади, ўқиш, ёзув, грамматика ўргатилмайди. Ўрта мактабларнинг 1, 2, 3, 4 – синфларда инглиз тилини ўргатиш бўйича дастур, дарсликларни яратиш зарур. Ўқитувчи юкламаси 1- 4 – синфларда ҳафтасига 14 – соат, 1- 11 синфларда ҳафтасига 16 соат, 1, 2, 3, 4 – синфларда инглиз тили ҳафтасига 2 соатдан бўлади, 5,6,7,8,9 – синфларда ҳафтасига 3 соат, 9 йиллик дастур бўйича лексика сони 1100 тага етишиши лозим.

Хозирги пайтда 1 ёки 2 – синфларда инглиз тили Е.И. Негвиницкаянинг English дарслигидан бошлаб ўқитишни тавсия қилиш мумкин. Тошкент шаҳрида В. Несговорова “English”, parts 1,2,3,4, қўлланмалари. Склтенинг “English” (английский язык для детей) китобидан фойдаланилмоқда. Бу синфларда инглиз тилини ўрганиш кўпроқ ўйин тарзида ўтади. 5 – 6 синф методикасига ўхшаб кетади. 5,6,7,8,9 – синфлар учун дарсликлар яратилмоқда “Fly High” (5-6 синфлар учун) 2000 - 2001 ўкув йилларида дарсликлари нашрдан чиқди.

#### *4. Академик лицейларда инглиз тили ўргатии*

Академик лицей -- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва низомига мувофиқ ўз фаолиятини ва таълимнинг узлуксиз тамоилини амалга оширувчи ўрта умумтаълим муассасасидир. Академик лицей ёшларда таълим, ахлоқ, маданий ва

жисмоний камолотни юқори күрсаткичларини мужассамлаштириш, таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Академик лицейга 9 йл таълим олган ёшлар қабул қилинади. Ўқувчилар 2 гурухга бўлиниб ўқитилади. Академик лицейлар ҳозир Олий ўқув юртлари қошида кўп очилаяпти, алоҳида ҳам очилиши мумкин. Академик лицейларда йўналиш бўйича асосий фан-предметларга кўп дарс соати ажратилиб ўқитилади. Лицеларда ҳам дастур, дарслерлар муаммоси мавжуд. Ҳозир «Иқтисодиёт лицейлари учун хорижий тиллар ўқув дастури» (Тошкент, 1995) бор. Унда лексика 3200 та белгиланган. Бу ўқув юртида ҳам 4 та асосий мақсадлар – умумтаълим, амалий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар асос қилиб олинган. Шу Билан бирга иқтисодиёт йўналиши бериш масади ётади. Лицейларда (инглиз тили йўналишида бўлганларда) инглиз тили чукур ўргатилади. Миллий дастурда академик лицейлар очишга катта ўринг берилган. Унда ҳам юқоридаги 4 та мАқсадлар етакчидир. Академик лицейлар ҳам турли йўналишларда бўлади. Лицейларда инглиз тилини ўргатишда қўлланиладиган метод, сул, йўллар ўрта мактабнинг юқори синфларида қўлланиладганметод-усуллар, йўллар, Машқлар қўлланилади, лекин дарс соати кўп бўлганлиги учун материалар кўп берилади. Лицей

йўналиши бўйича сўзлар, матнлар берилади, ўқитилади. Ўқиувчи юкламаси ҳафтасига 16 соат. Талабалар 1, 2, 3 курсга бўлинибз 9 йил ўқитилади. Дарслар йўналишлар бўйича бўлади. 1700 та лексика ўргатилади.

##### *5. Касб-хунар колледжларида инглиз тили ўргатии*

Ҳозир республикамиизда турли касб-хунар колледжлари бор. Уларга 9 ва 11 синфларни битирган ўқувчилар қабул қилинмоқда. 9-синфни битирганлар 4 йил, 11-синфни битирганлар 2 йил ўқийдилар. Бу ўқув юртларида комплекс мақсад асос қилиб олинган. Бу ерда касб-хунардан ташқари 9-синфни битирганларга ўрта маълумот ҳам юерилади. Инглиз тилидан умумтаълим берилиб (юқоридаги 4 та мАқсад асосида), шу Билан бирга инглиз тилини касб-хунар фаолиятида, хунари бўйича ишлаётганда қўллай олиш малака кўнималари ҳам ўргатилади. Касб-хунарга талукли сўзлар ўргатилади, матнлар ўқитилади. Бу ўқув юртларид чет тилини ўқитиш

йича А. А. Миролюбов ва А. В. Прахинанинг «Общая методика преподавания иностранных языков в средних учебных заведениях» қўлланмаси ҳозир ягонадир. Лекин илгари ёзилган бу ўқув юртларида ҳам дастур, дарслик маммоси бор. Бу ўқув юртларида инглиз тили ўқитиш метод усуллари, йўллари ўрта мақдабнинг юқори синфларига ўхшаб кетади, лекин мустақил ишлар берилади. Бу ерда ўқитувчиларнинг дарс юкламаси ўрта мактабнига ўхшаб, ҳафтасига дарс соатлари 16 соат қилиб белгиланган. 9-синфни битириб ўқиб тутатганларга касб-хунар дипломидан ташқари ўрта мактаб шаҳодатномаси ҳам берилади. Дарс соатлари уларнинг дасурида кўрсатилади.

### *15. Олий ўқув юртларида инглиз тили ўргатиш ва ўқитиш*

Чет тилларни узлуксиз ўқитиш, ўргатиш ва иш фаолиятларида инглиз тилини қўллаш, чет тилидан мутахассис тайёрлаш масадида чет тиллари олий ўқув юртларида ўргатилади.

Олий ўқув юртларида инглиз тили ўргатиш масад, хусусиятлари ҳисобга олиниб, уларни 2 гурухга бўлиш мумкин:

4. Чеи тили – инглиз тили бўйича мутахассис тайёрловчи университет, институту, факультетлар;
5. Чет тили – инглиз тили бўйича мутахассис тайрламайдиган университет, институту, факультетлар.

Бу 2 та гурухда инглиз тили 2 та мақсадда ўргатилади. Биринчи гурхдаги олий ўқув юртларида инглиз тилидан мутахассис тайёрланиши сабабли инглиз тили чуқур ҳар томонлама ҳам назарий, ҳам Амалий ўргатилади. Дастур кенг чуқур тузилади. Махсус дарсликлар асосида инглиз тили ўргатилади. Инглиз тили бўйича трли мавзуларда маързалар ўтказилади. Фонетика, грамматика, аналитик ўқиш, мустақил ўқиш, оғзаки нутқ, матбуот материаллари Билан ишлаш каби аспектларда инглз тили чуқур ўргатилади. Инглиз тилини коллежда иш фаолиятида мукаммал қўллай олиш талаби қўйилади. Фонетика, грамматика, оғзаки, ёзма нутқлар, ўқиш мукаммал ўргатилади. Оғзаки нутқни эркин қўллай олиш, чет элликлар Билан bemalol мулоқот қилиш талаб қилинади. Лексика сони 6000 бўлади. Дастурлар, дарслик масаласи

ҳал қилиниши лозим. Ҳозирги пайтда рус тилида ўқитилаётган олий ўқув юртларнинг дарслклари қўлланилаётган. Ўзбек тилида ўқитиладиган олий ўқув юртларининг хусусияти ҳисобга олиниб, дарслклар қисман ёзилган, лекин улар тўлиқ қўлланилмаятди. 1-гурухдаги ўқув юртларида инглиз тили ҳамма курсларда ўқитилади.

Иккинчи гурухдаги олий ўқув юртларида инглиз тили бўйича комплекс мақсад кўзда тутилади. Студент 4 мақсад асосида инглиз тилидан умумтаълим олиб, Яна мутахассислиги бўйича инглиз тилини келажакда ўз иш фаолиятида қўллашга ўргатиш масади ётади. Касби бўйича қисман мулоқот қилиш, мутахассислиги оид сўзларни ўрганиб, матнларни ўқиб, таржима қилишга ўргатилади.

Шу сабабдан дастур, дарслклар ҳар бир мутахассисликлар учун алоҳижа тузилиши лозим, лекин улар кам ёзилган ва келакда яратилиши лозим. Инглиз тилини олий ўқув юртларда талабалар мустакил ҳам ўрганадилар. Олий ўқув юртларида (иккинчи гурухда ўқув юртларида) инглиз тили 2 йил ўқитилади. Ҳозир олий ўқув юртларида талабалар 4 йил ўқиб, бакалавр унвонини, сўнг яна 2 йил ўқиб, магистр унвонини оладилар. Олий ўқув юртларида ўқитувчиларнинг дарс соати бир йилга режалаштирилади. У 600-800 соат

атрофида бўлади. Ўқиши 2 семестрли бўлиб ёзги, қишки сессияларга бўлинади. Талабалар билимлари рейтинг асосида текширилиб, баҳоланади. Баҳоларга қараб стипендия тайинланади, 200 лексик сўз ўргатилади.

#### *16. Магистратурада инглиз тили ўргатилиши*

Талабалар 4 йил ўқиб, бакалавир нвонини олганларидан сўнг, магистратурада 2 йил ўқишилари мумкин.

Магистратурада талабалар инглиз тилини ўқишилари бўйича 2 гурухга бўлинади.

Биринчи гурухда инглиз тилидан мутахассис бўлувчилар ўқийдилар. Улар инглиз тилини ҳам назарий, ҳам Амалий ўрганадилар илмий иш ёзиб ҳимоя қиласидилар.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг магистратураси биринчи гурухга киради.

Иккинчи гурух ҳам инглиз тилини ўрганадилар, лекин у ерда инглиз тили бўйича мутахассис бўлмайдиганлар ўқийдилар. Улар

инглиз тилини амай ўрганиб, ундан иш фаолиятда фойдалана олиш мақсади назарда тутилади. Бу гурхга мутахассиси инженерлик, шифокорлик, юридик соҳадаги каби магистратуралар киради.

### *17. Аспирантурада инглиз тили ўргатиш ва ўрганиш*

Талабалар олий ўқв юртини, магистратурани тугатганларидан сўнг илмий иш билан шуғулланиш учун аспирантурага кириб, ўқиши давом эттиришлари мумкин. Улар аспирантурада ўқиб, диссертация химоя қиладилар ва номзодлик унвонини оладилар. Аспирантурада ҳам инглиз тили ўқитилади. Аспирантлар бирон бир чет тилини билишлари шарт. Чет тилидан аспирантурага кириш имтиҳони, номзодлик минимуми, топширилади. Аспирантуранинг инглиз тилин ўқишиларидан мақсад, бўлажак илмий ходим, олимларни илмий ишларида, иш фаолиятларида соҳалари бўйича инглиз тилидаги материаллардан мустақил фойдалана олишга ўргатишидир. Аспирантни кўпроқ мақола, китобларни таржима қилиб ўз ишида фойдаланишга ўргатилади. Мустақил ишлатишидан кўпроқ фойдаланилади.

### *Турли типдаги ўқув юртларида инглиз тили ўргатишни режалаштириши*

Инглиз тилини ўргатишни режалаштииш зарур. У тузилганда ингли тили ўргатиш тизимли, методик жиҳатдан тўғри бўлади. Ўқитувчи тез, осон натижага, муваффақиятга эришади. Шу сабабдан юқорида кўрсатилган ҳамма ўқув-тарбия юртларида инглиз тили ўргатиш, ўқитиш режалаштирилади.

Ҳамма ўқув юртларида икки хил режа тузилади:

1. Тақвим – мавзуй (календарь - тематик) режа.
2. Кундалик дарс режаси.

Бу режаларнинг шакллари, структуралари, тузилишлари ўрта мактабда инглиз тили ўқитишни режалаштириш мавзусида берилиган. Ҳамма типдаги ўқув юртларида шу икки хил режалар уларга ўхшаган шакл ва структурада тузилади, лекин ўқув юртининг мақсади,

хусусиятига қараб, режа шаклларига, структураларига, тузилишларига ўзгаришилар киритиш мумкин, лекин режаларни мазмуни мураккаб бўлади.

**Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Ўқув юртларининг турли типда бўлишини сабабларини тушуниринг.
2. Турли типдаги ўқув юртларида инглиз тилини ўқитишнинг мақсад, вазифалари ҳақида сўзланг. Улар бир хилми, ҳар хилми? Сабабини тушуниринг.
3. Турли типдаги ўқув юртларининг дастур, дарслклари ҳақида сўзланг. Дастур, дарслклар тузилганми? Улар бир хилми ёки турли хил бўлиши лозимми? Сабабини тушуниринг.
4. Боғча, бошланғич (1, 2, 3, 4) синфларда инглиз тилини ўргатишнинг мақсад, вазифалари ва ўргатиш ҳақида сўзланг.
5. Ўрта мактабда инглиз тили ўргатишнинг мақсад, вазифалари ҳақида сўзланг.
6. Академик лицейларда инглиз тили ўргатиш ҳақида сўзланг.
7. Олий ўқув юртларида инглиз тили ўргатиш ҳақида сўзланг.
8. Магистратура ва аспирантурада инглиз тили ўргатишнинг мақсад, вазифасини талқин қилинг.
9. Турли типдаги ўқув юртларида инглиз тили ўргатишда режалар тузиш шартми? Сабабини тушуниринг.
10. Турли типдаги ўқув юртларида тузиладиган режаларнинг турлари, шакллари, фарқлари, тузилишини тушуниринг.

#### **4 - § ИНГЛИЗ ТИЛИ ТЕСТЛАРИ УСТИДА ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ**

Хозирги пайтда тестлардан фойдаланиш ўқувчилар, абитуриентлар, талабаларнинг малака, кўникма, билимларини тўғри аниқлашда като ёрдам бераяпти. Ўрта маҳсус, олий ўқув юртларига кирувчилар тестлар орқали қабул қилинмоқдалар.

Хозирда ҳамма фанлардан тестлар ишлаб чиқилган, матбуотда эълон қилинмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар улар устида тинмай ишляяптилар. Тестлар орқали қабул қилиш услуби бизга янги кириб келгани сабабли, ўқитувчилар, методистлар уни янада мукаммалроқ қилиб ишлаб чиқишига ҳаракат қилмоқдалар. Тестларни ечишни тўғри методик ташкил қилиш, уларни тўғри, тез ечишга ёрдам беради, ўргатади. Акс ҳолда кўп вақт кетиб, уларни ечиш қийинлашади, ўқувчилар тестларни мустақил ечишига ўрганмайдилар. Бизнингча, кейинги пайтда тестлар устида ишлаш методикаси бўйича республика,

вилоятлар, шаҳарлар, ўқитувчилар малакасини ошириш инстиутларида, тест марказининг ўзида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Тестлар устида ишлашни 2 гурухга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг ўқувчилар ёки ўқувчи билан бирга тестлар устида ишлаши:

2. Ўқувчиларнинг ўзларининг тестлар стида мустақил ишлаши.

Икки ҳолатда ҳам олдиндан ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам тайёрланиши зарур.

1. Ўқитувчининг ўқувчилар Билан тестлар устида ишлаши:

Ўқитувчи: а) бутун синф ёки бир неча ўқувчилар билан;

б) алоҳида бита ўқувчи билан ишлаши мумкин.

Икала ҳолатда тестлар устида ишлашни:

А. Кириш.

Б. Ўқитувчининг иш фаолияти.

В. Ўқувчининг иш фаолияти.

Г. Ўқувчилар билан ўқитувчининг бирга ишлаши.

Д. Тестларни ечиш ёки ечишган тестларни таҳлил қилиш, текшириш каби босқичлари бўлиши мумкин.

## **А. КИРИШ БОСҚИЧИ**

Кириш босқичида ўқитувчи тестни келиб чиқиш сабаби, тестнинг ўзи нима, тестлардан кенг фойдаланиш сабаблари, уларнинг хусусияти ҳақида ўқувчиларга тўлиқ маълумот беради, тушунтирилади. Биз улар ҳақида бу ерга тўхтаб ўтмаймиз. Ўқитувчи улар ҳақида бехабар бўлса, ўзи билиб олиши зарур. Бу босқичда ўқувчи to be, to have феъллари ҳозирги, ўтган, келаси замонларда З та (бўлишлик, бўлишсизлик, сўроқ) шаклда тусланишини, отларнинг кўплик, қаратқич келишигини, артиклни, умумий, маҳсус сўроқ гапларни, тўғри, нотўғри феълларни З та замонда, З та шаклда тусланиши, сифатларнинг қиёсий, орттирма даражаларини, кишилик олмошларининг бош, обьект келишикларини, қаратқич шаклларини, эгалик ва ўзлик олмошиш шаклларини ўқувчиларнинг эсига тушириш, қайтариш, тушунтириш ишларини қиласди.

## **Б. БОСҚИЧ, ЎҚИТУВЧИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИ**

Ўқитувчининг иш фаолияти, тайёрланиш босқичида ечиш лозим бўлган тестларни аниқлади, кўздан кечириб, ўқувчилар учун қийин сўзларни тушунтириш, эсга тушуришлозим бўлган грамматик материалларни белгилайди. Ўқитувчи тестларни ўзи олдиндан ечиб, дафтарига белгилаб кўяди, лекин ўқувчиларга айтмайди, белгилатмайди, кўрсамайди.

Ўқувчиларга ечиладиган тестларни бериб, нотуниш сўзларни топиш, таржима килиш, тушунмаган, билмаган грамматик материалларни Аниқлаш, дарсликлардан ўқиб билиб-келиш вазифалари берилади. (Ўқувчилар бу вазифани В босқичда бажарадилар.) Ўқитувчи илгаридан ўқувчиларга Луғатдан фойдаланиш сўзни топиш, дарсликлардан грамматик материалларни топиб ўқиши, ўрганишни тушунтирган бўлиши лозим.

## **В. БОСҚИЧ. ЎҚУВЧИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИ**

Бу босқичда ўқувчи олдиндан берилган вазифани ўзи бажаради, номуълум сў ва ибораларни, грамматик материалларни Аниқлаб, тартиб рақами бўйича ёзганлари маъкул. Масалан: 55-тест Choose the appropriate non-finite forms of the verb – феълларни ноаниқ шакл-

ларидан мосини танланг. Бу ерда ўқувчи 55-тест тагига билмаган сўзларни таржимасини топиб ёади, нотаниш грамматик материал бўлса топиб ўқийди, ёзади. Бундай ёзиш, белгилаш тест топширигини кейинчалик ечишда ракам бўйича уни топиш осон бўлади, фойдаланиш енгиллашади. Бизнинг фикримича, тест топшириқларини ечиш қуи синфларда 45минутга-1 соатга, юқори синфларда 90 минутга – 2 соатга мўлжаллангани мАқсадга мувофиқдир.

## **Г. БОСҚИЧ. ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎҚИТУВЧИННИГ БИРГА ИШЛАШИ**

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчилар билан уйда бажарган вазифаларини текширади, нозик томонлари тушунтирилади ва билмаган, аниқлай олмаган топшириқлар, вазифалар ҳамда ўқитувчи лозим топган сўз, иборалар, грамматик материаллар ўқитувчи томонидан ўргатилади.

Үқитувчи ўқувчига инглизча тестни ечиш усули, методини ўргатади. Ўқувчи энг олдин тест талаб қилган вазифа – топширикни тушуниб олиши зарур. Тажрибалар шуни күрсатадики, ўқувчи – абитуриент тестни ечишга билими етарлы бўлиб, топширик, вазифанинотўғри тушуниш ёки тушунмаганлиги, уялиб сўрамасдан тестларни нотўғри ечиш ёки еча олмасликка олиб келмоқда.

Ўқитувчи албатта буни ҳисобга олиб, ўқувчиларга уни олдиндан тушунтириши лозим. Ўқувчи топширикларни, тестни ечаётганда, жавобнинг мосини топиш, қўйишда, алмаштиришда, кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантиришда ҳамма жавобларнинг ҳар бирини мос келиш, келмаслигини сабабларини Аниқласа, исботласа тест ечиш осон, аниқ, тўғри ечган бўлади. Буни эса ўқитувчи ўқувчига ўргатиши лозим. Уни қўйидагича ўргатиши мумкин.:

1997 й. № 1 Ахборотнома. Биринчи тестнинг топшириғи:

Choose the appropriate preposition. What are curtains usually made ...?

12)to; b) with; c)of; d) -; e) at;

бу ерда in, with, at предлоглари мос келмайди, of предлоги ишлатилади. Сабаб: made феъли бирон нар-

санинг бир предметдан қилинганини фақатгина of предлоги ёрдамида ифодалайди.

1997 й. № 4 Ахборотнома. Иккинчи тестни топшириғи:

Choose the appropriate form of the adjective.

Two heads are ... than one.

a) good; b) bad; c) worse; d) most; e) better.

Бу ерда e) better бўлади сабаб than сўзи сифатни қиёсий даражасини талаб қиласди, бу ерда worse ёмонроқ сўзи мантиқан тўғри келмайди.

1997 й. № 2 Ахборотнома. Ўн еттинчи тестнинг топшириғи:

Choose the appropriate adjective.

Do you gave ... or ... sunny days this summer?

a) more, less; b) many, less; c) much, little; d) much, less; e) many, few

Бундай тестларда ўқувчи икала сифатни мос келиш келмаслигини ҳисобга олиши, жавобини исботлаб бериши зарур. Баъззан бундай тестда биринчиси тўғри мос келса, иккинчиси тўғри келмайди, ёки акси бўлади. Ўқувчи чалғиб кўпроқ биринчиси мос келса, иккинчини ҳисобга олмай хато қиласди, 2 та ёки 3та предлогли, артиккли

тестларда ҳам шундайахвол юз беради. Ўқитувчи ўқувчиларга иккаласини, учталасини ҳисобга олишни таъкидлаши зарур. Бу ерда а) more/ few сабаб сифатлар қиёсланмаяпти, бу сифатлар эса қиёсий даражалар, б) many, less да many мос, less мос эмас у қиёсий даражада саналмайдиган отлар олдидан қўлланилади, тестда эса саналадиган от, less саналмайдиган от олдтдан ишлатилади, с) much, little мос эмас, сабаб булар саналмайдиган отлар олдидан ишлатилади, тестда эса days саналадиган от, д) much, less ҳам мос эмас, улар саналмайдиган отлар олдидан ишлатилади, ҳам қиёсий даражада, е) many, few бу мос келади, сабабий оддий даражада, саналадиган отлар олдидан қўлланилади, days саналадиган отdir.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта ҳамма тестларни ечишда бундай қилиб мос келиш, келмаслик сабабини топиш, исботлаш қийин, унда географик, тарихий маълумотлар ёрдам беради. Улардан фойдаланиш зазур. Ўқитувчи ўқувчиларга юқоридагидек ишлашга, тестни ечишни тушунтириб бериш, бир, иккита ёки бир нечта тестларни ўзи ечиб кўрсатиши керак. Инглиз тили тестларини ечиш-

ни ўргатишда ўзбек тили грамматикасини билиш ҳам муҳим ўрин тутади, ўқитувчи буни ҳисобга олиши, эсга тушириши лозим. Сўнг ўқитувчи дарсда маълум вақт ажратиб ёки вазифа қилиб бериб, олдиндан белгиланган тестларни ечишга, тестларни осон, қийинлигига қараб 30 – 50 тагача тестни ечиш, таҳлил қилиш вазифасини бериши мумкин.

## **Д. БОСҚИЧ. ТЕСТЛАРНИ ЕЧИШ, ЕЧИЛГАН ТЕСТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Бу босқичда ўқувчилар тестни ечганларидан сўнг ўтказилади. Ўқувчилар дафтарларга тестларнинг жавобларини қўйидагича ёзсалар маъқул бўлади:

1997 й. № 9 Ахборотнома.

1 - а

2 - б

З - с деб қайд қилишлари, жавобнинг мослик мос эмаслигини тушунтииб беришга м тайёр бўлишлари лозим. Кўп ҳолларда ахборотномалардаги тестлар, қалам, ручка билан чизиб белгиланади, бу эса кейинчалик ўзгаларга бу тестларни ечишга ўргатишда фойдаланиш мумкин бўлмай қолаяпти.

Ўқувчи жавобини айтганда, иккинланмаслиги, ечолмаган бўлса рўйрост айтиши маъқулдир. Унда ўқитувчи тушунтириб беради. Ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамма берилган тестларнинг жавобларини мос эмаслигини таҳлил қилиши, исботлаши лозим.

Ўқитувчи кўп тестларнинг жавобини айтиш, топтириш ўрнига тест жавобларининг мос келиши, келмаслиги сабабларини аниклатса, исботлатса, бу ўқувчиларга фойдалидир. Кўпинча тестнинг мосини топ, айтганинг а) нотўғри, в) тўғри, кейингисини топ деб тестларни ечириш ҳоллари учрайди. Бу ўқувчиларни мустақил ечишга ўргатмайди.

Биз юқоридагидек, тестларни ечиш методик тизимини ташкил қилаолсак ўқувчилар,abituriyentlar уларни тўғри ечишни ўрганадилар.

## ИЛОВАЛАР

### 1-§. ИНГЛИЗ ТИЛИ МЕТОДИКАСИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАР

Хозирги пайтда мустақил ишлаш услуби таълим тарбия жараёнида муҳим ўрин тутади. Методикадан мус-тақил ишларни ташкил қилиш бўлажак ўқитувчилар-ни касбга тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Бундай ишлар талабаларни:

1. Мустақил фикрлашга, бир қарорга келишга;
2. Методик вазифаларни ҳал қилишга;
3. Дарсни мавзу, мақсад, вазифаларини танлай, бе-галай олишга;
4. Дарс босқичларини, уларда қилинадиган ишлар-ни аникдай олишга;
5. Ўргатиладиган тил материалларини (фонетика, лексика, фамматика) сонини аниқлай олишга, улар-ни ўргатиш, семантизация қилиш метод усулларини, машкларини танлай олишга, ўргатишни ташкил қилиш-
6. Ўргатиладиган нутқ материалларини, структура-ларини (тинглаш, гапириш, ўқиши, ёзув бўйича) бел-гилай олишга, ўқитиш методикасини ишлаб чиқишига;
7. Тақвим-мавзуй ва кундалик дарс режасини ту-зишга;
8. Техник воситалар қўллашни ташкил қилиш ва амалда ишлатишга;
9. Турли ўқув воситаларини тайёрлашга;
10. Уқувчи, талабаларнинг характер ва хусусиятга қараб инглиз тили ўргатишга ёндашишни ўргатади.

### **ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ**

Мустақил ишлар:

1. Уни илгаридан қатъий режалаштиришдан;
2. Уни ташкил қилишдан;
3. Бошқаришдан;
4. Текшириш, назорат қилишдан иборатdir. Талабаларни мустақил фикрлаши иш фаолияти-нинг ҳар қадамида учрайди.

Энг олдин мустақил ишлашда ўқитувчининг ўзи ривожланган бўлиши керак, сўнgra ўқитувчи уни ўқув-чи, талабаларда шакллантириши, ҳосил қилиши зарур. Шу сабабдан инглиз тили ўқитиш методикасидан мустақил ишларни ташкил қилиш университет ва институт-ларда кенг йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Уқув дастури ва илмий ишларда бундай ишларнинг зарурлиги қайд қилинган. Инглиз тили методикасидан бўлган мустақил ишлар тизимини 2 типга ва турларга бўлиш мумкин.

I тип. Мустақил ишларни ўтказилиш, бажарилиш, ўрнижойи бўйича типлар;

II тип. Мустақил ишларни мазмуни бўйича типлар.

Мустақил ишлар тизимини ўтказилиши, бажари-

лиши ўрни жойига қараб 4 турга бўлинади:

1. Талабаларнинг маъruzalар, дарслар, семинарлар, амалий машғулотлар жараёнида қилинадиган мустақил ишлари.

2. Лабораторияларда бажариладиган мустақил иш-лар.

3. Амалиёт даврида университет, институт, лицей, колледжларда ва мактабларда бажариладиган мустақил ишлар.

4. Амалиёт даврида уйда қилинадиган мустақил иш-лар.

Мустақил ишлар мазмуни бўйича ҳам 5 турга бўли-нади:

1. Ўз-ўзини текшириш саволларига жавоб бериш бўйича мустақил ишлар.

2. Дарс фрагментларини мустақил тайёрлашдаги ишлар.

3. Методик вазифаларни мустақил ечиш бўйича иш-лар.

4. Семинар, доклад учун адабиётлардан фойдаланиб конспект қилиш, докладларга тайёрлашдаги мустақил ишлар.

5. Доклад, курс иши, малакавий ишлар ёзиш дав-ридаги мустақил ишлар. Мазмуни бўйича тақсимланган 1—2—3 турларни яна матн турларга бўлиш ҳам мумкин:

1. Тил материалларини ўргатиш, ўрганиш бўйича мустақил ишлар тури.

2. Нутқ фаолияти турларини ўргатиш, ўрганиш бўйи-ча мустақил ишлар тури.

3. Режалаштириш бўйича мустақил ишлар тури.

4. Воситаларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича мустақил ишлар тури.

5. Аудиториядан, синфдан ташқари ишларни таш-кил қилиш ва ўтказиш бўйича мустақил ишлар тури.

Юқорида кўрсатилган методикадан мустақил иш-ларни ўқитувчи раҳбарлигига ҳамда ўқитувчи раҳбар-лигисиз ёзма, оғзаки ташкил қилиши, ўтказиши мумкин. Инглиз тили методикасидан бўлган мустақил иш-лар тизимини қўйидаги жадвалдан янада аниқроқ кўриш мумкин.

## ИНГЛИЗ ТИЛИ МЕТОДИКАСИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАР ТИЗИМИ

<b>I тип</b> Ўтказилиш, бажарилиш ўрни, жойи бўйича тақсимот	<b>II тип</b> Мазмуни бўйича мустақил ишлар тақсимоти
--	---

<b>I-тур</b> <b>Уйд а баж а рил а ди</b>	<b>П-тур</b> <b>Лабо</b>	<b>Ш-тур</b> <b>Дарс жараё</b>	<b>IV-тур</b> <b>Амалиё</b>	<b>I-тур</b> <b>Ўз-ўзини</b>	<b>II-Дарс фраг-ментин</b>	<b>III-Мето</b>	<b>IV-Кон</b>	<b>V-тур</b> <b>Доклад</b>
<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>

<b>I тур</b> <b>Тил материаларини ўргатиш бўйича</b>	<b>II тур</b> <b>Нутқ фаолиятини ўргатиш бўйича</b>	<b>III</b> <b>Режалаштириш бўйича</b>	<b>IV</b> <b>восита-лар бўйича</b>	<b>V</b> <b>аудитория, синфдан ташқари ишлар бўйича</b>
---	--	--	---------------------------------------	--

Талаба, ўқувчи уйда ўз-ўзини текшириш учун бе-рилган топшириқларга, саволларга жавоб бериши мус-тақилликка ўргатади. Бу ишни талаба ўқитувчининг ёр-дамисиз бажаради. Унга бу ерда маъruzada кўрсатилган адабиётлар таянч ролини ўйнайди. С. Ф. Шатилов, Г. В. Рогованинг методика бўйича қўлланмаларида ўз-ўзини текшириш саволлари берилган. Бошқа қўлланмаларда ҳам бундай топшириқлар берилса яхши бўларди. Уз-ўзини текшириш саволлари методиканинг назарий асосларидан, тил материалларини, нутқ фаолиятининг тур-ларини ўргатиш, педагогик жараённи ташкил қилиш бўйича бўлиши мумкин.

Кўлланмаларда бундай вазифалар бўлмаган тақдир-да уларни маъruzачининг ўзи тузиши мақсадга муво-фиқдир.

Топшириклар мумкин қадар муаммоли бўлса талабаларни фикрлашга, ўйлашга, мустақилликка ун-дайди. Талаба уйда, семинарларда жавоб бериши, би-лимини кенгайтириши учун берилган адабиётларни мус-тақил конспект қилиши, саволларга жавоб топиши мумкин.

Конспект қилиш асосан берилган мавзу бўйича материалларни, маълумотни адабиётдан топа билиш, ўқиб мазмунини тушуниш, қийин жойларни таҳлил қилиш, қайтадан ўқиш, сўнг эса жавоб бераётганда керакли жойлардан фойдаланиш учун тезис шаклида қисқа эсда қолганини ёзишdir.

Талаба уйда инглиз тили дарси фрагментлари, тил материалини, нутқ фаолияти турларини ўргатиш, машқ бажариш, воситаларни тайёрлаш каби мустақил иш-ларни бажариб, уларни аудиторияда амалда қўллаб кўрсатиши мумкин.

Талаба уйда методик вазифаларни ўзи, мустақил ечади, жавобини ўқитувчига кўрсатиш учун ёзиб кела-ди ёки университет аудиториясида ўқитувчи раҳбарли-гидга бажаради<sup>1</sup>.

Талаба уйда доклад, малакавий иш, диплом иши учун материаллар йиғиши, конспект тузиши мумкин. Уларга тайёрланиш, ёзиш ўқитувчи раҳбарлигига амалга оширилади. Ўқитувчи мустақил ишни бажаришда йўл-йўриқлар кўрсатади унга раҳбарлик қиласи.

Талаба институт лабораториясида ўқитувчи раҳбар-

лигига, раҳбарлигисиз, ўз-ўзини текшириш саволла-рини, маърузаларнинг методик вазифа-топшириқлари-ни, дарс фрагментларини, фонограммаларни мустақил тинглаши, ўз-ўзини текшириш саволларига жавоб бериши, методик топшириқларни мустақил ечиши, жавобини ёзиши мумкин.

Ўқувчи, талаба тингланган дарс фрагментлари асо-сида ўзи мустақил фрагментларни тузиши, ўзининг дарс фрагментини ёзиши, тинглаб камчиликларини аниклаши мумкин.

Талаба маъруза, семинар, амалий машғулотларга тайёрланиш жараёнида қисман ўқитувчининг ёрдами-да, назоратида мустақил ишларни бажаради. Талабалар маъruzачининг саволларига жавоб бериш, хулоса чи-қариш, семинарда, амалиётда дарсларнинг мавзусини, мақсад,

<sup>1</sup> Н. В. Яцкова. Сборник задач и заланий по методике преподавания иностранных языков. Ленинград, 1977 г.

вазифаларини белгилаш, ўргатиш, метод, йўл, усулларини аниқлаш, уларни мустақил амалга оши-риш дарс фрагментларини ишлаб чиқадилар. Дарс фраг-ментларини амалда кўрсатиш ҳам мустақил ишлаб чи-қилади. Талаба 4-курс амалиётида уйда, мактабда, синфда мустақил ишлар бажаради. Амалиёт даврида уйда ўзи мустақил мавзуи тақвим-режа, бир соатлик дарс режасини тузиши, техник воситаларни, фоно-граммани, синфдан, мактабдан ташқари ишлар ўтка-зишни тайёрлаши мумкин.

Талаба мактабда, синфда дарс бериш, таҳлил қилиш, консультация ўтказиш, тарбиявий ишлар, сух-батлар ташкил қилиш каби мустақил ишларни ҳам тайёрлаб ўтказади.

### *МАЪРУЗА УСТИДА МУСТАҲИЛ ИШЛАШ*

Талабанинг мустақил иши асосан тинглаган маъру-заси устида ишлашдан бошланади. У З босқични ўз ичига олади:

1. Маъруза тинглаш ва уни конспект қилиш.
2. Кейинчалик маърузани қайта кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш.
3. Навбатдаги маърузага тайёрланиш.

Талаба маъруза тинглаганда ўйлаб, ундаги фикрлар-ни, тезисларни ёзиб олиши лозим. Маърузада талabalар бутун дикқатини уни ёзишга қаратмай, унинг иштирокчиси, баҳсада катнашувчиси бўлиши ҳам зарур, маъruzанинг бундай бўлиши маърузачига боғликцир.

Талаба маърузани кейин қайтадан кўриб чиқиб таҳ-лил қилиши, ёзиб ололмаган жойлар бўлса, тўлдири-ши, ёзилган фикр, тезисларни таҳлил қилиб, идрок қилиши, унга мустақил фикр билдириши, шу мавзуни дарсликдан ёки қўлланмадан кўриб, танишиб, били-мини кенгайтириши, навбатдаги маърузага тайёрлани-ши лозим.

Навбатдаги маърузага тайёрланиш эса оддинги маъ-узани кўриб чиқиш, кейинги маъruzанинг мавзусини билиш у билан дарслик ёки қўлланма орқали тани-шишдир. Ҳозирги пайтда маъруза муаммоли бўлиши талаб қилинади. Бу эса талabalardan мустақилликни тақозо қиласди.

### *ТАЛАБАЛАРНИНГ СЕМИНАРЛАРГА ТАЙЁРЛАНИШДАГИ МУСТАҚШ ИШИ*

Бу иш кўпинча университетда, институтда, уйда ўқитувчи иштирокисиз ўтади. Бу эса талабадан кўп ишни талаб қиласди. У семинарнинг назарий саволларига жа-воб бериши, конспект учун керакли адабиётларни то-пиши, конспект қилиши, мустақил фикрлаш ва ама-лий қисмини дарслеклар бўиича тайёрлаши зарур. Бундай ишни ижобий ҳал қилишда дарслик, қўлланмаларнинг мавжудлиги, она тилида бўлишлиги, ёрдамчи қўлланма воситаларни ишлаб чиқилганлиги муҳим ўрин тутади.

Бу ерда асосий иш адабиётларни конспект қилишдир, конспект қилишга ўрганишдир. Бу эса алоҳида малака, кўникма талаб қиласди. Конспект қилиш, ки-тобдан ўқилган, таҳлил қилинган мавзуни, материал-ни, маълумотни эсда қолганини, кераклисими қис-қартириб ёзишдир. Бунинг учун матнни ўрганиш керак. Конспект—бу китобдан керакли жойларни, тезислар-ни кўчириб олиш эмас. Бундай ишга талабаларни ўқитувчилар ўргатиши керак. Конспект қилиш:

- 1) материал билан кўз югуртириб танишиш;
- 2) мавзуни, материални ўқишиш, таҳлил қилиши, тушуниш;
- 3) эсда қолган керакли жойини қисқа ёзишни талаб қиласди.

Талаба мустақил конспект қилиши орқали режа-конспект, тезислар, аннотациялар, тақризлар ёзишга,

рефератлар, докладлар, малакавий ишлар тайёрлашга ўргатилади.

Хозирги пайтда малакавий иш ёзиб, химоя қилиш кенг йўлга қўйиляпти. Бу эса конспект қилиш малака-сини ўргатишни тақозо қиласди. Талаба семинар маш-ғулотнинг амалий қисмига тайёрланаётганда:

- 1) дарсликдаги аниқ дарс мавзусини, вазифасини аникдаши;
- 2) аниқ дарс учун жиҳозларни танлай билиши, мустақил тайёрлай олиши;
- 3) дарсликдаги аниқ янги лексик, грамматик, фо-нетик материалларни ўргатиш, киритиш, метод, усул-ларни танлай билиши, уларни амалда қўллай олиши;

4) нутқ ғаолияти турлари устида ишлаш дарс фрагментларини ишлаб чиқиши каби мустақил ишларни ҳал қиласидилар.

Натижада дарс фрагментларини ўзлари мустақил ишлаб чиқадилар.

### *МУАММОЛИ ЎҚИТИШ*

Муаммоли ўқитиш ўкувчи, талабаларнинг аклий фаолиятлари қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ўрга-ниш ва ўқитиш усулларини қўллашнинг қоидалар ти-зимидан иборатdir. Шунинг учун у (муаммоли ўқитиш) ўкувчининг ақдий қобилиятларини, унинг умумий ри-вожланиши ва дунёқарашининг шаклланишини анча тўла таъминлайди<sup>1</sup>.

Муаммоли ўқитишнинг моҳияти ўқитувчи томони-дан ўкувчиларнинг таълим ишида муаммоли вазият-ларни ташкил қилишларидан ва ўкув муаммолари, топ-шириқлари, масалалари ва саволларини ечиш йўли би-лан янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқаришдан иборатdir.

Бизнинг фикримизга кўра, муаммоли ўқитиш му-аммоли вазиятлар яратиш ва ўкув муаммоларини ечиш билан узвий боғлиқдир.

Муаммоли ўқитишда: 1) текшириш методи; 2) қис-ман изланиш ёки эвристик метод; 3) билимларни му-аммоли баён қилиш; 4) материални муаммоли баён қилишдан бошлаш каби методлар кенг қўлланилади.

---

<sup>1</sup> М. И. Махмутов. «Организация проблемного обучения в школе». Книга для учителей. М. 1977 г. З-стр.

Чет тили ўқитиш методикасидан маъруза, амалий маш-гулотлар олиб борища муаммоли ўқитишнинг юқори-да санаб ўтилган асосий методларидан самарали фой-даланиш зарур.

Маърузачи талабаларни маърузани тинглашга, ту-шунишга қизиқтириши, сифатини ошириш учун улар-ни факат маъруза тингловчиларга айлантиrmай, дарс-нинг фаол иштирокчилари қилиш учун муаммоли са-волларни кенг қўллаши керак. Бу биринчидан маъруза маълумотини талабалар ёдида яхши колдиради, ик-кинчидан уларни мустақилликка ўргатади. Бундай са-воллар методиканинг ҳар бир мавзуси учун маърузачи томонидан тузилиши, қўлланилиши керак.

Ўз-ўзини текшириш саволларини маъruzачилар еки дарслик, қулланма муаллифлари ҳар бир мавзудан кейин бериши мумкин. Бундай саволлар мавзу, материал урганилиб, маълумот олингандан сунг, талаба узининг тушунганини саволларга оғзаки еки езма жавоб бериш орқали текширилади деган маънони билдиради. Ҳозирги пайт-да Г. В. Рогова И. П. Бимнинг методика буйича қулланмаларида берилган бундай саволларни Г. В. Рогова<sup>1</sup> муҳокама қилиш учун саволлар деб берса, И. Л. Бим<sup>2</sup> уз-ўзини текшириш саволлари деб номлаган. Улардан намуналар келтирамиз.

Г. В. Рогова талаффуз буйича “Question for discussion” деб муҳо-кама учун қўйидаги саволларни таклиф қиласди.

1. What is meant by correct pronunciation?
  2. What does a teacher need for teaching pronunciation successfully?
  3. Why is pupils pronunciation far from being satisfactory?
  4. What should a teacher do to improve pupils pronunciation?
- Лексика бўйича iyfimtara саволлар тавсия 1илинган.
1. Speak on the principles of selecting a minimum vocabulary.
  2. Comment on the main rule in teaching vocabulary.
  3. Speak on the possible difficulties a pupil has to overcome when new words are presented. What is the role of teacher here? Illustrate your answer with several examples.
  4. Not all the words require the same exercises for retention.

Why? Грамматика бўйича қўйидаги топшириклар берилган:

1. Grammar is very important in foreign language learning.

Why?

<sup>1</sup> G. Y. Rogova. «Methods of teaching English\*. M. 1983 r.

<sup>2</sup> И. Л. Бим. «Теория и практика обуч. нем. яз. в сред. школе» М. 1988 r.

2. There are different viewpoints on grammar teaching. Analyse them and say which you consider justifiable in foreign language teaching in schools. Give your reasons.

Г. В. Рогованинг китобида яна мактаб дарсликлари бўйи-ча мустақил иш учун топшириклар берилган.

И. Л. Бимнинг китобида нутқ фаолияти турлари бўйича қўйидагича саволлар берилган:

Оғзаки нутқ бўйича:

1. Оғзаки нутқ деб нимани тушунасиз?
2. Оғзаки нутқ мазмуни қандай?
3. Оғзаки нутққа қандай үргатилади?
4. Гапириш ва гаплашиш бўйича ўкувчилар биринчи, иккинчи босқичларда нималарни урганиши керак?
5. Тинглаб тушуниш қандай үргатилади? Ўқиши бўйича:
  1. Уқишида қандай қийинчиликларга дуч келамиз?
  2. 5—6-синфларда уқишига үргаташ қандай амалга оширилди?
  3. 7, 8, 9-синфларда-чи?

## **2-§. ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДАН МЕТОДИК ТОПШИРИҚПАР**

Кейинги пайтда укув юртларида методик топшириқлар кенг қулланиляпти. Улар устида Н. В. Язико-ва<sup>1</sup> куп иш қилган. Н. В. Язикова «Ўкув-методик топшириқ» деганда-типик муаммоли вазиятни тушунади, у ўрта мактабда чет тили уқитишни моделлаштиради. У методик топшириқларни, вазифаларни типларга, турларга бўлади. Бу вазифа, топшириқлар инглиз, француз, немис тиллари бўйича лексикадан, грамматикадан, тинглаб тушуниш, ўқиши, режалаштиришдан бе-рилган.

Биз шулар асосида қўйида тил материаллари ва нутқ фаолияти турлари бўйича намунавий методик топшириқлар туздик. Уқитувчилар улардан фойдаланиши ва шуларга ўхшаб топшириқларни ўзлари тузишлари мум-кин. Бундай талабаларни мустақил фикрлашга үргата-ди.

<sup>1</sup> **Н. В. Язикоев Сборник задач и заданий по методике преподавания иностранных языков. Ленинград, 1977**

## **ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДАН ТОПШИРИҚЛАР**

### **ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР.**

## 1-топширнқ

Қуйида берилған лексиканинг маъносини очиш хусуси-ятларига қараб, уларни қайси бири таржимали, қайси бири таржимасиз методларга, усулларга тегишлилигини аниқланг ва усулларини танлаб езинг.

1. Вақт кам талаб қиласы.
2. Уқувчиларни инглиз тилидаги сузни фаҳмлаб маъно-сини топиши малакаларини устиради.
3. Синф уқувчилари иккиге бўлинмагандага қўлланилади.
4. Инглиз тили сўзларини предмет, ҳаракат еки ҳодиса билан боғлайди.
5. Ўқувчиларни янги суз билан таништиради, дикқат би-лан тинглаб, қабул қилишни фаоллаштиради.

## 2-топшириқ

Уқитувчи ўқувчиларни “in the street” мазмунидаги расм асосида «a lot of» лексик бирлиги билан қуйидагича таништиради.

Сиз қуйидаги инглизча матнни тингланг, уқитувчи томондан сузнинг маъносини очиш учун қулланилган усулни езинг.

Teacher: This is Navoi street in Tashkent. There are a lot of people in the street. There are a lot of cars too. You can see a lot of beautiful houses there. Are there a lot of cars too? You can see a lot of beautiful houses there. Are there a lot of cars in the street?

Pupil: Yes, there are.

## 3-топшириқ

Инглизча матнни тинглаб, ўқитувчи томонидан қўлланилган «often» сўзининг маъносини очиш усулини аниқланг ва уни ёзинг.

Teacher: The word «often» means «кўпинча», «тез-тез».

For example: Children often play football in the yard. We often go to the market. We often go to the park to play different games.

Инглизча газетани ўқиши жараёнида ўқувчи «a boy scout\* сўзини учратади. Инглиз тили дарс фрагментида ўқитувчи шу лексик бирликнинг қўйидагича маъносини очади.

Сиз ўқитувчи қандай усулни қўлланганини аникланг ва бу усулни тасвирланг.

Teacher: «a boy scout» бу АҚШ ва Буюк Британиядаги ўғил болалар ташкилотининг аъзосидир. Бу ташкилот Буюк Британияда 1908 йилда ташкил топган.

#### 5-топшириқ

Ўқитувчи «orchestra» сўзини киритиш учун кўргазмали-лик ва контекстдан фойдаланади. Ўқитувчи тўғри йўл тутган ёки тутмаганлигини аниклант ва уни ёзинг.

Ўқитувчи: оркестрнинг расмини кўрсатади ва дейди.

There is an orchestra.

There is an orchestra in every theatre.

I like good orchestra.

#### 6-топшириқ

Ўқитувчи «forest» сўзининг маъносини очища қўйидаги 2 та дарс фрагментидан фойдаланиши мумкин. Сиз шу инг-. лизча матнининг 2 та вариантини ўқинг ёки тингланг, қайси бирини қўллаш мумкин бўлган усулни танланг ва шу усулни ёзинг.

А. Ўқитувчи ўрмоннинг расмини кўрсатади ва инглизча дейди:

There is a forest in this picture. The forest is nice. Children like to go to the forest.

Б. Ўқитувчи ўрмоннинг расмини кўрсатади ва «a forest» дейди.

#### 7-топшириқ

Ўқитувчи сўзининг маъносини очища қўйидаги ҳолат-ларда қандай усул қўллайди?

1. Агарда инглиз тилидаги сўз маъносининг ҳажми ўзбек тилидаги сўз ҳажмига тўғри келса;

2. Агарда ҳаракатни билдирса ва ушбу хатти-ҳаракатни кўрсатиш мумкин бўлмаса;

сиз биринчи ва иккинчи ҳолатда қандай усулни қўлланилиш кераклигини аникданг ва улар тўғрисида ёзинг.

### 8-топшириқ

Ўқувчилар инглиз тилини яхши билса, ўрганилаётган сўзнинг маъно ҳажми ўзбек тилидагига тўғри келмаса, сиз шу сўзнинг маъносини очиш учун қандай усул қўллайсиз?

### 9-топшинриқ

Ўқувчилар инглиз тилини яхши билмаса, «lunch» сўзи-нинг маъносини очиш учун қандай усул ишлатилади?

### 10- топшириқ

Қуйидаги дарс фрагментини тахлил қилинг.

Агарда ўқитувчи “to open” сўзининг маъносини қуйида-гича очса, ўқитувчининг қилган методик хатосини аникланг ва ёзинг.

Масалан: Ўқитувчи эшик ёнига келади ва уни очиб «I open the door and close it» дейди.

Teacher: «Open your books, children», дейди. Teacher: «Karimov, open the door, please». Teacher: «Open your copy-books, please».

## **ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТОПШИРИҚЛАР**

### 1-топшириқ

«The Present Continuous Tense замонини киритиш ва фаоллаштиришга бағишланган дарс фрагментини таҳдил қилинг.

Аввал грамматик материалнинг киритиш усувларини аниқ-ланг, сўнг дарсда ўқитувчи томонидан фойдаланилган машқ турларини аниқлаб ёзинг.

1. Teacher: I am standing. I'm not sitting (ўтуриб). Now I'm sitting. I'm going to the door. Am I going to the door? Yes, I am. Petrov, stand up. Petrov is standing. Sit down please. He is sitting now. Is he sitting? Yes, he is.

2. Синф ўқувчилари қисқа жавоблар устида ишлайди.

Teacher: Are you sitting, Kate?

Kate: Yes, I am.

Teacher: What are you doing, Mike? Are you sitting? Say, I'm sitting.

Kate: I'm sitting.

3. Teacher: Say the sentence all together.

Teacher: Stand up. Lena, go to the door.

What is she doing?

Pupil 1: She is going to the door

Pupil 2: She is opening the door now.

Үқитувчи синф ўқувчилари ишларини изохлашни давом эттиради, саволлар устида ишлайди.

4. Teacher: Are you sitting? What are you doing? Read the text, Ann.

Pupil 3: What is she doing?

Pupil 4: She is reading.

Үқитувчи бир ўқувчига топшириқ беради, иккинчи ўқув-чи савол беради, учинчи ўқувчи жавоб беради.

## 2-топшириқ

“The Present Indefinite Tense” феълининг бўлишсиз шаклини фаоллаштаришда ўтилган икки дарсни солиштиринг.

-a-

Teacher: Do you go to school every day?

P: No, I don't go to school every day.

Teacher: Do you have dinner every day?

P: Yes, I do.

Teacher: Бўлишли ва бўлишсиз шаклда жавоб беринг:

3 2: I have dinner every day. I don't have dinner every day.

-b-

Үқитувчи: Мен билан рози ёки норози эканлигингиизни билдиринг.

Teacher: We go to school on Sunday.

P: No, we don't go to school on Sunday.

Teacher: We have breakfast every day.

P 2: Yes, we have breakfast every day.

Teacher: We play hockey in summer.

P: No, we don't play hockey in summer.

## 3-§. ИНГЛИЗЧА МАТННИ ТИНГЛАБ ТУШУНИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТОПШИРИҚЛАР

### 1-топшириқ

Фараз қилинг, сиз инглизча матнни тинглаб тушуниши ўргатаяпсиз. Қуйидаги инглизча матнни ўқувчилар тингла-гандан

сўнг, тушунганлигини текшириш учун қандай усул-лардан фойдаланасиз?

277

Аниқланг ва ёзинг.

Teacher: The boys of our form class play football at the school stadium after school. The boys play football in our yard too. We have a small football field there. On Sunday morning the boys and girls go to the forest. They like to play there.

## 2-топширик

Юқоридаги матнни ўқувчилар тинглаб тушунганлигини текшириш учун қўлланиладиган 2та машқ тури берилган. Шу-лардан қайси бирини қўллаш мақсадга мувофиқ ва фойдали-дир. Аниқланг ва ёзинг.

А) Ўқитувчи матнни фонограммадан эшиттиришдан ол-дин матннинг мазмуни ҳақида савол беради ва шунга жавоб беришни сўрайди.

Б) Ўқитувчи матннинг фонограммасини тинглатгандан кейин унинг мазмуни ҳақида савол беради ва жавоб талаб қиласди.

## 3-топширик

Қуйидаги аудиоматн устида ишлаш кетма-кетлиги тўғри берилмаганми? Аниқланг ва тўғри кетма-кетлигини жойлаштиринг.

1. Тушунганини текшириш учун ўқитувчининг саволлари.
2. Янги лексика билан таништириш (2 та сўз).
3. Матнни биринчи марта тинглатиш.
4. Матнни занжир усулида гапиртириш.
5. Матн бўйича ўқувчиларнинг бир-бирига савол бердириш.
6. Матнни иккинчи марта танглатиш.
7. Тушунганликни текшириш мақсадида ўқитувчининг матн мазмунига тўғри келмайдиган саволлари.

## 4-топширик

Ўқитувчининг ҳикоясини ўқувчилар тушунганлигини текшириш учун қуйидаги 2 та усул берилган. Сиз қайси бирини қўллайсиз ва нима учун?

A) Teacher: Children open your books at page 166 and look at the pictures. I'll tell you a story on the pictures. And if I say something you don't see in the pictures, raise your hands and correct me.

Children like to go to the camp in summer. These children go to the camp by train.

Pupil 1: They go therse by bus.

278

Teacher: The children have a nice time in the camp. They play football, volley-ball and table tennis.

Pupil 2: No, they don't play table tennis.

Б) Ўқитувчи расмни кўрсатиб уни тасвирлайди, мазму-нини инглизча сўзлаб беради. Тушунганлигини текшириш учун саволлар беради.

#### 5-топшириқ

Қуйидаги матнни тинглаб, ўқувчиларнинг тушунганли-гини текшириш учун сиз қандай усуллардан фойдаланасиз? Шуни тушунтириб беринг.

Text:

My name is Lobar. I live in a small street in Termiz. Our house isn't big and new, but I like it. We have a garden in front of our house. Many birds live there in spring and in summer. My friends and I often play games there. Sometimes in May and in June, I do my lessons in the garden.

#### 6-топшириқ

Сиз қуйидаги матнни тинглаб тушунишни ўтказиш учун қандай машқлар ўтказасиз? Аникланг ва ёзинг. Тил материа-ли ўқувчилар учун таниш. Матнни ўқувчилар фонограммадан тинглайдилар.

The new school is in the street near the park. It is a big white school. We like it. The school house is a very interesting place for boys and girls. We have lesson at school in the morning. In the afternoon we go home. The boys and girls learn many things at school. We must study well. We have lessons there.

## **ИНГЛИЗЧА МОНОЛОГИК НУТҚ БҮЙИЧА МЕТОДИК ТОПШИРИҚЛАР**

### **1-топшириқ**

Иккита монологик нутқлардан қайси бири тайёрланма-ган монологик нутқ хисобланади уларни аниқланг.

1. Ўқилган матнни қисқача сўзлаш.
2. Матнга мазмунан яқин қилиб сўзлаш.
3. Диафильмни бир марта кўриш орқали сўзлаш.
4. Кўрилган фильм бўйича ўз фикрини сўзлаш.
5. Тингланган, ўқилган матн бўйича «Why» типидаги саволларга жавоб бериш.

279

6. Олдиндан таниш бўлган расмни тасвирлаш.
7. Таянч сўзлар орқали сўзлаш.

### **2-топшириқ**

Монологик нутклардан қайси бири тайёрланган моноло-гик нутқ ҳисобланади, аниқланг.

1. Матнни қатнашувчилар (иштирокчилар)и номидан сўзлаш.
2. Матнни (занжир шаклида) сўзлаш.
3. Ўқилган матн бўйича савол-жавоб ўтказиш.
4. Тинглантан матн бўйича, тушунганилигини текшириш.
5. Матн мазмунига яқин сўзлаш.
6. Олдин таниш бўлмаган расмни тасвирлаш.

### **3-топшириқ**

Ўқитувчи ва ўқувчининг дарсда “At the skating rink” мавзуси устида ишлаган бажарадиган қуидаги ишларини тўғри методик кетма-кетликда жойлаштиринг.

1. Расм бўйича ўқитувчининг саволларига жавоб бериш.
2. Ўқитувчининг ўқувчилар қишида нима қилиши ҳақидаги саволига жавоби.
3. Алоҳида ўқувчилар томонидан расмни тасвирлаш.
4. Ўқувчиларни “In winter” мавзусини сўзлаши.

5. Ўқувчиларга мавзу бўйича занжир усулида биттадан ran айттириб сўзлатиши.
6. Лексик ўйин-мусобақа (расм бўйича ким қўп сўз айтади).
7. Расм бўйича ўқувчиларнинг бир-бирига саволлари.

#### 4-топшириқ

Дарснинг вазифаси қуидагидан иборат: Ўқитувчи ўқувчиларни “About myself” мавзусида сўзла-шишга тайёрлаш. Кўриш воситаси қилиб ўқитувчи (рағбат-лантириш мақсадида) ўқувчи расмини қўрсатади. Шулар асо-сида қуидаги дарс фрагментини таҳдил қилинг ва нима сабабдан ўқувчилар ўзлари хақида сўхтай олмасликларини аникланг.

T: Is the boy a pupil?

P 1: Yes, he is.

T: Is he in the 5th form?

P 2: Yes, he is.

T: Does he go to school?

P 3: Yes, he does.

T: How old is the boy?

280

P 4: He is 11 years old.

T: Now speak about yourself, Karim.

T: Who else can speak about himself? Hamida can you do it?

Hamida: I am a pupil. I study...

Сиз расм бўйича ўзингиз ҳақида сўзлашни ишлаб чи-кинг.

### ИНГЛИЗЧА ДИАЛОГИК НУТҚ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТОПШИРИҚЛАР

#### 1-топшириқ

Ўқувчиларни диалогик нутқقا ўргатишга қаратилган топшириқларни тўғри методик кетма-кетлиқда жойлаштиринг.

1. Намуна-диалогнинг бир марта тинглагандан тушуниш.
2. Намуна-диалогнинг элементларини ўзгартириб қайта-риш.
3. Диалогни матнга қараб 2 марта тинглаш.
4. Тақлид қилиш орқали диалогни қайтариш.
5. Диалогни давом эттириш.
6. Намуна-диалогни тушунганликларини текшириш.
7. Берилган вазият бўйича диалог тузиш.

## 2-топшириқ

«Hobbies» мавзуси асосида диалогик нұтқни ривожлантиришга қаратилған 2 та дарс фрагментини таҳдил қилинг ва қайси бири методик жиҳатдан түғрилигини аниқланғ, ис-ботланг.

### -А-

1. Ўқувчилар намунани 2 марта тинглайдилар.
2. Ўқувчилар дарсликдаги қуидаги топшириқни ўқийдилар: Speak about your hobbies. Ask your classmate whether he (she) has a hobby, what it is, when it became his (her) hobby and why.
3. Ўқувчилар берилған вазият бүйича диалог тузадилар.

### -Б-

1. Ўқувчилар дарсликдан топшириқни ўқийди.
2. Ўқитувчи 2 та ўқувчидан берилған вазият бүйича сұхбатлашишни талаб қиласы.

281

## 3-топшириқ

3 та дарс тури орқали диалог намуна түзиш мето-дикасини ишлаб чиқинг.

### Asking the Way

- Excuse me, how can I get to the museum?  
— Go straight along this street, take the third turning on your right and then the second one on your left.  
— Thank you very much.  
— Don't mention it.

### Words for substitution

Town, street,	turn round the corner
House	take bus
Post office	cross it over

## ИНГЛИЗЧА ЎҚИШ БҮЙИЧА МЕТОДИК ТОПШИРИҚЛАР

## 1-топшириқ

Ўқиб, керакли маълумотни олишга қаратилған машқлар-ни танланг.

1. Матн бўйича режа ёки конспект тузинг.
2. Матнни кўриб чиқинг ва ундан асосий мавзуларни ажратинг.
3. Ҳарфларни айтиб, сўзларни ўқинг.
4. Матнни ўқиб, ундаги муаллифнинг қаҳрамонга бўлган муносабатини белгиловчи гапларни топинг.

## 2-топшириқ

Овоз чиқармай ўқишга ва ўқиганининг мазмунини тушунишга қаратилган йўл, усулларини тўғри методик кетма-кетлиқца жойлаштиринг

1. Ўқувчилар матнни овоз чиқармай ўқиёди.
2. Ўқувчилар матндан керакли гапларни топадилар.
3. Ўқитувчи матн олди топшириқларини беради.
4. Ўқитувчи тушунгандликни текшириш учун саволлар беради.
5. Ўқувчилар расмлар ичидан матннинг мазмунига тўғри келадиганини танлайдилар.

282

6. Ўқувчилар яна маҳсус топшириқ орқали матннинг мазмунини чуқурроқ тушуниш учун ўқишиади.

## 3-топшириқ

Ўқилган матнни тушунгандликни текшириш учун бажариладиган йўл, усулларни таҳлил қилинг ва уларни методик кетма-кетлити, тўғри-нотўғрилигини аниқланг: агар нотўғри бўлса, бундай ишни сиз қандай методик кетма-кетлиқда таш-кил қиласиз?

1. Умумий ва альтернатив саволлар орқали матнни тушунгандликни текшириш.
2. Ўқитувчи томонидан мазмунан ёки грамматик жиҳатдан нотўғри тузилган гаплар берилиши.
3. Матн мазмуни бўйича ўқувчиларни бир-бирига саволлар бердириш.
4. Матвдаги айтилган фикрни тасдикловчи абзацини то-пиш.
5. Матн мазмунини қисқа баён қилиш.

#### 4-топшириқ

Дарс топшириғи “A Cherry Orchard” матнини ўқишига бағишланган. Ўқитувчи дарсни қуидагиша ташкил қилса түғри бўладими?

Teacher: Today, children, you will read a new text «A Cherry Orchard» Now, Karimova, begin reading, please.

Ўқувчилар матнни абзацма-абзац овоз чиқариб ўқийди-лар. Сўнгра ўқитувчи матннинг мазмунини ўқувчилар тушун-ганлигини текширишга ўтади. Ўқитувчи ўқувчиларни матн билан биринчи марта шундай таништирса түғри бўладими? Ўз фикрингизни айтинг.

283

### ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДАН ТЕСТЛАР:

#### 7. Режалаштнриш қайси вазифага тўлиқ хизмат қиласи?

- а) ўқитувчиларнинг дарсдаги методига.
- б) ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятига.
- в) ўқув жараёнини ташкил қилишга.
- г) дарслик билан ишлашга.
- д) машқлар бажаришга.

#### 2. Режалаштиришда ўқитувчи энг олдин нималардан фойдалана-ди?

- а) доска, ўқувчилардан
- ўқитувчи китоби, дарслік, дастурдан.
- в) қўшимча ўқиш китобидан.
- г) маълумотаомалардан
- д) луғатдан

**3. Режаларни ким олдин тузади?**

- а) ўқувчилар
- б) ўқитувчи
- в) илмий бўлим мудири
- г) директор
- д) метод бирлашма раҳбари

**4. Ҳозир қайси режа олдин тузилади?**

- а) тақвим (календарь) режа
- б) мавзуй (тематик) режа
- в) тақвим-мавзуй (календарь-тематик) режа
- г) кундалик режа
- д) тақвим-мавзуй ва кундалик режа иккаласи бир вақғда.

**5. Тақвим мавзуй режа олдии ким томонидан тасдиқлавади?**

- а) ўқитувчи
- б) илмий бўлим мудири

**284**

- в) директор
- г) метод бирлашма раҳбари
- д) б ва в

**6. Тақвим-мавзуй режа қандай муддатга тузилади?**

- а) 1 соатга
- б) 1 кунга
- в) 1 ҳафта ёки бир ойга уг) чоракларга
- д) бир ойга.

**7. Тақвим-мавзуй режаси бандларини тўғри жойлашгиринг.**

а) тил материаллари, нутқ фаяолияти турлари, сана, вазифа, соатлар.

б) параграфлар, нугқ фаяолияти турлари, жиҳоз, тил материаллари, мақсад, мавзу, сана, вазифа.

в) параграфлар, соатлар, дарс мавзуси, мақсади, тип материаллари, нутқ фаяолияти турлари, жиҳоз, сана, вазифа.

г) машқлар, вазифа, сана, параграфлар, соатлар, жиҳоз, мавзу, мақсад.

д) вазифа, сана, соатлар, тил материаллари, нутқ фаяолияти турлари.

### **8. Тақмм-мавзуй режада нималар тақсимланады, аникланады?**

а) саналар (число, дарс ўтказиладиган кун) соатлар.

б) парафафлар, мақсадлар.

Г) мавзулар, тил материаллари, машқлар, нутқ фаяолияти турлари

г) параграфлар, мавзу, мақсад, тил материаллари

д) нутқ фаяолияти турлари, жиҳоз, вазифа, сана.

### **9. Бир соатлык режада олдин нима аниқланады?**

а) жиҳоз

б) мавзу

в) мақсад

г) вазифа

д) ҳаммаси бир вақтда.

**284**

### **10. 1 соатлык дарс режаси бандларини түгри методик кетма-кетлинкда жойлаштиринг.**

1-жиҳоз; 2-мақсад; 3-тарбиявий момент; 4-мавзу;

а) 1, 2, 4, 3;

б) 4, 3, 2, 1; в) 4, 2, 3, 1;

г) 3, 1, 2, 4; Д) 2, I, 3, 4.

**11. 1 соатлық дарс режа бандларини түгри жойланп иринг.**

**1-дарснинг бориши 2-дарснинг якуни 3-дарснинг бошланиши 4-дарснинг асосий қисми 5-мавзу, мақсади**

- а) 5, 1, 2, 3, 4;
- б) 1, 2, 4, 5, 3; 5, 1, 3, 4, 2;
- г) 1, 2, 3, 4, 5; Д) 5, 4, 1, 2, 3

**12. Дарснинг бориши жараёни бандларини тугри жойлаштириңг.**

**1-дарснинг асосий босқичи 2-дарснинг якуни 3-дарснинг бошланиши 4-үй вазифа бериш**

- а) 1, 4, 3, 2;
- б) 1, 2, 3, 4;
- в) 2, 1, 4, 3;
- г) 3, 1, 2, 4; Д) I, 2, 3, 4, 2

**13. Фонетик машғулот ўтказиш ўрнини аниқланг.**

- а) дарснинг бошида ўтказилади;
- б) машклардан олдин ўтказилади;
- в) дарс давомида ўтказилади;
- г) лексик ва фамматик қўникмаларни шакллантиришда ўткази-лади;
- д) уй вазифасини текширишда ўтказилади;

**285**

**14. Қандай товушни ўргатишда интерференция кўпроқ содир бўла-**

**ди?**

а) ўзбек тили товушига максимал яқин бўлмаган товушни ўрга-тишда;

б) қисман она тилига яқин бўлган товушни ўргатитда; 1^3) она тилида умуман учрамайдиган товушларни ўргатишда;

г) сўз охирида учрайдиган товушларни ўргатишда;

д) сўз ўртасида учрайдиган товушларни ўргатишда;

**15. Қайси метод таълимнинг биринчи босқичида грамматик мате-риални киртишда қўллаиилади?**

а) дедуктив

б) индуктив

в) лексик

г) таржимали

д) Б ва В

**16. Дарсликдаги сўзлар қандай лексик минимум таркибиغا киради?**

а) актив

б) продуктив

в) потенциал

г) репродуктив

д) байналминал

**17. Лексиканинг маъносини очишда қуйидаги методларнинг қай-силаридан фойдаланилади?**

а) имитация ва транскрипция

б) таржимали ва таржимаси

в) дедуктив ва индуктив

г) кўргазмали

д) аналоглар ёрдамида

**18. Қайси нутқ фаолиятининг турида пассив лексик минимум ишлатилади?**

а) гапириш, ёзув

б) тинглаб тушуниш, ўқиш

в) гапириш, ўқиш

г) тинглаб тушуниш, ёзув

д) ёзув, ўқиш

**19. Тинглаб тушунишни ургатиш нимадан бошланади?**

- а) матнни тинглаш (текст) бўйича вазифа бериш
- б) лексик бирликларни таҳлили
- в) тинглаб тушунишни ўтказишга тайёрланиш
- г) тинглаб тушунишни ўтказиш
- д) тингланган матн мазмунини тушунгандликни текшириш

**20. Қуидагиларни қайси бирн нутқ фаолияти турига кирмайди.**

- а) тинглаб тушуниш
- б) ўқиш
- в) ёзув
- г) гапириш
- д) талаффузни ўргатиш

**21. Қуидаги кжровий ўйинларнинг қайси бири биринчи босқичда қўпроқ қўлланилади?**

- а) эртак асосида
- б) кундалик ҳаёт бўйича
- в) компьютер ўйини асосида
- г) сиёсий мавзу бўйича
- д) мактаб ҳаёти асосида

**22. Урта умумтаълим мактабда қуидаги ишлардаги қайси бири нутқ фаолияти эмас, тил материали ҳисобланади?**

- а) ўқиши ўргатиш
- б) нутқ, фикрни ёзма баён қилиш
- в) гапиришни ўргатиш
- г) тинглаб тушунишни ўргатиш
- д) талаффузни ўргатиш

**23. Нутқ машқини танланг.**

- а) савол ва жавоб
- б) предлогларни қўйиш
- в) расмни тасвирлаш
- г) матнни ўқиш
- д) феълларни тўғри замон шаклида қўйиш

**24. Методиканинг илмий тадқиқот методлариға қуидагилардан қайси бири кирмайды? Танланг.**

- а) эксперимент
- б) анкеталаштириш
- в) дарслик ёзиш
- г) методика тарихини танқвдий ўрганиш
- д) тестлар ўтказиш

**25. «Текшириш»нинг түғри іаърифини танланг.**

- а) ўқитиши шакли
- б) ўқитувчи хоҳиши
- в) зарурият
- г) билим күрсаткичи
- д) ўқувчи хоҳиши

**26. < Текшириш >нинг объектларини танланг.**

- а) алоҳида сўз ва жумлаларни
- б) нутқ, малака, кўникма, билим даражаси, тил

материаллари-

- ни
- в) чет тили ўқитиши вазифасини
- г) чет тили ўқитиши мақсадини
- д) грамматик структураларни эгаллашни

**27. Ёзув техникаси устида ишлаш қуидагилардан қайси бирини ўз ичига олмайди?**

- а) графика
- б) каллиграфия
- в) орфография
- г) ёзув машқлари
- д) морфология

**28. Ўрта мактабда ёзувни ўргатишга нима сифатида қаралади?**

- а) ўқитиши воситалари
- б) ўқитиши мақсади
- в) методи
- г) тамойили
- д) усули

**29. Сўзни семантизация қилиш нимадан иборат?**

- а) сўзнинг ифодаси
- б) актив ва пассив минимумга тегишлилиги
- г) аниқ нутқ фаолияти турига тааллуқлиги
- д) сўзнинг тузилишини
- е) сўзнинг маъносини очиш

**30. Чет тили ўқитишнинг дидактик тамойилларига қуийдагилар-даи қайси бири кирмайди?**

- а) кўргазмалилик тамойили
- б) илмийлик тамойили
- в) оғзаки илгарилаш тамойили
- г) кетма-кетлик тамойили
- д) апроксимация тамойили

**31. Ёзув техникасини ўргатувчи машқни танланг.**

- а) тайёрлов машқлар
- б) матнни кўчириб ёзиш
- в) сўзларни оғзаки қайтариш
- г) сўз ва сўз бирикмаларини бирликдан кўпликка ўзгартириш
- д) ёзма режалар тузиш

**32. Грамматик материалнинг қайси томонн ўргатилади?**

- а) шакли (ўқилиши, ёзилиши, тузилиши)
- б) маъноси, мазмуни
- в) қўлланилиши
- г) таржимаси
- д) а, б, в

**33. Текшириш турини кўрсатинг?**

- а) оғзаки текшириш
- б) ёзма текшириш
- в) бир тиллик текшириш
- г) кундалик текшириш
- д) ўқиш орқали текшириш

**34. Чет тили ўқитипшинг мазмунига кирмайдиган компонентни топинг.**

- а) тил материаллари
- б) нутқ малакалари

- в) матн (текст)
- г) мавзу ва вазифалар
- д) техник воситалар

**35. Ўқиши кўнижмасини шакллантиришда**

**қўлланилмайдиган ком-понентни топинг.**

- а) ҳарф-тovуш орасидаги муносабат
- б) матндан ахборот олиш
- в) ўқиши қоидасини эгаллаш
- г) матн, абзац, жумлалар асосида талаффузни эгаллаш
- д) матнни кўчириб ёзиш

**36. Ўрта умумтаълим мактабларида қўлланилмайдиган**

**ўқиши ту-рини танланг.**

- а) танишиш учун ўқиши
- б) синчиклаб ўқиши
- в) изланиб ўқиши
- г) кўз югуртириб ўқиши
- д) аналитик ўқиши

**37. Факультатив машғулотларда ишнинг қандай турига аҳамият берилади?**

- а) нутқ амалиёти
- б) грамматик материал
- в) ёзув
- г) тинглаб тушуниш
- д) фонетик материал

**38. Қуйидаги тинглаб тушунишнинг қийинчиликларидан қайси бири асосий ҳисобланишини белгиланг.**

- а) нутқ тезлиги
- б) нутқнинг носозлиги
- в) тил қийинчиликлари
- г) техник воситаларнинг носозлиги
- д) қўриш таянчи (матнни) йўқлиги

**39. Қуйилаги машқлардан тинглаб тушуниши ривожлантиришга қаратилган машқни белгиланг.**

- а) ўқинг ва таржима қилинг
- б) тингланг ва саволларга жавоб беринг

- в) нуқталар ўрнига мос келувчи сўзни қўйинг
- г) расмни тасвирланг
- д) матнни ўқинг ва режа тузинг

**40. Қуйидаги тушунчаларнинг қайси бири методяк тушунчаларга кирмайди?**

- а) тамойил
- б) эксперимент
- в) метод
- г) усул, восита
- д) дарслик

**41. Талаффузни ўргатишида қайси бир машқлардан фойдаланмай-миз?**

- а) тинглаб қайтариш
- б) ёзув машқдари
- в) танглаб таклид қилиш
- г) тинглаш машқлари
- д) тайёрлов машқлари

**42. Ўрта мактабда талаффузни қайси тамойил асосида ургатилади.**

- а) кўргазмалилик
- б) онглилик
- в) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш
- г) намойиш қилиш
- д) апроксимация

**43. Талаффузни ўргагиши методларига қайси бир тушунча кирмайди?**

- а) таҳлил қилиш методи
- б) тақлид қилиш методи
- в) таржимасиз метод
- г) намойиш қилиш методи
- д) тушунтириш методи

**44. Ўрта мактаб учун чет тили дастурида лексик материалларнинг ҳажми нечта сўздан иборат.**

- а) 2000
- б) 6000
- в) 1100
- г) 3000
- д) 5000

**45. Таржимани ўргатишнинг мақсадларидан асосийини белги-ланг.**

- а) тилни ўрганиш
- б) луғатаи бойитиш
- в) ахборот ола билиш
- г) фикр алмашиниш
- д) бир тилда ифодаланган фикрни иккинчи тилда берилиши

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таълим-тарбия соҳасига бағишланган асарлари ва мақолалари.
2. Таълим ҳақвда қонун. Тошкент, 1997.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дустури. Тошкент, 1999.
4. *Бўронов Ж. Б.* Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент, 1973.
5. *Бўронов Ж. Б. Бўронова М., Тошибоева М.* Инглиз тили грамматикаси. Маълумотнома Тошкент, 1978.
6. *Бойқўзиев Х. Б.* Инглиз ва ўзбек тилларидағи содца гапларда сўз тартиби. Тошкент, 1974.
7. *Жалолов Ж. Ж.* Чет тил ўқитиши методикаси. Тошкент, 1996.
8. *Зарипова Р. А.* Чет тиллар ўқитиши методикасидан қўлланма. Тошкент, 1986.
9. *Зарипова Р. А.* Ўзбек ўрта мактабларида чет тилни ўқдгиш методикасининг асосий йўналишлари. Тошкент, 1979.
10. *Цетлин В. С.* Ўрта мактабда чет тили ўқитиши курси. Тошкент, 1978.
11. *Ҳакимов И.* Ўрта мактабда немис тили грамматикаси-ни ўргатиш методикаси. Тошкент, 1978.
12. *Карпое Г. В.* Ўқитишининг техникавий воситалари. Тошкент, 1974.
13. Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишининг умумий методикаси. Тошкент, 1974. Миролюбов А. А., Раҳманов И. В. таҳрири остида.
14. *Уайзер Г. М., Климентенко А. Д.* Инглиз тилида оғзаки нутқни ўстариш. Тошкент, 1977.
15. *Токарева Л. Н.* Инглиз тилидан факультатив машғулотлар учун хрестоматия. Тошкент, 1976.
16. *Ҳошимов У. Ёқубов И.* Ўрта мактабда инглиз тили ўқитиши методикаси. Т., 1993.

## **ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ, ДАСТУРЛАРИ ВА ҚУЛЛАНМАЛАРИ**

1. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. «Шарқ» нашриёти. 1999 йил, 5-махсус сон.
2. 5 ва 6-синфлар учун «F1y High\* комплекси. Тош-кент, 2000-2001.
3. Программа факультативных курсов для средней школы. Английский, немецкий, французские языки. Ташкент, 1976.
4. «Иностранные языки в средней школе» ойномаси (1990-2002 йиллар).
5. «Тил ва адабиёт ўқитиш таълими» ойномаси (1990-2002 йиллар).
  1. *Абдуллаев Ю. Н., Бушуй А. И.* Иностранный язык в современном мире. Самарканд, 2001.
  2. *Андреевская — Левенстерн Л. С.* Методика преподавания французского языка в средней школе. М., 1969.
  3. *Артемов В. А.* Психология обучения иностранным языкам. М., 1969.
  4. Методика работы над практическим курсом английского языка. Под редакцией Аракина В. Д. — М., 1984.
  5. *Бим И. Л.* Методика обучения иностранным языкам как наука и проблема школьного учебника. М., 1977.
  6. *Бим И. Л.* Теория и практика обучения немецко-му языку в средней школе. М., 1988.
  7. *Беляев Б. В.* Очерки по психологии обучения иностранным языкам М., 1965.
  8. *Берман И. М.* Методика обучения английскому языку М., 1965.
  9. *Беспалько В. П.* Программированное обучение. Ташкент, 1970.

10. Буранов Дж. Б. Сравнительная типология анг-лийского и тюрских языков. Москва, 1983.
11. Барсук Р. Ю. Основы обучения иностранным языкам в условиях двуязычия. М., 1970.
12. Бородулина М. К. и др. Обучение иностранному языку как специальности. М., 1975.
13. Гез. Н. И. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. М., 1982.
14. Демьяненко М. Я. и др. Основы общей методики обучения иностранным языкам. Киев, 1976.
15. Джалаев Д. Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку. Ташкент, 1987.
16. Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. М., 1978.
17. Зимняя И. А. Психология слушания и говорения. Автореферат докт. дисс. М., 1973.
18. Зимняя И. А. Психология обучения неродному языку. — М., 1989.
19. Ильин М. С. Основы теории упражнений по иностранному языку. — М., 1975.
20. Леонтьев А. А. Язык, речь и речевая деятельность. — М., 1969.
21. Ляхович М. В. Методика преподавания иностранных языков. М., 1981.
22. Миролюбов А. А. и др. Теоретические основы обучения иностранным языкам в средней школе. М., 1981.
23. Островский Б. С. Английский язык на факультативных занятиях в средней школе. — М., 1977.
24. Пассов Е. И. и др. Беседы об уроке иностранного языка. — Ленинград, 1977.

25. *Jaccoe E. I.* Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. — Москва, 1989.
26. *Рогова Г. В.* Верегцагина И. Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе средней школы. М., 1988.
27. *Рогова Г. В.* Рабинович Ф. М., Сахаров Т. Е. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. — М., 1975.
28. *Саломатов К. И., Шатилов С. Ф.* Практикум по методике преподавания иностранных языков. — М., 1985.
29. *Строни M. F.* Обучающие игры на уроке английского языка. М., 1981.

296

30. *Скалки В. Л.* Коммуникативные упражнения на английском языке. — М., 1983.
31. *Цетлин В. С.* Методика обучения грамматическим явлениям французского языка в средней школе. М., 1961.
32. *Шатилов С. Ф.* Методика обучения немецкому языку в средней школе. М., 1986.
33. *Шерба Л. В.* Преподавание иностранных языков в средней школе. М., 1974.
34. *Церба Л. В.* Языковая система и речевая деятельность. Л., 1947.
35. *Язикова Н. В.* Сборник задач и заданий по методике преподавания иностранных языков. Л., 1977.
36. Контроль речевых умений в обучении иностранных языков. Под редакцией профессора Цетлина В. С. — М., 1970.
37. Основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX—XX вв. Под редакцией Рахманова И. В. 1972.
38. Методика преподавания иностранных языков за рубежом. М., 1976 Ч. I.
39. Методика преподавания иностранных языков за рубежом. М., 1976 Ч. II
- \* \* \*
1. *Ebel R.* Measuring Educational Achievement. New Jersey, 1965.
  2. *Finorcharo M.* English as Foreign/Second language. New York, 1979.
  3. *Fries Ch. C.* Teaching and Learning English as a Foreign Language. Ann Arbor, 1947.
  4. *Livingstone Card.* Role play in Language Learning. 1988.

5. *Ostrovsky B. S.* English (Optional course) M., 1990.
6. *Palmer H.* Scientific Study and Teaching of Languages. London, 1922.
7. *Rogova G. V.* Methods of Teaching English. Moscow 1983.
8. *West M.* Teaching English in Difficult Circumstances. London, 1960.
9. *Richards G. C.* and *Rodgers Th. S.* Apporaches and Methods in Language teaching. USA, 1993.
10. *L. C. Richards, Piatt, H. Weber.* Longman dictionary of Applied Linguistics, Longman, United Kingdom. 1992.

297

11. *Littewood. W.* Communicative Language Teaching. An Introduction. Cambridge. CUP. 1981.
12. *Allwrite.* Language Learning Through Communicative Practice In ELT Documents, 76/3 The British Council 1977.
13. *Brown H. D.* Principles of Language and Teaching English words, Cliffs 1987.
14. *Canale M* and *Swain M.* Theoretical basis of communicative approaches to second language teaching and testing. In *Applies Linguistics* 1/1. 1-47. 1980.
15. *Canale M.* From communicative competence to communicative language pedagogy. In *J/C/Richards and R. W. Schmidt (eds)* 1983.
16. *Cook V.* Second language learning and language teaching. London Edward Arnold 1991.
17. *Hymes D.* On communicative competence. In *J. B. Pride and J. Homes (eds).* Sociolinduistics Middlesex. Penguin Books Ltd. 1972.
18. *Rashen S.* Princpples and Proctive in Second Language Acquisition. Oxford, Pergam on Press 1982.
19. *Lightbown P. M.* *Spada N.* Theories of Second Language Learning. Oxford OUP (5th print) 1995.
20. *Nunon D.* Research Methods in Language Learning Cambridge. Cambridge University Press, sixth Printing 1997.
21. *Holliday F.* Appropriate Methodology and Social Context. Cambridge. Cambridge University Press 1994.

## **МУНДАРИЖА**

<i>Сўзбоши</i> .....	3
Чет тили ўқитиши методикасининг назарий асослари.	
1-§. Чет тили ўқитиши методикасига кириш.....	5
2-§. Методика чет тили ўқитиши назариясидир.....	6
3-§. Чет тили ўқитиши методикасининг асоси ва яқин фанлар билан алоқаси.....	13
1. Чет тили ўқитиши методикасининг тилшунослик асослари	
. 13	
2. Чет тили ўқитишининг психологик асослари.....	19
3. Чет тили ўқитишининг педагогик асослари.....	25
4-§. Чет тили ўқитишининг мақсадлари ва мазмуни.....	31
1. Ўрта мактабларда чет тили ўқитиши мақсадлари.....	31
2. Чет тили ўқитишининг мазмуни.....	35
5-§. Чет тили ўқитиши методикасининг тамойил, усул ва йўллари.....	39
6-§. Чет тиллар ўқитиши машқдари тизими.....	42
1. Чет тили ўргатишда қўлланиладиган машқдар.....	42
2. Чет тиллари ўқитиши машқдари ва турлари.....	44
7-§. Чет тили ўқитиши воситалари.....	46
8-§. Чет тили ўқитиши методикасининг ривожланиш босқичлари.....	53

1. Чет тиллари ўқитиши методикасида қўлланилган методлар	
. . 53	
2. Ҳозирги замон чет тили ўқитиши методлари.....	57
3. Энг замонавий чет тили ўқитиши методлари.....	60
4. Собйқ Иттифоқца чет тиллар ўқитиши методикасининг ривожланиш босқичлари.....	61
5. Ўзбекистонда чет тиллар ўқитиши методикасининг ри- вожланиш босқичлари.....	67
6. Ўзбекистонда чет тили ўқитиши методикаси	
ривожланиши-нинг 1980 йиддан кейинги босқичи.....	
69	
II боб	
Инглиз тили нутқ фаолиятни асосларини ўргатиши	
А. Инглиз тили материалларини ўргатиши.....	72

## 299

1-§. Инглизча талаффузни ўргатиши.....	74
1. Инглиз тили ўргатишида талаффузнинг аҳамияти, ўрни ва дастур талаблари.....	74
2. Фонетик машғулот.....	82 .
2-§. Инглиз тили грамматикасини ўргатиши.....	85 .
1. Оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзувни ўргатишида грамматиканинг аҳамияти ва ўрни.....	85
2. Чет тили грамматикасини ўргатишидан қузатилган асосий мақсад.....	87
3. Инглиз тили грамматикасини ўргатишида ўқувчи талаба- ларнинг тил тажрибаларини ҳисобга олиш.....	92
3-§. Инглиз тили лексикасини ургатиши.....	106 ^
1. Инглиз тили ўргатишида лексиканинг аҳамияти.....	106
Б. Инглиз тилида нутқ фаолияти турларини ўргатиши.....	130
<i>j</i>	
1-§. Инглиз тилида танглаб тушунишни ўргатиши.....	131 <i>ii</i>
1. Тинглаб тушуниш—нутқ фаолиятининг тури.....	131
<i>»/</i>	
2-§. Инглиз тилида гапирюии ўргатиши.....	140 <i> i</i>

3-§. Инглиз тилида ўқзашши ўргатиш.....	158 ✓
1. Ўқиши нутқ ғаолиятининг психологик хусусиятлари.....	160
2. Ўқиши ўргатишининг мазмуни ва механизми.....	164
4-§. Инглиз тили ёзувини ўргатиш.....	179
1. Ёзув-таълимнинг мақсади ва воситаси.....	179
2. Фикрни ёзма ифода қилишни ўргатиш.....	185
5-§. Таржимани ўргатиш.....	192
6-§. Инглиз тилини ўргатишда ситуациядан фойдаланиш ....	
197 7-§. Инглиз тилида билим, малака ва кўникмаларни текшириш.205	
1. Билим малака кўникмаларни текширишнинг аҳамияти . . .	
205	
2. Текшириш, назорат қилишнинг рейтинг тизими.....	210
III б о б	
Инглиз тилн ўқтиш жараёнини ташкил қилиш	
1-§. Мактабларда инглиз тили ўқитиши мажбурий курсини амалга ошириш.....	217
1. Инглиз тили ўқитиши режалаштириш.....	223
2. Инглиз тили дарси.....	226
2-§. Мактабда инглиз тили ўқитиши мажбурий бўлмаган курсини амалга ошириш.....	237
1. Инглиз тилидан факультатив машғулотлар.....	237
2. Инглиз тилида синфдан, мактабдан ташқари ўтказиладиган ишларни ташкил қилиш.....	243
3-§- Турли типдаги ўқув юртларида инглиз тилини ўқитиши ва режалаштириш.....	250
1. Болалар боғчасида инглиз тили ўргаташ.....	251
<b>300</b>	
2. Гимназияда инглиз тили ўргаташ.....	253
3. Ўрта мактабларда инглиз тили уқитиши ва ўргатиши.....	254
4. Академик лицейларда инглиз тили ўргатиши.....	255
5. Касб-хунар колледжларида инглиз тили ўргатиши.....	256
6. Олий ўқув юртларида инглиз тили ўргатиши ва ўқитиши....	256
7. Магистратурада инглиз тили ўргатиши.....	258
8. Аспирантурада инглиз тили ўргатиши ва ўрганиши.....	258
4-§. Инглиз тили тестлари устида ишлаш методикаси.....	260
<i>Иловишир</i>	
1-§. Инглиз тили методикасидан мустақил ишлар.....	265

2-§. Инглиз тили ўқитиши методикасыдан методик топширик-	
лар.....	273
3-§. Инглизча матнни тинглаб тушуниш бүйича методик топшириклар.....	277
Инглиз тилини ўқиташиб методикасыдан тестлар.....	284
<i>АДАБИЁТЛАР</i> .....	294
Таълим стандартлари, дастурлари ва қўлланмалари.....	295

**301**

**Ў. ҲОШИМОВ, И. ЁҚУБОВ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

*Қўлланма олий ўқув юртининг бакалаврларига  
мўлжалланган*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти Тошкент — 2003

**Муҳаррирлар *Бахром Ҳасанов, Гўзал Ҳасанова*  
Бадиий муҳаррир *Гулчехра Шоабдураҳимова*  
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Мастура Атҳамова*  
Мусаҳҳихлар *Юлдуз Бизаатова, Шарофат Хуррамова***

**302**

Теришга берилди 08.01.2003. Босишга рухсат этилди  
13.03.2003. Бичими 84x108'/J<sub>2</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоби 15,96. Нашриёт-ҳисоб табоби 17,97. Адади  
5.000 нусха. Буюрт-ма № 4495. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси, 700083. Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**

**303**

## **Ҳошимов Ў., Ёқубов И.**

Инглиз тили ўқитиши методикаси / Маъсул муҳар-рир: К. Набиева.-Т.: «Шарқ», 2003.—304 б. I. Муаллифдош.

Сарлавхада: ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим ва-зирлиги,  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари универси-тети.

**304**

### *ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ*

*Ўқув қўлланмасига тузатиш*

*Бетлар Ёзилган Уқилиши лозим*

63	Синтаксик	<b>синтетик</b>
78	Стилистика	<b>СТИЛИСТИК</b>
144	Endish	English
152	Real	Read
156	бир	бор
164	Конструкциялар	конструкциялар
204	Aboyt	About
233	Hadits	Habits
	Tadle	Table
	Capial	Capital
	Preseht	Present
234	Undevstand	Understand
	Senteces	Sentences
	Statemehts	Statements
	Adout	About
	Odjects	Objects
247	An the cinema	At the cinema
262	Chose	Choose
263	Gave	have
272	Doing	Being
	бўйича	бўйича
	іўйидаги ...	куйидаги ...
	шлннганд	қилинганд
	Vocabdluary	vocabulary
	Commeht	comment
	Tule	rule
	possidle	possible
273	Overcom	overcome

	Fnd	Find
	Cive	Give
275	Ochestra	orchestra
278	Therse	There
279	lessona	lessons
281	Hobier	Hobbies
297	Enlglish	English
	Apporaches	Approaches
298	Littewood	Littlewood
	Commimicetive	Communicative
	Lingustics	Linguistics
	Competence	Competence
	Princpples ...	Principles ...
	Proctive	Proactive

**305**



### Ўринбой Ҳошимов

1938 йили Фарғона вилоятида таваллуд топган.

1959 йилда Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институтининг инглиз тили факультетини тугатган. 1959 йилдан шу институттада ўқитувчи лавозимида ишлай бошлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ректор мувонини лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ҳозирда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида кафедра мудири бўлиб ишламоқда. 50дан ортиқ илмий мақолалар, методик ишларнамалар, ўқув дастурлари мувалифи ҳисобланади.



### Исҳоқ Ёқубов

1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1963 йили Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институтини тамомлади. 1966 йилдан институттинг "Чет тилларни ўқитиши методикаси" кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1968-1970 йилларда Морис Торез номли Москва Давлат чет тиллари педагогика институтидаги илмий иш билан шуғулланган. 1970 йилдан бошлаб Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институтидаги ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган.

Ҳозирда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетидаги катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Шу кунга қадар 30 дан ортиқ методикага оид илмий мақолалар ва қўлланмалар мувалифидир.






### **Ўринбой Ҳошимов**

1938 йили Фарғона вилоятида таваллуд топган.

1959 йилда Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институтининг инглиз тили факультетини тугатган. 1959 йилдан шу институтда ўқитув-чи лавозимида ишлай бошлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Давлат

Жаҳон тиллари университетида ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ректор муовини лавозимларида фаолият кўрсатган. Ҳозирда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида кафедра мудири бўлиб ишламокда. 50дан ортиқ илмий мақо лалар, методик ишланмалар, ўқув дастурлари муаллифи ҳисобланади.



### **Исхок Ёқубов**

1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1963 йили Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институтини тамомлади. 1966 йилдан институт-нинг "Чет тилларини ўқитиш мето-дикаси" кафедрасида катта ўқитув-чи лавозимида ишлаган. 1968-1970

йилларда Морис Торез номли Мос-ква Давлат чет тиллари педагогика институтида илмий иш билан шуғулланган. 1970 йилдан бошлаб Тошкент Давлат чет тиллари педагогика

институтида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган.

Ҳозирда Узбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмокда. Шу қунга қа-дар 30 дан ортиқ методикага оид илмий мақолалар ва қўл-ланмалар муаллифидир.